

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**Т.Ҳ. ҲАЙИТОВ
Ш.Б. ВАҲОБОВА**

**ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)**

САМАРҚАНД – 2014

Такризчилар: СамҚХИ Иқтисодиёт ва бошқарув факултети
«Қишлоқ хужалиги иқтисодиёти
ва бошқарув» кафедраси
доценти

О .Муртазаев

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти,
иқтисодиёт назарияси кафедраси
доценти.
шу кафедра доценти

Р. Қаршиев,
Ж.О. Орипов

1-мавзу: КИРИШ.

РЕЖА

- 1- Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишни зарурлиги.
- 2- Иқтисодиёт назарияси фанининг асосий мақсади.
- 3- Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари.
- 4- Иқтисодиёт назариясининг аниқ иқтисодий фанлар ва табиий фанлар билан алоқадорлиги.

Адабиётлар.

1. Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
2. Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006.– 352 с.
3. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
4. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б.
5. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
6. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
7. Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005.– 356 с.
8. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Иқтисодиёт – чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қаратилган ва ҳамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолиятлар бирлигидир.

Эҳтиёж – инсонларнинг яшаши ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган заруриятидир.

Иқтисодий ресурслар – маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қулланишини мумкин бўлган воситалар, имкониятлар ва манбалардир.

Илмий абстракция – иқтисодий жараёнларни илмий билишда қўлланиладиган усулларида бири бўлиб, таҳлил пайтида ҳақиқат берувчи иккинчи даражали воқеа-

ходисаларни эътибордан четлаштириш, асосий ўрганилаётган ходисанинг асл моҳиятига фикрни қаратишдир.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИ ЎРГАНИШНИ ЗАРУРЛИГИ.

Бутун инсоният тарихида иқтисодиётга қизиқиш, унинг қандай соҳа эканлигини тушуниб етишга катта эътибор қаратилган. Жамият ҳаётида ҳақиқатдан ҳам «иқтисод» сўзи кўпдан-кўп учрайди, айрим ҳолларда эса аввал иқтисод, кейин сиёсат тушунчаси ишлатилади.

«Иқтисод» сўзи иқтисодчиларнинг таъкидлашича тор маънода инсон яратган барча неъматларни, табиатдаги барча бойликларни, инсоннинг меҳнатини тежаб-тергаб ишлатиш маъносини англатади. Кенг маънода эса иқтисод деганда инсоннинг тирикчилигини ўтказишга қаратилган ҳўжалик фаолияти тушунилиб, бу фаолият ишлаб чиқаришда бошланиб яратилган маҳсулотларни истеъмол қилиш билан якунланади ва шу тариқа тўхтовсиз такрорланиб туради. Чунки жамият аъзолари истеъмолини, у қай тарзда бўлмасин (шахсий ва унумли истеъмол) тўхтатиб бўлмайди, у доимо юксалиб бориш тенденциясига эгадир. Инсон тирик жон ҳисобланади, шунинг учун биринчи навбатда унинг моддий талаб-эҳтиёжи қондирилиши керак, унга фақат кишиларнинг иқтисодий фаолияти орқали, яъни моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали эришилади. Кишилар яшашлари жараёнида ҳамиша иқтисодий фаолият билан машғул бўладилар. Табиат инъомларига ўзлари яратган меҳнат воситалари билан таъсир этиб, ўз риск-насибаларини яратадилар. Жамият тараққиёти билан уларнинг иқтисодий фаолиятлари ҳам такомиллашиб боради. Чунки янги-янги техника, технология, малака ва кўникмалар пайдо бўлади, ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти шу боис юқори поғоналарга кўтарила боради, фаолият турлари орта боради.

Инсоннинг иқтисодий саъй-ҳаракатлари негизида ҳамиша муайян қонун қоидалар ётади. Бу қонун қоидаларга амал қилиш иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашади, яъни улардан

тўғри фойдаланилса ижобий ва аксинча, нотўғри фойдаланилганда эса салбий натижа бериши мумкин.

Кишилик жамияти узоқ ривожланиш босқичини ўз ичига олади. Бу давр мобайнида кишилар иқтисодий ходисаларни, уларни умумлаштириб, турли фикр ва мулоҳазаларни илмий қарашларни олға сурганлар. Буларнинг натижасида иқтисодиёт илми юзага келган. Бу борада Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифда, аждодларимиз бўлмиш буюк алломалар асарларида иқтисодиёт қонун-қоидаларига, тартибларига, ҳўжалик юритиш усулларига оид фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Лекин бунга яқин йилларгача эътибор берилмасдан келинди. Фақат Ғарбий Европада яшаб ўтган мутафаккирлар устида тўхталиб, улар иқтисодий илмларни ривожлантиришга, фан сифатида юзага келишига катта ҳисса қушганлар деб келдик. Мавжуд дарслик ва қўлланмаларда, рисоаларда улар фикри олға сурилиб, Ўрта ва Яқин Шарқда яшаб ижод этган мутафаккирлар борасида ҳеч нарсa дейилмади. Мустақиллик шарофати билан улар тўғрисида сўз юритиладиган, иқтисодга оид Фикр ва мулоҳазаларини ўрганишга, ҳаётга тадбиқ этишга киришдик.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГАСОСИЙ МАҚСАДИ.

Киши ҳаётида иқтисодиёт муҳим ўрин эгаллар экан, ХХ асрга келиб иқтисодиёт илмига қизиқиш, унга эътибор ғоятда кучайди. Чунки бу даврга келиб жамиятда кўпгина муаммолар пайдо бўла бошладики, уларни бартараф этиш, тежамли ва ўйлаб олиб бориладиган иқтисодий, фаолиятга боғлиқлиги аён бўлди. Масалан, ресурслар чекланганлиги, уларнинг тақчиллиги, экологик муаммолар, демографик ҳолат, мамлакатлар ичидаги ва ўртасидаги нотинчлик ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади.

Айтилганларни амалга оширишда иқтисодий назария фани катта роль ўйнаши керак. Чунки бу бошқа иқтисодий фанларга назарий асос бўлиб хизмат қилиши, иқтисодий фанлар ривожига кўмаклашиши ва ушбу фанлар эришган ютуқлардан фойдаланиб иқтисодий назария ўз предметини ривожлантира бориши лозим. Олимларнинг ёзишича, иқтисодий илмнинг қоидаларини бир саҳифа қоғозга сиғдириш мумкин, аммо шунга қарамай уни жуда

кам киши тушунади. Демак, иқтисодни билиш учун уни кунт билан ўрганиш керак. Таъкидлаганимиздай кишиларга ҳамма замонларда иқтисодий билимлар зарур бўлган, чунки иқтисод уй-рўзғордан, уй хўжалигидан бошланади ва ҳамма уни билиши зарур ҳисобланади.

Ҳаммага маълумки, кишилар бугунги кун билан эмас, балки келажак умиди билан ҳам яшайдилар. Бундан келиб чиқиб, иқтисодиёт илми эса шу кун ҳадисларини тушунтириш билан чекланмайди, балки келажакни ҳам англашга кўмак беради. Хусусан, янги аср бўсағасида иқтисодий билимлар катта аҳамият касб этади, чунки янги давр иқтисодиётда ҳам улкан янгиликларни воқеъ қилиши кутилмоқда. Шу талаблар асосида иқтисодиёт, унинг қонун-қоидаларини тушунадиган, уни ҳаётга тадбиқ эта оладиган кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши қонунларини, унинг тамойилларини, қоидаларини жамият аъзолари қанчалик чуқур эгалласалар, жамият бўйича шунчалик хатарга (касодга учраш, ишсизлик, даромадсиз қолиш ва хоказолар) кам йўлиқиш, йўлиққан тақдирда ҳам ундан кам талофат билан чиқиш мумкин бўлади.

Юқорида иқтисодий назария фани туғрисида қисқача тўхталдик. Ҳозирги шароитда иқтисодий назарияни ўрганишда микро ва макро иқтисодий таҳлил орқали ёндошадилар. Бундай ёндошиш иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлмиш кичик ячейкалардан бошлаб, (тармоқ иқтисодиёти), макро кўламда таҳлил қилишга ўтиш имконини беради. Биз ҳам ушбу қўлланмада шунга амал қилдик.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНING ВАЗИФАЛАРИ

Иқтисодиёт назарияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Иқтисодиёт сир асрорларини билиб олиш, уларни халққа етказиб, омманинг иқтисодий билим савиясини ошириш.

2. Бошқа (амалиёт иқтисодий фанларга) иқтисодий фанларга илмий методологик асос бўлиб хизмат қилади, улардан ўрганади ва ўз предметини бойитади, шу асосда маълум умумлаштиришни ўтказган ҳолда янги қоидаларни асослайди, эскиларига ўзгартириш киритади.

3. Назариядан келиб чиқиб умумиқтисодий сиёсатга тегишли бўлган тавсиялар беради.

Иқтисодий назария реал ҳақиқий иқтисодий ҳаётдан ўзгаришларни умумлаштириб илмий жиҳатдан ўзига сингдириб боради ва фан сифатида янги хулосалар билан бойиб туради.

Назария асосланган қонун қоидаларга биноан иқтисодий фаолиятни ташкил этиш иқтисодий ўсиш ва фаровонликни ортиб боришини таъминлайди.

Назарий хулосаларни эса сурамай-нетмай, кўр-кўрона қўллаш иқтисодни издан чиқаради. Иқтисодий назариянинг етуклик даражаси фаннинг нақадар ривожланганлигини билдиради. Агар жамиятнинг интеллектуал даражаси (потенциали) қанчалик юқори бўлса шунчалик иқтисодий назария ривож топади, уларнинг иқтисод учун аҳамияти ортиб боради.

Чет элларда ўтиладиган иқтисодий назария курсида ҳам юқорида айтганларга амал қилинади. Айрим ҳолларда унинг доираси кенгроқ талқин этилади ҳамда шу кунинг долзарб вазифалари унда ёритилади ва ҳатто, давлат миқёсида уларни кўтариб чиқадилар, уни ҳал қилишга кўпчилик билан бир қаторда давлатни ҳам жалб этадилар. У ерда ҳам иқтисодий назарияга кишиларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот ва моддий неъматлари истеъмол қилиш жараёнидаги муносабатларни ўрганувчи, тадқиқот қилувчи фан деб қарайдилар. Ҳозирги шароитда бу фан доирасида янада кенгроқ тадқиқ қилиниб, унга биологик ва социал истеъмолни ҳам камраб олади деб қарамоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам бизни табиий ва бошқа моддий бойликлар ўраб олган ва биз уларни ишга солиш учун маълум имкониятларга, яъни маълум малака маҳорат, техника технология иш кучи, бошқариш маҳорати ва ҳ.зо эгамиз. Уларни ишга солиб моддий неъматлар яратамиз.

Айтилганларнинг ҳаммаси биргаликда жамиятнинг иқтисодий системасини ташкил этади. Лекин уни ўзига хос муаммолари мавжуд, бунга энг аввало ресурсларнинг чекланганлигини киритиш мумкин, бу эса ўз навбатида кўпгина вазифаларни идеал ҳал этишга имкон бермайди. Демак, иқтисодий назария чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали, унумли фойдаланиш, уни уддабурона бошқариш асосида аҳоли истеъмолини тўла қондириш йўллари устида фикр

юритиш, назарий жиҳатдан тадқиқот ишлари олиб боради. Ҳозирги шароитдаги ҳолат, яъни ишсизлик, инфляция муаммоси, ҳарбий ҳаражатлар, бюджет таъминоти, камбағаллик ва қашшоқлик, тенгсизлик (миллатлараро), атроф муҳитнинг ифлосланиши, бизнесни бошқаришда давлатни аралашуви, ҳаммаси чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга бориб тақалади, чунки ресурсларни кўпчилиги тикланмайди.

Масалан, хўжалик фаолиятида юргизиладиган ерни олиб қарайлик у чекланган, аммо ер юзи аҳолиси йил сайин ўсиб бормоқда.

Ҳозирги шароитда иқтисодчилар иқтисод доирасидан чиқиб сиёсатдоирасига ҳам кириб бормоқдалар. Масалан, Президент ёки парламентга ҳар йили мамлакат иқтисодиёти ҳақида ёзма докладлар тақдим этадилар.

Унда ишсизлик ва инфляция, иқтисодий ўсиш ва унумдорлик, солиққа тортиш давлат ҳаражатлари, камбағаллик даражасини ушлаб туриш тўлов баланси, экология, камситиш, имиграция, конкуренция ва монополияга қарши қонунчилик ва бошқалар тўғрисида сўз юритилди. Бундан ташқари иқтисодий назария индивидуал (шахсий хўжалик тадбиркорлик) соҳада ҳам нималарга эътибор бериш лозимлигини ҳақида кўрсатмалар ва прогнозлар беради. Масалан, қандай касб танлаш, уларга бўлган талаб, қайси соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш хусусида сўз юритилади.

Умуман иқтисодий назария ҳаётий фактларга асосланган ҳолда иш юритади, чунки назария фактларсиз бўшлиқ, пуч, ҳеч нарсани англатмайди, фактлар эса назариясиз ақлсизликдир. Бунда иқтисодий фактларни ноиқтисодий далиллардан ажратиш лозим бўлади. Шундагина ўз самарасини беради. Чет эл иқтисодчилари фикрича иқтисодий назария маълум иқтисодий мақсадни кўзлайди. Улардан асосийлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин.

1. Иқтисодий ўсиш шу асосда юқори турмуш даржасига эришиш.

2. Тўла бандлик – ҳаммани (ишга яроқлиларни) улар қўлидан келадиган уларга мос тушадиган иш билан таъминлаш.

3. Иқтисодий самарадорлик – яъни ресурслар чекланганлиги шароитида кам харажат, паст таннарх билан юқори натижага эришиш.

4. Баҳолар даражасини стабеллигига эришишларнинг юқори ва паст бўлишини олдини олиш, яъни инфляция ва дефляцияга йўл қўймаслик.

5. Иқтисодий эркинлик – ҳамма фаолият кўрсатаётганлар иқтисодий эркинликаа эга бўлишлари лозим, яъни бошқаришда улар фаолиятида буйруқбозлик ва бошқалар бўлмаслиги керак.

6. Даромадларни оқилона тақсимлаш – жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ қашшоқликда кун кечирмаслиги, улардан ҳоли бўлиши лозим.

7. Иқтисодий таъминлаш, таъминланганлик яъни доимий касаллар, ногиронлар, фаолияти чекланганлар, қариялар ва бошқаларни таъминлаб туриш иқтисодий ҳимоялаш.

8. Савдо баланси – жаҳон, яъни халқаро миқёсда савдо ва молия балансини муносиблигига эришиш ва уни таъминлаш каби иқтисодий мақсадларга бутун фаолият йўналтирилиши ва шунга қаратилиши лозим. Масалан, даромади иш ҳақи паст бўлган ишчи ҳеч қачон меҳнатга иштиёқи юқори бўлмайди, қизиқиши паст бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитидан чиққан бўлса, кишининг оладиган даромади паст бўлса, аҳоли ҳеч қачон инвестицияни амалга оширмайди, акция сотиб олмайди ёки пул жамғармаларини банкка қўймайди. Бу пул муаммосини қийинлаштириб инфляцияга олиб келиши мумкин.

Биз кейинги йиллардагина чет элларнинг иқтисодиёт соҳасидаги тажрибаларидан ўқиш ва ўқитишда фойдаланиладиган бўлдик. Улар тажрибаси фойдадан холи эмас.

Иқтисодиёт назарияси ижтимоий-гуманитар фанлар жумласига киради, шунинг учун ҳам ижтимоий фанлар тарих, фалсафа, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан бевосита боғлиқликда ўрганилади ва бир-бирини тўлдиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек иқтисодий жараёнлар макро ва микро даражада ўрганилади. Иқтисодиёт назарияси макроиқтисодиёт, яъни жамият миқёсидаги кўрсаткичларни ўрганса, иккинчи гуруҳ аниқ иқтисодий фанлар эса микроиқтисодий кўрсаткичларни, яъни корхона ва тармоқлар даражасидаги иқтисодиётни ўрганади.

Иқтисодиёт назарияси чиқарган хулосалар аниқ иқтисодий фанлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт назариясининг назарий хулосалари амалиётда аниқ иқтисодий фанлар орқали тасдиқланади. Шу маънода иқтисодиёт назарияси фани аниқ иқтисодий фанлар билан бевосита боғлиқликда, алоқадорликда бўлади.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНING АНИҚ ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР ВА ТАБИЙ ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ.

Иқтисодиёт назариясининг табиий фанлар билан ҳам алоқаси кучли. Маълумки иқтисодиёт назарияси ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганса, табиий фанлар ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётини ўргатади. Ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг икки томонидир. Ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиради, ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашуви ишлаб чиқариш кучларини ривожланишига кенг йўл очиб беради. Шу туфайли иқтисодиёт назарияси табиий фанлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, бирининг ривожланиши иккинчисини ривожланишига олиб келади, бу фанлар ҳар доим ўзаро алоқадорликда ўргатилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нима учун иқтисодиёт назарияси фанини ўрганамиз.
2. Иқтисодиёт назариясининг шаклланишининг асосий йўналишини айтинг?
3. Иқтисодиёт назарияси қандай фанлар жумласига киради?

2-мавзу: ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БИЛИШ УСЛУБИ.

Р е ж а

1. Иқтисодиёт тушунчаси ва унинг бош масаласи. Иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Иқтисодиёт назарияси фанинг предмети. иқтисодий қонунлар ва категориялар.
3. Иқтисодий жараёнларни ўрганиш услублари.
4. Иқтисодиёт назариясининг талаба ёшлар онгида илмий дунёқаришини шакллантиришдаги аҳамияти.

АДАБИЁТЛАР

- 1- Каримов И.А.- Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.Ўзбекистон. 1998. 117-417 бетлар.
- 2- 2. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
- 3- Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 4- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
- 5- Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
- 6- Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

Иқтисодиёт – чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, инсонлар учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қаратилган ва чамбарчас боғлиқликда амал қиладиган фаолиятлар бирлигидир.

Эҳтиёж – инсонларнинг яшаши ва камол топиши учун керакли ҳаётий воситаларга бўлган заруриятидир.

Иқтисодий ресурслар – маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш уларни истеъмолчиларга етказиб

бериш ва истеъмол жараёнларида қулланишини мумкин бўлган воситалар, имкониятлар ва манбалардир.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети – иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни (ва хизматларни) ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлари тизимини, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун-қоидаларини ўрганишдан иборатдир.

Услугият – иқтисодий жараёнларни илмий билишнинг принциплари, йўллари, қонун-қоидалари, аниқ ходисалари тизимидир.

Илмий абстракция – иқтисодий жараёнларни илмий билишда қўлланиладиган усулларида бири бўлиб, таҳлил пайтида ҳалақит берувчи иккинчи даражали воқеа-ҳодисаларни эътибордан четлаштириш, асосий ўрганилаётган ҳодисанинг асл моҳиятига фикрни қаратишдир.

ИҚТИСОДИЁТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БОШ МАСАЛАСИ.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ.

Иқтисодиёт тушунчаси қадимий тушунча бўлиб, инсоният пайдо бўлибдики иқтисод билан шуғулланадилар. Чунки иқтисодсиз жамият бўлмайди, иқтисодсиз кишилар яшайолмайдилар. Жамиятда инсон якка ҳолда яшайолмаганидек, иқтисодий алоқаларсиз ҳам яшайолмайди. Кишилар жамиятда қандай фаолият билан шуғулланмасин, аввало иқтисодий масалаларни (овқатланиш, кийиниш, уй-жойга эга бўлиш ва бошқалар) ҳал этмоғи керак. Бундан хулоса шуки, бу фан махсус фан сифатида ўқитилмаган пайтларда ҳам кишилар иқтисодий муаммоларга дуч келганлар ва иқтисодий алоқаларни амалга оширганлар.

Иқтисоднинг асосий (бош) муаммоси эҳтиёжларнинг чексизлиги, чексиз эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурсларнинг чекланганлигидир. Инсоният доимий равишда бу муаммога ду келадилар ва борган сари, бу муаммони ечиш мураккаблашиб бораверади, чунки ресурсларнинг етишмаслиги (танқислиги) кучлироқ сезила бошлайди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб, 447,4 минг кв.км. майдони бўлиб шу ерда ҳозир 24 млн. киши яшаётган бўлса, ҳисоб китобларга кўра 2050 йилда Ўзбекистон аҳолиси 40,4 млн. кишига етади. Ана шу вақтда ҳам шу ер майдонидан фойдаланиб яшайдилар. Демак, ер майдони ўзгармайди (ўзгартириш имконияти йўқ), лекин аҳолининг сони борган сари ўсиб бормоқда. Аҳолининг ўсиб бориши, янги-янги эҳтиёжларни пайдо бўлишлиги янги муаммоларни келтириб чиқаради. Худди шунингдек сув ресурслари ҳам, ер ости бойликлари ҳам чеклангандир. Бу фикрлардан, келиб чиқиб, инсонлар олдидаги энг асосий вазифа ана шу муаммони ечишдир. Муаммони ечишнинг асосий йўли чекланган ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона, самарали фойдаланишдир. Бунинг учун кишилардан иқтисодий билимларга эга бўлишликни талаб қилинади. Кишиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришда иқтисодиёт назарияси фани алоҳида ўрин эгаллайди.

Бозор иқтисодиётига борган сари кишилар олдида яна янги муаммолар пайдо бўлади. Бу муаммолар жумласига нима ишлаб чиқариш? Қандай ишлаб чиқариш? ва ким учун ишлаб чиқариш каби масалалар кундаланг бўлиб туради. Бу масалалар айниқса эндигина бозор иқтисодиёти сари бораётган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган жамиятда бу муаммоларни бевосита ишлаб чиқарувчилар эмас балки, давлат томонидан юқорида ҳал қилинган. Шу туфайли ҳам ишлаб чиқарувчилар ўз маъсулиятларини сезмаганлар., улар фақат давлат томонидан режалаштирилган маҳсулотнигина ишлаб чиқарганлар, ўзларини эркин ҳис этмаганлар. Моддий манфаатдорлик бўлмаганлиги туфайли ресурсларни тежаб ишлатиш, ишлаб чиқаришга янгиликларни киритиб, меҳнат унумдорлигини устириш тўғрисида қайғурмаганлар, ўзлари ишлаб чиқарган меҳнат натижаларини ўзлари сотмаганлиги

туфайли маҳсулот сифатини яхшилаш тўғрисида қайғурмаганлар. Бозор иқтисодиёти шароитида янги муносабатлар ўрнатилади, нима ишлаб чиқариш? қандай ишлаб чиқариш? ва ким учун ишлаб чиқариш? масалалари бевосита ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳал қилинади. Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг маъсулиятини оширади. Ресурслардан тежаб тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини киритиш, маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари бевосита ишлаб чиқарувчининг вазифаси бўлиб қолади, унинг моддий манфаатдорлиги бевосита ана шу масалаларни қандай ечилишига боғлиқ бўлиб қолади. Демак, кишилар бу муаммоларни ечиш учун яна иқтисодий билимларга эҳтиёж сезади. Ўз иқтисодий билимларини оширишга мажбур бўладилар.

Шундай қилиб, кишиларнинг яшаши учун ўз муаммоларини ечишда

Иқтисодиёт фани яқиндан ёрдам беради, уларнинг оғирини енгил қилади.

Инсоният тарихи пайдо бўлганидан бошлаб иқтисодиётга оид кўпгина ғоялар, қарашлар, тавсиялар олға сурилган. Улар асосида ҳар хил назариялар пайдо бўла бошлаган. Бу назариялар асосида бир мақсад у ҳам бўлса хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш шу асосда мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш хазинани тўлдириш, иложи борича халққа яхши турмуш шароитини яратиш беришга қаратишдан иборат бўлган.

Шарқ ва ғарб мутафаккирлари иқтисодий ҳодисаларни назарий жиҳатдан таҳлил этиб иқтисодиётда ҳам маълум қонун ва категориялар борлиги ва шу қонунлар асосида ривожланиши мумкин деган ғояларни олға сурганлар.

Иқтисодиётга оид ислом қонун қоидалари Қуръони Каримда келтирилган, кишилар ўз фаолиятларида унга амал қилганлар, шу асосда хулосалар чиқарганлар ва бу қарашларни янада ривожлантиришга уз ҳиссаларини қўшганлар. Қуръони Каримда иқтисодиёт назариясига оид фикр ва мулоҳазалар бир томонлама характерга эга бўлиб, унинг маънавий томонига чуқур урғу берилган.

Фақатгина XVII-XIX асрлардагина бу борада муайян назариялар яратилди десак бўлади. Бозор иқтисодиётининг шиддатли ривожланиши ҳам Ғарб мамлакатларида шу даврга

тўғри келади. Бозор иқтисодиёти-нинг шиддатли ривожланиш сир-асрорларини билишга интилиш кучли бўлган. Классик деб тан олинган В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо иқтисодиётга оид ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, хўжалик юритишнинг у ёки бу соҳасини ривожлантириш тўғрисида маслаҳатлар берганлар. Умуман, иқтисодиётда пайдо бўлган назария ва оқимларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Меркантилизм – бу оқим намоёндалари (А.Монкретин, Ж.Б.Кольбер ва бошқалар, XVI) олтин асосий бойлик тимсоли деб қараганлар, яъни бойлик бу энг аввало олтиндур. Олтинни эса савдо келтиради деб қараганлар.

2. Физиократлар – бу оқим намоёндалари (Ф.Кенэ, У.Петти, А.Тюрго ва бошқалар) бойликни деҳқонлар, яъни қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар яратади деб қараганлар.

3. А.Смит, Д.Рикардо ва бошқалар бойликнинг асосида унумли меҳнат ётади деб қараганлар. Яъни нафақат қишлоқ хўжалигидаги меҳнат, балки саноатдаги меҳнатни ҳам бирга олиб қараш лозим деганлар. Улар меҳнатнинг қиймат назариясини тўла очишга яқинлашган эдилар. Бу ишни К.Маркс ўз ишларида очиб берди, лекин у иқтисодиётга бир томонлама – синфий нуқтаи-назардан ёндошган эди.

4. Кейнсчилар – бу кейинги йилларда пайдо бўлган назария бўлиб, ушбу таълимотни асосчиси Ж.М.Кейнс (1883-1946) ҳисобланади. Унинг 1936 йилда ёзган асари «Иш билан банд бўлиш, процент ва пулни умумий назарияси» деб аталади ва бу асар иқтисодиёт назариясига бўлган қарашларни ўзгартириб юборди. У бошқа назариялардан фарқ қилиб иқтисодиётга макроиқтисодий нуқтаи назардан қарашни олға суради. Унгача иқтисодчилар макроиқтисодий муаммолар билан машғул бўлишган. Ж.Кейнсни хизмати шундан иборатки, у иқтисодиётда янги йўналиш яратди, яъни макроиқтисодиёт жараёнларни тартиблаш назариясини асослаб берди. Демак у ўз эътиборини макроиқтисодий таҳлилга кўчиради, иқтисодни жамият миқёсида яқиндан олиб қараш лозимлигини қайд этади.

У ўз таълимотида аҳоли даромадининг жамғарилиши, инвестициялар, истеъмол, муомаладаги пул миқдори, нарх-наво, иш ҳақи, фойда ва фойиз ўртасидаги алоқа боғланишларни очиб

беради ва уларни яхлит биргаликда таҳлил қилишни тавсия этади.

5. Монетаризм – бу ҳозирги шароитда иқтисодиётда кенг тарқалган оқимдир. Монетаризм кейнсчилар таълимотига муқобил назария сифатида юзага келган ва соф бозор иқтисодиёти назарияси ҳисобланади. Бу таълимотга “Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар” (1956 й) деган асар асос солган. Улар ғоясига биноан иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул деган хулосадан иборатдир. Монетаризм пулни олқишловчи назариядир. Монитаристлар иқтисодий ўсишнинг энг муҳим шарти инфляцияни даф этиш ва пулни соғломлаштириш деб қарайдилар. Уларнинг фикрича иқтисодиётга аралашиши инфляцияни кучайиб кетишига сабаб бўлади, шу боисдан давлатнинг иқтисодий фаолияти пул муомаласини тартибга солиш билан чекланиши керак деб қарайдилар.

Айтилганлардан шу нарса маълум бўлдики кейнсчилар ва монетаристлар иқтисодни тартиблашга ёндашиш бўйича бири-биридан фарқланадилар, яъни кейнсчилар барқарорликка бозор механизми орқали эришиб бўлмайди, унга давлатнинг аралашуви зарур деб қарасалар, монетаристлар эса аксинча барқарорликка эришиш бозор механизмнинг иши, чунки бозор иқтисодиётига ички барқарорлик бера олади деб ҳисоблайдилар.

Бундан ташқари монетаристлар кейнсчилардан фарқлироқ тўла иш билан бандлик иқтисодий ўсишга кучли таъсир этмайди, чунки унинг самараси катта бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Монетаристлар пул ҳаракати тезлиги ва ишлаб чиқариш ҳажми оз ва секин ўзгаради деган хулосага келадилар. Уларнинг фикрича иқтисодиётни тартиблаш учун муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни нормал ҳолга келтириш зарур, бу ишни эса марказий банк амалга ошириши керак деб қарайдилар.

Марксистлар ҳам монетаристлар каби пул массаси билан ишлаб чиқариш ўртасида боғланиш мавжудлигини тан оладилар, лекин уни бош мувозанат деб қарамайдилар.

Кейнсчилар ва монетаристлар назарияларининг ижобий ва салбий томонлари ҳам мавжуддир. Кейнсчилар назариясига амал қилиш туфайли Ғарб мамлакатларида ишсизлар сонини

қисқартириб уларни ҳиссасини 3-6 фоизга камайтиришга муваффақ бўлинади. Аммо инфляцияни жиловлаб бўлмади.

Монетаристлар назариясига биноан иш тутган мамлакатларда инфляция суръатларини пасайтиришга сундиришга эришилди. Аммо ишсизлик ортиб борди, уткир социал муаммога айланди, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самараси пасайди.

Юқорида баён этилган икки назария тавсиялари бир вазиятда қўл келса, бошқа вазиятда иш бермай қўйиши мумкин. Бу назарияларда ҳар-хил шароитлар ўз аксини топган.

Кейнсчилар асосий эътиборини давлатнинг иқтисодиётини тартиблаш кучига қаратган бўлсалар, сонитаристлар эса бозор воситаларига қаратадилар ва давлат иқтисодиётга кам аралашуви маъқул дейдилар. Аммо ҳар иккала оқим ҳам иқтисодиётга социал-иқтисодий муносабатлар таъсирини ҳисобга олганлар. Бу икки назарий оқим қарашларини социал-иқтисодий муаммолар таъсири билан олиб қараб иқтисодиётда қўлланилса шак-шубҳасиз яхши натижа бериши мумкин.

Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида ҳар иккала назарий оқим сурган қарашлардан фойдаланилса ижобий натижа беради деб ўйлайсиз. Муаммо фақат уни илмий асосда қўллаб билишдан иборатдир.

6. Институционализм ижтимоий ҳодисаларнинг иқтисодиётга таъсири бирламчи аҳамиятга эга деб қарайди. Улар иқтисодий воқеълик кўринишларини инсон психологияси, ҳуқуқий муносабатлар, демографияга боғлиқ деб қарайдилар. Ҳозирги институционализм вакиллари фан техника революциясига эътибор бериб, унинг ўзи мўл-кўлчиликни юзага келтиради деб ҳисоблайдилар. Улар фикрига келгуси жамият технокритарияга асосланган бўлиши керак. Бу назарий оқим ҳам кейнсчилардек иқтисодиётга давлат аралашувига катта эътибор берадилар. Аммо бозор хўжаликлар алоқаларига аралашмасдан, фақатгина ҳуқуқий, сиёсий томондан ёндашиш, эркин рақобатга йўл очиш мумкин деб қарайдилар.

7. Либерализм деган назарий оқим мавжудки, у асримизнинг 20-30 йилларида шаклланган бўлиб, бу оқим эркинлик тарафдоридир. Яъни бозор иқтисодиётига хос эркин фаолият юритиш қоидаларига йўл очиб бериш зарурлигини, иқтисодиётга бозор регулятори орқали мувозанатга эришиш мумкинлигини тан

олувчи назариядир. Бу оқим иқтисодиётга давлат аралашувини тоталитаризм деб қарайди ва унга қарши чиқади, лекин давлатнинг социал мувозанатни сақлашдаги вазифани маъқул деб билади.

8. Неолиберализм (янгича либерализм) назарий оқими ҳам мавжуд, бу оқим намояндалари хўжалик юритишда моддий рағбатлантиришга катта аҳамият беради. Бу назарий оқим иқтисодиётда қўлланилса шак-шубҳасиз ижобий самара беради, аммо бунинг учун асосий ишлаб чиқариш - моддий ишлаб чиқариш юқори даражада ривожланган бўлиши керак. Социал соҳани ҳисобга олиб иш юритишда иқтисодий имкон бериш керак. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакат ушбу иқтисодий назариялар асосида ривожланган бўлса ёмон натижаларга эришгани йўқ. Айримлари ўз халқига фаровонликни таъминлади.

Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодиётида ушбу назарий оқимларни тадбиқ этса, уларга асосланиб иш юритса, тадбиркорлар, ишбилармонлар, сиёсатчилар унга амал қилсалар, аминмизки, иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ.

Илм маърифат ривожланган сари кўпгина янги фанлар пайдо бўлади ва билимлар тизимида ўз ўрнини топади. Шартли равишда фанларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: табиий–техникавий фанлар ва ижтимоий-гуманитар фанлар. Иқтисодий фанлар иккинчи гуруҳга киради, улардан бири иқтисодиёт назариясидир.

Иқтисодиёт назарияси предметиға ҳар хил таъриф берилган. Назария сиёсий иқтисод деб юритилган кезларда, дастлаб уни айирбошлаш ҳақидаги фан деб аташган. Кейинчалик унинг предметиға ишлаб чиқариш фаолиятини, хусусан деҳқончиликни киритишган. Сўнгра назария – сиёсий иқтисод – бойликни яратиш, уни айирбошлаш ва уни истеъмол этиш ҳақидаги фан деб талқин этилган. Иқтисодчилар пировард натижада иқтисодий назария ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни ўрганади деган хулосага келишди.

Ғарбдаги йирик иқтисодчилар назария қандай фан деганда, унга қисқа ва лўнда жавоб бериб бўлмайди деб ҳисоблашади. «Иқтисодиёт назарияси» корхонани бошқариш тўғрисидаги фан эмас. У қандай қилиб миллион долларни топишдан иборат муваффақият сирини, йиллик молиявий ҳисобот, ёхуд биржадаги акция курсини олдиндан била олиш сирларини очиб бермайди. Мазкур фан назария бўлганида умумиқтисодий қонунлар ва категорияларни таҳлил этиш ва изоҳлаш орқали ўз предметини ўрганади» деган П.Самуэльсон.

Иқтисодиёт назарияси жамиятда юз берадиган иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар, уларга хос бўлган алоқа боғланишларни, уларнинг қонун-қоидаларини ва кишилар фаолиятида намоён бўлишини ўргатувчи фандир. Иқтисод ҳар қандай жамиятнинг яшаши ва ривожланиб бориш шарт-шароити, чунки тирикчилик неъматлари ишлаб чиқарилмайдиган ва кишиларнинг ҳаётий талаб-эҳтиёжлари қондирилмайдиган жамият бўлиши асло мумкин эмас. Жамият бор экан, у ерда ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол мавжуд, улар ўзаро боғланган, узлуксиз бирин-кетин юз беради. Жамият кишилардан иборат экан, унинг иқтисодий тузумини кишиларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилар ўз иқтисодий алоқа – боғланишларни, иқтисодий муносабатларни эркин ўз билганича таъминлай олмайдилар, чунки бу объектив реалликдан келиб чиқади. Агар жамият бозор иқтисодиётига асосланган бўлса, кишилар бозор муносабатидан бошқа алоқалар ўрната олмайдилар, чунки объектив иқтисодий шароит шундай. Иқтисодий жараёнлар ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол соҳаларида юз берар экан, шу соҳаларнинг ҳар бирига ва уларнинг жамига хос бўлган ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибати иқтисодий назарияда ўрганилади. Иқтисодий воқелик – объектив реаллик, уни ҳар ким ўз билганича, субъектив хохиш-иродага қараб ўзгартириб бўлмайди. Аммо иқтисодиётнинг табиатдаги ҳодисалардан муҳим фарқи бор:

1. Табиат кишилиқ жамияти бўлмасда амалда бўлиши мумкин, лекин жамият табиатдан ташқарида бўла олмайди, чунки у табиат ресурсларини ишлатиш билан боғлиқ табиат иқтисодиётнинг моддий асоси.

2. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар табиатдаги ўзгаришларга қараганда ғо-ят тез боради, шу сабабли иқтисодиётнинг ривожланиш қонунлари доимо ўзгариб туради, айниқса бу иқтисодий системалар ўрин алмашганда юз беради.

3. Табиий ҳодисалар кишилар иштирокисиз ўз ўзидан юз бера олса, иқтисодий ҳодисалар кишилар фаолиятисиз юз бермайди, аммо бу фаолиятни объектив шароит тақозо этади.

Назарияда мана шу фарқланиш ҳисобга олинади. Иқтисодий фаолият объектив тақозо этилса-да кишиларнинг маълум мақсадни кўзлаган, онгли ҳатти-ҳаракатидан иборатдир. Назарияда иқтисодий қонунларнинг моҳияти, амал қилиш усуллари, қонунлардан амалий иқтисодиётда фойдаланиш механизми ўрганилади.

Иқтисодиёт учун ишлаб чиқариш бирламчи, устуворликка эга. Ишлаб чиқариш деганда фақат маҳсулотларни эмас, балки кишиларнинг талаб эҳтиёжини қондирувчи турли хизматларни яратишни ҳам тушунилади. Назарияда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган омиллар ёки ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг юқори самара билан ишлатилишини таъминловчи иқтисодий шарт-шароит (муносабатлар) ҳамда улардан келиб чиқадиган стимуллар баён этилади. Аммо ишлаб чиқариш омилларининг техникавий, химиявий ёхуд физиологик хиссалари эмас, балки уларнинг социал-иқтисодий шакли, уларнинг реал иқтисодда тутган ўрни қараб чиқилади. Иқтисодиёт назарияси техника-технологияни бевосита ўрганмасдан, унинг иқтисодиётга таъсирини четлаб ўтмайди, аксинча ҳисобга олади. У техника-технологияни жорий этиш ёки этмасликнинг иқтисодий чегараларини назарий асослайди. Назарий табиий ҳодисаларни таҳлил этмайди, албатта, лекин у хўжалик фаолиятининг табиатга таъсирини ва у нималарга олиб келишини қараб чиқади.

Назария иқтисодни соф ҳолда эмас, балки социал-сиёсий, рухий-ахлоқий, миллий-демографик омиллар таъсирини инобатга олиб ўрганади. Иқтисодиёт – ижтимоий ҳаётнинг бир қисми, унинг таъсиридан холи эмас. Иқтисодий жихатни ягона ҳал қилувчи жиҳат деб қараш мавҳумий ва беъманиликдир. Иқтисодиёт бирламчи бўла туриб бошқа турдаги муносабат таъсирида бўлади.

Назария сиёсатнинг иқтисодиётга қайта таъсирини ҳам ўрганади. Сиёсат иқтисодга қараб шаклланади. Шу маънода иқтисод сиёсатга нисбатан бирламчи. Аммо тўғри танланган сиёсат иқтисодга ижобий, нотўғри юритилган сиёсат эса унга салбий таъсир ўтказади. Иқтисодий вазиятни шу вазиятда қонунларнинг амал қилиш, бинабарин, иқтисодий зарурат мавжудлигини, уни юзага чиқариш чора-тадбирларини белгиловчи сиёсат иқтисодий ривожланишга фаол таъсир этади. Иқтисодий назария иқтисодиёт ривожланиши қонун-қоидаларини ўрганар экан, уларга тараққиётнинг асосий йўналишларини ёритар экан, шу маънода у сиёсатнинг илмий асоси бўлади.

ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЛАР ВА КАТЕГОРИЯЛАР.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ҳодисаларнинг белгилари умумлаштириш асосида қонунларда таърифланади.

Иқтисодий қонунлар – иқтисодий жараёнларнинг турли муҳим то-монлари ўртасидаги муҳим такрорланиб ва юзага келиб турадиган узвий иқтисодий заруратни тақазо этувчи сабаб-оқибат, алоқа боғланиш-ларидир. Қонунлар маълум иқтисодий жараён ва айрим ҳодисаларнинг муқаррарлигини билдиради. Масалан, меҳнат тақсимооти қонуни муқаррар равишда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини билдиради. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Умумиқтисодий қонунлар.
2. Формацион-махсус қонунлар.
3. Даврий-оралиқ қонунлар.

Умумиқтисодий қонунлар – жамият тараққиётининг ҳамма босқич-ларида, иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъий назар амал қилувчи қонунлар. Булар жумласига меҳнат тақсимооти, жамғариш, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиши, меҳнат турларининг ўрин алмашуви қонунлари кабилар киради.

Формацион-махсус қонунлар – махсус иқтисодий қонунлар – фақат муайян социал-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи қонунлар ёки «изм»лар қонуни. Булар таркибига масалан, феодализм, капитализм қонунлари кабилар киради.

Даврий-оралиқ қонунлар – бу турли социал-иқтисодий системада, аммо маълум даврда амал қилувчи системаларни махсус тузимига алоқаси бўлмагани ҳолда уларни бирлаштириб боғлаб турувчи муносабатларга хос қонунлар. Бу ҳозирчалик ўз мазмуни билан бозор иқтисоди қонунларидир. Бу қонунлар нафақат «изм»лар шароитида, балки улар бўлмасада амал қилади, чунки улар маълум тарихий босқичдаги умуминсоний муносабатларни билдиради.

Иқтисодий назария категория ва қонунларни улар қайси гуруҳга мансуб бўлмасин, яхлитликда олиб қарайди, қонунларни бир тизимда ўзаро таъсир остида амал қилишни ҳисобга олади.

Ҳар-бир фан ўз предметини категориялар ёрдамида ўрганади.

Иқтисодий категориялар – бу иқтисодиётни ўрганишда қўлланила-диган назарий тушунчалар бўлиб, улар реал иқтисодий воқеликни илмий инъикоси, ифода этилишидир.

Категориялар – илмий фикрлаш маҳсулидир. Уларни кундалик ҳаётда учрайдиган тушунчалардан фарқлаш зарур. Масалан, кундалик ҳаётда, бозор деганда, кўпчилик йиғилиб савдо қиладиган жой тушунилади. Назарияда эса бозор деганда жой эмас, балки пул ёрдамидаги айирбошлаш, яъни кишилар ўртасидаги олди-сотди муносабатлари англанади.

Иқтисодий категорияларга мисол қилиб рента, товар, пул, қиймат, нарх, талаб, таклиф, монополия каби тушунчаларни келтириш мумкин.

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИНИНГ ЎРГАНИШ УСЛУБЛАРИ.

Иқтисодий назария ҳодисаларни билишга бағишланган умумфалсафий услубларни қўллайди. Энг аввало иқтисодиётни акс эттирувчи, уни талқин этишга ёрдам берувчи маълумотлар (фактлар) жамланиб баҳоланади. Бу маълумотлар айрим ёки бир гуруҳ ҳодисаларга оид бўлади. Бу иқтисодиётни тафаккур этишдаги эмпирик босқич ҳисобланади. Бу босқичда тўпланган маълумотлар иқтисодий ҳатти- ҳаракатларга таълуқли бўлади. Иқтисодий маълумотлар ноиқтисодий маълумотлардан ажратиб олинади. Жамланган дастлабки синаб кўрилмаган хулоса – гипотеза олға сурилади.

Предметни ўрганишнинг иккинчи босқичида тўпланган маълумотлар жамланган ҳолда ўзаро алоқада олиб қаралади. Иқтисодий ҳодисалар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишлари аниқланади, фактлар умумлаштирилиб фикр-мулоҳаза синалган назарий хулосалар, қонун-қоидалар даражасига келтирилади. Назарий хулосалар иқтисодий принциплар деб ҳам юритилади. Иқтисодий фактлар биринчидан умумлаштириш учун илмий маълумот хизматини ўтайди, яъни улардан назария келтириб чиқарилади: иккинчидан, улар назарияни текшириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Назарий асосланган қонун-қоидаларнинг тўғрилиги, реал иқтисодий муҳитда текшириб борилади.

Назарий хулоса чиқарилганда иқтисодий ҳатти-ҳаракатларни тасодифийси эмас, балки кўп ҳолларда учрайдигани фактлар асос қилиб олинади, асосий ҳодисалар бошқаларидан ажратилган ҳолда қаралади, маълум чегарада олиб ўрганилади. Акс ҳолда, алоқа-боғланишлар ғоят кўп бўлганидан, ҳодисаларнинг боришини маълум тизимига солиб хулосага келишда абстракциялаш усули асосий усул бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий назария табиий-техникавий фан эмаски, у ўз гипотезаларни тажрибалар ёхуд лаборатория таҳлили орқали текшириб кўrsa. У ижтимоий фан, у иқтисодиётдаги ғоят кўп қиррали, чирмашиб кетган алоқа-боғланишларга дуч келади.

Ғарбдаги энг обрўли «Экономикс» муаллифлари Р.Макконелл ва Л.Брю ёзишича назария – бу лаборатория фани эмас. Шу сабабли назарияда илмий абстракциялаш усули бош ўрин тутди. Бу усул иқтисодий ҳодисаларни уларга таъсир этувчи ўткинчи, иккинчи даражали фактлардан холи этган тарзда таҳлил этиб, назарий умумлаштириш, илмий хулосалар чиқаришдир. Бу усул иқтисодий ҳодисаларнинг табиатини, уларга хос қонунларни очиш имконини беради.

Абстракциялаш асосида категориялар ва қонунлар таърифланади, улар илмий муомилага киритилади. Абстракциялаш юз берганда иқтисодиётга оид асосий, муҳим, юзага чиқиб турадиган фактлар ажратиб олинади, улар таққосланади, улар ўртасидаги боғланиш аниқланади. Уларнинг ҳаммаси онг, тафаккур орқали бажарилади. Абстракциялаш бўлмаса ғоят кўп тартибланмаган фактлар орасида ўралашиб қолиб назарий хулоса қилиб бўлмайди. Абстракциялаш – бу

иқтисодиётнинг назарий моделини яратишдир. Фактларга асосланган назарий умумлаштириш илмий асосга эга, чунки у реал воқеликдан келиб чиқади.

Илмий хулосалар абстракциялаш натижаси бўлганидан, уларни ғоят мавҳум ва амалий аҳамиятсиз деб қараб бўлмайди. Умумлаштиришлар иқтисодиётга оид бўлганидан амалий аҳамиятга эга. Иқтисодий қонунлар нимани тақозоэтишини англамай туриб иқтисодиётда амалий иш тутиб бўлмайди.

Иқтисодиёт назарияси предметини ўрганишдаги учинчи босқич назарияни иқтисодий сиёсат билан боғлашдир.

Назария иқтисодиётга қандай тенденциялар хос бўлиши, унинг қандай омиллар таъсирида ривожланиши, шу сабабли назария – иқтисодий сиёсатнинг илмий асоси деб айтиш мумкин. Сиёсат деганда нафақат давлатнинг умуммиллий, миқёсидаги сиёсатини, балки айрим корхона, фирманинг амалиёти дастурини, унинг қандай хатти-ҳаракатга қўл урушини ҳам тушунмоқ зарур.

Назарияда индуктив ва дедуктив усуллар ишлатилади. Индуктив усул деганда эмперик билимдан абстракцияга ўтиб, назарий хулосалар чиқариш, сўнгра улардан иқтисодий сиёсатга ўтишни тушуниш керак. Дедуктив усули қўлланганда назариядан иқтисодий фактлар таҳлиliga ўтилади. Бунда олға сурилган хулоса қайтадан фактлар асосида текшириб кўрилади. Ҳар иккала усул бир-бирини тўлдиради.

Назарий хулосалар икки даражадаги – макро ва микро даражадаги иқтисодий таҳлилдан келиб чиқади. Иқтисодиёт ўрганилганда миқдор ва сифат таҳлили қўлланади. Назария учун албатта сифат таҳлил бирламчи. Бунда абстракт фикрлаш орқали иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти уларга хос қонун ва категориялар назарий асослаанди. Миқдори таҳлилида ҳодисаларнинг миқдорий ўлчами, кўрсаткичлари асос қилиб олинади ва математик усуллар билан ҳисоблаб чиқилади. Масалан, меҳнат унумдорлиги ўрганилганда, аввал сифат таҳлили асосида унинг қандай тушунча экани аниқланади, сўнгра математик формулага кўра унинг аниқ кўрсаткичи ҳисоблаб топилади. Ҳисоблаб топилган унумдорлик аниқ кўрсаткичи узоқ даврдаги ўзгаришларга қиёслаб унумдорликка хос бўлган

қонуниятларни баён этиш учун эгри чизик чизмалари, статистик жадваллар қўлланади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Нима учун иқтисодиёт назарияси таърифи тўғрисида ягона фикр йўқ?
- 2- Иқтисодиёт назарияси нимани ўргатади?
- 3- Иқтисодий қонун нима?
- 4- Иқтисодий жараёнларни ўрганиш усуллари санаб беринг?

3-мавзу: ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

Р е ж а

1. Иқтисодий фаолият ва унинг турлари. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
2. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
3. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.
4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари, самарадорлик.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А.- «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А.- «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т. «Ўзбекистон», 1995.
9. 3. Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.
10. Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с. Экономика. 8-е изд., перераб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. – М.: Экономист, 2005. – 224 с.
11. Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Ишчи кучи – инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлари йиғиндиси.

Меҳнат қуроллари – инсоннинг табиатга, меҳнат предметларига таъсир қилишда восита бўлиб хизмат қиладиган

нарсалар: машиналар, станоклар, тракторлар, плуглар, курулмалар, ускуналар ва бошқалар.

Меҳнат предметлари – бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар (ер-сув, хом ашё, материаллар ва бошқалар).

Капитал – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш воситалари, товарлар ва пул маблағларидир.

Ер-сув – тупроқ унумдорлиги, ўтлоқлар, сувлар, ўрмон, қазилма бойликлардан иборат бўлган ва фойдаланишга тортилган табиий ресурслар.

Тадбиркорлик қобилияти – инсонда бўлган ташаббускорлик, ташкilotчилик, новаторлик, иқтисодий хавфдан, жавобгарликдан чўчимаслик хислатларининг бирлиги.

Ишлаб чиқариш жараёни – кишиларнинг мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган фаолияти бўлиб, истеъмол учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган жараён. Ишлаб чиқариш жараёни бир томондан истеъмол қийматларини (нафтиликини) яратиш жараёни бўлса, иккинчи томондан қийматнинг ўсиши жараёнидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш – ўзаро боғлиқликдан ва доимий алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг бирлигидан иборатдир.

Ишлаб чиқаришнинг умумий самараси – турли товарлар, хизматлар массасидан иборат бўлган миллий маҳсулот.

Ялпи ижтимоий маҳсулот – маълум бир даврда, масалан, бир йилда яратилган моддий неъматлар йиғиндиси.

Ички миллий маҳсулот – бир йил давомида мамлакат ҳудудида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчилар етиб борадиган барча тайёр товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосида қиймати.

Соф миллий маҳсулот – ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг сарфланган меҳнати вужудга келтирган янги маҳсулот. У ички миллий маҳсулотда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий воситалар амортизациясини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Зарурий маҳсулот – соф миллий маҳсулотни яратишда ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг, ишчи-деҳқон ва

хизматчиларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот – ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча иш вақтида яратилган маҳсулот бўлиб, соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ошиқча қисмидир. Қўшимча маҳсулот тадбиркорларга, мулкдорларга ва давлатга тегишлидир.

Ишлаб чиқариш функцияси – ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўртасидаги боғлиқликни билдиради.

Қўшилган капитал – ишлаб чиқаришда мавжуд, банд бўлган капитал миқдори устига янги қўшимча равишда сарфланган капитал, бошқача қилиб айтганда капитал миқдорининг ўсган қисми.

Ўртача маҳсулот – жалб қилинган ишчи кучи ва капиталнинг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдори.

Қўшилган маҳсулот – сўнгги қўшилган омил: капитал ёки ишчи кучи эвазига ўсган маҳсулот.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Ҳар қандай жамиятнинг мақсади эҳтиёжларни қондиришга қаратилгандир. Инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, ҳамма эҳтиёжларни қондиришнинг имконияти йўқ, чунки биринчи мавзуда таъкидланганидек, эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурслар чеклангандир. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки эҳтиёжлар соғлом ва носоғлом эҳтиёжларга бўлинади. Соғлом эҳтиёжлар инсонни яшаши, меҳнат қилиши учун энг зарур бўлган нарсалар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқалар тушунилади. Носоғлом эҳтиёжлар эса инсон ҳаёти учун зарур бўлмаган нарсалар, жумладан спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, чекиш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва ҳоказолар.

Эҳтиёжлар якка ва жамият эҳтиёжларига бўлинади. Бундан ташқари эҳтиёжлар моддий, маънавий, жисмоний, социал, меҳнат эҳтиёжларига бўлинади. Бу эҳтиёжлар ичида социал-иқтисодий эҳтиёжлар асосий ўринни эгаллайди. Социал-иқтисодий эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва маълум иқтисодий мавқега эга бўлиши учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар йиғиндисига айтилади.

Инсон жамиятда яшар экан имкони борича ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Инсон эҳтиёжлари бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлардан ташкил топади. Бирламчи эҳтиёжларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар кирса, иккиламчи эҳтиёжларга қимматбаҳо зебу-зийнатлар, қошоналар қуриш, катта курортларда дам олиш ва ҳоказолардир.

Эҳтиёжлар ҳар доим ўсиб, ўзгариб туради. Эҳтиёжларни ўзгариб туриши бир қатор омиллар билан белгиланади. Жумладан:

1. Эҳтиёжларни ўзгариб туриши, янги эҳтиёжларни пайдо бўлиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади, юқори даражада ривожланган ишлаб чиқариш кўпгина эҳтиёжларни вужудга келтиради. Масалан, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида телевизор пайдо бўлди, энди одамларда телевизор кўришга эҳтиёж туғилди.

2. Фан-техника тараққиёти янги эҳтиёжларни вужудга келтиради.

3. Эҳтиёжларнинг ўзгариб, юксалиб туришига жамиятнинг тараққиёт даражасига, табиий иқлим шароитларига, кишиларнинг ёши, жинси ва касбига ҳам боғлиқ.

Юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондиришнинг бирдан-бар йўли юқорида таъкидлаганимиздек, ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқариш ривожланган бўлиб, маҳсулот ва хизматлар яратилган бўлса-ю у истеъмолчиларга етиб бормаса бу ҳам эҳтиёжларнинг қондирилишидан дарак бермайди ёки эҳтиёжни қондирмайди. Яратилган моддий ва номоддий неъматлар истеъмолга етиб боргандагина эҳтиёж қондирилиши мумкин. Улар айирбошлаш орқали истеъмолгв келиб тушиши керак.

Эҳтиёж юксалар экан уни қондириш воситалари ҳам ривожланади. Бунда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

Биринчидан, аҳоли эҳтиёжи чексиз ўсиб боради дедик, бунда аҳоли ўсиши ва структуравий силжишлар ва ҳоказо.

Иккинчи томондан, табиий ресурсларнинг секланганлиги, камёблиги, айримларининг эса хўжалик оборотидан чиқиб кетиши туради. Уларни қайтадан яратиб бўлмайди. Бунга ягона йўл, бор имкониятдан самарали фойдаланиб янги технология, илм-фан ютуқларига асосланиб иш юритиш талаб этилади. Бинобарин ҳар доим жамиятда чекланган ресурслардан тежамли

фойдаланиш чексиз эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳар бир соҳада мавжуд табиат инъом этган ресурсларни эҳтиёт қилиш, асраш, талон-тарожга исорофчиликка йўл қўймаслик зарур ҳисобланади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ.

Таъкидлагинимиздек эҳтиёжлар турли-туман бўлганидан, уларни қондириш ҳам турлича йўллар билан амалга оширилади. Бунда асосий ўринни жамият аъзоларининг иқтисодий фаолияти эгаллайди, бу фаолият натижасида жамият аъзоларига барча керакли, лозим бўлган ноз-неъматлар ва ишлаб чиқариш воситалари яратилади, бу жараён бетухтов давом этаверади, чунки кишилар истеъмоли ҳам чекланмаган ҳолда давом этаверади.

Иқтисодий фаолият деганда инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари йиғиндиси тушунилади, бу жараён айтганимиздек тўхтовсиз давом этади.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади, яратилган маҳсулотларни бозор воситасида айирбошлаш орқали истеъмол этиш билан тугалланади. Иқтисодий фаолиятнинг асосий бўғини ишлаб чиқаришдир, хусусан моддий ишлаб чиқариш. Унда турли моддий неъматлар ва хизматлар яратилади. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар деб аталади. Улар табиатдаги текин неъматлардан (сув, ҳаво, қуёш нури, ер)дан фарқ қилади, чунки унга киши меҳнати синган. Маҳсулотларни айирбошлаш, тақсимлаш ва уларни истеъмол қилиш ҳам иқтисодий фаолиятга киради, бу жараён маълум иқтисодий муносабатлар асосида амалга оширилади, бунда асосий иштирокчилар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади ва бозор орқали бир-бирлари билан боғланадилар.

Иқтисодий фаолият турли-тумандир, бу фаолият натижасида турли истеъмол қийматига эга бўлган товар ва хизматлар яратилади ва улар бир-бирини тақозо этади. Ишлаб чиқариш бўлмаса кишилар яшай олмайдилар. Яратган маҳсулотларини ўзаро айирбошлаб (бозор орқали) истеъмолни қондирадилар, бир-бирларига керакли маҳсулотларни етказиб берадилар. Иқтисодий фаолият доимо якка тарзда амалга оширилмай ижтимоий ишлаб чиқариш шаклида амалга оширилади, кишилар эҳтиёжи

кондирилса улар иш қобилиятини тиклай олмайдилар. Демак, кундалик меҳнат натижасида сарфлаган иш қобилиятларини (иш кучини) доимо тиклаб олишлари лозим, чунки сурункасига тўхтовсиз меҳнат қила олмайдилар, улар меҳнатининг маълум чегараси бўлиши керак, бу иш кучининг жисмоний чегараси дейилади. Иш кучи – яъни кишиларнинг иқтисодий фаолияти ушбу чегарадан ўтса, улар фаолияти кутилган натижани бермайди, социализмда бунга керакли эътибор берилмас эди ва ишчи қанча кўп иш билан машғул бўлса, шунча жамиятга фойда келтиради ва ўзи ҳам бундан манфаатдор бўлади деган қарашлар мавжуд эди. Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар эса иш кунини узайтириш кўпроқ иқтисодий фаолият билан банд бўлиш аксинча яхши натижа бермайди деган фикрларни олға сурдилар ва ҳар бир меҳнат тури маълум чегарагача иқтисодий самара беради, ундан ўтса самара бермайди деб «фойдали чегара» деган фикрни олға сурдилар. Унга мувофиқ ишчи маълум чегарагача самарали иқтисодий фаолият билан шуғулланиши мумкин, ундан ўтса у яратган товар ва хизматларни нафлилик даражаси ёинки уларнинг қиймати ҳам пасаяди, жамият учун бундай товар ва хизматларнинг нафлиги, зарурлиги юқори бўлмайди. Масалан, пахта теримини олиб қарасак охирги кунларда терилган пахтанинг жамият учун нафлиги жуда оз, толасининг сифати паст бўлади, кўп меҳнат сарфланади, уларнинг харидори ҳам кам бўлади, бозорда яхши ўтмайди, шунинг учун маълум чегарагача иқтисодий фаолият билан шуғулланиш мумкин, иқтисодий фаолиятдан бўш бўлган вақтда эса ишлаб чиқарувчига дам олиш, овқатланиш, китоб ўқиш, ўхлаш ва шу орқали иш қобилиятини тиклаш зарур ҳисобланади. Иш қобилиятини тиклашда яратилган моддий неъматлар асосий роль ўйнайди. Яъни ишлаб чиқарилган неъматлар истеъмол қилиниши лозим, яъни истеъмолсиз ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди.

Ишлаб чиқариш турлари ғоятда кўп. Ҳозир дунёда 25 миллион хил маҳсулот ва уларнинг бутловчи қисмлари ва деталлари яратилади, аҳолига минглаб хил маиший хизматлар кўрсатилади. Ишлаб чиқарилган товарлар 25 минг хилдан кўпроқ товар гуруҳларига бўлинади. Чет элдаги айрим супер

маркет магазинларида бир йўла истеъмолчиларга 10-11 минг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таклиф этилиши кузатилган.

Умуман ишлаб чиқариш бирламчи фаолият сифатида икки турга бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш – бу аниқ моддий шаклга эга бўлган маҳсулотларни (масалан истеъмол буюмлари, ёқилғи, хом-ашё, материал, машина ва ускуна, бинолар, йўллар, иншоотлар) яратиш, бу соҳага саноат, қишлоқ хўжалиги, юк транспорти, қурулиш, омбор хўжалиги, алоқа соҳаси, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг бир қисми киради. Улар қанча самарали фаолият кўрсатсалар шунча моддий ишлаб чиқариш ривожланади ва юксалиб боради.

2. Номоддий ишлаб чиқариш – бу моддий шаклга эга бўлмаган, қўл билан ушлаб ҳис этилмайдиган, метр, килограмм, куб билан ўлчаб бўлмайдиган, аммо нафи бор хизматлар кўрсатишдир. Масалан: шифокор, ўқитувчи, сартарош, ҳаммомчи хизмати моддий кўринишда эмас, лекин у ҳаммага зарур номоддий ишлаб чиқаришга маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт, коммунал хўжалиги айрим соҳалари киради ва номоддий истеъмолни қондириш учун хизмат қилади.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, истеъмол қилиш билан якунланади. Бу жараён бирор-бир дақиқа, соат ҳам тўхтаб қолмай узлуксиз давом этади, чунки истеъмол қилиш ҳам бирор-бир дақиқа тўхтаб қолмайди. Иқтисодий фаолият яъни ишлаб чиқариш тўрт жараённи ўз ичига олади, яъни ишлаб чиқаришнинг ўзи, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол.

Айирбошлашда маҳсулотлар ва хизматлар яратилмайди, улар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади, айирбошланади. Бу жараён икки хил кечади: бири маҳсулот айирбошлаш, иккинчиси – товар айирбошлаш. Айирбошлашнинг бартер кўриниши ва товар айирбошлаш усули мавжуд. Бир маҳсулотнинг бошқасига бевосита тўғридан-тўғри, лекин маълум миқдорий нисбатда айирбошланиши бартер деб юритилади.

Бартер айирбошлашнинг қулай бўлмаган усули бўлиб, у айрим ҳолларда, масалан ибтидоий жамоада иқит иқтисод издан чиққанда пул шиддатли қадрсизланганда, тўловлар вақтида

бўлмаганда, корхоналар қийин иқтисодий аҳволга тушиб қолганларида қўлланилади.

Ишлаб чиқариш маълум меъёрга бўлса, товар айирбошлаш амал қилади. Бир маҳсулотнинг бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида, яъни олди-сотди йўли билан айирбошланиши товар айирбошлаш дейилади, у кўпинча бозор орқали амалга оширилади.

Товар айирбошлаш бартердан фарқ қилиб, товарни олдин пулга, сўнгра пулни керакли бошқа товарга айирбошлашни билдиради. Бу кенг тарқалган ва ҳаммабоп айирбошлашдир. Бу жараёнда пул иштирок этади, чунки пулга ҳохлаган вақтда, ҳохлаган жойда товарни сотиб олиш мумкин.

Товар айирбошлаш, товар олди-сотдиси айирбошлашнинг энг юксак ва қулай шаклидир.

Ишлаб чиқариш жараёнлари ичида истеъмол жараёни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, яъни эҳтиёж қондириш учун ишлатиш демакдир. Истеъмол орқали маҳсулотлар биринчидан тирикчилик учун кишиларнинг ўзлари томонидан истеъмол қилинади, иккинчидан ишлаб чиқаришни давом эттириш учун унинг ўзида ишлатилади. Масалан, ишлаб чиқарилган хом-ашёлар, ёқилғилар, метал толалар ва ҳоказо.

Истеъмол фаолияти сифатида якка оилавий, гуруҳий ёки умумий истеъмол тарзида юз беради. Масалан, дўппини ҳар бир киши якка тартибда кияди, телевизор, гилам, мебел оиланинг биргаликдаги истеъмолини қондиради. Мактаб, касалхона, болалар боғчалари, асбоб-анжом ва бошқалар биргаликда ишлатилади. Армия, хавфсизлик хизмати ёки бошқа маъмурий ташкилотлар хизматидан бутун халқ манфаатдор бўлади. Айтилганлардан шу нарса маълум бўлдики, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳар хил йўсинда истеъмол этилади ва қайтадан яратилади, яъни чексиз эҳтиёжни қондириш узлуксиз иқтисодий фаолиятни ташкил қилади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, иқтисодий фаолият оддий тарзда рўй бермай у кенгайтирилган тарзда юз беради, яъни кенгайтирилган ишлаб чиқариш амалга оширилади, бу ижтимоий такрор ишлаб чиқариш дейилади.

Иқтисодий фаолият ёки иқтисодиёт кишиларнинг маълум мақсад йўлидаги ҳатти-ҳаракатини билдиради. Унинг иштирокчилари айрим кишилар, оила, хўжаликлар ва давлатдир.

Иқтисодий фаолият иштирокчилари иқтисодий субъектлар деб аталади, улар ўзаро мунтазам иқтисодий алоқада бўладилар. Бу эса уларнинг иқтисодий муносабатларидир. Ўзаро алоқасиз на иқтисодий фаолият, на ишлаб чиқариш, на айирбошлаш ва на исиёсмол юз беради. Демак ҳамма соҳалар ўз фаолиятдан қатъий назар, бир бири билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш жараёни энг аввало меҳнат жараёнидир.

Одам меҳнати – бу инсонларнинг фойдали фаолияти бўлиб, у ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиат неъматларига таъсир кўрсатиб ўз эҳтиёжига мувофиқлаштиради.

Бунда ушбу масалани қуйидаги икки жиҳатига эътибор бериш зарур.

1. Одам онгли равишда меҳнат қилади, ўзи учун зарур бўлган тирикчилик воситаларини ишлаб чиқаради ва такрор ишлаб чиқаради, унинг ҳайвонлардан фарқи ҳам ана шунда, у ўзи билан табиат ўртасида моддий алмашув воситасини тартибга солиб, назорат қилиб туради.

2. Меҳнат жараёнида одам фақатгина табиатнинг ўзгаришига таъсир қилибгина қолмасдан ўзининг билим доирасини кенгайтиради, тажрибасини, малакасини оширади ва ўзи ҳам ўзгариб боради, у инсон онгининг ўсиши ва тараққий қилишининг асоси бўлиб майдонга чиқади.

Фан-техника инқилобининг тараққий этиши билан янги меҳнат ашёларни ҳосил қилиш имконияти яратилади, лекин шунда ҳам ер кишилиқ жамиятининг биринчи асоси бўлиб қолаверади. Демак, буюк иқтисодчи У.Петтининг «Меҳнат бойликнинг отаси – фаол принциpidир, ер эса унинг онаси» деган ибораси ўз қийматини тўла сақлаб қолади.

Меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги муносабатни билдиради, меҳнат орқали табиатдаги нарсалар инсон эҳтиёжига мослаштирилади. Меҳнат билан табиатни бойлик манбаи сифатидаги аҳамияти бир хил эмас. Бир мамлакат ишлаб чиқариши у ердаги табиий бойликка таянса, бошқасиники асосан меҳнатга таянади. Масалан, Қувайт, Саудия Арабистоннинг иқтисодий гуллаб яшнашига асосий ҳисса қўшган омил улар

табиатининг нефтьга бой бўлишидир. Аксинча, табиий ресурслари камёб бўлган Япония, Корея Республикаси иқтисодий ривожининг асосий омили меҳнат, аниқроғи интеллектуал меҳнат, яъни шахсий-инсоний омил бўлди. Табиий ресурсларнинг турли мамлакатлар учун аҳамияти уларни оз ёки кўп бўлишидадир. Бундан қатъий назар табиий ресурсларни ишлатилиши меҳнат воситаларига, уларнинг қўллаш усулининг мукамаллигига боғлиқдир. Ер қаърида чуқур жойлашган нефть қазиб олиш техникаси бўлгандагина ишлаб чиқаришда қатнашади.

Бошқа мисол, муайян мамлакат олтин конларидаги олтин ўта қаттиқ тоғ жинсларида жойлашган ва ўта кам миқдорда учрайди, ғоят тоза ажратиб олиш технологиясини келтириб ишлатилгандан сўнг бу олтин ишлаб чиқариш омилигм айланади. Демак, бу мисоллардан кўриниб турибдики меҳнат қуролларининг ҳолати, ишлаб чиқариш жараёни учун катта аҳамият касб этади.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш омили сифатида икки хил бўлади:

1. Меҳнат қуроллари – унга қўл меҳнати қуроллари, машина, механизмлар, ускуналар, ўлчаш асбоблари, хисоблаш ва алоқа машиналари кабилар киради.

2. Меҳнат шароити воситалари – ҳар-хил бинолар, иншоатлар, йўллар, сув омборлари, каналлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёни бўлиши учун қўйидаги омиллар бўлиши шарт.

1. Меҳнат – иш кучининг ишлаб чиқариш жараёнидан истеъмол қилиниши.

2. Капитал – ишлаб чиқариш жараёнини юргизиш учун зарур бўлган нарсалар – бинолар, машина-ускуналар, хом-ашё ва бошқа нарсалар.

3. Ер – бунга ер, сув, ер ости ва усти бойликлари, об-ҳаво киради.

4. Тадбиркорлик қобилияти – ҳамма нарсалар бор, лекин уларни ишлата оладиган одамлар керак.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Агар меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида ҳосил қилинган маҳсулот миқдори билан ўлчанса, кенг маънода у иш вақтини

тажашнинг бошқача ифодасидир. Вақтни тежаш қонуни, бутун ижтимоий тараққиётнинг энг умумий асосини ва ички мантиқини акс эттирувчи биринчи иқтисодий қонундир.

Ҳар қандай тежаш, техника ва технологиядаги, ходимнинг касб маҳорати ва бошқаришни ташкил қилишдаги кўпгина ижобий ўзгаришлар пировардида иш вақтини тажашга олиб келади. Агар ўзгаришлар тежамкорликни, фойдали самара бирлигига сарфлар камайишини таъминламаса, бундай ўзгаришлар ўзини оқламайди ва самарасиздир, бу иқтисодий тараққиётга олиб бормайди. Маҳсулот истеъмол қийматининг, ускуналар қуввати ва мустаҳкамлиги, асбобларнинг аниқлик даражаси ва хизмат муддати, озиқ-овқатларнинг тўйимлилик даражаси, кийим-кечаклар, пойафзаллар ва ҳоказолар сифатининг ошиши ҳам пировардида вақтни тажашда ифодаланади.

Юксак меҳнат унумдорлиги ва иш вақтини тежашга эришиш айна пайтда ҳам жамият ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасининг ўсиб бораётганлигидан далолат беради, ҳам унинг бойлиги, хилма-хил моддий ва маънавий неъматлар, хизматлар билан таъминланиш мезонини кўрсатади.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг, шунингдек ҳар-хил маҳсулот турларининг кўрсаткичлари иқтисодий тараққиётнинг ана шу томонининг аниқ ифодасидир. Улардан халқаро таққослашларда кенг фойдаланилади. Меҳнат унумдорлиги иқтисодиётда муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, у маълум вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан ўлчанади. Иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлиқ. Ивожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлиги анча юқоридир. Масалан, АҚШ қишлоқ хўжалигида бутун меҳнат ресурсларининг 2 фоизигина (тахминан 2 миллион киши) банд бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 45 фоизни ташкил этади. Лекин АҚШда ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори эса Ўзбекистондагига нисбатан анча кўпдир.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши харажатларни кескин камайтиради, кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, фойда меъёрининг ошишига олиб келади.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши бир қатор омилларга боғлиқдир. Бу омилларга қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришга фан-техника янгиликларини, илғор технологияларни жорий қилишга, қанча кўплаб янгиликларни жорий этилиши меҳнат унумдорлигини оширади;

2. Кишиларнинг билими, малакасига, тажрибасига боғлиқ. Малакали меҳнат кўп қиймат яратади.

3. Ишлаб чиқаришнинг табиий шароитларига, табиий ресурсларнинг ишлатилиши шароитларига боғлиқ.

4. Ишни ташкил қилинишига боғлиқ. Агар ишлаб чиқариш, меҳнат, илмий асосларда ташкил этилса меҳнат унумдорлиги ошади.

5. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳам боғлиқ.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ВА ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРИ, САМАРАДОРЛИК.

Ишлаб чиқариш жараёни индивидуал (якка) тартибда корхона ва хўжалик доирасида, тармоқ ва ҳудуд миқёсида миллий ва жаҳон хўжалиги миқёсида юз беради. Қаерда бўлмасин, бари-бир у истеъмол учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни яратишдан иборат бўлади. Кишилар учун ишлаб чиқаришнинг ўзи эмас, балки у яратган нозу-неъматлар муҳимдир. Бинобарин, жамият ва унинг ҳар бир аъзоси учун ишлаб чиқариш натижалари бирламчи аҳамиятга эга. Жамият аъзолари ишлаб чиқариш фаолияти натижаси – бу яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг мажмуасидир. Уларнинг фойдали хоссалари кишилар эҳтиёжини қондира билиш хусусияти, уларнинг фойдалилиги ёки наф келтиришидир. Маҳсулотлар ва хизматлар ишлатилиши, яъни қандай эҳтиёжларни қондиришга қараб ишлаб чиқариш воситаларидан (асбоб-ускуна, машина-механизм, ашё-ёқилғи кабилардан) ва истеъмол буюмларидан (озик-овқат, кийим-кечак, уй асбоб-анжомлари, маданий-маиший хизматлар кабилардан) иборат бўлади. Ўз маҳсулоти характерига қараб ишлаб чиқариш икки бўлинмадан иборат.

I Бўлинма – ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш. Унга ишлаб чиқариш учун зарур хизматларни яратиш ҳам киради.

II Бўлинма – истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, унга аҳолига хизмат кўрсатиш ҳам киради.

Ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмини ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ифода этади. Ялпи миллий маҳсулот – бир йил давомида жамиятда пировард натижада маҳсулотлар ва хизматларнинг бозор қийматида ҳисобланган миқдоридир. Ишлаб чиқариш ҳажми икки усулда ўлчанади. Биринчиси – натурал моддий ўлчам. Бу усулда айрим маҳсулотлар ҳажми ўлчанади. Масалан, млн.тоннада кўмир, нефть, метал, пахта, дон; кубометр билан эса ёғоч, тахта, газ ўлчанади. Маҳсулотлар хилма-хил ва хоссаси турли-туман бўлганидан уларни ягона моддий ўлчам билан ўлчаб бўлмайди, айтишлик хизматларнинг умуман моддий ўлчами йўқ. Масалан, даволаш ёки ўқитиш хизматини тонна, метр орқали ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг ҳажми пул билан, яъни неча пуллик хизмат кўрсатилганлигига қараб ўлчанади. Ишлаб чиқариш ҳажми яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдорини уларнинг бозор нархига кўпайтмасидан иборат. ЯММ пировард маҳсулот ва хизматларни англатади, яъни истеъмолга тайёр ҳаётий неъматларни билдиради. Шу сабабли қайта ишлаб ёки қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар бунга кирмайди. Жами ижтимоий маҳсулот (ЖИМ) ҳам борки у пировард натижани билдирмайди, чунки унинг таркибида қайта ишланадиган оралиқ маҳсулот мавжуд бўлади. Бир неча бор қайта ишланадиган маҳсулотлар қиймати ЖИМдан чегириб ташланади шунда ЯММ қолади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажмини соф миллий маҳсулот (СММ) белгилайди. Соф миллий маҳсулот ялпи миллий маҳсулотдан амортизация ажратмаларини чегириб олингандан сўнг қолган қисмига тенг бўлади.

$$СММ = ЯММ - Аа$$

Агар жамиятдаги янги маҳсулот 100 млн. бирликка тенг бўлса шундан 20 млн. бирлик тузиган машиналар, ускуналар, бино-иншоотлар ўрнини қоплаш учун кетадиган маҳсулот. Ялпи маҳсулотнинг бир қисми олдин ресурс шаклида бўлган лекин ишлаб чиқариш учун сарфланган маҳсулот ўрнини қоплаши керак. Шу сабабли уни чегириб ташлаш зарур. Бизнинг мисолда 100 млн. – 20 млн. = 80 млн. Мана шу миқдор соф миллий

маҳсулотни ташкил этади, у халқ истеъмоли ва ишлаб чиқариш омилларининг ортиб боришини таъминлай олади. СММ моҳияти билан меҳнат туфайли янгидан ҳосил этилган маҳсулот бўлиб у пул (қиймат) шаклида ўлчанади. СММ икки қисмдан иборат:

1. Зарурий маҳсулот
2. Қўшимча маҳсулот.

Зарур маҳсулот – СММ яратишда ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг – ишчи-деҳқон ва хизматчиларнинг (буларга менеджерлар ҳам киради) ишлаш қобилиятини тиклаш оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулот.

Қўшимча маҳсулот зарур маҳсулотдан ортиқча бўлган маҳсулотдир. Агар зарур маҳсулот иш кучи эгаларига ёки меҳнат соҳибларига тегса, қўшимча маҳсулот моддий ашёвий омил эгаларига уларнинг даромаддаги ҳиссаси орқали тегеди. СММ уни яратишда иштирок этган омиллар эгасига даромад бўлиб ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва процент, иш кучи эгасига иш ҳақи ва фойда шаклида тегеди.

СММнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифати теккан қисми миллий даромад (МД) деб юритилади. Миллий даромад жамият миқёсидаги барча даромадлар йиғиндисидир, у табиатан янгидан ҳосил этилган маҳсулот, лекин унинг пул шаклида ифодаланишидир.

МД моддий жиҳатдан олганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг асосий қисмини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий миқёсини билиш учун ЯММ ва унинг пул шаклида ҳисобланадиган таркибий қисми бўлмиш СММ ва Мдни нархнинг ўзгариши таъсиридан холи этиш керак бўлади, юқорида айтганимиздек маҳсулотнинг пулда ҳисобланган ҳажми нарх даражасига нисбатан тўғри мутаносибликда ўсади. Маҳсулот миқдори ўзгармай туриб нарх ошса, унинг пулдаги ҳажми ортади. Масалан, 10 млрд. маҳсулот яратилган, бир хил маҳсулот нархи 10 сўм, маҳсулот ҳажми 100 млрд. ($10 \times 10 = 100$). Маҳсулот миқдоранкамайди, лекин унинг нархи 10 сўмдан 12 сўмгача ортди, 100 млрд. ўрнига 120 млрд бўлади. ($10 \times 12 = 120$). Демак, маҳсулотнинг моддий ҳажми унинг пулдаги ҳажмига тўғри келмай қолади. Шу сабабли номинал ва реал ЯММни фарқлаш зарур. Пулда ифодаланган ва

муайян нархларда ҳисобланган номинал ЯММ деб юритилади. Номинал маҳсулот ҳажми маҳсулотнинг моддий миқдори ва нархига боғлиқдир. Жамият эҳтиёжини моддий шаклдаги маҳсулот қондиради.

Истеъмол учун маҳсулотнинг ўзи керак, маҳсулот неча пул туришига эмас, унинг миқдори сифатига қараб истеъмол юз беради. Ишлаб чиқаришни ҳақиқий моддий ҳажмини реал ЯММ белгилайди. Реал ЯММ нарх ўзгариши назарда тутилиб ҳисобланган ишлаб чиқаришнинг амалдаги миқёсини ифодаловчи маҳсулотдир. Реал ЯММ ҳисоблашда нархнинг ўзгариши эътиборга олинади, шунга қараб номинал маҳсулот ҳажми ортган шароитда реал маҳсулот камайиши ҳам мумкин. Ҳамма гап номинал маҳсулот ҳажми билан нархлар ўзгариши ўртасидаги нисбатидадир. Агар номинал маҳсулот ҳажмига нисбатан нархлар секин ўсса реал маҳсулот ҳисобланганда нархлар индекси қўлланади. Реал маҳсулот номинал маҳсулотнинг нархлар индекси бўлинмасига тенгдир:

$$\frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Нархлар индекси}} = \text{Реал ЯММ}$$

Мисол: 1990 йил номинал ЯММ 80 млрд. сўм эди, 1993 йилга келиб у 240 млрд. сўмни ташкил этди. Нарх индекси 1993 йил 1990 йилга нисбатан 1,85 ни ташкил этди. Рақамларни тенгламадаги жайига қўямиз.

$$\frac{240 \text{ млрд}}{1,85} = 121,3 \text{ млрд. сўм}$$

Бинобарин, 1991-93 йилларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми 2,4 марта эмас, балки 1,2 марта ошди. Чунки ўсишнинг қолган қисми нарх ортиши ҳисобидан бўлиб ҳақиқий ўсишни ифода этмайди.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Иқтисодий ресурслар ва уларнинг чекланганлиги.

2- Ишлаб чиқариш омиллари, улар тўғрисида ҳар-хил қарашлар.

3- Ялпи миллий маҳсулот, уни ишлаб чиқариш тақсимлаш ва айирбошлаш, истеъмол қилиш.

4-мавзу: ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ.

Р е ж а

1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларини билишга турли хил ёндашувлар.

2. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли-туман шакллари.

4. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш усуллари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. - «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т. «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. – «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари». Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясида (29.08.96 й) сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» 30.08.96 йил.
3. Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
4. Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006.– 352 с.
5. Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
6. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.
7. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матнлари. Т. «Университет» 2000 йил.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Ўтиш даври – бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган даврдир.

Бозор ислоҳотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислоҳотлар – иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлардир.

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Ислоҳотлар концепцияси – ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларнинг умумий ғоясидир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

Мулкчилик муносабатлари – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, жамият бойликларини ўзлаштириш ва уларни тасарруф қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкка эгалик қилиш – мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қулида сақланиб туриши ва яратилган бойликлардан ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклидир.

Мулкдан фойдаланиш – мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши, ижтимоий ҳаётда қўлланишидир.

Мулкни тасарруф этиш – мол-мулк тақдирининг мастақил ҳал қилинишидир.

Мулк объектлари – мулкка айланган барча бойлик турларидир.

Мулк субъектлари – жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқеига эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчиларидир.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахслар ихтиёрига ўтишидир.

Мулкни давлат дасарруфидан чиқариш – шу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шуклларини вужудга келтиришидир.

Мулкчилик тушунчаси ва мулкчилик муаммоси бир неча асрлар давомида жуда кўп соҳанинг билимдонларини қизиқтириб келган. Ҳозирги кунга келиб ҳам бу муаммо ўз долзарблиги жиҳатдан шу куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мулк, инсон томонидан ўйлаб топилмаган, у жамиятда ривожланишнинг биринчи навбатда кишилар хўжалик ҳаётининг маҳсулидир. Мулкчилик деганда нарсалар моддий бойликларнинг кимгадир таалуқли бўлганлиги яъни уларнинг малкий мансублиги тушунилади. Мулкчилик тўғрисидаги бундай тасаввур унинг ҳақиқий моҳиятини осиб бермайди. Масалан, ўзлаштирилган ер, очилмаган кон, фойдаланилмайдиган ўрмон ва сувлар ўз-ўзича мулк объекти бўлиб қолмайди. Уларга кимдир (шахс, жамоа, давлат) эгалик қилса, улардан фойдаланилса мулк объектига айланади. Яъни мулкчиликнинг буюмлашган томонларидан ташқари, социал иқтисодий томонлари ҳам ажратилади. Демак, мулкчиликнинг моҳиятини буюмларга жисмоний эгалик қилиш ва ҳуқуқ нормаларидан эмас, балки иқтисодий муносабатлардан кидириш лозим. Мулк ва мулкый муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлар системасида муҳим роль ўйнаб жамиятнинг, иқтисодий тузумнинг асоси ҳисобланади, яъни иқтисодиётнинг негизини мулк ташкил этади. «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади»¹ дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида.

Мулк ўзи нима?

Мулк – бу кишилар ўртасидаги улар томонидан моддий ва маънавий неъматларни ўзлаштиришдир.

Мулкчилик муносабатлари деб, жамиятдаги бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол, ўзлаштириш бўйича бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкчилик иқтисодий юридик категория сифатида уч ажралмас жиҳатга эга:

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.1992.18-бет.

Эгалик қилиш – бу мулкдорлик ҳуқуқининг мол эгаси қўлида сақланиб туришидир. Эгалик шароитида мулк ҳисобланган бойлик қисман ўзлаштирилади. Мулкка эгалик сақланган ҳолда, уни амалда ишлатиш ўзга қўлда бўлади (масалан, ижарага бериш).

Тасарруф этиш – бу мулк ҳисобланган бойликни тақдирини мустақил ҳал тилади. Бу мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш каби фаолиятлардир.

Фойдаланиш – бу мулк ҳисобланган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб ва хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олишидир. Фойдаланиш юз берганда бойлик даромад топиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади.

«Мулкдор ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади»¹ дейилади Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида.

Агар ўтмишда мулккий тизим муайян мулк шаклининг ҳукмронлиги билан ажралиб турса, ҳозирги янги мулккий тизим турли мулк шакллариининг мувозанати ва биргаликда ривожини билан характерланади.

Мулк шакллари – бу ўзлаштиришнинг характери, яъни унинг кўринишидир, қиёфаси, мазмунидир. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, чқка тартибда жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки улар мулкчиликнинг ҳар хил шакллариини билдиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкнинг қўйидаги шакллари мавжуд:

1. Хусусий мулк – айрим кишиларга ва гуруҳларга тегишли ва даромад топишга қаратилган мулкдир. Хусусий мулк ҳам якка тартибдаги ва кооператив хусусий мулкка бўлинади.

2. Жамоа (ширкат) мулки – бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларнинг бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир.

Жамоа мулки ҳам ўз навбатида қўйидаги турларга бўлинади:

- оилавий мулк;
- маҳалла мулки;

¹ Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонун. Т.1992.

- кооператив мулк;
- ижара мулки;
- ҳиссадорлик мулки;
- концернлар мулки;
- ижтимоий ва диний ташкилотлар мулки.

3. Давлат мулки – бойликнинг давлат томонидан ўз вазифарини адо этиш учун ўзлаштирилишидир.

Давлат мулки ҳам қўйидаги турларга бўлинади:

- Республика ихтиёридаги мулк;
- Қорақалпоғистон Республикаси мулки;
- Маъмурий-худудий (коммунал) мулк.

4. Аралаш мулк – турли хил мулк шакллариининг синтезидан ташкил топади. Аралаш мулк ҳам чет эл фуқаролари, ташкилотларининг мулки бўлиши мумкин, бу мулкнинг асосий кўриниши қўшма корхоналар мулки сифатида кўринади.

«Давлат барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар кафолатлайди»¹ дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида.

МУЛКНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА УНИНГ УСУЛЛАРИ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мулкнинг турли-туман шаклларда бўлишлигини таққозо қилади. Чунки битта мулк ҳукмрон бўлган жамиятда бозор механизмларини жорий қилиш мумкинэмас. СССРнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики битта мулк шаклининг (давлат мулкининг) ҳукмронлиги иқтисодда ривожланишга олиб келмади. Кишилар мулкни асраш, уни кўпайтириш тўғрисида қайғурмадилар. Кишиларда мулкка эгалик қилиш ҳиссиёти туғилмади. Мулкка муносабатнинг яхши бўлмаганлиги туфайли, ишлаб чиқариш равон ривожланмади, халқнинг турмуш даражаси кўтарилмади. Бозор иқтисодиёти ана шу камчиликларни бартараф

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.1992.

килаоладиган куч-қудратга, механизмларга эгадир. Кишиларда мулкка муносабатни ижобий томонга ўзгариши учун, мулкка эгалик ҳиссиётини тўғдириш учун мулкни ҳақиқий эгаларини қўлига берилиши лозим.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики каерда хусусий мулкчилик мавжуд бўлса, у ерда ривожланиш яхши, халқнинг турмуш даражаси анча юқори. Давлат мулки (ёки уни ижтимоий, ҳаммага тегишли мулк деб изоҳлаш) иқтисодий ривожлантиришга қодир эмас, у хусусий мулкдан ўз устунликларини кўрсатаолмади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёти хусусий мулкчиликнинг анча устун эканлигини кўрсатмоқда. Шутуфайли мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштириш бозор иқтисодиётининг муҳим томонларидир. «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»¹ деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида приватизацияни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Приватизациянинг луғавий маъноси хусусийлаштириш демакдир. Приватизация ўтмишда ҳам бўлган, ер сув ўрмон бойликлари давлат мулкидан чиқарилиб, айрим шахсларга уларнинг давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун, хусусий мулк сифатида берилган. Аммо у пайтлардаги приватизация давлат мулкни фақат хусусий мулкка айланишидан иборат бўлган. Ҳозирги приватизация умуминсоний, умумдунёвий ҳодиса бўлиб, монополлашган бозор иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқдир.

«Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим долзарб вазифа – мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти – мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиятини тарбиялашдан иборат»² деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

¹ И.Каримов - «Ўзбекистон-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Ватан саждагоҳ каби мушаддасдир. 3-том.Т.1996. 303-бет.

² И.Каримов – Ватан саждагоҳ каби мушаддасдир. 3-том.Т.1996.303-бет.

Хусусийлаштиришни амалга оширишнинг бир неча йўллари мавжуд:

1. Давлат корхоналарини акционерлар жамиятига айлантириб, унинг молу-мулки ҳисобидан чиқарган акцияларни халққа сотиш. Акцияни сотиб олган киши мулкдорга айланади.

2. Ижарага олинган давлат корхонаси ижарачилар жамоаси томонидан ўзи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдорлар халқ эмас, фақат корхона жамоаси бўлади.

3. Давлат мулкни қийматига қараб чиқарилган сертификатлар ёки ваучерларга биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халқ ўртасида тарқатилади, чунки ваучер ва сертификат корхона акциясини олиш ҳуқуқини беради.

4. Давлат мулкни фақат танилган, ишнинг кузини биладиган, масъ-улиятни зиммасига ола биладиган тадбиркорларга бошқарувчиларга сотиш. Бунда ҳам маълум қатламгина мулк соҳибига айланади.

5. Давлат мулкни хорижий қарзни эвазига чет эл фирмалари ва фу-қароларига бериш. Бунда миллий мулк ҳисобидан хорижий мулк усади.

6. Давлат мол-мулкни аукционларда ким ошди савдоси оркали со-тиш. Бунда ҳам фақат маълум тоифадаги кишиларгина янги мулк соҳибига айланадилар.

Приватизация усуллари танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ.

Агар ишбилармонликни рағбатлантириб мулкый маъсулдиятни кучайтириш назарда тутилса, приватизация сараланган озчилик ўртасида ўтказилади. Мулкчиликда социал адолатни таъминлаб ҳамма учун тенг имконият яратиш шарт бўлса, приватизация бутун халқ иштирокида ўтказилади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Бу масала социалистик тузумдан кейин

бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилади. Ушбу масаланинг давр талабларига мувофиқ муваффақиятли ҳал этилиши, республикамиз иқтисодиётини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан бир қаторга қўядиган асосий омилдир.

Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди, ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди. Бундан ташқари янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкчиликка ёки чет эл капиталининг иштирок этишига асосланган корхоналар учун солиқ соҳасида уларнинг фаол ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёزلарни бутун бошли тизими мавжуд. Шундай қилиб хусусий секторни, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда амалдан олиб ташланди.

Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкни самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади.

Шу сабабли иқтисодий ислоҳатлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш асосан мулкни аукционларда сотиш орқали амалга оширилмоқда. Хусусийлаштиришга дастурий ёндашиш, уни босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Масалага бундай ёндашиш бизга ҳар бир босқич учун хусусийлаштириш соҳасидаги асосий устуворликларни аниқлаш имконини берди. Дастлабки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий ўй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас, «кичик хусусийлаштириш»ни камраб олди. Енгил маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга

бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниши ҳукуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақланиб қолинди. Мазкур босқичда хусусийлаштириш жараёнининг ўзидаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга муносабат ва психология ўзгариб борди.

Тажриба ортгани сари хусусийлаштириш жараёни чуқурлашаверди. 1994 йил 21 январда қабул қилинган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисидаги фармонлар хусусийлаштириш жараёнига сифат жиҳатидан янги туртки берди. Қабул қилинган қарорларга мувофиқ бу босқичда корхоналарни очик турдаги жамиятларга айлантириш, ушбу жараёнга аҳолини ва чет эллик инвесторларни кенгрок жалб этиш вазифаси қўйилди. Хусусийлаштириш жараёнида йигирмадан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб амалга оширилмоқда, бу жараённи ўтказишда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, корхоналарни хусусийлаштиришгача уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ тўлашда ҳам айрим имтиёзлар бериш белгилаб қўйилди.

Хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат ўй-жой фондининг 95 фоиздан ортиғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар уч квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди.

Кичик хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши ҳамда бошқарув ва ҳўжалик тузилмаларида тегишли тажриба орттирилиши 1994 йил ўрталаридан бошлаб оммавий хусусийлаштириш босқичини бошлашга имкон берди. Бу босқичда очик турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларининг яратилиши кузда тутилган. Саноат қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агросаноат комплексининг гўшт, сут, озиқ-овқат ва

пахта тозалаш тармоқларидаги ўрта ҳамда йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди.

Хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама характерга эга – бир томондан у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазйиқини пасайтирмоқда. Айни вақтда янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратмоқда. Айни чоғда бу жараён аҳолининг даромадларини хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолияти ҳисобига кўпайтирмоқда.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Илаб чиқаришнинг технологик усуллари санаб беринг.
- 2- Мулкнинг хилма-хил шаклларни айтинг?
- 3- Хусусийлаштиришнинг шакл ва усуллари.

5-МАВЗУ: ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНING АСОСИ.

Р е ж а

4. Ижтимоий ҳўжаликнинг шакллари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш сабаблари.
5. Товар ва унинг хусусиятлари.
6. Товар қийматининг миқдори.
7. Пулнинг келиб чиқиши ва мазмуни.
8. Ўзбекистонда миллий пул сўмнинг муомалага киритилиши ва унинг ахамияти.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

- 1- Каримов И.А – «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.Ўзбекистон. 1995
- 2- Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 3- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
- 4- Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
- 5- Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во

Прспект, 2005. – 421 с.

6- Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

7- Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Натурал хўжалик – меҳнат маҳсуллари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилади.

Товар хўжалиги – бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради.

Меҳнат тақсимоти – меҳнат турлари ихтисослашади, маҳсулотнинг айрим турлари ишлаб чиқаришга мослашади.

Алмашув қиймати – товарларнинг алмаша билиш хусусияти.

Истеъмол қиймати – товарнинг кишиларнинг муайян талаб – эҳтиёжини қондира билиш хусусиятлари.

Конкрет меҳнат – товарнинг истеъмол қийматини яратган меҳнати бўлиб, истеъмол қийматини яратади.

Товар – айирбошлаш учун (бозор учун) ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулидир.

Пул - барча товарлар умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товар.

Пул муомаласи – хўжалик оборотида пулнинг доимо ҳаракатда бўлиши, пул ўз функцияларини узлуксиз бажариб туришидир.

ИЖТИМОЙ ХЎЖАЛИКНИНГ ШАКЛЛАРИ. ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ САБАБЛАРИ.

Умуман ишлаб чиқариш иккита умумий шаклда юз беради: натурал ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқариш. Шунга кўра натурал ва товар маҳсулоти мавжуд бўлади.

Натурал хўжалик нима? Унинг моҳияти нимадан иборат деган саволга қўйидагича жавоб берса бўлади: натурал хўжалик умуминсоний иқтисоднинг тарихан биринчи шакли бўлиб, бунда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шахсий

эҳтиёжини қондиришга қаратилган. У хўжаликда маҳсулот айирбошлаш бўлмайди ва ишлаб чиқарувчининг ўзи учун ҳаётий воситага айланади. Унинг ҳар кунги эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Унинг ўзи ишлаб чиқариш воситаларини ўзи яратади. Бу хўжаликнинг аввали дастлабки асоси ер ҳисобланади. Кейинчалик хонаки саноат бўлган – ҳунармандчилик ажралиб чиқади.

Натурал хўжалик бир неча тарқоқ бир хил типдаги хўжаликларнинг массасидан (йиғиндисидан), якка деҳқон, оилавий, давлат ва жамоа хўжаликларидан иборат бўлган. Бу хўжаликда ишлаб чиқариш ҳам ашёни олишдан бошлаб то тайёр маҳсулот истеъмолгача бўлган меҳнат жараёнини ўз ичига олади. Натурал хўжалик ибтидоий жамиятнинг дастлабки фаолиятларидан бошлаб, деҳқончилик вужудга келган даврдан бошланган. Унинг соф кўриниши ибтидоий жамоа тузумида бўлган, чунки у даврда меҳнат тақсимооти, айирбошлаш ва хусусий мулк нималигини кишилар билмагандир.

Натурал хўжалик бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб қолган ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган. Шарқ мамлакатларида ҳукмронлик қилган Бобилди, Хитойда, Хиндистонда натурал хўжалик ғоясини ҳимоя қилиб чиқишган. Юнонистонда натурал хўжалик ғоясини мустаҳкамлашда Платон, Аристотель олға сурганлар.

Платон «Сиёсат ва давлат» деган асарида натурал хўжалигини асослаб жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган ягона манба - пул деб ҳисоблайди ва натурал хўжаликни ҳимоя қилади. Унингча натурал хўжалик жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий табақалашга чек қўяди.

Аристотель натурал хўжаликни мустаҳкамлаш билан бирга товар хўжалигини ривожлантириш керак, лекин бунда товар ишлаб чиқариш ва сотишдан мақсад ўз эҳтиёжини қондириш деб ҳисоблайди.

Демак, қадим замонда натурал хўжалик заминида товар хўжалиги ривожланган. Натурал хўжаликда деҳқон ер эгасига қарам бўлади. Деҳқонлар зироат, чорвачилик билан шуғулланишиб уларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот олганлар. Ҳунармандлар меҳнат қуроли ишлаб чиқарганлар, қурувчи бино қурган, тикувчи кийим тиккан, лекин ҳаммаси ўз меҳнати

маҳсулотларини бир – бирларига натурал формада айирбошлаганлар.

Мулк эгалари ўз ери ва ишлаб чиқарган воситаларини вақтинча фойдаланишга берганлар, бунинг учун натура формасида ҳақ олганлар. Ишлаб чиқарувчилар бунинг натижасида хусусий мулк эгаларига иқтисодий жиҳатдан тобора қарам бўлиб борганлар. Натурал хўжалик деҳқонларининг мустақил жамоаси ҳам вужудга келган. Бу жамоа ўз эҳтиёжлари учун керакли бўлган ҳамма нарсаларни ўзи ишлаб чиқариб айирбошлаш нималигини билмаган. Жамоа ичида меҳнат ихтисосланиб унга ҳар хил ҳунарга эга бўлган оилалар бирлашган. Йирик мулкдорлар эҳтиёжини ҳам унинг йирик мулки доирасида қондирилган. Уни ҳунармандчилик тўлдирган. Шу доиранинг ичида куч янгиланиб борган, ташқаридан ҳеч нарса олинмаган. Майда деҳқон хўжаликлари ҳам албатта мавжуд бўлган ва натурал характерда бўлган. Улар нафақат деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш балки майда, оддий асбоб – ускуна ясаб ўзлари пишириб, ошлаб керакли нарса ва буюмларни яратганлар. Демак, унда асосий тармоқ деҳқончилик бўлиб, унга қўшимча тарзда хонаки ҳунармандчилик ривож топган.

Натурал ишлаб чиқариш иқтисодий раванқни таъминлай олмайди унинг ўрнига товар ишлаб чиқариш келади ва маҳсулотнинг натурал шакли товар шакли билан ўрин алмашади. Товар хўжалиги бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради.

Натурал ва ярим натурал деҳқон хўжалиги замонида товар ишлаб чиқариш, гарчи маълум даражада ривожланган бўлса-да, кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий шаклига айланган эмас. Аммо у секин аста кенгайиб борган ва пировард натижада ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига айланган. Товар хўжалиги натурал хўжаликдан фарқли ўлароқ, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчиларнинг бозор орқали, товарларни олиш – сотиш орқали алоқа қилишни тақозо этади. Бас шундай экан товар ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди-сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас, балки қонуний

заруриятдир. Уни кишилар бекорчиликдан ўйлаб чиқармаганлар. У кишиларнинг хоҳиш-иродасидан ташқарида, объектив тарзда пайдо бўлган. Уни иқтисодий зарурат юзага келтирган, чунки маҳсулотларни бозор орқали айирбошламай туриб кун кўриш қийин бўлган.

Товар ишлаб чиқариш объектив тарзда икки асосга таянади, яъни уни икки зарурат юзага келтиради:

1. Меҳнат тақсимооти – бунда меҳнат турлари ихтисослашади, илгари бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кейинчалик маҳсулотнинг айрим турини ишлаб чиқаришга мослашадилар. Шундай шароитда эҳтиёжни қондириш учун ўз маҳсулотини бошқа керакли маҳсулотга айирбошлаш зарур бўлади. Айирбошлаш учун эса маҳсулот бозорга чиқарилади ва сотилади. Меҳнат тақсимооти меҳнат унумдорлигини оширади. Демак, айирбошлаш нафақат зарур, балки фойдали ҳам бўлади.

2. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир – биридан алоҳидалашиб мустақил фаолият юритиш. Бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчи мулкдор бўлиши зарур. У ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган маҳсулотнинг эгаси бўлиши керак. Маҳсулотни ўз билганича тасарруф этиш уни эркин айирбошлаш ҳуқуқини беради, чунки ўзганинг маҳсулотини айирбошлаш мумкин эмас.

Мулкдорлар ўртасида товар айирбошлаш юз берганда мулк эгаси манфаатлари кўзланади. Ишлаб чиқариш ривожланиши билан айрим маҳсулот эмас, барча маҳсулот айирбошлаш учун яратилади, яъни бозор учун товар ишлаб чиқариш умумий характерга эга бўлади. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бундай шароитда бир марта бўладиган тасодифий ҳодиса эмас, балки миллиард марта такрорланадиган узлуксиз жараёнга айланади.

Маҳсулотни товар шаклида ишлаб чиқариш – бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тузилиши бўлиб бунда кишилар ўртасида иқтисодий муносабатлар бозор орқали уларнинг меҳнат маҳсулотларини олди – сотди қилиши орқали намоён бўлади. Товарни сотишдан мақсад унинг ўрнига бошқа товарни сотиб олиб эҳтиёжни қондиришдир. Бу шахсий эҳтиёж бўладими ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжи бўладими, фарқи йўқ албатта. Ишлаб чиқарувчи айтиб бир вақтда истеъмолчи ҳам бўлади. У бир томондан сотувчи бўлса, бошқа томондан харидордир.

Кишиларнинг меҳнати бозор орқали жами меҳнатининг бир қисми эканини ифодалайди. Бозордаги алоқалар аслида бу меҳнатни ижтимоий эътироф қилишнинг бевосита эмас, балки билвосита йўли, яъни товарни бозорда олди – сотди этиш йўли билан меҳнатнинг эътироф этилишидир.

Товар ишлаб чиқариш умуминсоний иқтисодий ходиса, у ҳамма ерда мавжуд. Меҳнат маҳсули товарга, ишлаб чиқарувчи эса товар ишлаб чиқарувчига айланиши ҳамма жамиятлар учун муқаррар ходисадир. Товар ишлаб чиқарувчининг мавқеи зиддиятлидир.

Меҳнатнинг ижтимоий характери билан унинг алоҳидалашуви ўртасидаги зиддият товар ишлаб чиқаришнинг алоҳида зиддиятидир. Ҳар бир товарга татбиқан бу зиддият бозорда унинг сотилишига қараб ҳал этилади, лекин шу билан бирга у товар хўжалигининг зиддияти сифатида доим такрор пайдо бўлиб туради. Товар сотилгандагина унга сарфланган меҳнатнинг ижтимоийлиги тан олинади. Шу сабабли ўз меҳнатининг жами ижтимоий меҳнат таркибига кириши ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи учун энг мураккаб ва ҳаётий муҳим муаммодир, чунки муваффақиятсизликка учраган тақдирда у ўз маҳсулотини сота олмайди ва зарар кўради, баъзан эса хонавайрон бўлиши мумкин. Ижтимоий эҳтиёжлар таркиби ҳамиша бирдай бўлмасдан у вақти – вақти билан ўзгариб туради. Бу бозордаги талабни ўзгартиради. Шунинг учун ўз товарларининг сотилмай қолиши хавfli товар ишлаб чиқарувчини бозорни хушёрлик билан кузатиб боришга ҳамда унга доим мослашиб туришга мажбур қилади.

Модомики, товар меҳнат маҳсулининг бир шакли экан, меҳнат маҳсулининг барча хоссалари товарга ҳам хосдир. Аммо товарнинг маҳсулотдан фарқи бор. Товар энг аввало ўз истеъмоли учун эмас балки бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир. Товар ишлаб чиқарувчилар эса индивидуал (якка) ишлаб чиқарувчилар жамоаси (корхона) дан иборатдир.

Ҳозирги шароитда товар ишлаб чиқарувчиларга фирма, компания, бирлашма, завод, фабрика, якка тартибда ишловчи, фермер хўжалиги, дала ховли эгаси, томорқа хўжалиги

соҳиблари, кооперативлар, жамоа ва давлат хўжалиги, жамоат ташкилотлари ва бошқалар киради.

Улар бир-бири билан бозор орқали алоқа қилишлари керак. Уларнинг товар ишлаб чиқариб, даромад топишдан иборат мақсадлари бор, улар бир-биридан алоҳидалашган, ҳар бирининг ўз манфаати мавжуд.

Маҳсулот товар булиши учун у энг аввал кишиларнинг муайян талаб эҳтиёжини (масалан, овқатланиш, кийиниш, ўқиш дам олиш ва бошқалар) қодир булиши зарур. Товарнинг бу хоссаси товарнинг истеъмол қиймати деб аталади. Ҳар бир товарнинг нафлиги бор, лекин у ўзини яратувчининг эҳтиёжларини қондирмайди, балки бошқа кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради, унинг нафлиги ўзгалар учун бинобарин, унинг истеъмол қиймати ижтимоий ҳисобланади. Истеъмол қиймати товарнинг бошқа товарларга айирбошлаш имконини бергани учунгина у ўзининг яратувчисини қизиқтиради. Товарларнинг алмаша билиш хусусияти уларни алмашув қиймати деб аталади.

Юзаки қараганда товар деганда биз бирор буюмни, айтайлик, костюм у тикилган газлама, унинг фасони, бичими ва бошқаларни тушунамиз, яъни унинг моддий ашёвий хусусиятларини кўз олдимизга келтирамиз. Аслида товарнинг буюм сифатидаги хусусиятидан ташқари бошқа хусусияти ҳам мавжуд. Товарнинг эҳтиёжини қондиришдан иборат хусусияти бор, лекин бу деган сўз ҳар қандай инсон эҳтиёжини қондирадиган нарса товар бўладиган деган маънони англатмайди. Мисол учун ҳаво. Сўзсиз у ҳамма учун зарур, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжини қондиради. Аммо табиат маҳсули бўлмиш ҳаво сотилмайди, ҳеч ким уни сотиб олмайди ҳам, ҳатто ҳеч нимага айирбошламайди. Лекин ҳавонинг таркибига кирадиган кислород товар бўлиши мумкин, чунки кислородни олиш учун маълум миқдорда меҳнат сарф қилиш керак. Кислород товар бўлишга инсон меҳнати сабаб бўлади. Демак, товар фақат инсонларнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилмасдан, балки инсон меҳнат фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Аммо ҳар қандай меҳнат маҳсули ҳам товар бўла олмайди. Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўзи учун яратилса ва бозорга чиқарилмаса, албатта у товар бўлмайди. Масалан, фермер

хўжалигида буғдой етиштирилди. Унинг бир қисми хўжалик эҳтиёжини қондиришга, бир қисми маҳаллага сумалак ва ҳалим қилиш учун ҳадия қилинади, учинчиси эса бозорда сотилади. Албатта биринчи ва иккинчи қисм буғдой эҳтиёжни қондирса-да товар эмас, чунки у бозорда сотилади. Демак, маҳсулот фақат истеъмолни қондириш билан товар бўлиб қолмайди, бунинг учун уни инсон меҳнати яратиши керак, товар бошқалар эҳтиёжини қондирилганлигидан олди–сотди қилиш учун ишлаб чиқариладиган бўлиши зарур.

Айирбошлаш юз бериши учун меҳнат нафлигининг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун айирбошланадиган маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатда бир-бирига тенглаштирилиши шарт.

Хулоса қилсак, маҳсулот товар бўлиши учун икки хусусиятга эга бўлиши керак: истеъмол қийматига, яъни инсоннинг бирор-бир эҳтиёжини қондириши шарт; алмашув қийматига, яъни бошқа товарга маълум миқдорий нисбатда айирбошлана олиши шарт. Товар истеъмол қиймат тариқасида истеъмолга, алмашув қиймати тариқасида сотишга ишлаб чиқарилган.

Товар – бу шундай буюмки, у ижтимоий хусусиятга эга. Шу сабабли инсонлар товарларни олиш-сотиш орқали иқтисодий муносабатларга киришадилар, бозор орқали алоқа ўрнатадилар.

ТОВАР ҚИЙМАТИНИНГ МИҚДОРИ.

Биз юқорида кўрдикки – товарлар бир-бирига маълум миқдорда айирбошланади. Миқдорий нисбат сунъий бўлмайди албатта. Унинг асосида товарларга сарфланган меҳнат ётади. Масалан, буғдой эгаси уни сотиб газлама олади. Бир кг. буғдой пулига 0,5 м. газлама келади. Бунда $1 \text{ кг буғдой} = 0,5 \text{ м газлама}$ нисбати ҳосил бўлади.

Табиий, бу ерда савол туғилади, нима учун 0,5 м, нега 0,8 ёки 0,2 эмас?

Айирбошлаш мутаносиблиги нимага асосланади? Баъзи бир иқтисодчилар ҳар қандай айирбошлаш асосида талаб ва таклиф ётади деб таъкидлайдилар. Инглиз иқтисодчиси Д.Маршал фикрича талаб ва таклиф оралигида ягона дастаги мавжуд қиймат деб аталади. Унинг фикрича, агар бозорда айирбошланадиган буғдойга таклиф талабдан кўп бўлса, унда буғдойнинг алмашув қиймати камаяди, 1 кг буғдойни айирбошлаш учун 0,5 м дан

камроқ газлама керак. Агар буғдойга талаб кўп бўлса, аксинча, буғдойнинг алмашув қиймати ошади, унда 1 кг буғдойга 0,5 м эмас, балки 0,75 м ва ундан ортиқ газлама берадилар.

Талаб ва таклиф ҳақиқатдан айирбошлаш мутаносиблигига таъсир кўрсатади, лекин товарнинг алмашув қийматини яратмайди. Фараз қилайлик, талаб билан таклиф бир-бирига тўғри келди, яъни буғдой қанча талаб қилинса, у шунча бор. Бундай ҳолатда алмашув мутаносиблиги нима асосида ўрнатилади? Нима учун 1 кг буғдой 0,5 м газламага айирбошланади? Нега бошқача миқдорда бўлмайди? Бу саволга талаб ва таклиф назарияси жавоб бера олмайди.

Энди бошқа таълимот борки, унга биноан айирбошлаш мутаносиб товарларнинг истеймол учун нақадар фойдалилиги, яъни нафлиги билан белгиланади. Бу тўғрисида Австралия иқтисодчиси Е.Бем-Баверк қуйидагича фикрни билдиради: буюмнинг нархи, бу буюмнинг фойдалилиги билан белгиланиши керак. Бундай қараганда бундай ғоя тўғри ва етарли даражада ишонарли, буюм қанчалик фойдали бўлса, истеймолчига шунча зарур бўлади, унинг нархи, баҳоси шунча юқори бўлади.

Лекин ҳаётда буюмларнинг фойдалилиги товарларни айирбошлаш учун асос бўла олмайди. Агар товарлар фойдалилигига қараб айирбошланса, унда инсон эҳтиёжи учун керакли бўлган нон, гўшт, сут ва бошқалар ҳамма товарларга қараганда қиммат бўлиши керак, улар нафли бўлганидан кўпгина товарга айирбошланиши керак. Бироқ бизга маълумки, шундай товарлар борки сут ва нон каби зарур эмас, лекин улар жуда қиммат туради.

Бундай ҳолатни кўриб, энг фойдали маҳсулот арзон бўлиши керак экан деган хулосага келиш нотўғри. Мисол учун қуруқ беда ем тариқасида сомонга қараганда фойдали, лекин сомонга қараганда қиммат. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Товарларнинг фойдалилиги билан алмашув қиймати ўртасида боғлиқлик бор, аммо бу ягона сабаб эмас. Бир буюм фойдали ва қиммат, бошқаси – фойдали лекин арзон. Бу ерда табиийки, бир нечта савол туғилади.

Товарлар айирбошлаш мутаносиблигига фақат истеймол қиймати асос бўла олмайди. Айирбошланадиган товарлар турли-туман бўлганидан уларнинг ўлчами ҳам бир хил эмас, уларнинг

моддий ўлчами метр, кубометр, килограмм, дона, гектар, квадрат метр ва ҳ.к., яъни моддий ўлчам билан товарларни тенглаштириб бўлмайди. Айтайлик, литрга тенглаштириб бўлмайди. Товарларни тенглаштириш учун асос-уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатдир.

Буғдой, газлама, машина, игна, болта, самолёт – бу ҳаммаси инсон меҳнати маҳсули. Товарни тенглаштириш ҳамда айирбошланиши учун уларга бир хил миқдорда меҳнат сарф қилиниши керак. Шу сабабдан, 1 кг буғдой 0,5м газламага тенглашади. Сабаб 1 кг буғдойни етиштириш учун кетган меҳнат 0,5м газламага кетган меҳнатга тенг. Товарда гавдаланган меҳнат унинг қийматини вужудга келтиради. Албатта, бу ерда жами ишлаб чиқариш босқичларида сарфланган меҳнатнинг ҳаммаси назарда тутилаяпти.

Ҳар қандай товарнинг истеъмол қийматини, унинг фойдалилигини сезиш ёки билиш мумкин. Лекин товар қиматида моддийликнинг зарраси ҳам бўлмайди, уни сезиш қийин. Ҳар қандай товарни ушлаб, қараб кўриш мумкин, лекин унинг қийматини ушлаб бўлмайди. Истеъмол қиймати товарнинг ҳар хил табиий хусусиятларни ифода этади, қиймат эса ижтимоий социал – иқтисодий хусусиятларни ифода этади.

Қиймат меҳнат маҳсули бўлиб, товарнинг ички хусусиятини ифода этади. Товар ўзида истеъмол қиймати ва қийматни биргаликда мужассам этади, лекин улар ўзини алмашув қиймати орқали ифодалядилар.

Товар қиймати манбаи, юқорида таъкидлаганимиздек меҳнат. Буни биринчи бўлиб инглиз сиёсий иқтисодининг дастлабки намоёнчаси В.Патти асослаган. Қийматнинг ҳажми бевосита унга сарфланган меҳнатнинг миқдори билан белиланади. Инсон учун, илгарилари алюмин ишлаб чиқаришда кўп миқдорда меҳнат сарфланар эди ва у олтиндан ҳам қиммат турарди. Шу сабабли Наполеон кийимига алюмин тугма тикканлар. Кейинчалик алюмин ишлаб чиқаришга кам меҳнат сарфланиб, у олтинга қараганда анча арзон бўлган. Тарихан бундай ҳолатни темир мисолида ҳам кўриш мумкин. Темир буюмни ишлаб чиқариш жуда қийин бўлган. Олдинги даврларда бир жангчини қуроллантириш юз буқадан ҳам қиммат турган. Кейинчалик темир буюмни яратишга сарфланадиган меҳнат бир неча марта

камайди ва натижада темир бир неча марта арзонлашди. Шундай қилиб, меҳнат сарфи қанча кам бўлса товар қиймати шунча пасаяди ёки аксинча. Меҳнат сарфлари ва қийматни бир-бирига алмаштириш асло мумкин эмас. Ҳамма меҳнат сарфи ҳам қийматни яратмайди. Мисол учун натурал хўжалик шароитида меҳнат сарфлаш орқали маҳсулот яратилган, лекин ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари истеъмол қилганлар. У даврда меҳнат сарфланганига қарамай, маҳсулот товарига айланмаган ва қийматга эга бўлмаган. Бинобарин фақат товар яратилганда меҳнат сарфи қийматини билдиради.

ПУЛНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МАЗМУНИ.

Бозор иқтисодиёти пул билан тирик. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисодиёти йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти товарлар ва товарлашган хизматларнинг ишлаб чиқаришдан бошлаб, то истеъмолчига бўлган ҳаракатидан иборатки, бу ҳаракат пул воситасида амалга ошади. Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул ўта муҳим иқтисодий восита бўлади. У ишлаб чиқаришнинг такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади.

Пулнинг иқтисодда аҳамиятини, у бажарган функциялар белгилаб беради. Борлигини кўрсатган: қиймат ўлчови, муомила воситаси, жамғариш воситаси, тўлов воситаси ва ниҳоят жаҳон пуллари. Ҳозирги назарияларда уларнинг учтаси тан олинади:

1. Қиймат ўлчови – пул умумий эквивалент бўлган товар экан, ўзидан меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Пулда ифодаланган қиймат – бу нарх. Товарнинг қанча туришини пул билан белгилаб, у 10 сўм, 50 доллар, 50 динор, 20 марка, 50 иен туради деб атаймиз.

2. Муомала воситаси – бу пул олди – сотдида ишлатилади. Пул ёрдамида товарнинг харид этиш, пулга товар айирбошлаш (П – Т) ёки товарни сотиш товарни пулга товар айирбошлаш (Т – П) юз беради.

3. Жамғарма воситаси. Бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб, ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олишидир. Пул – қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ёки уни

жамлаб сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади. Пул бойлик жамғаришнинг қулай усули, чунки пулда ликвидлик бор, яъни пулни тўлов учун қабул қилинади.

Жамғарила бориб харид қобилятини сақловчи барча пул воситалари пул агрегати дейилади. Бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қўйилган пуллар, сертификатлар ва бошқалар киради.

Пулнинг қиймати, аниқроғи унинг қадр – қиймати деганда пул бирлигининг харид этиш қурби – қобиляти, яъни унга қанча товар ва хизматлар харид этиш мумкинлигини тушунилади.

Пул қадр-қиймати нархга, нарх эса ишлаб чиқариш харажатларига ва бозорга ташланган пул миқдорига боғлиқ. У харажатлар ва пул миқдорига тескари пропорционал ўзгаради. Бу боғланиш нарх орқали юз беради. Шу сабабдан пул қадр – қийматини нарх даражасига нисбатан тескари пропорционалдир: нарх пасайса пул қадри ошади, нарх ошса пасаяди.

Агар пул қанчалик тез айланиб турса (оборот қилса) пулга талаб шунчалик қисқаради. Хўжалик оборотида пулнинг доимо ҳаракатда бўлиши, пул ўз функцияларини узлуксиз бажариб туриши пул муомиласи дейилади. Иқтисодиётда зарур пул миқдорини пул муомиласининг қонунига биноан аниқланади. Бу қонун пул миқдорига таъсир этувчи омиллар ҳаракатини билдиради. Бу қонун таърифи қуйидагича:

Муайян даврда муомилага зарур бўлган пул миқдори барча товарлар нархи суммасига (йиғиндисига) тўғри пропорционал, пул обороти тизимига тескари пропорционал ўзгаради. Бозор иқтисодиёти ривожланган сари пул муносабатлари мураккаблашади, ўзаро боғлиқ пул оқими кучаяди. Товарлар, акция, облигация сотиб олиш банкдан пул қарз олиш кучаяди. Бойлик шакллари кенгаяди, уни сақлаш алтернатив (муқобил) усуллари пайдо бўлади.

Пул миқдори ишлаб чиқариш ҳолатига нархга, пул обороти тезлигига боғлиқ эканлигига эътибор берилади. Пул миқдорининг ишлаб чиқаришга алоқаси пулнинг махсус товарлигини ва шу жиҳатдан бойлик бўлишини кўрсатади, унинг айланиши ишлаб чиқаришдаги омиллар-ресурслар ва шунингдек, яратилган товар-хизматлар ҳаракатини билдиради.

Соғлом бозор иқтисодиётини пулга талаб ва таклиф мувозанатда бўлишини билдиради. Аммо мувозанат бузилиб ҳам туради, бу пул миқдори таъсир этувчи омилларнинг издан чиқиши натижасидир. Ишлаб чиқариш ўсмаган ҳолда пул миқдори ўсса, бунга жавобан нарх ошади.

Нархнинг пул миқдори таъсири қисқа даврда сезилмайди, узоқ даврда намоён бўлади. Агар пул миқдори иқтисодий ўсишга монанд равишда кўпайса, у қадрсизланмайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул обороти ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради. Инфляция – муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул кадр-қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир.

Қиймат қонуни – товар ишлаб чиқариш шароитида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни тартибга солувчи объектив қонундир. Бу қонунга биноан, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Бу қийматнинг миқдори ижтимоий зарур меҳнат сарфлари билан ўлчанади.

Меҳнатнинг табиий ўлчови иш вақтидир. Лекин қиймат шунчаки меҳнат билан эмас, балки ижтимоий меҳнат билан яратилади. «Ижтимоий» деган ибора биринчи навбатда шуни билдирадики, қийматнинг миқдори у ёки бу ишлаб чиқарувчининг индивидуал меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарур иш вақти билан ўлчанади.

Ижтимоий зарур иш вақти деб – ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий нормал шароитида ва шу жамиятда меҳнат маҳорати ва интенсивлигининг ўртача даражада бирор истеъмол қийматини ишлаб тайёрлаш учун талаб қилинадиган иш вақтидир.

Ижтимоий нормал (ёки типик) ишлаб чиқариш шароити муайян турдаги товарларнинг аксарият қисми яратиладиган шароитдир. Бу одатда, ўртача шароит. Фақат шу шароитда ўртача маҳоратга эга бўлган ва ўртача интенсивлик билан ишлайдиган ишлаб чиқарувчи бир соатлик меҳнат мобайнида бир ижтимоий зарур соатга тенг бўлган қиймат яратади.

Агар ишлаб чиқариш шароити ижтимоий нормал шароитга мос келмаса (ундан яхшироқ ёки ёмонроқ бўлса) ёхуд ходимнинг

махорати ва меҳнатиининг интенсивлиги жамиятда қарор топган ўртача даражадан юқорироқ ёки пастроқ бўлса. Бу ҳолда ходим бир соатлик меҳнати мобайнида яратган қиймат тегишлича кўпроқ ёки озроқ бўлади.

Бошқача сўзлар билан айтганда, ижтимоий зарур иш вақти бирлиги (эталон соат) астрономик саоат эмас. Бу типик ишлаб чиқариш шароитида ходимнинг маҳорат даражаси ва меҳнатнинг интенсивлиги ўртача бўлган шароитда қилинадиган бир соатлик меҳнатдир. Агар бир индивидуал иш соати маҳсулотида ижтимоий меҳнат соатнин фақат ярми ифодаланса, бу маҳсулотнинг қиймати эталон соатда яратиладиган қийматдан икки марта кам бўлади. Бошқача сўзлар билан айтганда, кўпроқ унумли меҳнат муайян вақт ичида камроқ унумли меҳнатга қараганда ҳамиша кўпроқ қиймат яратади.

Ижтимоий зарур иш вақти ўзига хос ижтимоий меҳнат нормативи ролида чиқади, бу норматив бозорда аниқланади ва товар ишлаб чиқарувчилар унга амал қилишлари керак. Керагидан ортиқча меҳнат сарфлари қиймат яратмайди, яъни жамият томонидан эътироф этилмайди, рад этилади. Бозорда муайян турдаги товарларнинг асосий массасини ишлаб чиқариш учун зарур бўлганидан амалдаги ортиқча меҳнат сарфларига ҳеч ким ҳақ тўламайди.

Товар қийматида оддий меҳнат ифодаланади. Оддий меҳнат деганда махсус тайёргарлик талаб қилмайдиган меҳнат тушунилади. У турли мамлакатларда ва турли даврларда бир хил эмас. Лекин қиймат намоён бўладиган ҳар бир муайян бозорда (у хох ички, хох ташқи бозор бўлсин) оддий меҳнат аввалдан мавжуд меҳнатдир. У шундай бошланғич негизки, малакаси жиҳатдан юқорироқ, яъни мураккаброқ меҳнат турларнинг ҳаммаси унга тенглаштирилади. Бинобарин, мураккаб меҳнат даражага кўтарилган ёки кўпайтирилган оддий меҳнат сифатида намоён бўлади. Вақт бирлиги ичида у оддий меҳнатга қараганда кўпроқ қиймат яратади. Мураккаб меҳнатни оддий меҳнатга тенглаштириш бозорда индивидуал сарфларни ижтимоий зарур сарфларга тенглаштириш билан бирга содир бўлади.

Ижтимоий зарур сарфларнинг юқорида келтирилган таърифларидан кўриниб турибдики, қиймат қонуни индивидуал меҳнат сарфи ижтимоий зарур меҳнат сарфидан камроқ бўлган

ишлаб чиқарувчиларни, яъни шу вақт ичида кўп миқдорда истеъмол қийматларининг (фойдали самаранинг кўп қисмининг) тайёрланишини ёки, бошқача сўзлар билан айтганда, янада кўпроқ меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради.

Меҳнат унумдорлиги ижтимоий нормал меҳнат унумдорлигидан кам бўлган ишлаб чиқарувчиларни қиймат қонуни бамисоли «жазолайди» бу билан иқтисодий шароитлар товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнат унумдорлигини оширишга ёки бошқа хил товарларни чиқаришга ўтишга рағбатлантиради. Акс ҳолда улар бозордан сиқиб чиқарилиш, хонавайрон бўлиш хавфи остида қолишлари мумкин.

Қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни уларнинг индивидуал меҳнат сарфлари билан ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатга боғлиқ ҳолда табақалаштиради, сарфларни камайтиришни рағбатлантиради ва меҳнатнинг ишлаб чиқариш соҳалари бўйича тақсимланишини тартибга солиб туради.

Қиймат қонуни баҳолар қонуни сифатида кўринади – баҳолар асосида қиймат ётади. Унинг функцияси баҳолар қиймат билан тенг бўлганда ҳам улар фарқ қилганда ҳам амалга ошаверади. Масалан: энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ижтимоий зарур сарфлардан кам, лекин индивидуал сарфлардан юқори баҳоларга сотишлари ва қўшимча даромад олишлари мумкин. Лекин уларнинг аҳволини мутлоқ гарантияланган деб бўлмайди. Агар улар техник ва ташкилий янгиликларни қўлламасалар, кўпроқ самара берадиган ишлаб чиқариш усуллари кидириб топмасалар, улар бирмунча вақтдан кейин ўз устунликларидан ажралиб қоладилар.

Шундай қилиб, қиймат қонуни товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнат сарфини камайтириш ёки камайтирмасликни танлаб олиш эркинлигидан маҳрум қилиб қўяди. Уларнинг ҳаммаси иқтисодий тайзиқ остида бўлади ва доим иш вақтини тежаш резервларини ахтариш билан шуғулланишига мажбур.

Қиймат қонуни ресурсларнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида тақсимланишини тартибга солиб туриш функциясини бажараётганда ҳам баҳолар динамикаси муҳим роль ўйнайди. Агар у ёки бу конкрет товар ижтимоий эҳтиёжни

кондириш учун зарур бўлганидан камроқ ишлаб чиқарилса, бу ҳол талабнинг таклифдан ошиб кетишига сабаб бўлади. Товар баҳоси ошиб кетади. Уни ишлаб чиқарувчилар юқори даромад оладилар. Бу эса шу тармоққа даромади камроқ бўлган бошқа тармоқлардан ресурсларнинг ўтишига сабаб бўладию товар ишлаб чиқариш кенгаяди. Агар муайян товар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилса, уни таклиф қилиш талабдан ошиб кетади, баҳолар, шу билан бирга даромадлар камаяди, бу тармоқларга ўтиб кетади. Қиймат қонунига асосланган ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солувчи қиймат ёки бозор механизми ана шундай.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг товар-бозор механизми қиймат қонунига асосланган бўлиб, иқтисодий тараққиётда капитализмдан олдинги формацияларга хос бўлган тургунликни бартараф этишда муҳим роль ўйнайди. Бу механизм натурал хўжаликда иқтисодий алоқаларнинг бир доирада чекланиб қолиши яратган кишанларни парчалаб ташлади.

Алоқалар тобора турли-туман тус олиб ва чуқурлашиб боради, бу эса эҳтиёжлар ўзгарувчанлигини ва ишлаб чиқаришни кенгайтирувчи қудратли стимуллари туғдиради. Натурал хўжаликнинг емирилиши, товар муносабатларининг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланиши иқтисодий тараққиётнинг жиддий жадаллашувини билдиради.

Тарих тажрибаси қиймат қонуни яратадиган стимуллар ва таъйиқ ғоят таъсирли ва самарали эканлигини кўрсатади. Капитализм товар-бозор механизмини ўзлаштириб олганлиги туфайли ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти бу ерда бутун ўтмиш тарихдагига қараганда анча илгари сурилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш вақтини тежашнинг таъсирчан механизмини яратиш товар хўжалиги бу билан ўзининг тарихан узок вақт умр кўриш «хуқуқини» таъминлади.

Товар ишлаб чиқаришнинг турли иқтисодий формацияларга юксак даражада мослаша билиш қобилиятини ҳам назарда тутиш керак. Бу формацияларнинг ҳар бирида товар пул муносабатлари мулкнинг муайян ишлаб чиқариш усулига хос формаларининг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Товар ишлаб чиқаришнинг амал қилиши учун ишлаб чиқарувчиларнинг социал иқтисодий

характеристикаси муайян жиддий аҳамиятга эга эмас. Муҳими бошқа – улар меҳнат тақсимоти системасида туриб иқтисодий жиҳатдан у ёки бу даражада алоҳидалашган бўлишлари керак.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Натурал хўжаликни қандай тушунасиш, унинг устунлик ва камчиликлари борми?
- 2- Товар нима, унинг қандай хусусиятлари бор?
- 3- Ўзбекистон сумини канвертация қилиш учун сизнингча нима қилмоқ керак?

6 – мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ.

Режа

- 1- Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг ривожланиши. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари.
- 2- Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари.
- 3- Бозорнинг мазмуни ва тузулиши.
- 4- Бозор инфразузилмаси ва унинг таркиби.

АДАБИЁТЛАР

- 1- Каримов И.А.- «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент «Ўзбекистон». 1992.
- 2- Каримов И.А. - «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент «Ўзбекистон». 1993.
- 3- Каримов И. А. - «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент «Ўзбекистон». 1995.
- 4- Каримов И.А. - «Иқтисодий ислохат маъсулиятли босқич». Тошкент «Ўзбекистон». 1995.
- 5- Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
- 6- Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006.– 352 с.
- 7- Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 8- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
- 9- Экономика. 8-е изд., перераб. и дополненное. - /Под ред. А.С.

Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.

10- Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомиласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми – бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишини ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситадир.

Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндисидир.

Бозор объекти – бозорга айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолиятнинг натижалари ва иқтисодий ресурслар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.

Бозор субъекти – бозорнинг, айирбошлаш муносабатлари қатнашчиларидир.

Бозор инфратузилмаси – айирбошлаш муносабатларига хизмат қилувчи муассасавий тузилмалар.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ.

Жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатлари ва халқлари бозор иқтисодиётида ривожланмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу иқтисодиёт бир қатор устунликларга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантиришга қодир бўлган механизмларга эгадир. Шу туфайли XX асрда ҳам бир қатор мамлакатлар, айниқса мустамлакачиликдан қутулиб, мустақил тараққиётга киришган мамлакатлар, собиқ соиалистик мамлакатлар ҳам бозор иқтисодиёти йўлини танладилар. СССР парчаланиб кетиб, унинг ўрнидан ташкил топган мустақил давлатлар ҳам, жумладан Ўзбекистон ҳам ривожланишнинг бозор иқтисодиёти йўлини танладилар.

«Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат».¹

Бозор — бу товар ва хизматларни пул воситасида айирбошлаш жараёнида сотувчилар ва харидорлар ўртасида юзага чиқадиган иқтисодий муносабатлардир. Бозор иқтисодиёти эса барча ҳатти-ҳаракатларни эркин амалга ошишига асосланган иқтисодиётдир.

Юқорида таъкидлаганидек, бозор иқтисодиёти буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бир қатор устунликлари борки, уларни жаҳон тажрибаси амалда исботлади. Бу устунликлар қўйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти кишиларда мулкка муносабатини яхшилайти. Буни шунда кўриш мумкинки бир марказдан туриб, буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда, давлат мулкининг якка ҳукмронлиги туфайли, кишиларда мулкка муносабат ёмонлашади, кишилар мулкининг яхши сақлаш, уни кўпайтириш, тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида қайғурмадилар, мулк борган сари кўпайиш, мустаҳкамланиб бориш ўрнига, у талон-тарож қилина бошланди. Чунки давлат мулки бу умумхалқ мулки дейиларди-ю, аммо амалда ҳеч-кимники эмас эди. Бозор иқтисодиётида мулкнинг турли — туман шакллари пайдо бўлади, мулк асосан хусусийлаштирилади. Хусусий мулк кишиларда мулкка эгалик ҳиссиётини уйғотади, кишилар мулкни асраш, уни кўпайтириш ҳақида қайғурадилар;

2. Мулкка муносабатни яхшиланиши кишиларда меҳнатга муносабатни яхшилайти. Чунки, корхоналар, ер ва бошқа воситаларни кишиларнинг хусусий мулкига айланиши, ёлланиб ишловчилар меҳнатидан унумли фойдаланишга, қаллоблик, кўзбўямачилик каби иллатларни, ўғирлик, порахўрлик каби нарсаларга чек қўяди. Мулк эгалари фақатгина юқори унумли меҳнатгина уни мол — мулкни кўпайтириш имконини беришини яхши тушунадилар.

¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.3-том.Т. Ўзбекистон, 1996. 177 — бет.

3. Маҳсулот сифати яхшиланади, чунки эндиликда давлат буюрт-малари тугатилади, ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари сотадилар, бу эса ишлаб чиқарувчилар зиммасига катта маъсулият юклайди, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилса, у тезда сотилмайди, корхонани фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Корхона эгаси бундай бўлишини хохламайди, ўз мулкини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишни мақсад қилиб қўяди.

4. Иқтисодий ресурслардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланишга олиб келади. Чунки ортиқча харажатлар, маҳсулотни қимматга ишлаб чиқаришга олиб келади, бу маҳсулотлар бозорда ўтмайди, натижада корхона синиб кетиши мумкин, ҳеч қандай тадбиркор буни хохламайди.

5. Бозор иқтисодиёти кишилардаги қобилиятни, маҳоратни кенг ишга солиш имкониятини беради. Чунки, ишлаб чиқарувчиларга кенг эркинликлар берилиши, тадбиркорликка ишбилармонликка кенг йўл очади. Тартибли асосга қурилган бозоргина халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини рўёбга чиқаришга, текинхурликни тугатишга ташаб- бускорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга, манфаатдорлик ва унитиб юборилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклашга қодирдир.

6. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг зўровонлигига барҳам бериб, ишлаб чиқаришни истеъмолчининг манфаатларига бўйсиндирилади, маҳсулотларга талабни тўғри ҳисобга олиб бозордаги ўзгаришларга қараб тез ҳаракат қилиш имконини беради:

7. Бозор муносабатлари одамларни янгиликка интиладиган, илм – фан ва техниканинг сўнги ютуқларини дадил ва тез жорий этадиган, касб маҳоратини муносиб қадрлайдиган қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти улкан имкониятларга эга бўлиб, у ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи учта кучни вужудга келтиради:

1. Иқтисодий фаолият эркинлиги – бу тадбиркорлик, ишбилармон-лик учун кенг имконият яратади;

2. Рақобат кураши, бу;

а) ким ўзар қоидасини юзага келтиради;

б) янгиликларни жорий этишга ундайди;

в) техника — технологияни, меҳнат унумдорлигин ва маҳсулот сифатини оширади;

г) қаттиқ меҳнат ва ижро этиш интизомини яратади.

3. Даромадларнинг чекланмаслиги — бу кишиларни қўшимча даро-мад топишга ундайди.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантириб, иқтисодий ўсишни таъминлайди, охир оқибатда халқнинг турмуш даражасини оширади. Бозор иқтисодиётига ўтишдан мақсад ҳам шунга қаратилгандир.

Халқаро тажриба кўрсатдики, бозор иқтисодиётига ўтишнинг уч шакли ёки модели мавжуд.

1. Ривожланган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш.

2. Мустамлакачиликдан озод бўлиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари йўли.

3. Собиқ социалистик мамлакатлар йўли.

Бу йўлларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари бор, албатта ўларнинг ҳаммаси бир манзилга бозор иқтисодиётига олиб келадики, бу иқтисодиётнинг қонун-қоидалари, амал қилиш принциплари кўп жиҳатдан умумий бўлади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал — иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар-хил бўлганлиги туфайли, унга миллий ёки ҳудудий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади.

Биринчи моделда бозор муносабатлари шаклланишига хос ҳамма босқичлардан ўтилади, уларнинг бирортасини четлаб бўлмайди. Бу модел асрлар оша тарихий — табиий жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узоқ давом этган ўзгаришлар орқали бозор иқтисодиётининг ўзига хос классик шаклланиш жараёнидирки, у бошқалар учун андаза, намуна бўлиши мумкин, чунки мазкур иқтисодиётнинг қонун қоидалари, унинг ҳаётийлиги шу моделда синаб кўрилган.

Иккинчи моделга ҳам муҳим томон бу мустамлакачиликдан мерос қолган қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдир. Бу модел мустақиллик шароитида амалга ошади. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали юз беради. Биринчидан, азалий натурал хўжалик бозор доирасида тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб

чиқади; иккинчидан, кам ривожланган, лекин реал мавжуд миллий капиталистик хўжалик бозор иқтисодиёти томон юз тутади; учунчидан хорижий капитал яратган хўжалик, яъни ишлаб чиқариш хорижий сектори заминидан бозор иқтисодиёти усуллари ривож топади. Иккинчи моделнинг муҳим белгиси унга ўтиш, бозор муносабатлари ривожига хос босқичларнинг ҳаммасидан ўтилмай, уларнинг айримларини четланган ҳолда юз беради.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг учинчи модели бу жараёнга хос бўлган энг сўнги йўлдир. Унинг энг муҳим белгиси тоталитар иқтисодий тизимдан бозор тизимига ўтиш ҳисобланади. Тоталитар тизим давлатлашган социализм шаклида амал қилган. Унга давлат мулкнинг танҳо ҳукмронлиги, иқтисодиётнинг ўта давлатлашган бўлиши, унинг давлат томонидан юқоридан туриб бир режага, қолипга солиниши, назорат қилиниши, унинг давлат чизган чизиқдан бориши, моддий наъматларни ҳам давлат бир текисда тақсимлаши, хусусий-иқтисодий, фаолиятининг ман этилиши, тадбиркорликни бўғиб қўйиб, маҳаллий ташаббусга йўл бермаслик, экспорт – импортни қаттиқ назорат қилиш ҳамда иқтисодиётнинг ўта ҳарбийлашган бўлиши хосдир.

Тоталитар иқтисодиётнинг бозор билан умумийлиги йўқ, улар бир – бирига зид бўлганидан чиқиша олмайди, табиатан ҳар хил бўлганидан бир–бирининг бағрида пайдо бўла олмайди. Аксинча иккинчи модел шароитида бозор иқтисодиётининг баъзи бир усуллари эски традицион иқтисод бағрида униб чиққан ва ривож топган бўлади. Тоталитар тизимнинг ўзи бозор муносабатлари томон ривожланишдан иборат табиий иқтисодий жараёнларни революцион зўрлик билан тўхталиб, бозор иқтисодиёти унсурларини йўқотиб, уларнинг харобаларида давлатлаштирилган иқтисодиётни яратиш орқали пайдо бўлган. Ун йиллар давомида чуқур илдиз отган тоталитар тизим бозор муносабатларига ўтишда қийинчилик яратади. Чунки шу тизим яратган бир тоифа кишилар бор, улар учун фаровон турмуш берган. Албатта, бу кишилар бозор муносабатларига ўтишдан манфаатдор эмас, унга қаршилик қилади. Тоталитар тизим аҳоли кўпчилигида чекланган иқтисодий тафаккур ҳосил этган, уларда тадбиркорликка, умуман пул топишга мустақил иш юритишга ёмон кўз билан қараш, яъни уларни қоралаш, айна вақтда

давлатга боқимонда бўлиш, давлат қўлига қараб туриш, бой бўлишни нуқсон деб билиш каби ҳиссиётлар кишилар хулқ – атвори, ҳатти – ҳаракатини белгилаб келган. Шундай шароитда аҳолига бозор муносабатлари ғояларини сингдирмай туриб, аҳолида янгича кўникма ҳосил этмай туриб, тоталитар тизимни тарк этиб, бозор тизимига кириб бўлмайди.

Учинчи моделнинг нафақат қийинчилигини, балки унинг афзалликларини ҳам борки, у янги ривожига кўмак беради. Ҳар ҳолда тоталитар тизим ўзига хос усуллар билан анча кучли ишлаб чиқариш, илмий – техникавий ва кадрлар потенциалини яратган, унга таянган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш енгил кечади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ЗИДДИЯТЛАРИ.

Бозор иқтисодиётининг устунликлари, олдинги саволда атрофлича ёритиб берилди. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти тоталитар иқтисодиётдан бир қатор белгилари билан ажралиб туради. Бу белгилар қуйидагилардан иборатдир:

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиларидан бири иқтисодий плюрализмдир, яъни мулк шаклларининг хилма–хиллиги ва шунга мувофиқ хўжалик юритиш шаклларининг ҳам турли–туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма–ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Ҳамма мулк шакллари тенг ҳуқуқли бўлиб, айрим мулк шаклининг ҳукмронлигига йўл қўйилмайди. Хўжалик юритиш усуллари ҳам турли–туман бўлиб, якка тартибда, жамоаларга-уюшмаларга бириккан ҳолда, шерикчилик–пайчилик ёки ҳиссадорлик (акционерлик) асосида хўжалик юритиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиларидан бири иқтисодий фаолият эркинлигидир. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асосини ишлаб чиқариш омилларига, яратилган маҳсулотларга мулк эгасининг эгалик қилишлиги, мустақил фаолият юритишлиги, товарларни хохлаган жойга, бозор кўтарган баҳоларда сотишлиги тушинилади.

Бозор иқтисодиётига хос белгилардан бири нарх–навоннинг эркинлаштиришдир. Товарларга юқоридан туриб, давлат томонидан нарх белгиланишига чек қўйилади, нархлар бозорда талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Нархларнинг эркин

белгиланиши ишлаб чиқарувчиларни манфаатдорлигини рағбатлантиради, бозорни керакли товарлар билан тўлдиради.

Бозор иқтисодиётига хос белгилардан яна бири рақобат курашининг мавжудлигидир. Рақобат мавжуд бўлган жойда иқтисодиёт тез суръатлар билан ривожланади, монополиялар ҳукмронлигига барҳам беради. Иқтисодиёт антимонополистик характерга эга бўлади.

Булардан ташқари бозор иқтисодиётига хос бўлган белгилардан юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг имкониятларга эга бўлишлиги, иқтисодий манфаатларни уйғунлаштиришга интилишлик, бошқарувнинг оддий ва самарали усулларининг қўлланишлари ҳам хосдир.

Юқорида бозор иқтисодиётининг устунликлари кўрсатилди, уларга кўра бозор иқтисодиёти тоталитар иқтисодиётига нисбатан анча афзалликларга эга эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ҳамма муаммоларга ўз ҳолича ҳал қилишга қодир эмас. «Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларга тик кўз билан, реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак».¹ Бир қатор муаммолар борки бозор иқтисодиёти давлатнинг ёрдамсиз ҳал қилишга қодир эмас. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий муаммоларни ечишда қийинчиликларга дуч келинади. Айниқса қариялар, болалар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар борки, бозор иқтисодиёти қонунларига кўра бундай муаммолар давлатнинг иқтисодга аралашуви орқали ҳал этилиши мумкин.

2. Атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш (экологик) муаммо-ларини бозор иқтисодиёти ҳал қилаолмайдиган муаммолардан биридир. Маълумки тадбиркор фойда бермайдиган соҳаларга ўз капиталини сарфламайди, экологик муаммолар ҳам катта маблағ ташлашни талаб қилади, аммо уни қайтиши пул сифатида қайтмайди. Шу туфайли ҳам тадбиркор бу соҳага ҳам маблағ ташламайди. Бу муаммо ҳам давлат йўли билан маблағ ташлаш орқали ҳал этилади.

¹ И.Каримов «Ўзбекистоннинг сўз истифол ва тараққиёт йўли». Т.Ўзбекистон, 1992. 44-бет.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт бир маромда, бир текис ривожланмайди, у вақти – вақти билан иқтисодий инқирозларга бунинг оқибатида келиб чиқадиган ишсизлик, инфляция гирдобига дучор бўлиши мумкин. Бундай ҳолатдан чиқишда ҳам давлатнинг иқтисодга аралашуви зарур бўлиб қолади.

Юқоридагилардан шу нарса аёнки, бозор иқтисодиётининг бундай зиддиятлари ёки чекланганлиги туфайли дунёнинг кўпгина мамлакатлари эркин бозор иқтисодиётини эмас, балки бошқариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини танламоқдалар.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – бозор иқтисодиётининг айрим мамлакатларда қўлланиладиган модели бўлиб, унга кўра унинг асосини кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш ташкил этади, бу ишни давлат амалга ошириши лозим. Бу модел биринчи марта иқтисодчи Л.Эрхард томонидан асосланган.

Бунга кўра давлат аҳолини кучли ҳимоялаш сиёсатини олиб боради, яъни ногирон, қариялар ёки ишсиз қолган аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб – қувватлаб туради. Ижтимоий ҳимоялаш нафақалар тўлаш, айрим товар турларини арзон баҳоларда сотиш орқали амалга оширилади.

БОЗОРНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Бозор объектлари дейилганда, унда сотиладиган нарсалар, жумладан озиқ – овқат, кийим – кечак, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва бошқалар тушунилади, яъни нима сотилса ҳаммаси бозор объектларига киради. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатлар бозорларида 25 млн. турдан кўп нарсалар сотилади.

Бозор объектлари бўйича, яъни сотиладиган нарсаларнинг турига қараб қуйидаги бозорларга бўлинади:

1. Халқ истеъмоли товарлари ва хизматлар бозори
2. Ишлаб чиқариш воситалари ёки ресурслар бозори.
3. Меҳнат (иш кучи) бозори.
4. Молия (қимматли қоғозлар) бозори
5. Интеллектуал товарлар бозори
6. Ахборотлар бозори.

Халқ истеъмоли товарлари ёки хизматлар бозори аниқ шаклларда ташкил топади. Бунга ярмаркалар, товар биржалари, савдо уйлари ва чакана савдо фирмалари, ҳар-хил магазинлар, дўконлар, экспорт ва импорт ташкилотлари киради. Бу бозор истеъмолчилар олди–сотдисини амалга оширади.

Ишлаб чиқариш воситалари ёки ресурслар бозорида ишлаб чиқаришни юргизиш учун зарур бўлган ва товарга айланган меҳнат воситаларидир. Хом ашё материалларининг тўғри ёки воситачилар орқали олди–сотди қилинишидир.

Халқ истеъмоли товарлари ва хизматлари, ишлаб чиқариш воситалари савдо уйлари, савдо ярмаркалари, биржалар орқали сотилади. Бу ердаги товар айирбошлаш фақат шаклан эмас, балки мазмунан ҳам фарқланади. Савдо ярмаркалари маълум вақтда ўтказиладиган савдо – сотиқ йиғини бўлиб, бу ерда товарлар улгуржи равишда олди-сотди қилинади. Товар муомаласи унинг эгаси билан савдо фирмаси ёки ташкилоти ўртасида юз беради. Ярмарка муомаласида бевосита истеъмолчи қатнашмайди. Биржа товар бозорининг ўзига хос бир кўриниши бўлиб, ривожланган бозор иқтисодиётига хос. Биржа – бу маълум доирада улгуржи савдо–сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат корхонасидир.

Биржа операцияси иштирокчилари ёки янги–янги иштирокчилар қатнашади. Биржада товарларга талаб ва товарлар таклифи жамланади, бу ерда айирбошлаш иштирокчилари иш хусусида битим тузишади, лекин товарни етказиб бериш ва ҳақини тўлаш биржадан ташқарида юз беради. Биржа ишининг оддий савдо – сотиқдан фарқи яна шуки, бу ердаги айирбошлашда товарларнинг ўзи эмас, балки уларнинг намунаси ёки мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қатнашади.

Оддий – савдо-сотиқда товарнинг нақд бўлиши, харидор уни кўзи билан кўриши, қўли билан тутиб кўриши ва сифати ҳақида шахсан қаноат ҳосил этиши юз беради. Бу ерда харидор ва сотувчи юзма – юз туради.

Биржада ҳолат бошқача: операцияларда товар эгаси ва харидорнинг ўзи қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни махсус шахслар–брокерлар юритишади. Биржада савдо – сотиқ нақд турган товарлар билан қилинмайди. Товар биржадан жуда узоқ масофада, бошқа мамлакатда турган бўлиши мумкин. Масалан: Ўзбекистондаги пахта Ливерпулдаги, яъни Англиядаги

биржада сотилади. Биржа савдо сотиғида товарларнинг нақд бўлмаслиги, ташиш – сақлаш харажатларини тежайди.

Биржанинг яна бир белгиси – бу унинг юксак даражада ташкил этилган ва уюшган бўлишидир. Бу ерда чайқов бозоридаги каби тажрибасиз кўр–кўрона, савдо–сотик бўлмайди. Биржалар операцияларни белгиланган тартиб қоида асосида ўтказадилар, келишиб белгиланган нарх амал қилади.

Биржа тожирлар жамияти бўлиб, ўз доирасидан ташқари савдо–сотикда ҳам товарлар баҳосини белгилашда қатнашади. Биржада товарларнинг катта қисми сотилганидан бу ердаги нарх бошқалар учун ҳам мўлжал бўла олади.

Биржалар универсиал ва иқтисослашган бўлади. Универсиал биржаларда ҳар хил товарлар, иқтисослашган биржаларда айрим турдаги ёки бир гуруҳ товарлар сотилади.

Бозор кенгайган сари сотиладиган товарлар ғоят кўпаяди, бу махсус иқтисослашган биржаларни талаб қилади, чунки и бозорнинг ўзи табақаланиб сегментларга ажралади.

Савдо фирмалари муайян бозор сегментида тижорат ишини юритувчи ва иқтисослашган савдо – сотик корхоналаридир. Улар товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилади. Уларнинг асосий вазифаси товарни истеъмолчига етказиш.

Меҳнат бозори – иш кучини олди–сотди қилиш муносабатини билдиради. Иш кучи инсонни меҳнат қилиш қобилияти сифатида товарга айланади, олди–сотди орқали ишлаб чиқаришнинг шахсий омили бўла олади. Потенциал меҳнат қобилияти бозордан ўтиб реал – амалда ишлаётган меҳнат қобилиятига айланади. Меҳнат бозорининг бир томонидан иш кучи эгаси турса, иккинчисидан иш кучига муҳтож корхона, фирма туради. Улар ўртасида айирбошлаш муносабати юз беради, бу ишга ёлланиш ва ишга ёллаш шаклида юз беради ва товар бўлган иш кучини сотиш ва сотиб олишни билдиради. Меҳнат бозоридаги айирбошлаш оддий товарларни айирбошладан икки жиҳати билан фарқ қилади: оддий товарлар айирбошланганда улар бир томоннинг мулкидан бошқа томон мулкига айланади, яъни товарнинг эгаси ўзгаради. Иш кучи пулга айирбошлаганда иш кучи унинг эгаси мулки бўлиб қолаверади, лекин уни ишлатиш сотиб олувчи ихтиёрига ўтади. Бинобарин, иш кучини

бозор орқали истеъмол этиш уни эгасидан ажратиб олишни билдирмайди. Унинг пул тушумлари ҳам иш кучи соҳиблари, ҳам ишга ёлловчиларнинг воситачилик хизмати учун тўлайдиган ҳақларидан иборатдир.

Меҳнат бозорида биржалардан ташқари ишга ёллаш билан шуғулланувчи хусусий фирмалар ҳам мавжуд. Улардан бири очикдан—очик, расман иш юритса, бошқалари яширин ишлайди. Фирмалар асосан халқаро меҳнат бозорида фаолият кўрсатади, иш кучи экспорти ва импорти билан шуғулланади. Иш кучини импорт этувчи мамлакатдаги фирмалар эса хориждаги талабга биноан иш кучини ёллаб уни иш жойига етказиш билан шуғулланадилар. Улар ўз хизмати учун ҳар икки томондан ҳақ оладилар. Халқаро меҳнат бозорида ғайри қонуний, яширин иш кўрувчи фирмалар ҳам бўлади. Улар арзон иш кучини қолоқ мамлакатларда ёллаб ривожланган мамлакатларга етказиб беришади. Улар бу ишни миграция тўғрисидаги қонунларга зид равишда, яширин бажарадилар, бир қатор мамлакатларда тартибсиз ички меҳнат бозори ҳам мавжуд. Бунга мисол қилиб айрим чет мамлакатларда кишиларни, айниқса, ёшларни яширин ишга ёллаб, бошқа мамлакатларга юборувчи фирмаларни кўрсатиш мумкин.

Меҳнат биржалари ва ошкора иш юритувчи фирмалар меҳнат бозорининг уюшган, махсус ташкил этилган шакллари бўлиб, улар фаолияти белгиланган тартиб — қоидаларга биноан юритилади. Мардикор бозори ва яширин ишловчи фирмалар тартибсиз, стихияли меҳнат бозорини ташкил этади, уларнинг ишини тартиблаб турувчи расмий қонун—қоидалар бўлмайди. Цивилизавиялашган бозор иқтисодиётига уюшган меҳнат бозори хосдир.

Молия бозори. Бу бозор тизимининг ғоят муҳим унсури бўлиб, молия ресурслари (пул ва пулга тенглаштирилган қоғозлар) бозоридир. Молия ресурсларининг бир қисми бозорни четлаб, иккинчи қисми бозор орқали ўтади, мана шу иккинчи қисм молия бозорининг объекти бўлади. Бозор муносабатлари мулкдорлар билан пулга мухтожлар ўртасида юз беради. Пулнинг бозорга чиқарилиши ва ишлатилиши биринчидан, шахсий истеъмол эҳтиёжларини қондирса, иккинчидан, пулдан пул чиқариб олиш эҳтиёжини қондиради. Шахсий жамғарма бўлган

пулни шахсий эҳтиёжни қондириш учун молия бозоридан олиш бир нарса бўлса, уни жамғарилган капитал бўла туриб, тадбиркорлик учун ишлатиши, албатта, тамомила бошқа нарса.

Шу боисдан молия бозори ва капитал бозори. Биринчи бозорга тушган пул ресурси қарзга олиниб, шахсий истеъмол йўлида, масалан, автомашина харид этиш, уй қуриш, саёҳат этиш учун ишлатилади. Иккинчи бозордаги маблағлар қарзга олинганда ёки сотиб юборилганда капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шунини ҳисобга олиб капитал бозорини икки майда бўғинга ажратиш мумкин.

Ссуда капитал бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозори. Ссуда капитал бозори – пул шаклидаги капиталнинг ҳақ тўлаш шарти билан қарзга берилишидир. Унинг асосий кўриниши тижорат банклари қарзга пул беришидир. Бу ерда сотиладиган товар бўш турган пул, унинг нархи эса процент ҳисобланади. Бу бозорда олди–сотди юз берганда пул эгаси мулкдан ажралмайди. Лекин уни пулини вақтича ишлатиш ўзгалар қўлига ўтади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатлар олди–сотди қилинади ва бозорда амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлади. Бу бозорда ҳам сотувчилар ва харидорлар ўртасида брокерлар ва дилерлар воситачилик қилади. Қимматбаҳо қоғозлар келтирилган даромадига қараб ҳар хил нархда сотилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозорларидан иборат. Қимматбаҳо қоғозлар сотилганда, улар сотувчи мулкдан харидор мулкига ўтади, демак мулк эгаси ўзгаради. Молия бозорининг яна бир унсури валюта бозоридир. Бу ерда турли мамлакатлар валютаси олди–сотди қилинади, бозорда корхона, фирма, давлат идоралари ва фуқаролар қатнашади. Улардан бири валюта сотса, иккинчиси уни сотиб олади.

Иқтисодий алоқаларнинг характериға кўра бозорни икки катта турга ажратиш мумкин:

1. Эркин рақобатли бозор;
2. Монополлашган, рақобат чекланган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

Эркин рақобатли бозор дейилганда барча субъектлар ўртасидаги алоқалар ҳеч қандай тазийиқсиз, эркин амалга оширилади, яъни товарларни ишлаб чиқариш, қайси бозорларда,

кишиларга сотиш эркин амалга оширилади. Баҳолар эса бозордаги рақобат, талаб ва таклиф асосида вужудга келади.

Монополлашган бозор – бу озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмронлик қилган, рақобат чекланган ёки умуман рақобат йўқ бозор. Монополлашган бозорнинг ўзи ҳам уч хил бўлиши мумкин:

а) монопол рақобатли бозор – бунда фирмалар рақобатлашадилар, аммо рақобат иштирокчилари миқдоран чекланган бўлади;

б) олигаполистик бозор – саноқли, озчилик фирмалар ва компания-лар ҳукмронлик қилади;

в) соф монополлашган бозор – бунда сотувчи сифатида бир фирма танҳо ҳукмронлик қилади.

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ

Бозор инфраструктураси – бозор алоқаларини ўрнатишга хизмат қилувчи соҳалардир. У қўйидаги буғунларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти). Улар бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади, яъни улар яхши ишлаб пул топиб ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади.

2. Савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфраструктура (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалар ва агентликлар, давлатнинг савдо-сотик ва уларни назорат этувчи муассасалари).

3. Молия-кредит муассасаларига хизмат қилувчи инфраструктура (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар-хил пул фондлари).

4. Аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфраструктура (уй-жой коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш идоралари). Уларни ҳам бозор шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтказишга тўғри келади.

1. Ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар-хил ахборотлар, маълумотлар ва хабарларни тўплаш,

умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари).

Замонавий инфраструктурани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бош-бошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида замонавий, ҳақиқий бозор муносабатларини шаклланишига хизмат қиладиган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Бозор иқтисодиётини қандай тушунаси 3 ва унинг моҳияти нимадан иборат?
- 2- Бозор иқтисодиётининг афзалликларини ва камчиликларини санаб беринг?
- 3- Бозорнинг субъекти буйича таркибий тузилишини санаб беринг.

7 – мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Р е ж а

- 1- Ўтиш даври назарияси. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтишнинг хусусиятлари.
- 2- Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели, унинг тамойиллари ва хусусиятлари.
- 3- Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларнинг амалга ошириш концепцияси ва стратегияси.
- 4- Иқтисодий ислохатларни босқичлари ва вазифалари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

- 1- Каримов И.А. – “Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. Т. Ўзбекистон-1992.
- 2- Каримов И.А. – “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Т. Ўзбекистон-1993.
- 3- Каримов И.А. – “Ўзбекистон - иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида”. Т. Ўзбекистон-1995.
- 4- Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.

- 5- Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
- 6- Раззоков А., Тошматов Ш., Ёрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 7- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.
- 8- Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
- 9- Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Ўтиш даври – бир иқтисодий тизимдан бошқасига, мавжуд иқтисодий муносабатлардан бутунлай бошқа, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тақозо қилинадиган даврдир.

Бозор ислохотлари – бозор иқтисодиётини ва бозор муносабат-ларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Иқтисодий ислохотлар – иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлардир.

Иқтисодий уклад – турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритишнинг шакллари ва турлари.

Ислохотлар концепцияси – ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларнинг умумий ғоясидир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш – иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

Ўтиш даври назарияси. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтишнинг хусусиятлари.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин Республика ва унинг халқи манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди.

Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди. У халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди. Бу эса жаҳон меҳнат тақсимоотида асосий ўрин тутади.

Шу билан бирга чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида бир қанча объектив қийинчиликларни енгиб ўтиш, СССРнинг парчаланиши натижасида якка ҳокимлик тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини ҳал этиш лозим бўлади. Айни пайтда ёш мустақил давлатнинг шаклланиши ва қарор топишида муқаррар равишда вужудга келадиган бир қатор янги муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Ўтиш даври муаммоларнинг йиғинидиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоя, мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади. Авваламбор, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятларнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур.

Республика иқтисодиётининг тармоқ ва ҳудудий тузилмасини тубдан қайта қуриш “Иттифоқ ихтисослашуви” натижасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номутаносибликларни тугатиш, халқ хўжалигининг хом ашёга йўналтиришганликдан мутлақо воз кечиш, янги мустамлакачиликдан иборат иқтисодий қарамлик занжири парчалаб ташлаш лозим.

Энг муҳими, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, жамиятни куч-қудрат ва бойликлардан самарали фойдаланишини, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисодий тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқишни таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтираётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак. Албатта, мазкур муаммоларни дарҳол, бир зумда ҳал қилиб бўлмаслиги равшан. Бунинг учун анча узоқ давр, аниқ

мақсадни кўзлаб фидокорона меҳнат қилиш, энг муҳими, иқтисодий ислохотларнинг аниқ-равшан, амалий дастури бўлиши зарур. Республикада шундай дастур бор ва у изчиллик билан амалда жорий қилинмоқда.

60-йиллардаёқ иқтисодиётда зиддиятлар кучайиб бораётганини, амалдаги хўжалик юритиш механизми мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллик яққол намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётнинг ривожланиши сурати кескин пасайди. Унга бўлган сарф-харажатлар орта борди. Моддий бойликлар ва маблағлар тақчиллиги аниқ кўриниб қолди. Иқтисодий воситалар ва омиллар амалда ишламади. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида ғарб мамлакатларидан анча орқада қола бошланди. Натижада иқтисодиёт батамом издан чиқиб, моддий ва маънавий маблағлар тақчиллигини ўсиши, ташқи қарзларни ўсишга олиб келди. Энг асосийси шу бўлдики меҳнатни рағбатлантириш тизими бузилди. Бундай ҳолатлар одамларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатди. Кишиларда боқимондалик кайфиятини келтириб чиқарди.

Собиқ тизимдан Ўзбекистонга қолоқ ва қарам иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳамма мамлакатлар учун умумий қонун-қоидалари мавжуд, бундай қоидаларга амал қилмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин эмас. Жумладан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни турли мулк шаклларига айлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш, нархларни эркинлаштириш ва бошқалар. Шу билан бирга ҳар-бир мамлакат бозор иқтисодиёти сари борар экан ўз имкониятларини, ўз хусусиятларини ҳисобга олмасдан бирор-бир мамлакатни моделини кўр-кўрона кўчириб олиш мумкин эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётига хос бўлган хусусиятларни кўйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ СССР давридаёқ хом-ашёга асосланган иқтисодиётга айлантирилган эди. Ўзбекистон СССРнинг пахта базаси эди, четга тайёр маҳсулот эмас, фақат хом-ашё чиқаришга ихтисослаштирилган эди. Хом-ашё ниҳоятда арзон нархларда сотилар, мамлакатга четдан келтириладиган

тайёр маҳсулотлар анча қиммат эди. Ўзбекистонга четдан келтириладиган маҳсулотларни чеки йўқ эди, ҳаттоки истеъмол моллари озиқ-овқат, кийим-кечакларнинг ҳам асосий қисми четдан келтирилади. Ўзбекистон ўз эҳтиёжларини 60 фоиздан кўпини четдан келтириладиган маҳсулотлар ҳисобига қондирилади;

2. Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама ривожлантирилди, яъни пахтачилик асосий тармоқ бўлиб, пахта яккаҳокимлиги ҳукмронлик қиларди. Бу эса мустақилликка эришгач бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Четдан жуда куп нарсаларни келтириш жуда қимматга туша бошлади. Шунинг ҳисобига олган Ўзбекистон ҳукумати том маънодаги иқтисодий мустақилликка эришиш сиёсатини тутди. Жумладан дон, нефть мустақиллигига эришиш, кейинчалик бошқа маҳсулотларни ҳам четдан келтиришни кескин камайтириш вазифалари қўйилди. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг таркибий (структура) жиҳатидан бутунлай ўзгартириш лозим эди. Натижада саноатда янги тармоқлар энергетика ва маинасозлик тармоқлари жадал ривожлантирилди. Республика дунёда йигирма саккизинчи давлат сифатида автомобиллар қурилиб, ишга туширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши мамлакатга нефть мустақиллигига эришиш имконини берди. Республика қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди. Илгари пахта учун ажратилган майдонларни бир миллион гектардан ортиқ майдон ғалла ва бошқа экинларни экишга ажратиб берилди. Эндиликда Республика учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ғалла мустақиллигига эришилди. Бу соҳадаги сиёсат изчил амалга оширилмоқда, бошқа маҳсулотларни ҳам четдан келтириб кескин камайтирилмоқда.

3. Ўзбекистонга хос бўлган хусусиялардан яна бири республикадаги демографик вазиятдир. Республикада аҳолининг табиий ўсиши анча юқоридир, жумладан ҳозир ҳам йилига аҳоли (2001 йилда) 200-230 минг кишига кўпаймоқда, аҳолининг асосий қисми (60 фоизи) қишлоқларда яшайди, аҳолининг ярмини 18 ёшгача бўлган ёшлар, болалар ташкил этади. Аҳолининг кўпайиши бир қатор социал масалаларни, ишсизлик муаммоларини яна ҳам кескинлаштиради. Халқимизга хос

хусусиятлардан бири ўзи туғилиб ўсган жойда яшашга мойилликнинг кучлилигидир, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш (миграция) кучли эмас.

4. Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири. Ўзбекистон сув йўлларига, юк ташиш портларига узоқ жойлашганлигидир. Дунёда бошқа мамлакатлар билан қилинадиган савдо-сотиқнинг (юкларни ташишни) 60 фоиз сув йўллари орқали амалга оширилади. Шу мақсадда республикада йирик денгиз портларига чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Юқоридаги келтирилган омиллар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳисобга олиниши лозим. Шу билан бирга Ўзбекистон бекиёс бойликларга, айниқса табиий бойликларга эгадир. Бу бойликлардан оқилона фойдаланиш бекиёс имкониятларни тўғдиради, шу маънода республика Президенти И.Каримов “Ўзбекистон – келажаги буюк давлатдир” дейди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели, унинг тамойиллари ва хусусиятлари.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуидан иборат. Бу концепциянинг пайдо бўлиши Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақилликни қўлга киритилиши билан боғлиқ. Мустақиллик шароитида Ўзбекистон ўз истиқлол йўлини танлаш, унинг концепциясини яратиш имконига эга бўлди. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов рисоалари, мақолалари ва нутқларида, мамлакат Олий Мажлиси қабул этган қарорлар ва қонунларда, Ўзбекистонлик олимларнинг ва мутахассисларнинг асарларида атрофлича ишлаб чиқилади.

Бу концепция умумлашган ҳолда Ислам Каримовнинг “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида” асарларида баён этилади ва мамлакатимиз иқтисодий тафаккур тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб, шубҳасиз эркин илмий изланишлар мевасидир. Бу концепцияни миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми деб қараш зарур, чунки иқтисодиётни ривожлантирмай туриб миллий мустақилликни

таъминлаш мумкин эмас. Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад иқтисодиёти ривожланган, халқи фаровон яшайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган, чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамият сари борининг шарти бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ишлаб чиқаришни барқарор ва шахдам ўстириш воситаларини юзага келтириши билан истиқболли ҳисобланади. Гап шундаки, Ўзбекистон, биринчидан, социалистик иқтисодий тизим шароитида, иккинчидан эса Совет империяси таркибида ривожланди. Бу эса уни қолоқликка маҳкум этди. Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг структураси, таркибининг янгиланиши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё мамлакатларидан анча орқада қолди.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгиланишга муҳтож, бунинг учун эса бозор муносабатларини яратиш керак бўлади. Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатига ўтишдан бошқа нажот йўли йўқ. “Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифати жиҳатидан янги йўللарни ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти ана шу йўللardan биридир. Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари бор. Ўзбекистон концепцияси Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни билдиради.”

Бу йил Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган, социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди. “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишда ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни ҳалқаро обрў эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”¹ — деган эди Президентимиз.

¹ И.Каримов – Ўзбекистон: миллий истифол, иқтисодий, сиёсий, мафкура. I-том, Т. Ўзбекистон 1996. 277-бет.

Ўзбекистон ўз йўлидан бора туриб, бир қатор муаммоларни ҳал эта олади, чунончи: муттасил ривожланувчи иқтисодиётни яратиб, мамлакат миллий бойлигини ошириб бориш, қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда халқнинг ҳамма қатламларига фаровонликни таъминлаш; ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш, ҳамма мулк шакллари тенглигини таъминлаш; иқтисодий эркинликни таъминлаб, иқтисодий монополизмга йўл бермаган ҳолда рақобатга кенг йўл очиш; ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш;

Ўзбекистон концепцияси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштиришдан йирик, унинг ўз муаммолари борлигини эътироф этади, унга ўтиш узоқ давом этишини, иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш муносабатларида бузилишлар бўлиши сингари нохуш воқеалар бўлиб туришини назардан қочирмайди, ҳамда давлат иштирокида уларнинг олдини олиш ва ёйилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини куради. Унга кўра бозор иқтисодиёти инқилобий сакрашлар, социал туқнашувлар орқали эмас, балки тинчлик вазиятида, кетма-кет эволюцион ўзгаришларни ўтказиш орқали шаклланади. Назарий жиҳатдан олган Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида собиқ социалистик мамлакатлар ва мустамлакачиликдан озодлик йўлига чиққан Осиё ва Африка мамлакатларига хос бир қатор белгилар Ўзбекистоннинг фақат ўзига хос хусусиятлари билан синтезланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон совет империяси асоратидан қутулган ёш мустақил мамлакат, лекин унинг иқтисодиёти кўпгина ёш ривожланаётган давлат иқтисодиёти сингари заиф, бир ёқлама ривожланган.

Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини асосий мазмунини республика Президенти И.Каримов томонидан илгари сурилган беш тамойил ташкил этади. Бу тамойиллар қўйидагилардир:

1. Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш. Бу қоида иқти-содий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга яраша бўлишлигини тарих тасдиқлаган;

2. Давлат бош ислохотчи бўлмоғи керак. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислохотлар кенг жамоатчилик иштирокида, давлат ишлаб чиққан дастур асосида, унинг бевосита иштирокида ва раҳбарлигида амалга оширилади;

3. Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги. Бу тамойил қонун-лар олдида барчанинг бароварлиги, қонунларга риоя этиш, ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлишлигини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниш, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар, қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепцияси ҳисобга олинади.

4. Фаол ижтимоий сиёсат юргизиш. Ўзбекистон концепциясида аҳо-лининг кенг қатламларини энг аввало унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чоратadbирларини қуриш зарур деб қаралади. Ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олиши зарур.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш. Тоталитар тизим ўз-ўзидан бозор тизимига айлана олмайди, уни фақат чуқур ислох қилиш билангина бозор тизимига ўтиш мумкин.

Тарихда ҳеч қачон бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш бирданига, қисқа вақт ичида ва фармон эълон қилиш билан бўлмайди. Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Юқорида келтирилган тамойилларнинг кенгрок, аниқрок ифодаланса, яна қўйидагиларни таъкидлаш лозим:

Биринчи тамойилни амалга оширишда Ўзбекистонда иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги таъминланмоқда, собиқ иттифоқ даврида иқтисод бутунлай сиёсатга бўйсундирилган, оқибатда иқтисод нотўғри сиёсатнинг қўрбони бўлди. Албатта бундан иқтисод биринчи ўринда сиёсат иккинчи ўринда деб бўлмайди. Бу тушунчалар эгизак тушунчалар бўлиб, улар бир-бирларини тўлдиради, кучли-тўғри тутилган сиёсатгина иқтисодни тез суръатлар билан ривожлантирса, кучли иқтисод кучли сиёсат юргизиш имконини беради.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга

ошириши зарур. Давлат иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, яъни:

- бозор иқтисодиётини ҳуқуқий асосларини таъминлайди;
- бозор механизмини яхлитлигини ва уни нормал ишлаши учун шарт-шароит яратади;
- аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва даромадларни адолатли тақсимлайди;
- атроф муҳитни муҳофаза этишни таъминлайди;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг самарали ривожланишини таъминлайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шarti бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини асосий қонун – республика Конституцияси ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига хос ҳуқуқий тизимни ва ҳуқуқий давлатнинг барпо этиш тамойиллари мавжуд:

- қонунларнинг ҳаёт, амалиёт билан узвий боғлиқлиги ва ундан келиб чиқиши;
- қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак;
- қонунга буйсуниш ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусиятидир;
- ҳуқуқий маданият юқори даражада бўлиши керак;
- қонуннинг устиворлигини таъминлаш.

Ўзбекистон ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўзининг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсат ўтказишдир.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичидаги ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди:

- фуқароларнинг меҳнат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;
- ижтимоий ҳимоялаш мақсадида аниқ йўналтирилган асосда олиб борилиши;

- аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини меҳнатини рағбатлантириш;
- реал меҳнат бозорини шакллантириш;
- ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг мушкул аҳволга тушиб қолишига йўл қўймаслик.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг аниқ вазифалари белгиланиб олинди. Унга кўра дастлабки вазифалар қўйидагилар деб белгиланди:

- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкни турли шакллари ривожлантириш;
- нарх-навони босқичма-босқич эркинлаштириш;
- тадбиркорликни рағбатлантириш;
- фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш;
- бозор инфраструктурасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг очиклиги ва жаҳон тизимига кириб боришни таъминллаш;
- иқтисодиётни маънавий барқарорлаштириш, миллий пулни мустаҳкамлаш.

Иқтисодий ислохатларни босқичлари ва вазифалари.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари борар экан барча соҳаларда иқтисодий ислохатларни аниқ йўналишларини белгиланиши муҳимдир. Аммо ўтказиладиган ислохотларни аниқ йўналишларини белгиланиши муҳимдир. Шу туфайли ислохатларнинг аниқ йўналишлари қўйидагича белгиланади:

1. Мулккий муносабатлар соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш. Бу ислохатни амалга оширмасдан туриб, бирор-бир соҳада ислохатлар ўтказиш ўз самарасини бермайди, чунки мулк ҳар қандай иқтисоднинг негизини ташкил этади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, ўз эгаларини қўлига бермасдан тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш мумкин эмас.

2. Аграр ислохатлар. Қишлоқда ислохатларни амалга оширмасдан туриб, бошқа соҳалардаги ислохатларни амалга

ошириб бўлмайди, чунки Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа етакчи ўринни эгаллайди. Аграр ислоҳатларнинг негизини эса ерга бўлган муносабатлар ташкил этади. Шу туфайли ер тўғрисидаги қонун қабул қилинади, ер кодекси қабул қилинади. Бунга кўра ерларни ўзоқ муддатга, аниқроғи 50 йилгача ижарага бериб ишлатиш, шу йўл билан ерни ҳақиқий эгалари қўлига беришга қарор қилинди. Бундан ташқари давлат буюртмалари аста-секин камайтириб бориш.

3. Молия – кредит тизимидаги ислоҳатчилар. Бозор иқтисодиёти шароитида молиялаштириш соҳасидаги ўзгаришлар, солиқ ва суғурта тизимидаги ўзгаришлар, банк соҳасидаги кредитлаш соҳасидаги ислоҳатлар.

4. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ислоҳатлар. Собик иттифоқ даврида ташқи иқтисодий алоқалар асосан давлат монополияси бўлиб, корхоналарга, айрим кишиларга бу фаолият билан шуғулланиш мумкин эмас эди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу соҳаларда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчиларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан жаҳон бозорига эркин чиқиш имкониятлари берилади. Шундай механизмларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш талаб этилади.

5. Социал ислоҳатларни амалга ошириш. Бозор иқтисодиёти ҳамма соҳаларда бўлганидек, социал соҳада ҳам, яъни ўй-жой билан таъминланиш, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш соҳаларини бозор муносабатларига мослаштириш лозим бўлади.

Бозор муносабатларини эркин ҳаракат қилиши бозор инфраструктурасининг қанчалик ривожланганлигига боғлиқ.

Бозор инфраструктураси – бозор алоқаларини ўрнатишга хизмат қилувчи соҳалардир. У қўйидаги буғунларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфраструктура (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти). Улар бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади, яъни улар яхши ишлаб пул топиб ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади.

2. Савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфраструктура (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалар ва агентликлар, давлатнинг савдо-сотиқ ва уларни назорат этувчи муассасалари).

3. Молия-кредит муассасаларига хизмат қилувчи инфраструктура (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар-хил пул фондлари).

4. Аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфраструктура (уй-жой коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш идоралари). Уларни ҳам бозор шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтказишга тўғри келади.

2. Ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар-хил ахборотлар, маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари).

Замонавий инфраструктурани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бош-бошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида замонавий, ҳақиқий бозор муносабатларини шаклланишига хизмат қиладиган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделида нималар асос қилиб олинган?
- 2- Бозор иқтисодиётига ўтиш андозалари.
- 3- Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг хусусиятларини айтинг.
- 4- Бозор иқтисодиётига ўтишда давлат қандай рол ўйнайди.

8 – мавзу: ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ. БОЗОР МУВОЗАНАТИ.

Р е ж а

- 1.Талаб тушунчаси. Талаб миқдорига таъсир этувчи омиллар.

2.Таклиф тушунчаси. Таклиф миқдориға таъсир этувчи омиллар.

3. Бозор мувозанати. Ўзбекистонда бозор мувозанатининг таминланиши.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. Ўзбекистон – 1993 .

2. Каримов И.А.- Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиритиш йўлида. Т. Ўзбекистон – 1995.

12.Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.

13.Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.

14.Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.

15.Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Талаб – истеймолчи маълум вақтда нархларнинг ҳар бир даражасида сотиб олишга қодир бўлган товарлар ва хизматлар миқдоридир.

Талаб – эгри чизиғи – графикда нарх ва талабнинг ҳажми ўртасидаги тескари боғлиқликни кўрсатади.

Талаб қонуни – товарлар нархи билан унинг сотиб олинадиган миқдори ўртасидаги тескари ёки қарама–қарши боғлиқликни ифодалайди.

Таклиф – ишлаб чиқарувчи маълум вақтда ишлаб чиқаришга қодир бўлган нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган товарлар миқдоридир.

Таклиф эгри чизиғи – нарх ва таклифнинг ҳажми ўртасидаги туғридан – туғри боғлиқликнинг графикдаги тасвиридир.

Таклиф қонуни – нарх билан сотишга чиқариладиган товарлар миқдори ўртасидаги бевосита ёки туғридан – туғри боғлиқликни ифодалайди.

Таклиф (талаб) нинг эгилувчанлиги – Нарх, рақам, фоиз ўзгарганда талаб неча фоиз ўзгаришини курсатади. Бу талабнинг нарх бўйича ўзгарувчанлиги ҳам дейилади.

Даромад самараси – нарх пасайганда истеъмолчи пул даромадларининг сотиб олиш лаёқатининг ортишидир.

ТАЛАБ ТУШУНЧАСИ. ТАЛАБ МИҚДОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Талаб – бу энг аввало бирор – бир товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Эҳтиёж бўлиб талаб бўлмаслиги мумкин, демак талаб шунчаки эҳтиёж эмас, балки туловга қабул, пул билан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, пальтога эҳтиёж бор, аммо сотиб олишга пул йўқ, демак бу эҳтиёж бозорда юзага чиқмайди.

Талаб қилинадиган товарларни миқдорини бир қатор омиллар белгилайди:

1. Товар ва хизматларнинг нархи
2. Харидорларни диди
3. Истеъмолчилар даромади
4. Уринбосар товар ва хизматлар нархи
5. Харидорларни умумий сони
6. Инфляция эҳтимоли.

Бу омиллар ичида нарх ва хирид кобилияти талабни тез узгартиради.

Якка талабнинг нархга боғликлиги:

1кг гўшт нархи (сўм)	Талаб қилинган гўшт миқдори (кг)
50	1
40	2
30	4
20	6
10	8

Демак, гўшт 50 сум булса 1 кг. 10 сум бўлса 8 кг. сотиб олинади.

Нарх билан талаб ўртасидаги тескари боғлиқлик талаб қонуни дейилади. Бу қонун асосида нималар ётади :

-юқори нарх истеъмолчиларда харид қилиш хохишини синдиради, паст нарх эса бу хохишни кучайтиради.

-ҳамма маҳсулот харид қилувчи, ҳар бир шахс маҳсулотнинг кейинги бирликдан камроқ қониқиш, наф ёки лаззат олади.

Масалан: кишига оёқ кийими даркор, у бир жуфт оёқ кийимини олса унинг нафлилиги ўта катта, чунки ялангоёқ юргандан кийиниб юриш нафлироқ.

Наф – деб, товар хизматни истеъмол қилишдан келадиган қониқишга айтилади.

Маҳсулот нарҳини пасайиши истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилиятини оширади шу туфайли у мавжуд маҳсулотни олдингига қараганда кўпроқ харид қилади.

Товарни нарҳи ошса истеъмолчиларда қиммат маҳсулот ўрнини арзон товарлар билан алмаштиришга мойиллик пайдо бўлади. Буларнинг барчаси талабнинг пасайишига олиб келади. Шундай қилиб, нарҳни узгариши талабга бевосита таъсир кўрсатади. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, айрим товарлар борки, уларга бўлган талаб ҳамиша аҳолининг барча гуруҳлари учун амалда ўзгарувчан эмасдир.

Биринчи галда ҳаёт учун бирламчи бўлган, хусусан озиқ-овқат маҳсулотлари ана шу хил товарлар гуруҳига киради, айтайлик нонни нарҳини ошиши уни камроқ сотиб олишга олиб келмайди, одамлар нон истеъмол қилишни камайтирмаслик учун бошқа товарлар сотиб олишни қисқартирадилар.

Муайян жой ёки социал гуруҳлар учун анъанавий бўлган истеъмол буюмлари ҳам шундай товарлар жумласига киради. Масалан: Ўзбекистонда гуруч, бу маҳсулот нарҳини пасайиши ёки ошиши унга бўлган талабда катта ўзгаришларга олиб келмайди.

Талабни ўзгарувчанлиги фақат товар нарҳига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ:

1. Харидорни диди қандайдир товар фойдасига ўзгарса, унга бўлган талаб ортади, ёки аксинча.

2. Харидор даромади. Даромадларни ошиши кўпгина товарларни олий тоифали товарлардан нормал товарлар қаторига киритади. Жумладан, озиқ – овқат истеъмол қилишдан кўп хил

озик – овқатлари истеъмол қилинади. Даромадларни ошиши турли хил хизматларга ҳам талабни ошади.

3. Ўринбосар ҳамда бир – бирига боғлиқ товарлар нархи. Талабни ўзгаришига ўринбосар товарларни бўлиши ёки бўлмаслиги муҳим таъсир кўрсатади. Масалан: сариёғ ва маргарин бир–бирини ўрнини босади. Агар сариёғни нархи ошса одамлар маргаринни кўплаб сотиб олади.

Маҳсулотларни шундай турлари ҳам борки, улар бир–бирини тўлдирувчи ҳисобланади, «қадамли» бирга юради, уларга талаб бир вақтда ўзгаради.

Масалан: бензинни нархи пасайса кишилар кўпроқ машинада юради, бу эса матор мойига талабни кўпайтиради.

4. Харидорларни сонини купайиши талабни оширади.

Талабга минтақавий, миллий, байналминал омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан: минтақавийга иқлим шароити, ишлаб чиқаришни тузилиши, маҳаллий урф–одатлар.

Маҳаллий омилга – миллий, диний анъаналар.

Байналминалга – бирор мамлакатдаги янги товар, бошқа мамлакатга (уни ишлаб чиқарилмайдиган) мамлакатга таъсир кўрсатади.

Товарларга ва хизматларга талаб ўзининг характери ва ҳаракати жиҳатдан ўсаётган, барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, нормал ва ваҳима талабларига бўлинади.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиёт давомида эҳтиёжлар юксалиб боради, талаб ҳам ўсади. Ривожланган мамлакатда ишлаб чиқаришни ўсиши туфайли у ерда товарларга бўлган талаб барқарор қондирилган. МДХ мамлакатларида эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайиши ҳатто ҳаёт учун зарур маҳсулотларга бўлган талабни ҳам қондирилиши кечиктирилган. Кечиктирилган талаб носоғлом иқтисодиёт ва мувозанати бузилган бозорга ҳосдир. Кечиктирилган талаб умуман иқтисодий тангликни, инқирозни, инфляцияни чуқурлаштиради, ўринбосар товарларга ҳам нархларни ошишига олиб келади.

Ваҳимали талаб, бу турли–туман миш–мишлар натижасида (қимматчилик, қаҳатчилик ҳавфи, пул алмашиш эҳтимоли) ҳар – хил шовшувларга сабаб бўлади. Товарларни запасларини

кўпайтиришга кишилар интиладилар. Бу эса нархларни оширади, тақчилликни кучайтиради.

ТАКЛИФ ТУШУНЧАСИ. ТАКЛИФ МИҚДОРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Таклиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир.

Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мулжалланган товарлар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдори дейилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белгиланади.

Яратилган маҳсулотнинг фақат бозорга чиқарилган қисми товар маҳсулоти дейилади, уни бозорга чиқарилмайдиган қисми таклифни юзага келтирмайди.

Таклиф қилинган товарлар миқдорига қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- товарларни нархи
- ресурслар нархи
- ишлаб чиқариш технологияси
- солиқлар ва субсидиялар
- бошқа товарларни нархи
- нарх ошиш эҳтимоли
- товарни ишлаб чиқарувчилар сони.

Товар таклифини белгилайдиган омиллар:

- аввало нархлар таклифга қандай таъсир кўрсатади;
- нархни ошиши таклиф миқдорини оширади, аксинча бу таклиф қонуни дейилади;

- албатта яна бир нарсани ҳисобга олиш зарур таклифни кенгайтириши, шу товарларни ишлаб чиқариш ва бозорга келтириш харажатларини ҳам оширади;

- агар қўшимча товарларни бозорга келтириш харажатни кўпайтирса нарх ошишига қарамасдан таклиф кўпаймайди ёки аксинча.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нафақат нарх, балки бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- а) ресурслар нархи пасайса харажатлар камайиб таклиф ортади;
- б) ишлаб чиқариш технологияси ҳам харажатларни камайтиради, таклифни оширади;
- в) солиқлар ва субсидиялар – солиқлар ошса харажатлар кўпаяди, таклиф камаяди, агар давлат субсидиялар берса таклиф ортади;
- г) бошқа товарларни нархи ўзгариши ҳам таклифга таъсир қилади. М: буғдой нархи пасайса фермер кўпроқ жўхори ишлаб чиқа-ради;
- д) нархларни ошиш эҳтимоли. Вақтинча товарларни бозорга тушушини тўхтатиб туради ёки аксинча;
- е) товар ишлаб чиқарувчилар сони ошса таклиф ошади. Таклифни ўзгарувчанлигига товарни узоқ вақт сақлаш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади.

Ресурсларни чекланганлиги ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Товарларни таклифи экспорт ва импортга ҳам боғлиқ.

Иқтисодий ресурсларга талаб ҳам товарларга бўлган талаб сингари шаклланади, бироқ уни ўзига хос хусусиятлари бор.

Ресурсларга бўлган талаб, аввало шу ресурсларни ишлатиб ишлаб чиқилган товарларга бўлган талабга қараб ўзгаради. М: станокка талаб ошса металга талаб ошади.

Иқтисодий ресурсларга талабнинг ўзгариши уч омил билан белгиланади:

- пировард маҳсулотга талабнинг ўзгарувчанлиги, яъни шу маҳсулотга талаб ошса, ресурсларга ҳам талаб ошади;

- ресурслар ўрнини алмаштириш – бир ресурсни нархи ошганда унинг ўрнини босаоладиган бошқа ресурс бўлса, биринчи ресурсга бўлган талаб ўзгарувчанлиги юқори бўлади. М: бензинга бўлган талабни ошиши, двигателни газ ёки дизель ёқилғиси билан ишлатиш ёки камроқ бензин сарфлайдиган двигатель маркасини ишлаб чиқаришга ундайди;

- умумий сарф–харажатлардаги ресурслар ҳиссаси, умумий хара-жатлар тартибида бир ресурсни ҳиссаси катта бўлса, айти шу ресурс нархини ошиши харажатларни кўпайтирганида унга талабни пасайишига олиб келади.

- Эски маъмурий–бўйруқбозлик тизимида ишлаб чиқариш воситаларига (ресурсларга) талаб ва таклиф марказлаштирилган

ҳолда амалга оширилади, «бошқача қилиб айтганда маҳсулот керакми ёки керак эмасми, унга талаб борми ёки йўқми, халқаро талабларга мос келадими ёки йўқми бундан қатъий назар у бутун иттифоқ бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақсимланиб чиқилар эди. Беркитилган истемолчи эса бу маҳсулотни олиш ва ўз навбатида ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шарт эди»¹.

Иқтисодий ресурслар таклифи. Шубҳасиз кўплаб ресурслар чекланган, бироқ бу билан улар қатъий ўзгармас деган маъно келиб чиқмайди, янги конларни очиш, сунъий ресурс ўринбосарини ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Капитал, яъни машиналар, жиҳозлар, ишлаб чиқариш бинолари таклифи қатъий чекланган эмас, чунки уларни ишлаб чиқариш мумкин. Ишлаб чиқариш омили сифатида ерни таклифи ҳам қатъий эмас. Ер миқдори чекланган бўлсада, бироқ уни таклифини ирригация, меллиорация ва бошқа тадбирлар билан кўпайтириш мумкин.

Меҳнат таклифини аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми чеклайди, аммо у куп омилларга боғлиқ, яъни иш ҳақи, иш куни, иш ҳафтасини узунлиги, меҳнат шароити.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУВОЗАНАТИНИНГ ТАМИНЛАНИШИ.

Талаб ва таклиф бозорнинг икки томонидир, нарх уларни боғловчи халқа. Талаб ва таклифни мос келиши бозорнинг энг муҳим талабидир, чунки шундай шароитда иқтисодий ўсиш юз беради. Харидор мумкин қадар арзон, кўп, сифатли товарларни олишга интилса, сотувчи эса иложи борица қимматга сотишга интилади. Бозорда товар нархининг шаклланиши талаб ва таклиф таъсирини кўрайлик.

Талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги.

1 кг гўшт нархи (сўм)	Талаб қўйилган гўшт миқдори (тонна)	Таклиф қилинган гўшт (тонна)	Талабни (+) ва таклифни (-) ошиб кетиши
-----------------------------	---	------------------------------------	---

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида». Т.1995.

10	8	1	+7
20	6	2	+4
30	4	4	+0
40	2	6	-4
50	1	8	-7

Жадвалдан кўринадиким, фақат 1 кг гўшти нархи 30 сўм турса талаб ва таклиф тенг.

Бозорда таклиф қилинган товар миқдори билан талаб қилинган товар миқдори тенг бўлгандаги нарх мувозанат нархи дейилади. Талаб ва таклифнинг мувозанатга тушиши ва ундан чиқиб кетиши нарх ва харид қобилятидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Талаб ва таклиф ўзгаришининг турт қондаси бор:

1.Талабни ортиши мувозанатлашган нарх ва мувозанатлашган товар миқдорини ўсишига олиб келади.

2.Талабнинг камайиши мувозанатланган нарх ва мувозанатланган товар миқдорининг пасайишига олиб келади.

3.Таклифни кўпайиши мувозанатланган нархнинг пасайишига ва мувозанатланган товар миқдорининг ортишини келтириб чиқаради.

4.Таклифнинг қисқариши мувозанатланган нархни ортиши ва мувозанатлашган товар миқдорини камайишини келтириб чиқаради.

Турли хил сотувчилар ва турли харидорлар ҳар–хил қарор қабул қилади, уларни тўғри, нотўғри эканлигини бозорнинг юраги бозор механизми амалга оширади, буни нархлар тизими ва рақобат кураши орқали таъминланади.

Ишлаб чиқарувчилар ҳам харидорлар ҳам бозордаги аҳволни нарх орқали билади, нархлар орқали сон саноксиз, индивидуал иқтисодий саъйл ҳаракатлар умумлашади ва мувозанатлашади.

Талаб ва таклиф нархни ва харид қобилятининг ўзгаришига қараб тебраниб туради. Бу ҳаракат талаб билан таклиф тенглашгунча давом этади.Бундай ҳолат бозор мувозанати деб аталади.

«Тоталитар иқтисодиёт шароитида «Рақобат, талаб ва тақлифни бозор асосидан мутаносиблаштириш тушунчаси мутлақо йўқ эди».¹

Ресурсларнинг тақчиллиги ва эҳтиёжнинг чексизлиги маълумки иқтисод фанларининг асосида ётади. Тақчил ресурслардан самарали фойдаланиш иқтисодий системанинг асосий вазифаларидан биридир. Ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосининг икки аспекти мавжуд:

1. Ҳамма мавжуд бўлган ресурсларни тўлиқ оборотга жалб этиш;

2. Уларни турли алтернатив асосда ишлатиш асосида уларни сама-рали тақсимлаш муаммосидир.

Қўйидаги саволларни қўйилиши ресурсларни самарали фойдаланишга бевосита алоқаси бордир:

1. Иқтисодда ҳамма мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланишни иложи борми?

2. Иқтисод жамият учун керакли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодирми?

3. Шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш мумкинми?

4. Иқтисод ана шу ишлаб чиқарган маҳсулотларни қониқарли тақсимлаш имкониятига эгами?

5. Ишлаб чиқаришни структураси ўзгарган шароитда истеъмол-чиларнинг талаб ва хоҳишлари ўзгарган шароитда, ишлаб чиқариш технологияси ўзгарган шароитда, иқтисод ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлай оладими?

Бу масалалар мавжуд ресурсларни самарали тақсимлашга эришиш ва уни сақлаш муаммоларига бевосита тегишлидир. Ресурсларни самарали тақсимланиши ҳар қандай мамлакат экономикасининг суянчиғидир.

Рақобат курашида фирманинг муваффақияти талабнинг даражаси, характери, таркиби ва унинг ўзгариш йўналишларини қанчалик синчиклаб ўрганилганлигига боғлиқ бўлади.

Бозорни таҳлил этиш натижалари, фирманинг жорий ва келажакдаги сиёсатининг асосини ташкил этади. М: АҚШ

¹ И.Каримов – «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида». Т. 1995.

саноатидаги ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги фирмаларнинг 90 фоизи, Буюк Британияда 75 фоизга яқини мунтазам равишда бозор тадқиқотларини амалга оширади.

Бозорни ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- талабни ўрганиш
- бозорни таркибини аниқлаш
- товарни ўрганиш
- рақобат шароитларини тадқиқ этиш
- сотиш шакллари ва услубларини таҳлил этиш.

Талабни ўрганиш – бозорни ўрганишни бошланғич босқичи бўлиб, унинг умумлаштирувчи ҳолат ва кўринишларини аниқлайди. Маркетинг режалаштириш ва уни бошқаришни ташкил этиш талабни ўрганиш, бозор имкониятларини таҳлил этишда муҳим роль ўйнайди. Бозор талаби ўзгарувчан табиатга эгадир, унга ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади, хусусан демографик, умумиқтисодий, ижтимоий маданий, психологик, шунингдек маркетинг дастури асосида олиб бориладиган тадбирлардир.

Демографик омиллар – аҳолининг сони, унинг жинсий ва ёшга оид таркиби, oilаларнинг сони, аҳолининг географик тақсимланиши.

Умумиқтисодий омиллар – аҳолининг даромадлари, баҳолар даражаси, маҳсулотнинг сифатида, кредитлар бериш шароитлари, аҳоли жамғармаларининг миқдори ва бошқалар.

Ижтимоий-маданий омиллар – одамларни билим даражаси, касбкорлиги, жамиятда аёлларнинг аҳволи ва бошқалар.

Фирма товаридан келиб чиққан ҳолда, уни сотишга бевосита кўрсатадиган омиллар таҳлил қилинади. М: холодильник ишлаб чиқариш учун одамларни сони эмас балки oilалар сонини ҳисобга олинади. Бозорнинг миқдори ва сифатий белгиларини аниқлаш, сегментация услубида эришилади. Бозорни сегментациялаш товарни жами истеъмолчиларни унга бир хилда талаб қўйиладиган алоҳида гуруҳларга бўлиш тушунилади. Сегментация маълум омиллар асосида амалга оширилади. Булар каторига демографик, истеъмолчининг ҳаёт тарзи ва бошқалар.

Сегментацияни амалга оширишдан мақсад истеъмолчиларнинг юқоридаги хусусиятларига қараб бирор – бир

гуруҳни танлаб олиб, уларнинг диди, талаби, эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқаришдир.

Бозорнинг таркиби аниқлангандан сунг маркетинг стратегияси аниқ-ланиб олинади. Умуман корхонанинг келажагини бозор аниқлайди, 3 хил маркетинг усуллари қўлланилади. Истеъмолчиларни хусусиятлари ҳисобга олиниб, корхона бир, икки ёки кўп хил товарлар ишлаб чиқаришга ихтисосланади. Ишлаб чиқарувчи бозор сегменти (бир хил товар ишлаб чиқариш) ёки сегментларини (кўп хил товар) танлашда рақобат даражасини, бозорни катталигини, фойдани ҳисобга олмоғи зарур.

Бозорни ўрганиш учун ҳар хил манбалардан, нашрлардан, статистик материаллардан, истеъмолчиларни сўровидан фойдаланилади.

Маркетинг тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари, товарни сотиш масалалари билан бир қаторда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга эса бозорни ўрганиш орқали маҳсулот турини, уни чегараларини аниқлаш, яъни талабнинг эҳтиёжга таъсирини инобатга олишини тақозо этади.

Бозор учун янги товарни яратиш жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Уни ҳал этишда технологиялар ва конструкторлар, иқтисодчилар, рухшунослар ҳаракатларини бирлаштириш зарур. Бунда таҳлил қилинган ишлаб чиқариш харажатлари, баҳо, фойда, ишлаб чиқариш қувватлари, истеъмолчилар сони, ходимларнинг билим ва тажрибалари ҳисобга олинади. Бунда корхонанинг ички омиллари билан бирга бошқа омиллар (товарни истеъмол қилишни тақиқловчи қонунлар техника хавфсизлиги қоидалари, патент тизими, атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари).

Бозор (истеъмолчилар) йўналишини топишда янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш муҳимдир. Таҳлил натижасида истиқболга эга деб топилган товар намуналари тажриба ишлаб чиқаришга ўтказилади ва уни бозорда текшириб кўриш учун тадбирлар тайерланади. Кенг кўламда товар ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор синов маркетинги натижалари асосида қабул қилинади. Синов маркетинги товарни синов бозорида танишиб кўришдир. Янги товар ҳам жорий қилиш, ўсиш, етуклик, таназзул босқичларини босиб ўтади.

Жорий қилиш товарни бозорда пайдо бўлиши, бунда корхона деярли фойда олмайди. Ўсиш босқичида товар истеъмолчилар томонидан тан олинади, ишлаб чиқариш ўсади. Фойда олиш бошланади. Етуклик даври товар сотишни аста-секинлик билан пасайиши, бу босқичда фойда ўзининг энг юқори чуққисига етади. Таназзул товарни сотишни ва олинаётган фойдани ҳажмини кескин пасайиши.

Ҳар бир босқичда маркетингни турли усулларида фойдаланилади. М: таназзул босқичида товарни сотишни таъминлаш мақсадида баҳоларни пасайтиришда фойдаланиш мумкин. Асосий мақсад етарли миқдорда фойда олишни таъминлашдир.

Маркетинг товарни ҳаракатини назорат қилиш фаолиятидир, яъни маҳсулотни режалаштириш, реализация қилиш. Истеъмолчига ўтказиш, унга хизмат кўрсатиш, маҳсулотни ташиш, сақлаш, товаро ҳаракатининг элементларидир. Товар ҳаракатини ўрганиш иложи борица кам харажатлар билан амалга оширишдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Талаб миқдорининг ўзгарувчанлигини қандай тарифлайсиз?
- 2- Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг қандай хусусиятлари бор.
- 3- Таклиф қонунини тушунтиринг

9-мавзу: РАҚОБАТ ВА МОНОПОЛИЯ.

Р е ж а.

1. Рақобатнинг моҳияти ва турлари.
2. Рақобатлашиш усуллари.
3. Монополиянинг моҳияти ва турлари..

А Д А Б И Ё Т Л А Р

- 1- Каримов И.А. - ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент – 1993.

- 2- Каримов И.А. - ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент – 1995.
- 3- Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
- 4- Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
- 5- Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
- 6- Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.
- 7- Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 8- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафликка эга бўлиш учун курашни англатади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат – товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат.

Рақобат шакллари – рақобатчилик муҳитининг етуклик даражаси билан фарқланиб, соф (эркин) рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополияни ўз ичига олади.

РАҚОБАТНИНГ МОҲИЯТИ , ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.

Рақобат умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасида яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашни англатади. У кишилиқ жамияти ҳаётининг ҳамма жабҳаларига хос бўлиб, одамлар ўртасидаги ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, айрим соҳаларда ўз устунликларини намоён қилиш, фаровон ҳаёт кечириш, жамоа ўртасида обрўлик бўлиш учун бўлган курашни акс эттиради. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилиқ жамияти ҳаётида

иқтисодий соҳадаги рақобат муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий соҳадаги рақобат ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва ҳоказолар) ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига, арзон ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучи эга бўлиш, унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозорни қўлга олиш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган курашдан иборат.

Иқтисоддаги рақобат кўп қиррали ҳодиса бўлиб, яхши даромад кўриш, ўз қобилятини тўлароқ ишга солиш, ўзи машғул ишни ривожлантириш, ўз соҳасида мижозга эга бўлиш учун курашни билдиради.

Қайси мамлакатда рақобатга кенг йўл очилган бўлса, шу мамлакатда иқтисод тез суръатлар билан ривожланади. Ишлаб чиқарувчилар рақобат курашида синиб кетмаслик учун ҳамма чора-тадбирларни кўрадилар, аввало фан-техника янгиликларини, илгор технологияларни жорий қиладилар. Бу эса арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Арзон ва сифатли маҳсулотлар бозорда тез ва юқори нархларда сотилади, юқори фойда олиш имконини беради. Янгиликларни жорий қилмаган ишлаб чиқарувчилар рақобатга бардош беролмасдан синиб кетадилар.

Эркин рақобат даврида рақиблар курашнинг икки асосий шакли амал қилади. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат.

1. Тармоқ ичидаги рақобат деганда биз тармоққа кирадиган фирмалар ўртасида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулай шароитлари ва яхши фойда олиш учун курашилади. Ҳар бир тармоқ корхонанинг техник даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, улар чиқараётган товарларнинг индивидуал қиймати ҳам ҳар хил булади. Бироқ бизга маълумки, товар ҳўжлигида қиймат конунининг амал қилиши сабабли турли индивидуал қиймат ижтимоий бозор қийматига келтиради. Бунга сабаб тармоқ ичидаги рақобат курашидир. кўриниб турибдики, тармоқ ичидаги рақобатга ғолиб чиқишнинг биргина йўли, яъни фан техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, меҳнат унумдорлигини ошириши орқали харажатларни камайтириш йўли бор. Демак, тармоқ ичидаги

рақобат фан-техника тараққиётини рағбатлантириш вазифасини бажарар экан.

2. Тармоқлараро рақобат. Тармоқлараро рақобат деганда турли тар-моқ ўртасида энг юқори фойда олиш учун олиб бориладиган курашни тушунамиз. Капиталнинг хусусияти шуки, у доимо ҳаракатда бўлиб, ўз соҳибига фойда келтириб туриши керак. Капитал соҳиблари эса уларни фойдалироқ соҳаларга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар. Улар учун нимани бозор кўтарса, шуни ишлаб чиқариш кўпроқ фойда олиш муҳимдир.

Рақобат эса товар ишлаб чиқарувчилар мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун курашга интилишидан иборат. Рақобат бозор иктисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир, чунки рақобат ғолиб келиши учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. Монополия рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқариш танҳо ҳукмронликни таъминлаб ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар улишини тақазо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси – бозор, бозорда турли корхоналар товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналарни керакли восита, хом-ашё, материаллар сотиб олиш, иш кучини ёллаш учун ҳам курашадилар.

Юқори фойда олишни таъминлаш ҳар бир ишлаб чиқарувчининг асосий мақсадидир. Бунинг учун ўз рақибини сингдириш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш олиб борилади. ўз рақибини синдириш учун турли усуллар қулланилади, жумладан, рақобатнинг энг асосий усули нарх воситасида, яъни нархдан фойдаланиб, ўз рақибини синдиришдир. Бу усулни қулайроқ ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлган арзон, сифатли товар ишлаб чиқарувчилар, уз тустунликларидан фойдаланиб, товарларни нархини сунъий равишда тушириб юбориш, йули билан ўз рақибини синдирадилар. Натижада товар ишлаб чиқариш камайиб, бозорда нарх кўтарилади, юқори фойда олишни таъминлайдилар.

Рақобатнинг иккинчи усули нархдан фойдаланмасдан, маҳсулотни арзон, сифатли ишлаб чиқариш, харидорларга қулай, қушимча хизматлар кўрсатиш орқали, ўз рақибини синдиришдир.

Рақобатнинг бу усулларида ташқари ман қилинган, нотугри усулларида ҳам фойдаланилади, жумладан, жосуслик, террорчилик, ўз рақибини йўқотиш, бировлар товарлари обрўидан фойдаланиш, нотугри реклама қилиш каби усуллари ҳам фойдаланилади. Қонун бундай усуллари таъқиқлайди.

МОНОПОЛИЯЛАРНИНГ МОХИЧТИ ВА ТУРЛАРИ.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим хусусияти. У амал қилиши учун маълум шароит муҳайё бўлиши талаб қилинади. Бозор иқтисодиётининг шаклланишидаги классик йўл Ғарб мамлакатларида бўлиб, у ерда рақобатчилик муҳити узок йиллар мобайнида, давлатнинг иштирокисиз, ўз-ўзидан яъни стихияли юз беради. Шу йўсинда эркин рақобат пайдо бўлган. Иқтисодиётда монополлашув тенденциялари пайдо бўлиш муносабати билан эркин рақобат чекланади, шу сабабдан соғлом рақобатчилик муҳитини яратишда давлат ҳам қатнашади. Буни давлатнинг анти монопол сиёсатида кўриш мумкин. Сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда уни қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилган.

Давлатнинг хусусий монополиyani жиловлашга қаратилган тадбири 1890 йилда АҚШда қабул қилинган «Шерман қонуни» бўлиб, у тарихда антитрест қонуни деб ном олган.

Антимонопол қонунчилик асосан қуйидаги уч йўналиш бўйича шаклланади.

1. Ишлаб чиқариш тизими (таркиби)ни бошқарувчи қонунлар ёки улар моделларини аниқ белгилаш. Уларга кўра одатда ҳеч бир корпорация у ёки бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ярмидан ортиғини назорат қилишга ҳақи бўлмайди. Бундан мақсад шуки, ҳеч бир корхонага юқоридаги меъёрдан ортиқ товар ишлаб чиқаришга йўл берилмайди, маҳсулотнинг қолган қисмини, албатта, бошқа корхона ишлаб чиқаради, демак улар ўртасида рақобат таъминланади.

2. Барча йирик корпорацияларнинг иштирокчилари бошқа корпора-цияларнинг акцияларини маълум чекланган миқдордан ортиғига эга бўла олмасликлари керак.

3. Нархларни талаб ва таклиф мувозанати белгиланган даражада юқо-ри ёки паст тутиб туришни, нарх хусусида келишиб олишни ман қилувчи антикарткель қонунларни жорий этиш. Картель деганда монополиялар ўртасидаги бозорларни бўлиб олиш ва у ердаги нархларни келишиб олиш юзасидан тузилган қисқа муддатли иттифоқларни тушунилади. Антимонопол қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ қилиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб бозорни шакллантириб бўлмайди.

Давлатнинг фаол антимонопол сиёсати, унинг айрим корпорациялар манфаатларидан юқори туришини билдиради. У миллий иқтисодиётда рақобат аллақачон шаклланиб бўлган мамлакатларда рақобатчиликнинг такомиллаштиришни таъминласа, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда рақобатчиликни янгидан шакллантириш керак бўлади. Тоталитар тизимдан чиққан мамлакатларда социалистик мусобақа деб ном олган муносабат ўрнига соғлом рақобатни келтириш зарур бўлади. Давлат рақобатнинг зарурлигини англаган ҳолда унга йўл бериш чора тадбирларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга жорий этади. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига янгиликларнинг киритилиши бунинг далили бўла олади. Ҳар тарафлама тўйинган товар турлари ниҳоят кўп бозорда товарларни танлаб олиш имкони катта бўлади, харидорлар кўпчилигининг харид қобилияти юқори бўлади, улар таркибида пулдор кишилар ҳиссаси ортиб боради, нуфузли истеъмол учун нархини суриштирмай товар харид этиш юз беради. Шундай шароитда нархсиз рақобат устиворликка эга бўлади, лекин барибир бозор иқтисодиётига ўтиш халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида соғлом рақобат учун муҳит яратилишини билдиради. Ўзбекистон рақобатни умуман инкор этувчи давлат монополиясидан давлатлашмаган, турли хўжалик шартларини мувозанатига асосланган ва эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтиш юз берди. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини аввал шакллантириш, сўнгра уни такомиллаштириш мумкин. Энг аввал

рақобат қилувчилар, яъни мустикал товар ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлиши шарт, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, ўз манфаатига эга, мулкый маъсулияти бор ва тадбиркорлик хатарини зиммасига олувчи хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир. Рақобатчилик иқтисодиётдаги демократизм шароитида бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш талаб этади, аммо бунинг ўзи етарли эмас, чунки жамиятда бозор муҳити ҳам бўлиши керак. Ўзбекистон тажрибаси кўрсатганидек, рақобатга йўл очилиши учун хусусий ёки жамоа мулкни қонуний деб эълон қилиш кифоя қилмайди. Қонунларда мустикал ва тенг деб қайд этилган шаклларнинг амалдаги реализацияси таъминлангунча, рақобатбоб ҳужалик юзага чиқмайди. Бинобарин, рақобатчилик қонунга кўра атайлаб бозорда тақчиллик ҳосил этиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўскинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усуллари кўллаш ман этилади. Қонунни бузганлар рақибга етказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари шарт, улар ғирромлик билан олинган фойдадан маҳрум этилади. Бу қонун рақобатчилик тизимига хизмат қилади.

Бозордаги вазият тез ўзгариб туради, уни ҳисобга олиш қийин, шу боисдан антимонопол қонунлар ўзининг наониклиги билан ажралиб туради. Рақобатни чеклаш борасида конкрет аҳвол шундайки, бу қонунларни кенг талқин қилишга туғри келади. Бу айниқса, антикартель қонунларга таълуқлидир. Бу ерда қонун ва давлат қарорларининг талаби картелларни тақиқлаб қуйишдан бошлаб, то маълум муддатга уларга рухсат беришгача бўлган талабни ўз ичига олади.

Япониядаги антимонопол қонунларнинг амал қилиши бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Бу ерда иккинчи жаҳон урушидан кейин монополиялар ҳақидаги қонунинг бажарилишини назорат қилувчи адолатли битимлар Кумитаси тузилган бўлиб, у кенг ваколатга ва мустикалликка эгадир. Бу кўмита томонидан қайд қилинган ва суд томонидан тасдиқланган қонунбузарчилик қаттиқ жазоланади, қонунбузар корпорациялар катта зиён кўриши мумкин.

Рақобатнинг асосий воситаси нарх бўлади, айниқса, бу нархсиз рақобат ривожланмаган пайтда дарҳол сезилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нархсиз рақобатга шароит бўлмайди, шу боисдан нархларни либераллаштириш, яъни уларни эркин қуйиб юбориш ва бозорда шакллантириш рақобатнинг асосий талаби ҳисобланади. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда давлат назорати остидаги нархлардан келишилган нархларга, улардан эркин бозор нархларига ўтиш юз беради. Эркин нархлар эркин тассаруф этиладиган товарларга таълуқли бўладилар. Шу муносабат билан Ўзбекистонда маҳсулотга давлат буюртмаларини қисқартириб, уни тобора кўп қисминини бозор орқали сотишга киришилади.

Бозор эркин иқтисодий фаолиятини талаб қиладиган, жамият рақобатчиларига бир хил имконият яратиб беради, хўжалик субъектларига ўзини синаб кўриши учун бир хил шароит ҳозирлайди, давлат рақобат қоидаларига риоя этилишини назоратга олади, айрим ва бир гуруҳ тадбиркорларнинг монопол мақеида бўлишига йўл бермайди.

Ҳозирги босқичдаги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, албатта цивилизациялашган рақобатнинг вужудга келишини билдирадики, бу табиатан аралаш иқтисодиёт белгисидир. Бу жараён давлат иқтисодий монополизминини чеклаш, умуман, антимонопол йўл тутишни талаб қилади, чунки бусиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда «Монополистик фаолиятни чеклаш тугрисида»ги қонун қабул қилинган.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Рақобатнинг тарифини келтиринг.
2. Нархдан фойдаланмай рақобатлашиш усулини тушунтиринг.
3. Рақобатли бозор турларини кўрсатинг.

10-Мавзу. НАРХНИНГ МОХИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Нархнинг мазмуни ва вазифалари.
2. Нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар
3. Нархнинг турлари.

4. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга ошириш хусусиятлари.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. – ўзбекитсон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т.Ўзбекистон – 1995.
2. Каримов И.А. – Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. Ўзбекистон – 2000.
3. Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
4. Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
5. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
6. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Нарх – бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодасидир.

Улгуржи нархлар – ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар катта партияларда бир йўла кўтарасига сотилганда мавжуд бўлади.

Чакана нархлар – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархлардир.

Дотациялашган нарх – давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархдир.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фойдаланиб, бозорга кириб олиш нархи деб ҳам юритилади.

Эркин нарх – талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган нархлардир.

Нарх диапазони – нархлар оралигидаги фарқнинг пулдаги ифодаси.

НАРХНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Нарх бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошлаганда юз берадиган муносабатларни англатади. Нарх назарий жиҳатдан олганда товар қийматининг пулдаги ифодаси, қийматнинг бозордаги кўриниши. Хўжалик юритиш амалиётида эса нарх муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқариш ўзидаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади, уларнинг мажмуаси қиймат демакдир.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, нарх пасийиб кетса, товар бозори касодга йўлиққан бўлади, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яхшилаш ва зарурлиги кун тартибига қуйилади. Нархнинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари (вазифалари) яққол кўрсатиб берди. Нарх беш асосий функцияни бажаради:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси.

Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

2. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси.

Нарх қийматининг пулдаги ифодаси деб атаймиз, чунки қилинган сарф-харажат, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларининг натурал моддий, қиймат-пул ўлчоаи бор. Натурал-моддий кўрсаткичларни таққослаш ёки умумий кўрсаткичга келтириб булмайди.

3. Иқтисодий регулятор функцияси.

Нарх бозор иқтисодиётининг асосий воситасидир. Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг моддий асоси, унинг бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради. Нархдаги ўзгариш бозор ҳолатини билдиради, бу эса талаб-таклиф нисбатига боғлиқ. Талабнинг ортиши муайян товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини билдиради, аксинча товар таклифнинг кўплиги уни ишлаб чиқариш ортиқча бўлиб, қискартириш зарурлигини кўрсатади. Нарх товар ишлаб чиқариш фаолиятига ўз-ўзидан эмас, балки унинг даромади орқали таъсир этади. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда

нарх юқори булса, фойда ортади, нарх пасайса, аксинча фойда камаяди. Ҳатто зарар кўриш ҳам мумкин. Фойда ёки зарар кўриш ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этади. Фойда кўрган корхона ривож топади, зарар кўргани эса синиб, ёпилиб кетади. Рақобатда омон қолиш учун корхона бозорлардаги нарх даражасига мослашуви керак. Нарх ошса, ишлаб чиқариш кенгайтирилади, капитал фойда яхши келган томонга қараб оқади. Товарлар кўпайиб, бозор туйгандан сунг нарх пасаяди, муайян товарни ишлаб чиқариш қулай бўлмай қолади, чунки фойда қисқара бошлайди. Капитални бошқа соҳага, яъни товарнинг нархи юқори, бозори чакқон, соҳага кўчириш зарур бўлади, нархлардаги ўзгариш корхонани яхши ишлашга, харажатини пасайтирган ҳолда янгиликни ўзлаштиришга, яъни новацияга ундайди.

Рақобат воситаси.

Маълумки, бозор иқтисодиётига хос нарсa рақобат ҳисобланади. Рақобат усулларида энг муҳими нарх воситасида кураш. Фирмалар уз рақибларини синдириш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Бир хил ўринбосар товар чиқарувчи фирмалар харидорни оғдириб олиш учун нархни пасайтиради, зарар қурмаслик учун товарларни ишлаб чиқариш ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини ҳам қисқартиради. Аммо вақти келганда нарх ҳаракат билан боғланмаган ҳолда ҳам пасайтирилади. Нарх муҳим иқтисодий дастак бўлганидан уни тез-тез ўзгартириб туришдек усул рақобатда кенг ишлатилади.

1. Социал ҳимоя функцияси.

Нарх аҳолининг айрим тоифаси ёки халқни қимматчиликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Одатда аҳолининг ночор ва камбағал қатламларига товарлар арзонлаштирилган нархда сотилади. Булар социал дотациялашган нархлар бўлиб, уларни молиявий жихатдан давлат бюджети ёки турлича хайрия маблағлари таъминлайди. Аҳолининг ночор қатламларига арзонлаштирилган нархда озик-овкат, кийим кечак сотилади. М: Ғарб мамлакатларида аҳоли эски кийим-кечакни хайрия қилиб турли ташкилотларга беради, бу кийимлар ўта арзон нархда камбағалларга сотилади. Аммо бозор иқтисодиётида социал-хайрия нархларни асосий эмас, улар онда-сонда учраб туради,

чунки социал ҳимояга муҳтожлар пул бериш орқали таъминланади, бу пулга улар бозор нархида товарлар оладилар. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида айрим мамлакатларда социал ҳимоя вазифасини ўтовчи нархлар кенг кулланилади, улар давлатнинг ёрдамига муҳтож таянади.

Дотацияланган нархларни давлат белгилайди. Бундан мақсад аҳолининг кенг қатламларини энг зарур истеъмол моллари билан минимал даражада таъминлашдир. Масалан, ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб, ун, гуруч, қанд-шакар, совун, ўсимлик мойи, чой, макарон каби товарлар дотацияланган арзон нархларда ва чекланган миқдорда сотила бошланади.

Нархни шакллантирувчи энг муҳим омил талаб ва таклиф нисбатидир. Унинг ўзгариши нархни ҳам ўзгартириб юборади. Талаб эҳтиёждан келиб чиқса-да, унинг айнан ўзи эмас. Талабга кўп нарсалар таъсир этади. Биринчидан, харидор ўз дидига кўра бир товарни афзал кўради, унга устунлик беради, бинобарин, уни харид этишга мойиллик билдиради. Иккинчидан, харидорнинг мана шундай феъл-атворидан катъий назар, харид этиш қобилиятини унинг даромади аниқроғи ўз даромадидан харид этиш учун ажрата оладиган пули белгиланади: учинчидан, харидорнинг диди ва харид қобилияти жамланиб, унинг истеъмол танловини белгилайди, яъни қобилияти жамланиб унинг ўз эҳтиёжини қондириш учун қандай миқдорда ва қайси хилдаги товарларни олиши мумкинлигини аниқ билади. Харидорнинг афзал кўриниши маълум товарлар мажмуаси чекланади, аммо бу қайси эҳтиёжнинг бирламчи бўлишига боғлиқ. М: овқатланиш эҳтиёжи кийиниш эҳтиёжидан олдинда боради, ўз навбатида кийиниши, саёҳат ёки томоша эҳтиёжидан устун туради. Агар айрим товарлар ёки товарлар гуруҳи эҳтиёжини бир хил даражада қондирса, харидор уларга бефарқ қарайди, бинобарин, бу билин талаб ошиб, нарх кўтарилиб кетмайди. Товарлар кўп ва хилма-хил шароитда уларнинг истеъмоли ортган сари бефарқлик кучаяди.

Харидорнинг товар танлашдан иборат иши унинг харид қобилияти доирасида энг нафли молларни топишга интилишни билдиради. Товарнинг наф келтириш хусусияти-истеъмол этиш жараёнида эгасида қониқиш ҳосил эта олиши, яъни харидорнинг

индивидуал дидига қараб эҳтиёжини қондира олишдир. Товарнинг наф келтириши қанчалик юқори бўлса, шунчалик нарх қийматдан юқорига қараб интилади ва хатто унинг қийматдан узилиши ҳам юз беради. Аммо бундай ҳол кам учрайди, чунки товарлар ғоят қуп бўлганидан айрим товар нафлигига ўта юқори бўлмайди, ўринбосар товарларидаги нафлик уни тутиб туради. Нархнинг товар нафлигига монанд ошиб бориши чексиз эмас, албатта, чунки наф келтириш меъёрининг ҳам энг охириги чегараси бўлади. Шу чегарадан ўтган товарнинг нафлиги пасая боради, бинобарин, нафликни энг юқори нуқтаси товар истеъмолидан энг юқори қониқиш билан аниқланади. Демак, нафнинг нархга таъсири маълум вақтгача бўлиб, унинг давомида нарх ошади, сўнг эса пасаяди, чунки нафлик камаяди. Нархни рақобат ҳам шакллантиради. Рақобатда ютиб чиқиш ёки ютқизиш нарх белгилашга ҳам боғлиқ. Рақобатлашувчи харидорлар кўп бўлса, юқори нарх ташкил топади. Агар сотувчилар кўп бўлиб улар рақобатлашса паст нархлар вужудга келади.

Рақобат курашида харажатларни копламайдиган, бинобарин, зарар келтирадиган ўта паст нархлар ҳам пайдо бўлади. Бозорда мавкеи кучли фирмалар нархни ўзгартириш орқали харидорнинг ортиқча пулини олишга интиладилар. Нархни мана шундай ўзгартириб туриш товар сотиш ҳажмини кучайтиради, фойдани оширади. Давлат маълум мақсадни қўзлаган ҳолда нархни чегаралайди, яъни қонун кули билан нархнинг қўйи чегарасини белгилайди, сотувчилар шу чегараларга риоя қилишга мажбур бўладилар. Бу билан давлат нархнинг иқтисодий ва социал соҳага курсатадиган таъсирини ўзгартириб юборади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, уни узаро боғланган, бир-бирини тақазо этувчи, аммо ҳар хил мақсадларда қўлланувчи нархлар мажмуаси ташкил этади. Нархнинг шаклланиши жараёни мураккаб, унинг ишитрокчилари ғоят кўпчилик, нархлар ҳар хил вазифаларни бажаради, шу сабабли нархларнинг тури қуп.

Нархнинг иқтисодиётдаги урни бекиёс бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корхоналар ва фирмалар нарх белгилашга катта эътибор берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегиясини ишлаб чиқишда уч мақсадни кўзлайдилар – товар

сотишни кўпайтириш, фойдани кўпроқ олиш, ўзининг муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Товар сотишни кўпайтиришдан уч натижа кутилади:

а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳиссасини ошириш, имкон бўлганда бозорни ўз назоратига олиш;

б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойдани камайтиришга рози бўлган ҳолда товарларни кўплаб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш;

в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотиқ харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фирмалар махсус нарх қўллайдилар, уни бозорга кириб олиш нархи ёки демнинг нархи деб аташади.

Бу нарх рақибини синдиришга қаратилганидан давлат уни таъкидлайди, шу сабабли фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмини нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади. Нархларни пасайтириш янги бозорларни қулга олишга хизмат қилади. Нарх муҳим равишда мўлжалланган фойда миқдорини таъминлайдиган қилиб белгиланади.

Фирма нарх қўйганда товар сотилишини қисқартирмаган ҳолда юқори шарх ҳисобида қанда қилмай фойда олишни мўлжаллайди. Бу мақсадга эришиш учун нуфузли нархлар жорий этилади. Аммо бу нархлар иш бериши учун бозорда рақобат чекланган, энг яхшиси монопол бозор бўлиши шарт. Мазкур бозорда товар нархи эмс, балки унинг маркаси обрўли бўлиши ҳал қилувчи омил булади. Бу ерда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нарх кутарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайи. Маълум бир гуруҳ истеъмолчи оладиган нуфузли товарлар борки, уларнинг эгаси бўлиш мартабага эришиш билан баробар туради.

Фирмалар нархдан ўз мавқеини сақлаб қолиш, рақобатдан бутун чиқиш учун ҳам фойдаланадилар. Бунда шароитни ҳисобга олиб, рақиб, ҳатти-ҳаракатини назарда тутиб, нархни тез-тез ўзгартириб туришга тўғри келади, акс ҳолда товар сотиш ҳажмини ва фойдани бир меъёрга тутиб қолиш қийин бўлади. Нархларни қўллашда товарни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси, бозордаги талаб, унинг ўзгариши ва ниҳоят, бозорда нарх билан рақобатлашувнинг бориши ҳисобга

олинади. Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган катъий стандарт нархлар ёки ўзгарувчан нархлар қўлланилади. Шундай товарлар борки, харидорлар уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал қурадилар. Масалан, коммунал хизмат, транспорт хизматининг нархи (таърифи). Бу сабабдан нарх катъий қолган ҳолда харажатларнинг ўсган қисми тежамкорлик орқали қопланади, аниқроғи истеъмолга қўлайлик яратиш билан боғлиқ харажатлар камайтирилади. Масалан конфет нархи ўзгармагани ҳолда уни оддий қоғозга ўраш, арзон пакетга жойлаш, қадоқлашни содда қилиш йўли тутилади, автобусда юриш нархи кира пули) ўзгармагани ҳолда автобусдаги қулайликлар камайтирилади, унинг қатнови қисқартирилади, қатновга катта автобуслар чиқарилади, автобусларга кўп йўловчи олинади, уларнинг тўхташ бекатлари камайтирилади.

Савдо-сотикда прескурант нархлар ҳам ишлатилади. Бу нархлар сотувчи учун мулжал нарх, харидор учун билдиргич ёки маълумотнома нарх. У фирмалар прейскурантларида (нарх кўрсаткичларда) эълон қилинади ва товар нархнинг қайси сумма атрофида бўлишини кўрсатади. Аммо ҳақиқий нарх прейскурант нархдан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Бир хил ёки ҳар хил товарлар борки, уларнинг нархи тенг бўлиши мумкин эмас. Нархлар албатта фаркланади, чунки харажатлар, товарнинг нафлиги ва бозордаги талаб бир меъёردа эмас. Нархлар фарқининг миқдорий ифодаси нарх диапозони дейилади. Диапозон нарх орлиғининг пулдаги ўлчами (ифодаси) бўлади. Нархлар диапозони улар ўртасидаги сезиларли фарқ бўлишини талаб қилади, чунки шундай бўлмаса, товарлар сифатидаги фарқни илғаш қийин, қулдаги пулга қараб нархи маъқул товарни танлаб бўлмайди, бинобарин, товарнинг сотилишини кўпайтириб бўлмайди. Диапозон нархлар ўртасидаги миқдорни нисбатни ҳам билдиради. Нарх диапозони қуйи, ўртача ва юқори нархларни ўз ичига олади. Диапозон қанчалик кенг булса, товар муомаласи шунчалик тез кечади, чунки талаб билан нарх ўзаро боғланади. Диапозон доирасида нархнинг ўзгариб туриши, бир нархдан бошқасига ўтилиши харид ҳажмини ўзгартиради.

Товар ишлаб чиқаришдан истеъмолга етиб боргунча бир неча нархларга дуч келади. Дастлаб, улар улгуржи нархда

сотилади. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла кўтарасига харид этувчига сотилган пайтда кулланиладиган нархдир. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлаши керак. У албатта, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита алоқасида кулланилади. Улар контракт нарх шаклида бўлади. Контракт нарх ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нархдир. Бу нарх контракт амал қилган даврда, одатда, ўзгармайди, чунки у олдин келишилган бўлади, унинг бузилиши икки томондан бирининг лабсизлигини билдиради. Мавзкур нархлар кўпинча мижоз фирмалар ўртасида, ҳам миллий, ҳам халқаро бозорда кулланилади. Айтайлик, ўзбекистон АҚШ ёки Канада буғдойини олганда контракт нарх билан кўтарасига харид этади. Бу нарх халқаро бозор нархига яқин туради.

Чакана нархлар билан истеъмол товарлари бевосита аҳолига сотилади. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг зарар кўрмай ишлаши, фойда куришини таъминлаши зарур, акс ҳолда, фирманинг фаолияти унинг ўзи учун нафсиз ишга айланади. Масалан, Тошкент марказий универмаги «Юлдуз» фирмаси тиккан эркаклар костюмининг ҳар бир донаси улгуржи нархда 250 сумдан олади. Ҳар бир костюмни ташиш, сақлаш ва сотиш учун универмаг 50 сўм харажат қилади. У эл қатори ишлаб туриш учун ҳар бир сотилган костюм ҳисобидан 25 сум фойда кўришиши зарур. Айтилганлар бўлиши учун костюмнинг чакана нархи 325 сўм ($250+50+25$) бўлиши керак. Амалда чакана нарх талаб ва талкифга қараб юқори ёки паст бўлиши мумкин. Давлатнинг нархларга ралишдек фаолияти лимитланган ёки чегараланган нархлар ва дотацияли нархларни пайдо қилади. Давлат нархларнинг юқори ва қуйи чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат инфляцияни жиловлайди, нархларни назорат қилади. Дотацияланган нарх бу давлат бюджет ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нархдир, уни бозор касод улганда фирмалар арзонлаштирадиган нархлар билан аралаштирмаслик керак. Дотация нархлар даромади паст омиллар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногирон қабиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун

ишлатилади. Давлат товарларни арзон сотганларга бюджетдан дотация беради. Махсус арзонлаштирилган, аммо дотацияли бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, ҳайр эҳсон ташкилотлари қатнашади. Мазкур ҳомийлар одатдаги нарх билан арзонлаштирилган нарх уртасидаги фаркни ўз ҳисобидан коплайдилар.

Бозор кўлами жиҳатидан олганда, минтақа-ҳудуди, миллий ва ҳалқаро ёки байналмилал нархлар мавжуд. Худудий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум ҳудуд доирасидаги таъсиридан ҳосил бўлади. У фақат имамалум худудий бозорга хос бўлади. Масалан, ўзбекистонда қовун-тарвузнинг муайян жойларга (Андижон, Марғилон, Тошкент, Жиззах ёки Термизга) хос нархи мавжуд. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархдир. Масалан, лимон ёки апельсиннинг Греция, Италия, Куба, Марокашга хос нархлари бор миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва иаклифни, товар нафлигини, уни шу жойда нақадар қадрланишни ҳисобга олади. Жаҳон бозори нархи муайян товарга кетган интернационал сарф-харажатларни, товарни жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва ниҳоят, талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади. Жаҳон нархи, албатта, миллий нархдан фаркланади.

Нархлар турли-туман бўлсаларда, улар ўзаро боғланган, чунки улар жамиятдаги моддий ва меҳнат ресурсларининг ишлатиш самарасини, уларнинг эҳтиёжларга хизмат қилишини кўрсатади. Иқтисодиётда нархлар мувозанати ёки нисбати деган ҳодиса бор, уни нарх паритети деб ҳам юритилади.

Нархлар нисбати унга таъсир этувчи омилларнинг ҳар қил амал қилишидан келиб чиқади. Айниқса, бу жаҳон бозори нархларида яққал кўринади. Бу ердаги ва миллий бозордаги нархлар нисбати ҳар қил бўлади. Масалан, ўзбекистон миллий бозоридаги нархлар нисбатига олтинни оз ёки куп ишлаб чиқариш таъсир этмайди, чунки уни ашё сифатидаги истеъмоли гоят кичик. Аммо ўзбекистон олтинни экспорт қилганда, жаҳон бозоридаги нарх нисбатига таъсир этмай қолмайди.

НАРХ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жихатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш – иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислохотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жихатдан шу муаммони ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда республика иқтисодиётини ислох қилишнинг ўзига хос принциплари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинади. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш техника воситаси бўлгани маҳсулотлар айрим халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларга ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1998 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг суръати анча қисқарди.

Нархларнинг эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил октябр, ноябр) халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларининг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодийнинг ислох қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади.

Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидага

жамгармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазм суратда ошиб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож қисмига ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Нархнинг обектив асосини айтинг.
2. Нархнинг қандай турларини биласиз?
3. Нархнинг шаклланишига иқтисодий ресурсларнинг нарх таъсир этадими?

11- мавзу: ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ. ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШИ.

- 1- Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва асосий белгилари. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.
- 2- Акционерлик жамияти ва акционерлик капитали.
- 3- Менежмент ва маркетинг, уларнинг вазифалари.
- 4- Тадбиркорлик капиталининг моҳияти ва доиравий айланиши.
- 5- Асосий ва айланма капитал. Асосий капиталнинг эскириши.

АДБИЁИТЛАР.

- 1- Каримов И.А. — ўзбекитсон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т.Узбекистон — 1995.
- 2- Каримов И.А. — Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. Узбекистон — 2000.
- 3- Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. —М.: Экономист, 2005. — 224 с.
- 4- Экономическая теория. — Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. — М.: ИНФРА-М, 2005. — 322 с.
- 5- Куликов Л.М. Экономическая теория. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. — 432 с.
- 6- Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. — Т.: «Фан ва технология». 2005. — 186 б.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Тадбиркорлик фаолияти — фойда олиш мақсадида таҳлика (таваккалчилик) билан ҳамда мулкӣ жавобгарлик асосида ва

амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Ҳиссадорлик жамияти - кўпроқ фойда олиш мақсадида меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал)ларни бирлаштиришган уюшмадир.

Акция – бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Акция курси – қимматли қоғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган баҳосидир.

Облигация – унинг эгаси жамиятга қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қўйганлигини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Таъсисчилик фойдаси – сотилган акциялар ва ҳиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган суммаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, жамиятни таъсис этувчилар ўзлаштиради.

Дивиденд – акция эгаси ўзлаштирадиган даромад туридир.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ, АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ.

Тадбиркорлик – бу ресурсларни ишга солиб, қилинган харажатларни қоплаб, фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Тадбиркорликни ривожлантириш:

1. Кишиларнинг бор бўлган имкониятларини кенг фойдаланиш имко-нини беради.

2. Янги имкониятлар ишга солинади, янгиликлар ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

3. Иқтисодий ташаббускорлик кучаяди.

4. Кишилардаги боқимандачилик кайфиятига барҳам берилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шароитлар бўлиши лозим:

1. Ҳар бир тадбиркор ўз мулкига эга бўлиши, бу эса маълум қарор қилиш имконини беради.

2. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар иқтисодий эркинликга эга булиши лозим, яъни нима ишлаб чиқариш, қандай ишлаб чиқариш ким учун ишлаб чиқариш масалаларини ўзича ҳал қилади.

3. Иқтисодий ва социал соҳада давлат сиёсатини барқарорлиги.

4. Бозорнинг очиклиги, яъни товарларни, капитални, иш кучининг эркин ҳаракат қилиши.

5. Тадбиркорликни ҳуқуқини ҳимоя қиладиган қонунларнинг бўлишлиги.

6. Солиқдаги енгилликлар, кредитлар бериш ҳамда ривожланган инфраструктуранинг бўлишлиги.

7. Бюрократизмни тугатиш, яъни рўйхатга олишдаги қийинчиликлар турли жойларга ҳисоботлар бериш ва бошқалар.

8. Ташқи бозорга эркин чиқиш.

Тадбиркорликнинг қўйидаги тамойиллари мавжуд:

1. Ишлаб чиқариш омилларининг барчасига ёки баъзиларига ҳамда яратилган товарларга эгалик қилиш.

2. Ишлаб чиқаришда маъсулиятни ва таваккални ўз зиммасига олиш.

3. Фойдага эга бўлиш ва уни ўз ихтиёри билан ишлатиш.

4. Тижорат сирига эга бўлиш.

5. Рақобат курашида фаол иштирок этиш ва ўз ишини яхшилашга интилиш.

6. Тадбиркорликнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳалоллик билан иш юритиш.

Ўзбекистонда тадбиркорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу тўғрида қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинган ва самарали ишланмоқда. (1991 йили тадбиркорлик тўғрисида қонун қабул қилинди 1995 йили кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида ва бошқалар).

Бу қонунларда юқорида таъкидланганимиздек мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги, ўзи чиқарган маҳсулотни мустақил тақсимлаш, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга ёлаш, чекланмаган даромад олиш имконияти кафолатланганлиги (тўғри йўл билан олинган бўлса) ва бошқалар назоратда тутилади.

Тадбиркорликнинг жаҳон амалиётида синалган қуйидаги турлари мавжуд:

1. Хусусий тадбиркорлик.
2. Жамоа тадбиркорлиги.
3. Индивидуал, оилавий тадбиркорлик.
4. Давлат тадбиркорлиги.
5. Аралаш тадбиркорлик (қўшма корхоналар).

Ўзбекистонда корхоналарни эркинлаштириш даражасига қараб уч тоифадаги корхоналар мавжуд:

1. Давлат буюртмаси сақланган корхоналар.
2. Ҳам давлат буюртмасини, ҳам бозор учун ишловчи корхоналар.
3. Фақат бозор учун ишловчи корхоналар.

Тадбиркорликнинг энг муҳим формаси кичик ва ўрта бизнесдир. Ривожланган мамлакатларда ҳам кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи бутун корхоналарни 80 фоиздан 90 фоизгача ташкил этади. Масалан: АҚШда кичик бизнеснинг салмоғи ЯММнинг 40 фоизини беради. Кичик ва ўрта бизнеснинг бир қатор устунликлари мавжуд.

1. Бозордаги талаб ўзгаришига тезда мослашади.
2. Ҳар бир кишига у нимага қодир эканлигини кўрсатиш имконини беради.
3. Маҳаллий хом ашё ресурсларидан, чиқитлардан унумли фойдаланиш имконини беради.
4. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.
5. Бевосита ҳаражатлар айниқса бошқариш ҳаражатлари анча кама-яди.

Кичик корхоналар катта маблағ талаб қилмайди. Республикамизда кичик ва ўрта корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 1999 йилда 12,6 фоизни ташкил этган. 28 минг 600 та микро фирма фаолият кўрсатган.

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ВА АКЦИОНЕРЛИК КАПИТАЛИ.

Ҳиссадорлик жамияти - кўпроқ фойда олиш мақсадида меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурсларини бирлаштирган уюшмадир.

Бу аҳоли қўлидаги кичик пул жамғармаларини йирик ишга жалб қилишга қаратилади. Уларни капитали пай тўлаш йули билан ташкил топади. Акционерлар жамияти томонидан махсус қимматбаҳо қоғозлар акциялар чиқарилади. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланади ва фойдадан ўз ҳиссасини дивидент олишга ҳақли бўлади. Акционер жамиятининг ёпиқ ва очик турлари бўлади. Ёпиқ акционерлик жамиятига фақат маълум гуруҳ кишилари корхона ичидаги ишчи хизматчилар ўртасида тарқатилди. Очик акционерлик жамияти пайдо бўлганда унинг акциялари барча хоҳловчиларга сотилади. Акция чиқарган корхоналар акционерлик жамиятига айланиб, бу меҳнаткашларнинг хусусий мулки ва манфаатларини уйғунлаштирувчи шахсдир. Бу акциялар корхоналар томонидан ўз ходимлари учун чиқарилиб, уларнинг вақтинча бўш турган маблағларининг унумли фойдали фаолиятига жалб қилиш ва хужалик фаолиятининг натижаларига боғлиқ равишда даромад олиш ҳуқуқини беради.

Акция (пай қоғози) қимматбаҳо қоғоз бўлиб, унда баҳоси ва фирма номи кўрсатилган бўлади. Акция бошланғич нархи номинал нарх дейилади. Сотиб олинган акция миқдори акция пакети дейилади. Агар бу миқдор ширкатни яқка ҳолда бошқаришга таъминлаш учун етарли даражада бўлса у ҳолда акциянинг назорат пакети дейилади.

Фирма ишларини йирик акционерлардан ташкил топган раис бошчилигидан директорлар кенгаши бошқаради. Акционерлик жамиятининг энг олий органи акционерлик мажлиси бўлиб, у одатда йилига бир марта ўтказилади. Мажлисида фирма ишларини муҳокама қилиниб, даромадни қанча қисмини дивидент тарзида тўлаш ва қанча қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш келишиб олинади.

Акционерлик жамияти эркин капитални марказлаштириш ва йирик корхона ташкил қилишнинг асосий шаклидир. Шу билан бирга аҳоли жамғармаларини ишлаб чиқаришга сафарбар қилиш, уларни капиталга айлантириш воситаси ҳамдир.

Акционерлик жамияти хусусий фирмалар ва ширкатларга нисбатан ўз маблағларини орттириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда кўпроқ имкониятларга эга.

Акционерлик жамияти бу шундай корхонаки у хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳукукий ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрий келишув орқали ташкил этилади.

Акционерлик жамияти мавжуд давлат корхонасини акционерлаш ёки янги корхона барпо этиш бўлими орқали таъсис этиш мумкин.

Давлат корхонасини акционерлаш корхона мол-мулкини инвентаризациялаш, қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқишдан бошланади. Корхонанинг асосий фондлари ва оборот маблағлари миқдорини аниқлаб, шу миқдорга тенг суммада акция чиқарилади. Акциянинг энг аввало корхонада ишловчилар ва хизматчилар, сўнгра бошқа корхона, ташкилотлар, ҳатто корхонага алоқаси бўлмаган фуқаролар сотиб оладилар. Агар бу пул корхонанинг қийматини қоплашга етмаса, акциянинг бир қисмини насияга сотилади. Акционерлашган корхона ўзини-ўзи бошқаради, эркин мустақил товар ишлаб чиқарувчи, унинг давлат билан муомиласи солиқ тўлашдан иборат бўлади.

Акционерлик жамиятлари ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлар тўғрисида», «ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек таъсис ҳужжатларига асосланиб иш кўради.

Акционерлик жамиятлари томонидан қўйидаги қийматли қоғозлар эмиссия қилиниши мумкин.

1. Акциялар
2. Облигациялар
3. Векселлар
4. Ҳар-хил қимматли қоғозлар.

Акцияларни очик турдаги ва ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари чиқаришлари мумкин. Очик турдаги акционерлик жамияти акцияларини бошқа акционерлик жамиятининг фақат муайян кишиларнинг номига берилади. Акцияларнинг бошқа кишиларга берилиш тартиби низомда белгиланади.

Ёпиқ турдаги акционерлик жамияти акционерларга акциялар ўрнига номинал қийматга баробар бўлган миқдорда сертификатлар бериши мумкин.

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ, ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Бозор иқтисодиётида корхоналарнинг фаолияти бозор конъюктураси таъсирида ўзгариб туради. Конъюктура қай даражада тез ўзгарса корхоналар фаолияти ҳам шу даражада тез янги шароитга мослашишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бозор шароитида бошқаришга режали иқтисодиёт давридагига қараганда ўзгачароқ талаблар қуйилади.

Ҳар қандай бошқариш, жумладан бизнесни бошқариш аниқ бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мақсад бошқарувининг асосини ташкил этади.

Бошқарув мақсадини амалга ошириш учун муайян бирор режага эга булиш керак. Демак, бошқаришнинг муҳим элементи режалаштиришдан иборатдир.

Лекин ҳар қандай мақсадга эришиш учун режанинг ўзи кифоя қилмайди. Тузилган режани асослаш, унинг тўғрилигини исботлаш керак.

Бизнесда бошқариш менежмент дейилади. Бошқариш – бу кўзланган мақсадга етиш қобилияти ва маҳорати демакдир. Бошқаришнинг усуллари ва ўрганилиши лозим бўлган қонун ва қоидалари мавжуд. Бунинг учун қобилият ва маҳорат зарурдир.

Менежмент фирманинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятини бошқариш бўлиб, фирма жамоасининг гуруҳий манфаатига хизмат қилади.

Менежмент ёки бошқаришнинг объекти корхона фаолияти, унинг субъекти эса бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг ходимларидир. Фирмани бошқариш менежерларнинг касбий фаолияти ҳисобланади.

Менежерлар махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир асрорлари, қонун-қоидаларни чуқур билувчи малакали мутахассислар-ёлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламини ташкил этади.

Менежмент иши – корхона фаолиятига тегишли қарорлар қабул қилиш ва унинг ишини ташкил этишдан иборат ва юқори, ўрта ва қуйи поғоналардан ташкил топади.

Бошқаришда бор куч билан интилиш эмас, айнан эришиш, етишиш зарур. Мақсадга кўзланган натижага эришилмагунча бошқаришни ўрганиб олинган ҳисобланмайди.

Бошқаришнинг мақсади аниқ ва тўғри қўйилган бўлиши керак, акс ҳолда у ўз маъносини йўқотади.

Яхши ўйланмаган ва аниқ бўлмаган мақсад билан иш юритувчи кўпгина фирмалар, одатда, муваффақиятсизликка учраб, хонавайрон бўлади.

Бошқаришнинг асосий қоидаларидан бири «мақсад ҳаракат йўналишини аниқлайди» деган қоидадан иборат. Худди шу мақсад фирманинг нимани, қанча, қаерда, қандай ва қачон бажаришни белгилайди, ҳар бир қаторда албатта мақсидга интилиш ифодаланиши шарт.

Мақсадлар асосий ва иккинчи даражали мақсадларга булинади. Масалан, автотранспорт фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий изланиш олиб бораётган ўз илмий изланишларини амалиётга татбиқ қилиш устида иш олиб боради ва бу унинг асосий мақсади ҳисобланади. Лекин фирма автотранспортлар учун эҳтиёж қимслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ва фойда олиши мумкин. Гарчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш катта фойда келтирса ҳам, бу мақсад иккинчи даражали бўлиб фирма купроқ маблағни асосий мақсадга – илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилади. Менежернинг у бошқараётган фирма ёки бўлим фаолиятининг мақсадини аниқ белгилаши, яъни қайси мақсадлар асосий, қайсилари иккинчи даражали мақсадлар эканлигини ажрата олиши унинг маҳоратига боғлиқдир.

Мақсадларни хусусий ва умумий мақсадларга ҳам ажратиш мумкин, фирма кўзлаган умумий мақсадлар билан бир қаторда ҳар бир бўлим ёки гуруҳ ишчиларнинг хусусий мақсадлари ҳам бор.

Мақсадлар вақтига кўра қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларга бўлинади. Мақсадлар амалга ошиш тартибига кўра якуний ва оралиқ мақсадларга ажралади.

Фирмани бошқаришда маркетинг иши асосий ўрин эгаллайди.

Маркетинг – фирма (корхона) ишини бозор шароитига мослаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир.

Маркетинг иши бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, бозор талабига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларнинг вақтида бозорга етказиш, реклама ўтказиш ва

харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Уларнинг яхлитлигини бозоршунослик деб аташ мумкин. Маркетингни фирманинг махсус маркетинг хизмати бажаради, уни амалга оширувчи ходимлар маркетинг таҳлилининг натижаларига таянади, чунки бу нимани ва қандай турларда ва миқдорларда ишлаб чиқариш, кимга ва қандай нархда қачон сотиш, бозорга қандай жойлашиб олиш мумкин деган саволларга жавоб беради. Маркетинг савдо-сотиқни ташкил этишгина эмас, шу билан бирга бозор талабини ишлаб чиқаришга етказиш, шунга қараб ишлаб чиқаришни созлаш ва бозор талабини қондиришни ҳам билдиради.

Агарда сиз жуда яхши маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлсангиз ёки энг самарадор тизимга эга бўлсангиз ҳам ўз товарларингизни сота олмагунча сизга муваффақият хамроҳ бўлмайди.

Бизнесда товарларни сотиш тушунчаси биз ҳар куни ҳаётимизда ишлатиладиган сотиш тушунчасига қараганда анча кенгдир. Бу буюртмаларни олиш. Уларни қондиришдаги хилма-хил каналлар орқали тарқатиш ва уларни сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш (сервис) шахобчалари билан таъминлашдир. Майда фирмаларнинг банкрот бўлишларини энг кенг тарқалган сабабларидан бири, уларнинг эгаларининг кундалик муаммолар билан банд бўлган ҳолда, бозордаги ўзгаришларини ўз вақтида кўра олмаганлигидадир.

Товар ва таклифнинг номутаносиблиги «сотувчи бозори» ва «харидор бозори» тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Агар товар таклифга қараганда анча юқори бўлса биз «сотувчи бозори» тўғрисида сўз юритишимиз мумкин, чунки товар унинг сифатидан қатъий назар сотилиб кетади. Товар ассортименти кам, рақобат йўқ. Шунинг учун ҳам харидор сотувчи бозорга нимани чиқарса ўшани олишга мажбур. Бу ҳол билан биз социализмдаги товар тақчиллиги даврида яхши таниш эдик.

«Харидор бозори» эса товарни танлаш имкониятини беради, харидор ҳар хил корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган хилма хил товарларни бир-бири билан таққослаб, уларнинг ўз талабига қай даражада мос келишига қараб танлаб олиш имкониятига эга.

Яъни, «харидор бозори» учун таклифнинг талабга қараганда кўплиги хосдир.

Маркетинг сўзи инглизча – бозор сўзидан олинган бўлиб, бу бозорни таҳлил қилиш ва истиқболни аниқлаш, бозордаги фаолиятнинг стратегияси ва тактикасини махсус ишлаб чиқариш орқали муайян истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва фойда олишга йўналтирилган ишлаб чиқариш ҳамда сотишни ташкил қилиш тизимидир.

Замонавий бизнесда ҳар бир киши: фирма директори, менежерлар, молиячилар, инженерлар ва истеъмолчилар ҳаммалари маркетинг ҳақида маълумотга эга бўлишлари шарт. Маркетингни билиш дегани бу бозорни, унинг функцияларини бозорда кимлар ва қандай ҳаракат қилишини билишдир.

ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИНИНГ МОХИЯТИ, ДОИРАВИЙ АЙЛАНИШИ.

Ҳар бир корхона ўз фаолиятини амалга ошириш учун маълум миқдордаги ишлаб чиқариш воситаларига ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган, яъни меҳнат қилувчиларга маданий-маиший хизмат курсатиш воситаларига ва пул маблағларига эга бўлади. Бу воситалар ишлаб чиқаришни олиб бориш учун моддий восита бўлиб хизмат қилади.

Корхоналар ихтиёридаги ҳамма моддий ва пул маблағлари биргаликда корхона фондлари дейилади. Корхона фондлари икки қисмга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш фондлари
2. Ноишлаб чиқариш фондлари.

Ишлаб чиқариш фондлари деганда, корхонанинг ишлаб чиқаришда хизмат қилиб, унда қатнашадиган моддий воситалар ва пул мублағлари тушунилади.

Ноишлаб чиқариш фондлари деганда эса, ишлаб чиқариш соҳасида қатнашмайдиган ва меҳнат қилувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган фондлар тушунилади.

Корхона ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида доимо ҳаракатда бўлади ва уч босқични босиб ўтади. Ишлаб чиқаришга сарфланадиган ҳар қандай маблағ ўз ҳаракатини пул шаклидан бошлайди. Пул (П), ишлаб

чиқариш воситалари (Ив) ва ишчи кучи (Ик) сотиб олиш учун харажатланади.

Бу ҳолда пул шунчаки товар сотиб олишгина эмас, балки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган омилларни сотиб олишга сарфланади. Ушбу жараён пул фондлари ўз харажатининг биринчи босқичини босиб ўтади:

$$\begin{array}{c} \text{Ив} \\ \text{П} - \text{Т} \\ \text{Ик} \end{array}$$

Мазкур жараёнда маблағлар пул кўринишидан унумли шаклга айланади, сотиб олинган ишлаб чиқариш воситаларининг ишчи кучи билан муомаласи содир бўлади, сўнгра фондлар ҳаракатида иккинчи босқич ишлаб чиқариш (Ич) жараёни содир бўлади ва унинг натижасида қиймат – товар шаклини олади. Бу ерда ҳосил бўлган товарлар қиймати ишлаб чиқариш ва ишчи кучига сарфланган қийматдан ортиқ бўлади.

$$\begin{array}{c} \text{Ив} \\ \text{Т} \quad \dots \text{И}.. \text{Т}^1 \\ \text{Ик} \end{array}$$

Чунки, ишчилар меҳнат жараёнида ишлаб чиқариш воситаларини унумли ишлатиб ҳосил қилинган товарлар қийматидан улар яратган қўшимча маҳсулот қиймати мавжуд.

Учинчи босқичда – ишлаб чиқаришга товарларни сотиш жараёни ва бунинг натижасида унумли товарларнинг пул кўринишига ўтиши, яъни

$$\text{Т}^1 - \text{П}^1 \quad \text{содир бўлади.}$$

Ушбу босқичда товарлар пул шаклини олади ва маблағлар ўзининг дастлабки шаклига қайтиб келади. Дастлаб пул шаклида, аммо миқдор жиҳатдан кўпроқ бўлиб қайтиб келади. Шу сабабдан бу жараённи

$$\text{П} = \text{П} + \text{П} \quad \text{деб ифодалаш мумкин.}$$

Демак, корхона маблағлари (фондлари)нинг бир кўринишидан иккинчи кўринишга ўтиши жараёнини фондларнинг айланиши дейилади. Худди шунингдек,

маблағларнинг юқорида уч босқичи ўз ҳаракати давомида босиб ўтиши ва яна дастлабки шаклига қайтиши фондларнинг доиравий айланиши дейилади. Буни тўлалигича қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{ccc} & \text{Ив} & \\ \text{П}-----\text{Т} & & \dots\text{И}\dots\text{Т}^1\dots\text{П}^1 \\ & \text{Ик} & \end{array}$$

Доиравий айланишнинг биринчи ва учинчи босқичида муомала соҳасида, иккинчи босқичи ишлаб чиқариш соҳаси рўй беради.

Ҳар бир босқичда фондлар муайян ҳаракат шаклига киради. Биринчи босқичда у пул шаклида, иккинчи босқичда унумли фонд, учинчи босқичда эса товар шаклида юзага чиқади. Корхона фондлари доиравий айланиш жараёнида унинг ҳар-бир босқичида алоҳида вазифани бажаради ва шунинг учун биз фондларнинг функционал шакллари ҳам дейишимиз мумкин.

Фондларнинг доиравий айланишининг энг муҳим шарти унинг узлуксиз ҳаракатда бўлишидир. Ишлаб чиқарувчилар бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш воситаларини сотиб оладилар, маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва уни реализация қилиш билан шуғулланадилар. Шу жараёнда узилиш бўлмаслиги керак. Шунда корхона куп фойда олиши мумкин. Шунинг учун бу доиравий айланиш қанчалик тез бўлса, шунчалик яхши ҳисобланади. ўз меҳнатига асосланган шахсий мулкчилик шароитида, оилавий жамоа корхоналарида доиравий айланишнинг биринчи босқичида Т-Ик мавжуд бўлмайди, чунки Ик- ишчи кучига сарфланадиган харажат ўзларида қолади. Бу ҳол коллектив ижарага давлатдан олинган корхоналар учун ҳам характерли.

Корхона маблағлари (фондлари)нинг ҳаракати бир доиравий йўналиш билан тўхтаб қолмайди, балки узлуксиз давом этиб такрорланиб туради.

Доиравий айланишларнинг бундай узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши корхона маблағларининг айланиши дейилади.

Унумли маблағлар (капитал ёки фондлар) унинг айрим қисмлари турли тезликда ҳаракат қилиши туфайли сарфланган маблағларнинг айланиш тезлиги турлича бўлади. Масалан,

истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар қиймати бир неча доиравий айланишдан кейин ўзининг бошланғич шаклига қайтади.

Фондларнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самарадорлигига жиддий таъсир курсатади. Айланиш тезлиги муайян давр ичида (А) қилинган айланишлар сони (П) ёки бир айланишнинг узун қисқалиги (а) билан белгиланади.

$$П = \frac{А}{а} ; \quad а = \frac{А}{П}$$

Агар фондлар айланиш узунлиги уч ой (90 Кун)ни ташкил этса, у вақтда

$$\frac{360}{4} = 90\text{кун} \quad П = \frac{12}{3} = 4 \quad а = \frac{360}{90}$$

Турли соҳаларда маблағларнинг айланиш вақти уларнинг ишлаб чиқариш ва муомаладаги шароитга қараб турлича бўлади.

АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА КАПИТАЛ. АСОСИЙ КАПИТАЛНИНГ ЭСКИРИШИ.

Капитал доиравий айланиш жараёнида икки босқични, яъни ишлаб чиқариш ва муомала босқичини босиб утади ва бир бутунликни ташкил этади. Улар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисиз амалга ошмайди, чунки ишлаб чиқаришсиз муомала, муомаласиз ишлаб чиқариш бўлмайди. Лекин ишлаб чиқариш муомалага нисбатан ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаким, ишлаб чиқариш жараёнида қийматнинг яратилиши ва қушимча маҳсулот яратилиши (қийматнинг ошиши) амалга оширилади. Муомала жараёнида эса яратилган қийматнинг айирбошланиши, жумладан товар капитали пул капиталига ёки пул капиталининг товар шаклига айланиши юз беради.

Реал ҳаётда фирманинг капиталининг доиравий айланиши бир вақтнинг ўзида уч босқичда ҳам амалга оширилади, яъни фирманинг бир қисм капитали пул шаклида, бир қисми ишлаб чиқариш шаклида, бир қисми эса товар капитали шаклида ҳаракатда бўлади. Фирма капиталининг ҳаракати бир доравий

айланиш билан чегараланмайди, у яна ва яна ишлаб чиқаришга ва муомалага ташланади. Капиталнинг ҳаракати бир шаклда тўхтаб қолса, масалан товар шаклида, демак ишлаб чиқарилган товарлар сотилмасдан омборларда тўхтаб қолади, келгуси ишлаб чиқариш жараёни учун шароит яратилмайди, товар капитали пул капиталига айланмайди.

Фирма капиталларининг уч шакли ўртасида маълум мувофиқлик бўлиши зарур. Капиталнинг уч шакли ҳам бир-бири билан ёнма-ён ҳаракатда бўлмоғи керак. Капитал доиравий айланишининг узлуксиз давом этиб туришлиги капиталнинг айланиши дейилади.

Капиталнинг айланиши унинг доиравий айланиши билан тенг келмайди. Чунки бир доиравий айланиш жараёнида бутун аванслаштирилган капиталнинг тўлиқ қиймати кетиб келмасдан унинг бир қисми пул шаклида қайтиб келади. Капиталнинг тўлиқ айланиши шу вақтда юз берадигим, қачон авансланган капитал тўлиқ пул шаклига қайтиб келса. Шу туфайли капиталнинг тўлиқ айланиши бир неча доиравий айланишни ўз ичига олади. Капитал ўз ҳаракатида ишлаб чиқариш ва муомала босқичини босиб ўтади. Шу туфайли капиталнинг айланиш вақти ишлаб чиқариш вақти ва муомала вақтларидан иборатдир. Капитални айланиш вақти деб, унинг пул формасида аванслаштирилган вақтидан, бир неча босқичларни босиб, яна дастлабки пул шаклига қайтиб келиш вақтини олади.

Капитални ишлаб чиқариш вақтида бўлган вақти ишлаб чиқариш ёки унумли капитал вақти дейилди. Ишлаб чиқариш вақти қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) Иш вақти. Бу вақт ишлаб чиқаришни бошланиши ва тайёр маҳсулот яратилиш вақтигача бўлган давр. Бу вақтнинг узунлиги тармоқларни хусусиятига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга боғлиқ. Масалан, нон бир неча соат, ҳатто минут ичида тайёр бўлади, ГЭС қурилиши бир қанча йилларга тенг ёки қишлоқ хўжалигида бир неча ой кетади. Бу вақтни қисқартириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш талаб этилади.

2) Ишлаб чиқариш давридаги танаффусларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқаришдаги танаффуслар икки нарсга билан белгиланади:

а) ташкилий моментлар билан. Бунда кўп соҳаларда бутун сутка, ой, йил давомида ишлаб чиқариш давом этмайди (бир

сменада ишлаш, дам олишлар, байрамлар туфайли ишлаб чиқариш вақти тўхтайди);

б) табиий жараёнларнинг меҳнат предметларига таъсир этиш вақти. Масалан рангланган нарсаларни қурутиш вақти, қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даври.

в) ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш запаслари тарикасида турган вақти. Жумладан, ишлаб чиқариш учун сотиб олинган материал хом ашёлар бирданига ишлаб чиқариш жараёнига юборилмайди. Бу вақт ҳам иш вақтига кирмайди, аммо ишлаб чиқариш вақтига киради.

Капиталнинг муомала вақтига, капиталнинг муомала вақтидаги, яъни капиталнинг пул ва товар шаклидаги турган вақтлари киради. Муомала вақти қўйидаги вақтларни ўз ичига олади.

1. товарларни сақлаш, яъни сотишга тайёр бўлиб, омборхоналарда сақланаётган вақти;

2. товарларни истеъмолчиларга етказиб беришда транспортларда етказиш вақти;

3. товарларни сотиш вақти;

4. ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш вақти.

Муомала вақтида таъсир этадиган омиллар:

1. Бозорларни узоқ-яқинлиги;

2. Траспорт воситаларининг аҳволи;

3. Бозорнинг аҳволи.

Капиталнинг айланиш тезлиги капитални айланиш сони (п), маълум даврда (о), ҳамда бир айланиш даврининг узунлигига (о) боғлиқ.

$$П = \frac{О}{о};$$

Фирманинг капитали ишлаб чиқариш ёки унумли капиталдан, ҳамда муомала капиталидан иборатдир. Муомала капитали пул ва товар капиталларидан иборат.

Ишлаб чиқариш капитали ёки унумли капитал шаклда бўлади: а) асоий капитал б) айланма капитал.

Улар бир-бирларидан қўйидагича фарқ қилади:

1. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳаракат қилиш характери бўйича.

Асосий капитал бир неча йиллар давомида, айланма капитал эса бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашади.

2. Қийматни тайёр маҳсулотга ўтказиш бўйича. Асосий капитал аста-секин бир қисмини, айланма капитал эса тўлиғича бир ишлаб чиқариш жараёнида ўтказилади.

3. Капитал қийматининг айланиши бўйича.

4. Қийматнинг тикланиши бўйича.

Шундай қилиб, бир неча ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секинлик билан ўтказадиган капиталга асосий капитал дейилади.

Бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулотга ўтказадиган капиталга айланма капитал дейилади.

Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш натижасида эскиради. Бу эскириш: а) жисмоний эскириш ва б) маънавий эскиришга бўлинади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Тадбиркорлик фаолиятининг асосий белгиларини санаб беринг.
- 2- Менежерлар қандай фаолиятини бажаради?
- 3- Асосий капиталнинг эскириш турларини тушунтиринг.

12–мавзу: КОРХОНА (ФИРМА) ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ.

Р е ж а

1. Фирманинг сарф ҳаражатлари ва унинг турлари.
2. Корхона (фирма)нинг пул тушумлари ва фойдаси.
3. Зарар тушунчаси. Корхоналарнинг банкрот бўлиши ва санация қилиниши.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

- 1- Каримов И.А. – ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.Ўзбекистон – 1995.

- 2- Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
- 3- Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006.– 352 с.
- 4- Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
- 5- Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Ишлаб чиқариш харажатлари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлардир.

Ички харажатлар – корхонанинг ўзига тегишли булган ресурслардан қилинган харажатлар.

Ташқи харажатлар – ташқаридан жалб қилинган ресурсларга тўловларни амалга оширишга кетган харажатлар.

Доимий харажат – ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у ўзгарганда ҳам миқдорини ўзгартирмайдиган харажатлар.

Ўзгарувчи харажат – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига таъсир этадиган харажатлар.

Ўртача харажатлар – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар.

Қўшимча харажатлар – маҳсулотнинг навбатдаги қўшимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.

Тўғри харажатлар – маҳсулот таннархига бевосита қўшилиб, унинг таркибига кирадиган харажатлар.

Иқтисодий ёки соф фойда – ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб бошлангандан кейин қолган қисми.

Фойда нормаси – фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига булган нисбатининг фоизга ифодаси.

ФИРМАНИНГ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Фирма (корхона) товар ишлаб чиқарувчи сифатида ишни ўз пулига ресурслар сотиб олишдан бошлайди, чунки уларсиз ишлаб чиқариш юз бермайди. Корхонадаги пул капитали билан

реал капитал фарқланади. Пул капитали – бу ресурслар олиш учун ажратилган маблағ, реал капитал – бу ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматлар яратишда амалда қатнашадиган ва аниқ моддий шаклдаги воситалардир. Реал капитал – асбоблар, машиналар ва бошқа ишлаб чиқариш ускуналаридир. Пул ва молиявий капитал ҳали шундай ресурс эмас.

Корхона қўлидаги моддий ресурс пул билан ҳисобланганда «ишлаб чиқариш фондлари» деб ҳам юритилади. Ресурслар бозорда харид этилиб, ишлаб чиқаришга кириб келади. Бу ерда ресурслар ишлатилиб, товар ва хизматлар яратилиб бозорга чиқарилади. Уларни сотишдан тушган пулга яна ресурслар олиниб, доиравий ҳаракат қайтадан бошланади. Корхонадаги ресурслар қийматининг ҳаракати капитал доиравий обороти шаклида юз беради.

Бу ҳаракат бозорда бошланиб, ишлаб чиқаришда давом этади ва ниҳоят бозор билан тугалланади. Шундай доирасимон ҳаракатнинг тўхтовсиз давом этиши капитал обороти деб ном олган. Доиравий ҳаракатда ишлаб чиқариш билан қийматнинг ўсиши юз беради.

Ўз манфаати мақсадига етиш учун фирма имкони борича кўп фойда берувчи, яъни фойдани максималлаштирувчи иш билан шуғулланиши керак бўлади. Фирма учун камроқ ресурс (капитал) сарфланган ҳолда, кўпроқ фойда олиш ўта муҳимдир. Фирманинг иқтисодий ресурслар учун қилган сарфи ишлаб чиқариш харажатлари деб юритилади.

Миллий иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликлари (корхона) ўз фаолияти натижаларидан кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай корхона нафақат ўзининг товарини анча юқори баҳоларда сотишга, балки маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишга қилинадиган сарф-харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Товарларни сотиш баҳолари асосан корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи шароитлар билан белгиланса, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва тайёр товарларни сотиш жараёнларини ташкил қилиш самарадорлиги даражасига боғлиқ. Лекин ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш ва сотиш учун маълум сарф-харажатлар талаб этилади.

Ишлаб чиқариш сарф-харажатлари деганда товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинган барча сарфлар тушунилади.

Ишлаб чиқариш сафр харажатлари таркибига хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи ва энергия учун қилинган харажатлар асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий сугурта ажратмалар, фоиз тўловлари ва бошқа харажатлар киради. Ишлаб чиқаришга қилинган барча сарф-харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннаرخини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин: бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари. Ишлаб чиқариш харажатлари деганда маҳсулотни бевосита ишлаб чиқариш учун қилинган барча сарфлар (иш ҳақи, хом-ашё ва минерал сарфлари, амортизация ва хоказо) тушунилади. Товар бирлигининг қийматида ишлаб чиқариш харажатлари фақат унинг бир қисмини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш харажатлари товар қийматидан фойда миқдорига кам. Муомала харажатлари тушунчаси товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, шу товарларни ишлаб чиқарувчидан олиб, истеъмолчига етказгунча кетадиган сарфларга айтилади. Улар икки гуруҳга бўлинади: қўшимча муомала харажатлари ва соф муомала харажатлари. Товарларни ўраш, қадоклаш, саралаш, транспортга ортиш, ташиш ва сақлаш харажатлари қўшимча муомала харажатлари ҳисобланади. Муомала харажатларининг бу турлари ишлаб чиқариш харажатларига яқин туриб, товар қийматига киради. Харажатлар товарлар сотилгандан кейин олинган пул тушум суммасидан қопланади.

Соф муомала харажатлари (сотувчи маоши ва бошқалар), маркетинг (истеъмолчилик талабини ўрганиш), реклама ва шу каби харажатлардан иборат бўлади. Соф муомала харажатлари товар қийматини оширмайди ва ишлаб чиқариш жараёнида яратилган товарни сотгандан кейин олинган фойда ҳисобидан қопланади.

Ҳозирги замон сарф-харажатлар ғояси бўйича корхона ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар ўз ресурси ёки жалб қилинган ресурслар булиши мумкин. Ташқи харажатлар корхона ўзи учун зарур ресурс ва хизматларга тўлавларни амалга

ошириши натижасида вужудга келадиган харажатлардир. Бундай харажатларга ёлланма ишчилар ишчилар иш ҳақи, хом-ашё ва материаллар учун тўловлар, кредит учун фоиз тўловлари, ижарага олинган ер учун рента, транспорт хизмати ва бошқа ҳархил хизматлар учун тўловлар киради. Ташқи харажатлар тўлов ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, шу сабабли бухгалтерия харажатлари деб ҳам аталади.

Корхонанинг ўзига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади. Бундай харажатлар пул тўловлари шаклида чиқмайди. Шу сабабли ички харажатлар даражасини баҳолаш ўз ресурслари қийматини шунга ўхшаш ресурсларнинг бозор баҳоларига таққослаш орқали амалга оширилади.

Мазкур корхона доирасидаги тадбиркорлик фаолиятини ушлаб туриш учун зарур бўлган тўлов-нормал (меъёрдги фойда ҳам, рента ва иш ҳақи билан бирга харажатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Сарф харажатларни ички ва ташқи харажатларга ажратиш, корхона иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўларини қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқлик даражасига талаб доимий ва ўзгарувчан ҳаракатлар ҳам фарқланади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган товарларнинг ҳажмига таъсир этмайдиган харажатлар доимий харажатлар дейилади.

Доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмайди, унинг ўсиши ҳам бевосита таъсир этмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай, ҳатто нолинчи ҳажмида ҳам мавжуд бўлади. Бунга корхонанинг тўлов мажбуриятлари (заёмлар бўйича фоиз, солиқлар, амортизация жратмалари, ижара ҳақи, куриқлаш хизматида тўловлар, ускуналарга хизмат кўрсатиш ҳақи, бошқарув ходимлари маоши ва бошқалар).

Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариладиган товар миқдорининг ошишига ёки камайишига таъсир қилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига боғлиқлиги ўзгаради. Унга хом-ашё, материал, ёнилғи-транспорт хизмати, ишчилар ҳақи ва шу кабиларга қилинадиган сарфлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси умумий ёки ялпи харажатларни ташкил қилади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган сарф-харажатларни ҳисоблаш учун ўртача умумий, ўртача доимий ва ўртача ўзгарувчан харажатлар тушунчаларидан фойдланилади. ўртача умумий харажатлар ялпи (умумий) харажатларнинг ишлаб чиқарилган товар миқдориغا нисбатига тенг. ўртача доимий харажатлар доимий харажатларни ишлаб чиқилган маҳсулот миқдориغا бўлиш йўли билан аниқланади. ўртача ўзгарувчи харажатлар миқдориغا бўлиш ули билан аниқланади.

Энг юқори даражада фойда олишга эришиш учун товар ишлаб чиқаришнинг зарур миқдорини аниқлаш зарур. Бунда иқтисодий таҳлил воситаси бўлиб қўшимча харажат тушунчаси хизмат қилади. Аввало қўшимча харажат деб, кейинги қўшилган маҳсулотнинг ҳар битта бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча харажатларга айтилади. қўшимча харажатларни ҳар бир навбатадаги чиқарилаётган қўшимча маҳсулот бирлиги учун аниқлаш мумкин.

Корхона фойдаланадиган кўплаб ресурслар миқдори, яъни жонли меҳнат, хом-ашё ёқилғи ва энергия сарфлари товар ҳажмининг ўзгаришига тез ва осон таъсир қилади. Бошқа ресурслар сарфи таъсирида товар ҳажми ўзгариши учун узоқ вақт талаб қилинади. Масалан, оғир саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш қувватлари анча узоқ вақт оралиғида маҳсулот миқдори ўзгаришига таъсир қилиши мумкин. Демак, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга вақт омили, яъни харажат килингандан пировард натижа олингунча ўтган давр сезиларли таъсир қурсатади. Шу сабабли вақт омилидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларини қисқа ва узоқ муддатли даврда алоҳида таҳлил қилинади. Корхона ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш учун қисқа муддатли даврда фақат ўзининг ўзгарувчи харажатлари миқдорини ўзгартириш мумкин. Бу қисқа муддатли харажатлардир.

Ишлаб чиқариш қувватлари эса (ишлаб чиқариш иншоотлари майдони, машина ва ускуналар миқдори) доимий бўлиб қолади, ҳамда бу давр фақат улардан фойдаланиш даражасини ўзгартириш учун етарли булиши мумкин.

Бошқача айтганда, қисқа муддатли давр оралиғида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ўзгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш ҳажми эса қўп ёки кам миқдорда жонли меҳнат, хом-ашё ва бошқа ресурсларни қўллаш ули билан згариши мумкин. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан эса қўп ёки кам даражада интенсив фойдаланиш мумкин.

Узоқ муддтли давр – бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ҳам ўз ичига олган, бутун банд бўлган ресурслари миқдорини ўзгартириш етарли бўлган даврдир. Бу давр давомида бошқа тармоқда фаолият қилиб турган корхоналар мазкур тармоққа кирибкелиши мумкин.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгариши тақозо қилинадиган қисқа ва узоқ муддатли давр давомийлиги айрим тармоқ ва корхона хусусиятидан келиб чиқиб фарқланиш мумкин. Масалан, енгил саноат тармоғида кийим-кечак ишлаб чиқарадиган кичкина фирма, бир нечта қушимча тикув машинаси ўрнатиш билан ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини қисқа вақтда (бир неча кунда) ишириш мумкин. Оғир саноат тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш учун бир неча йил талаб қилинади. Оқибат натижада барча харажат турлари ўзгаради ва ўзгарувчи миқдорлар бўлиб қолади.

Коллективнинг кучини етиштириладиган мҳсулотнинг таннархини пасайтиришга қаратиш учун ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни тўғри режалаштириш ва ҳисобга олиш зарур. Бунда асосий эътиборни таннарх структураси каттагина салмоққа эга бўлган ресурсларни тежашг қаратиш керак. Лекин бу етарли эмас. Иқтисод қилиш улларини аниқлаш, ортиқча харажатларнинг сабабини очиб ташлаш учун бу харажатларни доимо анализ қилиб туриш керак. Бу ташкилий-техникавий тадбирлар қабул қилиш ва ютуқлари мустаҳкамлаш ёки камчиликларни бартараф қилишга имкон яратади. Таннархни пасайтириш режасининг бажарилишини ванализ қилиш ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошиши учун, корхонадаги барчса ишларнинг такомиллаштирилиши учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин анализ фақатгина таннархни пасайтириш режасининг бажарилишига қўйилган баҳо билан чегараланмайди, у таннархни

янада камайтириш учун ташкилий ва техникавий тадбирларни ҳам куриши керак.

Асосий маҳсулот турлари ва айрим узеллари таннархни нлиз қилиш корхонанинг барча звеноларининг, барча ишчиларнинг меҳнاتини объектив баҳолаш, мувафақият қозонганларни рағбантлантириш ва зарар келтирувчиларнинг айбдорлик даражасини аниқлаш имконини беради. Маҳсулот таннархнини анализ қилишда ишчиларнинг актив иштироок этишлари – уни пасайтиришнинг муҳим йўлидир.

Хўжалик фаолиятини яхшилаш, кўзланган мақсадга эришиш учун, кўпроқ фойда олишни таъминлаш муҳимдир. Бунинг учун асосий қилинадиган ишлардан бири харажатларни камайтиримш, арзонга маҳсулот шлаб чиқаришдир.

Харажатларни камайтириш, корхона фаолиятига боғлиқ ҳамда корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган омилларга бўлинади:

1. Корхона фйаолиятига боғлиқ бўлган омилларга ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий фан-техника янгиликларини, илғор технологияларни киритиш, ходимларнинг малакасини ошириш, меҳнатни илмий ташкил қилиш йўллари билан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш мумкин бўлади;

2. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган омилларга, четдан сотиб олинадиган ресурсларнинг нархига боғлиқдир. Ресурсларни сотиб олиш нархлари юқори бўлса харажатлар ҳам катта бўлади ва аксинча.

Қишлоқ хўжалиги эса бу омиллардан ташқари табиий факторларга ҳам боғлиқ. Буларга ерларни унумдорлиги, об-ҳавони қандай келиши, сув таъминоти, турли хил табиий офатлар киради.

КОРХОНА (ФИРМА)НИНГ ПУЛ ТУШУМЛАРИ ВА ФОЙДАСИ.

Жамият нуқтаи назаридан такрор ишлаб чиқариш самарадорлиги чекланган ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу самарадорлик ўзида ресурсларни тақсимлаш

самарадорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодалайди. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлигига эришиш учун ресурслар корхона ва тармоқлар ўртасида шундай тақсимланиши керакки, натижада жамиятга энг зарур бўлган маҳсулотларнинг маълум турлари олинishi керак. Ишлаб чиқариш самарадорлиги жамият учун зарур бўлган ҳар бир товар энг кам сарф-харажатлар (ресурс сарфлари) билан ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Аниқроқ айтганда, у ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган ресурслар миқдори билан олинган маҳсулот миқдори ўртасидаги боғлиқликни характерлайди.

Сарф харажатларнинг мавжуд ҳажмида олинган маҳсулотларнинг кўпроқ миқдори ишлаб чиқариш самарадорлиги ошгнлигини билдиради.

Корхона фаолиятининг самарадорлик даражсига баҳо беришда ҳам унинг эришган натижаси (иктисодлий ёки соф фойда) ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ёки қўлланилган ресурслар миқдори билан таққосланади.

Фойда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулотнинг ўзгарган шаклидир. Демак, фойданинг асл манбаи қўшимча маҳсулот бўлиб, у маҳсулот сотилгандан кейин пул шаклида намоён бўлади.

Товарларни сотишдан тушган ялпи пул тушумидан, шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар (таннарх) чиқариб ташлансча корхонанинг баланс фойдаси ёки брутто фойдаси қолади. Бу иктисодий фойда деб ҳам аталади.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга (асосан солиқ тўловлари) банклара (олинган ссуда учун фоиз) тўловлар ва бошалар мажбуриятлар чиқариб ташланса соф фойда қолади.

Бухгалтерия фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган умумий пул суммасидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатлари чиқариб ташланиши натижасида ҳосил қилинади. Шу сабабли бухгалтерия фойдаси иктисодий фойдадан ички харажатлар миқдори кўп. Бунда ички харажатлар ҳар доим нормал фойдани ҳам олади.

Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори унинг мссасини ташкил қилади. Фойда масассини ишалб чиқариш харажатлари (таннарх) билан таққослаш фойда нормаси ёки рентабелликни курсатади.

Амалиётда фойда нормасининг ҳисоблашнинг ики вариантдан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий сарфларига – корхона харажатларига (таннархга) ёки авансланлагн маблағларга (асосий ва айланма фондлар) нисбатидир. Бу ҳисоб усуллариининг иккаласи авансланган маблағларнинг айланиш тезлиги кўрсаткичи орқли ўзаро боғлангандир. Бу боғланиш куйидаги тарзда кўринади:

$$1. P^1 = (P:k) \times 100$$

Бу ерда P^1 – фойда нормаси;

P – фойда массаси;

k - иқтисодий ва ишлаб чиқариш харажатлари.

$$2. P^1 = (P:k \text{ аванс}) \times 100$$

Бу ерда P^1 – фойда нормаси;

P – фойда массаси;

k -аванс (асосий капитал+айланма капитал) – корхона авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланилган авансланган маблағлар қийматига тескари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ҳисоблнади.

Фойданинг ўсишига, чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан, ёки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига, ёки баҳони ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Баҳонинг ўсиши баъзи иқтисодчиларнинг фойда нормаси кўрсаткичини бартараф этиб бўлмайдиган кусурга эга бўлган ва шу сабабли самадорликни ўлчаш учун мутлақо яроқсиз кўрсаткич сифатида танқид қилишларига сабаб бўлди.

Корхонада фойдани тақсимлаш тартиби. Корхона фойдасининг бир қисми ишлаб чиқариш фондларига тўлаш учун сарфланади. Тўловлар улардан яхши фойдаланишни рағбантлантириш учун жорий қилинган. Саноатнинг турли тармоқларида тўловлар асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормаллаштириладиган оборот маблағлар қийматининг 3 фоиздан 6 фоизгачасини ташкил этади.

Қайд қилинган (рента) тўловлар ёрдамида давлат томонидан қисман ортиқча фойда олинади. Гап шундаки, турли корхоналар

учун ишлаб чиқариш шароитлари бир хил эмас. Бу турли табиий шароитлар, турли хил техникавий даражалар, махсулот турлари ва ҳоказолар билан ифодаланади. Бундай тафовутлар натижасида баъзи бир корхоналарда қўшимча қиймат, ортиқча фойда вужудга келади. Буни эса давлат ундириб олади. Қайд қилинган тўловларни ундириш корхона ишини яхшилашга бўлган моддий манфаатдорликни пасайтирмаган ҳолда ташкил қилинади.

Фондлар учун туловлар ва қайд қилинган (рента) тўловлари биринчи галда бюджетга қўшилади. Банк кредитлари учун фоизлар ҳам тўланади.

Фойданинг қолган қисми иқтисодий рағбатлантириш фондини ташкил қилиш, марказлаштирилган капитал қуйилмаларни маблағ билан таъминлаш банк кредитларини тўлаш, ўз оборот маблағларини кўпайтриш, турар-жой коммунал хўжаликларида фойдаланиш натижасида қурилган зарарларни, маданий-маиший муассасаларни сақлаш харажатларини қоплаш, резервлар ташкил этишга сафрланади.

Фойданинг хажми бутун корхона ишининг самарадорлигини тўла ифодалана олмайди. Бунинг учун яна бир кўрсаткич – рентабеллик даражасидан ҳам фойдаланилади. Рентабеллик хўжалик фаолиятининг фойдаси ва у ёки бу махсулотни ишлаб чиқаришнинг даромадлилигини ифодалайди. Рентабеллик корхона йиллик фойдасининг унинг фоизда ифодаланган асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот маблағларининг ўртача йиллик қийматга нисбатидан иборат.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

- 1- Доимий ва ўзгарувчан харажатларни айтинг.
- 2- Корхона фойдасини кўпайтириш йўллари.
- 3- Корхоналар нима учун санация қилинади.
- 4- Файда массаси деб нимага айтилади?

13-мвзу: ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.

Р е ж а

1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни, унинг турлари.
2. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар.
3. Меҳнат муносабатлари. Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш й

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. - ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. «Ўзбекистон» - 1995.
2. Макконел К., Брю С. – Экономикс. М. »Республика» 1992. 2-том. 30-боб.
3. Ёлмасов А., Шарифхўжаев М. – Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. 1995.
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида ўзбекистон Республикаси қонуни, 6 май 1993 йил.
5. Умурзоқов Б. «Кучли ижтимоий ҳимоя». «Ҳаёт ва иқтисод» журнали 8-сон, 1993 йил, 22-24 бетлар.
6. Рўзматов У. «Меҳнатга ҳақ тўлаш». «Ҳаёт ва иқтисод» журнали 10-сон, 1993 йил.
7. Шодмонов Ш., Жураев Т. – Иқтисодиёт назарияси. Маъруза матнлари. Т. 2000 йил.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Иш ҳақи – ишчи кучи, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб миллий маҳсулотдан олинадиган улушининг пулдаги ифодаси.

Вақтбай иш ҳақи – ишчининг ишлаган вақти (кун, ҳафта, ой) ҳисобига олиниб, тўланадиган иш ҳақидир.

Ишбай иш ҳақи – ишлаб чиқарган маҳсулоти миқдорига ёки бажарган иши миқдорига қараб тўланадиган иш ҳақидир.

Номинал иш ҳақи – пул шаклида олинган иш ҳақи суммаси.

Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.

ИШ ҲАҚИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, УНИНГ ТУРЛАРИ.

Даромадлар тизимида иш ҳақи асосий ҳисобланади, чунки аҳоли даромадининг катта қисми (АҚШда деярли 75 фоиз) унинг улушига тўғри келади. Иш ҳақи иш кучи эгасининг ўз меҳнати натижаси учун оладиган ҳақи бўлиб, иш кучи соҳибининг тирикчилик воситалари нарҳини ифодалайди. Иш кучи соҳибининг ўзи ва оиласининг тирикчилиги учун зарур булган истеъмол буюмлари ва хизматларнинг нарҳи иш ҳақи учун асос бўлади. Аммо яхши наф келтирувчи иш кучига талаб юқори, бинобарин иш ҳақи ҳам юқори туради. Меҳнат қанчалик юқори унум берса ва яратган товарлар бозори чакқон бўлиб нарҳи юқори бўлса, иш ҳақи ҳам шунчалик катта булади. Меҳнат натижаси ҳар-хил булганидан иш ҳақи ҳам табақалашади. Одатда малкаси юқори билимдон ва тажрибали киши меҳнати қадрланади ва унга юқори ҳақ берилади. Айни вақтда малакасиз ёки малакаси паст кишининг меҳнатига кам ҳақ берилади, чунки у кам наф келтиради. Ишлаб чиқаришда иш ҳақи меҳнат унумдорлигига тўғри мутаносибликда ўзгаради, яъни унумдорлик ўсишига моил, шу боисдан иш ҳақи ҳам ортиб боради. Иш ҳақи билан унумдорлик бир-бирига тенг ҳолда ўзгариб бормайди, албатта чунки иш ҳақиға бошқа омиллар масалан ишсизлик таъсир этади. Ишсизлар ўртасидаги иш ўрни учун рақобат кучайтириб иш ҳақининг иш натижаларига нисбатан секин ўзгаришға сабаб бўлади. Айтайлик, меҳнат унумдорлиги йилиға 5 фоиз ошгани ҳолда, иш ҳақи 2 фоиз ошиши мумкин.

Ишсизлик бўлмаганда фирмалар эркин меҳнат бозорида иш кучини ўзига жалб этиш учун рақобатда бўладилар, бу эса иш ҳақини оширади. Агар меҳнат бозорида манобсония ҳолати бўлса, яъни иш кучини ёллаш, харид этиш айрим бир гуруҳ озчилик фирмалар қўлида бўлса иш ҳақи паст белгиланади.

Иш ҳақи унумдорликдан ташқари ишлаш ва яшаш шароити, меҳнатни оғир енгиллиги, нуфузли ёки нуфузсиз бўлишиға боғлиқ. Иш кучига талаб ва таклиф унинг кучувчанлигига, яъни ходимларни бир иш жойидан бошқасига кўчиб ўтиш қобилиятиға боғлиқ. Шу орқали иш ҳақининг ҳар хиллиги келиб чиқади. Иш кучи етарли ва ҳатто ортиқча жойдан у етишмаган жойға кўчиб

ўтиш ёки ўтмаслик иш ҳақини ҳудудий ва корхоналар бўйича табақалаштиради. Иш кучи етарли ва ортиқ ерда иш ҳақи паст бўлгани ҳолда, етишмаган жойда юқори бўлади.

Мураккаб меҳнат малакали иш кучини билимдон ходимни талаб қилади. Шу сабабли иш ҳақи кишининг билим даражасига қараб ўзгаради. Ғарб олимлари иш ҳақи ишчига инвестиция этилган капитал миқдorigа боғлиқ деб қарайдилар. Инвестиция инсонга билим, касб бериш, касбий малакани меҳнат маҳоратини оширишга йўналтирилади ва иш кучи сифатини оширгани учун юқори иш ҳақини таъминлайди.

Агар 40 ёшли ва етти йил ўқиган ишчи йилига 10000 доллар олса, 50 ёшли ва 16 йил ўқиган шахс 40000 доллар олиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда даромаднинг билимдонликка савияга боғлиқ бўлиши аҳолининг ўз билими ва малакасини оширишга катта сарф харажат қилишга ундайди. Бу ерда ота-она болаларини ўқитишга, уларга яхши касб беришга пулни аямайди. Билимнинг меҳнат малакасига таъсири кишиларнинг қобилияти орқали амалга ошгани сабабли ҳар доим ҳам билим даражаси ўз-ўзидан иш ҳақини оширмайди.

Иш ҳақининг бир қатор шакллари мавжуд. Жумладан, иш ҳақининг ишбай (донабай) ҳамда вақтбай шакллари мавжуд.

Ишбай иш ҳақи – ишчининг бажарган ишининг миқдorigа ва сифатига қараб ҳақ тўланишидир. Бунда меҳнат унумдорлиги ошади, ишчи меҳнати устидан каттиқ назорат ўрнатишга унчалик ҳожат йўқ, чунки ҳар – бир ходим ўз меҳнатининг натижасига қараб ҳақ олгач, кўпроқ меҳнат қилишга, кўпроқ миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга, маҳсулот сифатини оширишга ҳаракат қилиши табиий.

Аммо меҳнатга ҳақ тўлашнинг бу шаклини, яъни ишбай усулини ҳамма жойда ҳам қўллаш имконияти йўқ, жумладан, ўқитувчилар, медицина ходимлари, қоровуллар ва шу каби ишларда улар меҳнатининг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш анча мураккаб, баъзи ҳолларда имкони ҳам йўқ. Бундай ҳолатларда вақтга қараб, яъни вақтбай иш ҳақи тўлаш қулланилади. Бундан ташқари фан-техника янгиликларини, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг қулланилиши,

автоматиканинг кенг жорий қилиниши ҳам меҳнатга вақтбай ҳақ тўлашни мақсадга мувофиқ қилиб қўймоқда.

Иш ҳақининг номинал ва реал шакллари ҳам мавжуд.

Номинал иш ҳақи – ходимнинг меҳнати учун оладиган ҳақнинг пул суммасидир. Жумладан, ишчи бир ой ишлади, унга бир ойлик меҳнати учун 10000 сўм ҳисобланади, ана шу 10000 сўм номинал иш ҳақидир. Лекин номинал иш ҳақининг миқдориға ёки суммасига қараб, шу мамлакатдаги иш ҳақининг даражасини, оз-кўплигини айтиш қийин. Бу кўрсаткич билан мамлакатлардаги иш ҳақларини бир-бирига солиштириб бўлмайди. Бунинг учун реал иш ҳақини билиш лозим.

Реал иш ҳақи – олинган (тўғрироғи ҳисобланган) номинал иш ҳақининг суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдориға айтилади. Бошқача айтганда иш ҳақининг реаллигини ҳаётда кўринишини, яъни унга қандай яшаш мумкинлигини кўрсатадиган иш ҳақидир. Реал иш ҳақининг миқдори бир қатор омиллар билан белгиланади. Бундай омилларга қуйидагилар киради:

Биричидан, реал иш ҳақиға таъсир кўрсатадиган энг муҳим омиллардан бири, сотиб олинадиган товарлар ва курсатиладиган хизматларнинг нархиға боғлиқ. Агар товар ва хизматларнинг нархлари юқори (қиммат) бўлса, кишилар олган иш ҳақи суммасига шунчалик кам товар сотиб олади, реал иш ҳақи паст бўлади;

Иккинчидан, реал иш ҳақининг миқдориға, иш ҳақларидан олинадиган солиқлар ҳам таъсир курсатади. Агар солиқлар миқдори кўп бўлса, реал иш ҳақи пасаяди;

Учинчидан; реал иш ҳақиға турли хил тўловлар миқдори ҳам таъсир кўрсатади. Бундай тўловлар жумласига фойдаланган электроэнергия, табиий газ, ичимлик суви, телефон хизмати, уй-жойдан фойдалангани учун тўланадиган ва бошқа хизматлар учун тўловлар миқдориға боғлиқ. Агар бу тўловлар суммаси юқори бўлса (қиммат) реал иш ҳақи пасаяди;

Тўртинчидан, реал иш ҳақининг даражаси албатта номинал иш ҳақининг миқдориға ҳам боғлиқ. Номинал иш ҳақи юқори бўлса, реал иш ҳақи ҳам юқори бўлади.

Иш ҳақларини тўлашда турли системалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, иш ҳақларини тўлашда

мукофотли, прогрессив, жаримали ва бошқа системаларидан фойдаланиш мумкин.

Мукофотли ишбай ёки вақтбай системасида белгиланган нормаларни бажарганлиги ёки сифатли маҳсулот ва хизмат учун иш ҳақидан ташқари турли хил мукофотлар бериш.

Прогрессив ишбай системасини қўллаганда, белгиланган иш нормасини бажарганлиги учун қатъий расценкаларда, нормадан ортиқ ишни бажарганлиги учун юқори расценкаларда ҳақ тўлашни жорий қилиш. Масалан, пахта теримида айтайлик 60 кг норма белгиланса, унда 60 кг.гача терилган пахтанинг ҳар-бир килоси учун 20 сўмдан, нормадан юқори бажарилган иш учун, масалан 70 кг пахта терилган бўлса, нормадан 10 кг.нинг ҳар бир килоси учун 25 сўмдан ҳақ тўланади.

Жаримали иш ҳақи системасида яроқсиз, сифатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун иш ҳақларидан жарима суммалари ушлаб қолинади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ХОС ТАҚСИМОТ ҚОНУНИ.

Бозор иқтисодиётига хос тақсимот қонунига кўра моддий неъматлар ва хизматлар ресурслар берган пировард натижасига қараб, уларнинг эгалари ўртасида тақсимланади. Айтилган тақсимот қонуни бозор иқтисодиёти учун ижтимоий адолат принципларини белгилайди. Улар даромадни чеклашни инкор этадилар. Бу тақсимотга биноан даромадлар ҳар бир ишлаб чиқариш омили самарасига қараб, чексиз ўсиб бориши мумкин. Тақсимот қонунига кўра иш кучи соҳиби иш ҳақи олади. Капитал эгаси фойда, пул эгаси процент ёки дивидент олади, ер эгаси рента олади, менежер ҳам фойда, ҳам иш ҳақи олади, ўтишдаги меҳнат ва хизматлар учун нафақа тўланади. Тақсимотнинг бозор принциплари ҳукумрон бўлса-да, жамиятда унинг nobozor қоидалари ҳам амал қилади. Ногиронлар, камбағаллар, бошпанасизларга ёрдам кўрсатиш тақсимотдаги ижтимоий хайр-эҳсон принципи бўлиб, унинг бозор қонунларига алоқаси йўқ, балки жамиятдаги инсонийлик муносабатларининг маҳсули ҳисобланади. Бозор тақсимотига эквивалентлик, яъни омиллар берган натижага монанд равишда даромад ажратиш хос, аммо ноэквивалент тақсимот ҳам мавжуд. Давлат даромадининг бир

қисмини ўз ихтиёрига олганда тақсимлаш муносабати юз беради, аммо эквивалентлик бўлмайди, чунки давлат даромаддаги ўз ҳиссасини иқтисодий ўсишдаги хизматларига тенг миқдорда эмас, балки умумдават талаб-эҳтиёжини қондириш зарурлиги учун олади.

Ресурс эгаларининг даромади, уларнинг ишлатиш самарадорлигига боғлиқ ва уларнинг мезонини бозор аниқлайди. Самарадорлик мезони эса бозор талабининг қондирилишидир. Ресурслар ёрдамида талабгир товар қанчалик кўп яратилса, шунчалик кўп пул топилади, шунга биноан даромадлар ҳам кўпаяди. Ресурслар бозор нуктаи назаридан самарали ишлатилмаса, табиийки даромад келмайди. Ернинг ҳосилдор ёки қазилмага бой бўлиши ҳали ўз-ўзидан ер эгасига катта даромад бермайди. Даромад ердан олинган ҳосил ёки қазилмага бўлган талабга боғлиқ, уларга талаб бўлмаса, ер қанчалик унумли ва қанча бой бўлмасин, барибир олинмайди. Масалан, Кувайт нефть конлари дастлаб топилганда бозорда шу нефтга талаб бўлмаганидан, даромад келтирмаган. 70-йилларда нефтга талабнинг тез ошиб кетиши Кувайтга катта даромад келтириб, уни бой мамлакатга айлантиради. Ишчи қанчалик унумли ишламасин, у яратган товар бозорда ўтмай қолса, яхши даромад кўра олмайди. Хуллас, даромад бозорнинг ресурслар сарфини нақадар тан олишига боғлиқ.

Даромадлар манба жихатидан фарқ қилади. Иш ҳақининг манбаи зарур маҳсулотлар бўлса, фойда, рента, процент ва дивидентнинг манбаи қўшимча маҳсулотдир. Бир субъект ҳар хил манбадан даромад кўриши мумкин. Масалан, ишчи ишлагани учун иш ҳақи, акция эгаси бўлгани учун дивидент олади. Ер эгасига мулкдор сифатида рента пули тегади, уни банкка қуйиб процент ҳам олади. Менежер ҳам иш ҳақи, ҳам корхона кўрган фойдадан улуш олади, чунки тадбиркорлик қобилияти учун ҳам даромад кўради.

Даромадлар ўз эгаси ихтиёрига келиб тушиши шакли жихатидан ҳам турлича бўлади. Пул даромадидан ташқари натура даромади ва имтиёз шаклидаги даромад ҳам мавжуд. Дехқон (фермер) хўжалигида маҳсулотнинг бир қисми бозорга тушмаган ҳолда, шу ернинг ўзида истеъмол этилади. Бу натурал даромад, айниқса, томорқа хўжалигига хос. Масалан, томорқа

соҳиби асосий ишлаган жойидан пул шаклидаги йилига 12 минг сўм даромад олса, ўз хўжалигидан ҳам 3 минг сўм пул даромад олади. Шунингдек, моддий (натурал) шаклида 1500 кг ҳар хил маҳсулотни ҳам истеъмол этади, уни пулга чақсак 2 минг сўм бўлади.

Бепул медицина хизматидан баҳраманд бўлиш, бепул билим олиш ёки касб ўрганиш ҳам натура-хизмат шаклидаги даромад. Маълум тоифа аҳоли квартира ҳақи, коммунал хизмат ва транспорт ҳақи бўйича имтиёзга эга. Булар ҳам даромад. Айтилган хизматларнинг ҳақиқий нархи билан имтиёзли нархи ўртасидаги фарқни муайян аҳоли гуруҳлари нақд пул шаклида олмайди, лекин арзонлаштирилган хизматлардан фойдаланиб даромад кўради.

Даромад унсурларининг ўзаро муносабати ва уларнинг маълум нисбатда бўлиши даромаднинг таркибий тузилишини ташкил этади. Бу тузилишда турли даромадлар шаклини ҳиссаси турлича бўлиши билан характерланади.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ИШ КУЧЕНИ ЁЛЛАШ.

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади. Меҳнат шартномалари аввало иш ҳақи ставкаси, нормадан ортиқча бажарилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар, ҳамда баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб истеъмолчилик савати қийматини тартибга солиш каби пакетларни ўз ичига олади. Кейин меҳнат шароити масалалари қараб чиқалади. Ниҳоят, қатор ташкилий масалалар ҳал қилинади. Одатда келишув бир неча йилга (асосан уч йилга) тузилади.

Айрим ҳолларда давлат ҳам корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин. Асосан бу иш ташлаш масалаларига боғлиқдир.

Аммо, иш ташлаш ҳуқуқи «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакет»да мустаҳкамланган асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининг ривожланиши бош масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий рол касаба уюшмаларига тегишли бўлади.

Кўпчилик бозорларда ишчилар ўзларининг иш кучини касаба уюшмалари орқали жамоа бўлиб сотади. Касаба уюшмалари нисбатан кўп сонли ишга ёлловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга турли хил йўллар билан эришиши мумкин.

1. Иш кучига бўлган талабни ошириш. Касаба уюшмалари нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули меҳнатга бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади. Ишчи кучига бўлган талабни ортиши натижасида иш ҳақи ставкаси ҳам, ишчи ўринлари сони ҳам ортади. Касаба уюшмалари бу талабни белгиловчи бир ёки бир неча омилларни ўзгартириш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни кўпайтириш мумкин. Хусусан, улар қўйидагиларга эришишга ҳаракат қилади:

1) Ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматга талабни ошириш;

2) Меҳнат унумдорлигини ошириш;

3) Ишчи кучи билан биргаликда фойдаланадиган бошқа ишлаб чиқа-риш омиллари баҳоларини ўзгартириш.

2. Иш кучига таклифини қисқартириш. Касаба уюшмалари ишчи кучи таклифини қисқартириш йўли билан иш ҳақи ставкасини ошириш мумкин. Бунга қўйидаги йўллар билан эришилади:

а) ишсизликни чеклаш;

б) болалар меҳнاتини қисқартириш;

в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш;

г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

Булардан ташқари касаба уюшмалари тадбиркорларни ўз аъзоларини ишга ёллашга мажбур бўлиб, ишчи кучи таклифи устидан ўз аъзолари сонини қисқартириш сиёсати орқали ишчи

кучи таклифини сунъий равишда қисқартирилади. Бу ўз навбатида иш ҳақи ставкасини ортишига олиб келади.

3. Касбни малакали лицензиялаш. Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишга қабул қилишга таъсир кўрсатади. Бу талаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси мутахассислик бўйича иш стажи, имтиҳон натижаси ва шахсий тавсифларни олади.

4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга бўлган тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш йўли билан иш ҳақи ставкасини оширишга эришиш мумкин. Бунинг натижасида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарфлар, янги иш кучини ёллаш натижасида олинадиган қўшимча маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлади.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча тамойилларини қамраб олади. У нафақат иқтисодий давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки хусусий секторни ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар-хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор структураси юқори бўлган давлатларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг иш кучи бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўзига қисман ишчи ўринларини қидириш ва тавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқариш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг давлат тизими, бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишига имкон беради.

12-мавзу: АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРОБИЗНЕС.

Р е ж а

1. Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари.
2. Ер рентаси ва унинг турлари.
3. Ерни баҳолаш.
4. Агробизнес ва унинг турлари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А.- Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон» 1993.
2. Каримов И.А.- Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент «Ўзбекистон» 1995.
16. Экономика. 8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
17. Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

18.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Аграр муносабатлар – ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Рента муносабатлари – ердан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромадни тақсимлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқликда вужудга келадиган муносабатлар.

Дифференциал рента – ер участкаларининг унумдорлигидаги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента I – ерларнинг табиий унумдорлиги фарқлар натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Дифференциал рента II – ерларнинг иқтисодий унумдорлигини ошириш натижасида вужудга келадиган қўшимча соф даромад.

Абсолют рента – қишлоқ хўжалигида ерга бўлган мулкчилик монополияси натижасида вужудга келиб, ҳамма турдаги: яхши, ўртача ва ёмон ерлардан олинадиган рента.

Монопол рента – алоҳида табиий шароитга эга бўлган, ноёб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ерлардан олинадиган рента.

Ундурма саноатда рента – фойдали қазилма конларининг жойлашиши (ер юзасига нисбатан) ва уларнинг бойлиги жиҳатдан фарқлар натижасида вужудга келади.

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.

Ижтимоий инфратузилма – одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.

Агросаноат интеграцияси – қишлоқ хўжалиги билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотни истеъмолчига етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини ривожланиши ҳамда уларнинг узвий бирикиш жараёнидир.

Агробизнес – тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли.

АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ТИЗИМИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Аграр иқтисодиёт назарияси жамият ривожланишини ўзида акс эттирувчи умумиқтисодиёт назариясининг узвий қисми бўлиб, у аграр муносабатлар ёрдамида намоён бўлади. Аграр муносабатлар – ер билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Бу муносабатларнинг мазмуни ерни ўзлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш орқали кишиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш жараёнидаги муносабатлар йиғиндисидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш ана шу жараённинг бўғинлари ёки соҳаларини ташкил этади. Демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ердан оқилона фойдаланилган ҳолда, кўпроқ, сифатлироқ ва кам харажат сарфлаш эвазига етиштириш, уларни кишилар ўртасида адолатли тақсимлаш, тенглик асосида эркин алмашиш, кишиларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўллари белгилаш агроиқтисодиёт назариясининг мазмунидир.

Бинобарин, аграр муносабатлар таркибига ерни ва ердан олинган маҳсулотларни ўзлаштириш ёки мулк муносабатларини тежаб сарфлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда қўлланиладиган воситалардан, ресурслардан, ердан, капиталдан ва меҳнатдан оқилона фойдаланиш, кам харажатлар билан харидоргир маҳсулотлар етиштиришни ташкил қилиш, ерни асосий ва ҳал қилувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши воситаси сифатида қайта тиклаш, ишлаб чиқариш, уни эъзозлаш ва муҳофаза қилишни қолаверса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳам киритиш керак бўлади.

Аграр иқтисодий муносабатлар ичида асосий уринда ер туради.

Ер – ҳар қандай моддий бойлик яратиш мумкин эмас. Ер табиат томонидан инсонга бепул инъом этилган неъматдир, мулкдир.

Ер – ҳайвонот дунёсини боқувчи, озиқ-овқат етказиб берувчи ягона макондир. Кишилиқ жамиятидаги барча фойдаланилаётган хом ашё манбаи ҳам ердир. Аммо ер чекланган ресурсдир. Аҳоли сонининг кўпайиши натижасида жамиятнинг ресурсларга бўлган талаби ортиб бориши, хом ашёни кўпроқ талаб қилиниши ер миқдорини камайишига, тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш сунъий, табиий усулда амалга оширилади. Аммо кишилиқ жамиятида тупроқ унумдорлигини пасайиб боради, деб аталувчи қонун ўз кучини сақлаб келмоқда.

Бу қонунни ҳаракат этишини Анн Робер Жак Тюрго, Т.Малтус, А.Маршалл, Дж Кейнс ва бошқа бир қатор иқтисодчилар ҳар хил далиллар билан исботлайдилар.

Тупроқ унумдорлигини пасайиб бориши қонунининг мазмуни шундан иборатки, ердан бора-бора унга сарфланган қўшимча капитал ва меҳнат харажатларидан ортиқча даражада ҳосил олиб бўлмай қолади. Ернинг табиий кучи камайиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, ернинг унумдорлиги унга сарфланаётган қўшимча капитал ва харажатларига тенглашиб қолади.

Бу тоифада икки нарсага эътибор бериш керак:

Биринчидан, ернинг тупроқ қисми йилдан-йилга ориқлаша боради, ўз-ўзини тиклаш қийинлашади.

Иккинчидан, ерга сарфланган қўшимча капитал ва меҳнат харажатларининг самарадорлиги ҳам илгаригига қараганда тобора пасая боради.

Масалан, экинзорга йил мобайнида кўпроқ ҳосил олиш мақсадида қўшимча капитал ва меҳнат сарфладик деб фараз қилайлик. Натижада биринчи йили йигирма центнердан маҳсулот олиб 100 сўмдан жами 1000 сўмга сотдик. Маҳсулот олиш учун сарфланган харажат 1500 сўмни ташкил этган десак, у ҳолда биринчи йили 500 сўм соф даромад олдик.

Бу қонундан капитал самарадорлигининг пасайиб бориш қонуни ҳам келиб чиқади. Чунончи товар ишлаб чиқарувчилар ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни ошириш мақсадида капитал харажатлари миқдорини кўпайтиришга ҳаракат қилади.

Аммо, фойдаланиладиган ишлаб чиқариш фондларининг муддати қанча чўзилса, техника эскиради, ишга яроқсиз бўлади. Шу ҳисобдан ердан олинадиган ҳосил камая боради.

Техниканинг эскириши иш бирлигини бажариш учун сарфланадиган харажатлар миқдорининг ҳам ортишига олиб келади. Бу ҳолатдан қутулишнинг ягона йўли ишлаб чиқариш воситаларидан қисқа муддатда интенсив фойдаланишга муяссар бўлишдир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тараққиёти, энг аввало ердан оқилона фойдаланишга, унда етиштириладиган маҳсулотларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжлар даражасига боғлиқ. Ҳақиқий эҳтиёжнинг усиши талабнинг ўсиши демакдир.

Талаб, таклиф ўзгармаган ҳолда ўсса, товарлар баҳоси кутарилади. Баҳолар даражасининг кўтарилиши эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харажатларини қоплашдан ташқари, кўпроқ соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

Соф даромаднинг ўсиши инвестиция имкониятларини беради, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга олиб келади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради:

- ер товарга айланади, у олди-сотди объекти бўлиб хизмат қилади;

- ерга турли хил мулкчилик шакллари пайдо бўлади;

- ер тадбиркорлик объектига айланади;

- ер гаровга қўйилиши мумкин;

- ер учун пул шаклида рента ундирилади;

- агробизнес махсус фаолият турига айланади.

Аграр тармоқда хўжалик юретишнинг янги шакллари вужудга келади, жумладан:

-жамоа хўжаликлари;

-ширкатлар хўжалиги;

-ижарачилар уюшмаси;

-фермер хўжаликлари;

-ҳиссадорлик жамиятлари;

-агрофирмалар;

- мустақил деҳқон хўжаликлари;
- шахсий ёрдамчи хўжаликлар.

ЕР РЕНТАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Ер омили рента билан боғлиқ. Рента даромад шакли бўлиб, унинг моҳияти табиий ресурслари, шу жумладан ишлаб чиқаришда иштирок этишига боғлиқ. «Рента – дейди Д.Рикардо,- ер эгаларига ернинг дастлабки ва унинг тупроғининг заифлашмас кўчи эвазига бериладиган ер маҳсулотининг ҳиссасидир. Ернинг дастлабки кучи унинг тупроғи заифлашишига қарши кучни яратишга сарфлайдиган харажатлардан кўпроқ миқдордаги маҳсулот ҳиссасини яратади. Унингсиз ерни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб қолади».

Демак, ер тупроқнинг алоҳида ўзигагина хос хусусияти бўлиб, ўсимликларни физиологик жиҳатдан ривожлантириш ва маҳсулотни яратувчи (жонли меҳнат билан капитал каби) манба, куч деб кўрсатилади, ҳамда шу манба рентанинг иқтисодий мазмунини ташкил этади. Шундай қилиб, тақсимот натижасида бойлик ёки унинг қисмини ташкил этган миллий маҳсулот, уч омил – меҳнат, капитал, ер ҳамда оралиқ восита яратиш кучига биноан уч хил даромадга: иш ҳақи, фойда ва рентага бўлинади. Бу жараён янада давом этиб, жами миллий маҳсулотнинг меҳнат яратиш иш ҳақиға тенг қисми шу меҳнат қилувчиларнинг ўртасида тақсимланиб, уларнинг ҳар бирининг иш ҳақларига, капитал томонидан яратилган фойда қисми капитал мулкдорлари, ер яратган қисми – рента, ер мулкдорлари ўртасида тақсимланади. Бу ҳолатдаги тақсимот натижасида ҳар бир субъект ўз улушига эга бўлади ва уни ўзлаштиради. Бундай ўзлаштириш бозор механизми орқали амалга оширилади.

Яна шуни таъкидлаш зарурки, тақсимотнинг назарий ҳолати бозор иқтисодиёти амалиётида аниқ ифодаланиши қийинлашади. Ер яратган рента, капитал яратган фойда, меҳнат яратган иш ҳақи ва уларнинг ҳоссалари яратилган маҳсулот таркибида аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Чунки, биринчидан, уларнинг ҳажми ва ҳоссалари пулда ифодаланади ва улар илгарги шаклини йўқотади, яратилган маҳсулотга сингдирилади.

Бозор иқтисодиётининг тақсимот қоидалари аграр иқтисодиёт учун ҳам хосдир, аммо аграр ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу хусусиятларнинг энг муҳими – ердан фойдаланиш ва ер яратган маҳсулот қисмларининг тақсимланиши бўлганлиги сабабли, рента муносабатлари ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Рента муносабатлари – бу ер келтирадиган даромадни – рентани кишилар ўртасида ўзлаштириш муносабатларидир. Иқтисодиёт фани рента назариясини ўзоқ вақтлар давомида яратди ва ривожлантирди. Аввало кишиларни рентани манбаи нимадан иборат деган савол қизиқтиради. Иқтисодий назариянинг илк намоёндаларидан бири бўлган У.Петти ўзи яратган қийматнинг меҳнат назариясига асосланган ҳолда рентани белгилайди. У товар қиймати таркибига иш ҳақи, рента киради деб, рентани товар қиймати ҳақининг фарқидир, деб меҳнат билан боғлайди. У.Петти қўшимча қийматни ер рентаси деб тушунади. У.Петти меҳнат табиий ҳодисаларисиз, ерсиз маҳсулот яратаолмайди деб, меҳнат билан ернинг яратиш куч-қувватини бир-хил даражага кўтаради, ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясига асос солади.

Ерга хўжалик объекти сифатида ёндашиш. Ер табиий жиҳатдан ҳар хил: унумли, ўрта унумли ва унумсиз бўлиши мумкин. Ернинг чегараланганлиги натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ижтимоий ишлаб чиқариш баҳолари унумдорлиги энг паст бўлган ерларда яратилган маҳсулотнинг индивидуал ишлаб чиқариш баҳолари билан белгиланди. Ўртача ва юқори унумли ерларнинг индивидуал харажатлари унумдорлиги паст ерларнинг индивидуал харажатларидан фарқланади. Худди шу фарқ дифференциал рентанинг миқдорини ташкил этади.

Унумдорлиги энг паст ерлардаги маҳсулот харажатлари, юқори, ўртача унумдорликка эга бўлган ерлардаги маҳсулотларнинг харажатлари эса пастдир. Бу фарқ баҳолар бир хил бўлганда ер эгалари ва ишлатувчиларнинг оладиган фойдаларида кўринади. Биринчилари харажатларни қоплаб ва ўртача фойда оладилар. Иккинчилари эса, харажатларни қоплаб, ўртача фойда олишдан ташқари, қўшимча юқори фойда ҳам

олишга муваффақ бўладилар. Бундай ортиқча фойда дифференциал рента I ва дифференциал рента II га бўлинади.

Дифференциал рента I нинг вужудга келиши тупроқнинг табиий унумдорлиги ва ер участкаларининг бозорларга, сотиш жойларига ўзоқ яқинлигига қараб вужудга келади. Юқорида таъкидланганидек юқори унумдор ва ўртача унумдор ерларда паст унумдор ерларга нисбатан юқори ҳосил олинади, натижада кўпроқ фойда ҳам олинади. Бундан ташқари баъзи бир участкалар бозорларга, сотиш жойларига яқин жойлашган бўлса бу ерларда ҳам ўзоқ жойлашган участкаларга нисбатан харажатлар камроқ бўлиб, ортиқча даромад олинади, бу ҳам дифференциал рента I. Шундай қилиб, дифференциал рента I тупроқнинг табиий унумдорлиги ва ер участкаларининг жойланиш жойига қараб олинadиган рентадир.

Дифференциал рента II – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, ер унумдорлигини ошириш мақсадида кўшимча меҳнат ва капитал сарфлаш, илғор агротехника тадбирларидан фойдаланиш оқибатида шу кўшимча сарфланган харажатлар эвазига асосий харажатларга нисбатан кўпроқ ҳосил олишдир. Ерга сарфланadиган кўшимча меҳнат ва капитал самараси бир йил ичида қайтмайди. Масалан, ерга солинган маданий ўғит 4 йилда, органик ўғит эса 6 йилда қайтади. Шундай қилиб, дифференциал рента ернинг сифатига қараб олинadиган рентадир.

Абсолют рента – ер участкасининг сифатидан қатъий назар ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента. Абсолют рента – бу, ерга бўлган хусусий мулк монополиясида, яъни ерни мулкдорлар томонидан яқка ҳолда ўзлаштиришига асосланади. Хусусий мулк монополияси шунга олиб келадики, ер мулкдорлари мулкдор бўлмаганларга ерни бекорга ишлатиш учун бермайди. Ердан фойдаланувчи ўз капитали ва меҳнати билан ернинг унумдорлик кучи орқали маҳсулот яратади. Бу маҳсулотнинг бир қисмини ер эгаси олади. Ёки энг ёмон ерни фойдаланиш хохишини билдирган деҳқондан ҳам даромад – рента беришни талаб этади. Бу ернинг асосида ерга хусусий мулкчилик хусусияти ётади. Абсолют рента ҳамма ерлардан олинади, лекин миқдори паст унумдор ерлардан олинган рентанинг миқдорига тенг бўлади.

Монопол рента – табиий иқлим шароити ўзига хос ва такрорланмас бўлган камёб, ҳамда харидоргир маҳсулотлар етиштириладиган ер учун унинг эгасига тўланадиган ҳақдир. Фақат шундай ерлардангина ноёб маҳсулотлар (чой, цитрус мевалари, кофе...) етиштирилади. Ушбу маҳсулотларга доимо талаб катта бўлади, лекин бу маҳсулотлар етиштириладиган ерларнинг таклифи ўзгармас (ноэластик) бўлади. Бу маҳсулотлар бозорда монопол нархларда сотилади. Натижада монопол рентанинг манбаи қишлоқ хўжалигидаги меҳнат эмас балки бошқа соҳалардаги ходимлар меҳнатининг натижасидир.

Ҳамма ренталар учун умумий бўлган нарса, бу ерга бўлган мулкчиликнинг иқтисодий реализация қилинишидир.

Ер рентасининг такомиллашиб бориши (ишлаб бериш, натурал, пул шаклидаги) ер эгалари ва уларни ишловчилар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиради. Улар ўртасида шартномали муносабатлар вужудга келади. Майда деҳқонлар аста-секинлик билан ижарачиларга айланадилар. Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларда ер рентаси учта гуруҳни ер эгаси, ижарачи тадбиркор ва ёлланма меҳнат ходимлари ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Эндиликда ер эгалари ерни бевосита ишлатувчилардан, фақат рентани ўзлаштирувчиларга айланадилар.

Рента – бу, ердан ер эвазига олинадиган даромаддир. Р.Макконелл ва С.Брюларнинг «Экономикс» дарслигида рента – бу, миқдорий жиҳатдан чегараланган ер ва бошқа табиий ресурсларга тушадиган баҳодир. Рента харажат эмас, балки устама, ортиқча даромаддир. Э.Лоан ва бошқаларнинг «Бозор» асарида иқтисодий рента бу ерга нисбатан ноэластик таклиф билан белгиланадиган ва ер омили орқали эришиладиган даромаддир.

Ер рентаси ҳозирги назария бўйича ер мулкдорлигининг ўз мулкини амалга оширишининг интенсив шартидир. Бу тушунчанинг мазмуни шундан иборатки, ер мулкдори ўз мулки бўлган ерга унинг унумдорлиги натижасида, яъни у яратган маҳсулотни, мулкдор бўлгани учун ўзиники қилиб олади. Ўзлаштирадиган маҳсулотнинг шакли – рента қиёфасига айланади. Шунини таъкидлаш зарурки, ер мулкдори ернинг унумдорлигидан, бозорга узоқ-яқинлигидан қатъий назар, ер энг

кам фойда берса ҳам, ўз мулкдорлигини рента орқали амалга оширади. Акс ҳолда унинг ерга бўлган мулкдорлиги мутлақо аҳамиятини йўқотади.

ЕРНИ БАҲОЛАШ.

Юқорида таъкидланганидек, бозор иқтисодиёти шароитида ер товарга айланади, у сотилади ва сотиб олинади. Лекин ерни баҳолаш бошқа товарларни баҳолашга нисбатан кескин фарқ қилади, чунки ер инсон меҳнатининг маҳсули эмас, у табиат маҳсулидир. Шу туфайли ер қийматга эга эмас. Бошқа товарларни баҳосини унинг қиймати бўлмаганлиги туфайли, уни баҳолашда кўпгина мамлакатларда ердан келадиган даромад рента, ҳамда банкларнинг омонатлар учун тўлайдиган фоизлари асос қилиб олинади, уни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Ернинг баҳоси} = \frac{\text{Рента}}{\text{Банк \%}} \times 100$$

Масалан, ердан келадиган рента 100000 сўм, банкларнинг омонатлар учун тўлайдиган фоизи 5 % дейилса, ерни баҳоси қўйидагича бўлади:

$$\begin{array}{l} \text{Ернинг баҳоси} \\ \text{сўм} \end{array} = \frac{100000}{5} \times 100 = \frac{10000000}{5} = 2000000$$

Бундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки ер шундай миқдордаги пул сўммасига сотилиши лозимки, бу пул сўммаси банкка қўйилганда, ундан келадиган фоиз суммаси ердан келадиган рентанинг миқдориغا тенг бўлиши лозим.

Йилдан-йилга ерни баҳоси ошиб боради, чунки ер чегараланган ресурс бўлганлиги туфайли унга талаб ошади, аммо ер таклифи ўзгармасдир.

АГРОБИЗНЕС ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.

Агробизнес дейилганда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес тушунилади. Унинг таркибига қишлоқ хўжалигининг ўзидаги шу соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятлари киради.

Агробизнеснинг мақсади бозорни керакли маҳсулотлар билан қилмай ва тўла тўқис таъминлаш орқали фойда кўришдан иборатдир.

Агробизнес иштирокчилари – бу тадбиркор фермерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи саноат тадбиркорлари ва ниҳоят шу маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи тижоратчилардир. Булардан ташқари агробизнеснинг таркибига банклар, суғурта ва молия компаниялари ҳам киради.

Агробизнеснинг фаолияти, биринчидан аҳолини етарли озиқ-овқат, саноатни кафолатли хом-ашё билан таъминлаш. 1990 йилда аграрсаноат комплексида Ўзбекистонда ишловчиларнинг 45 %, ялпи маҳсулотнинг 50 %, миллий даромаднинг 35 % яратилган.

Агробизнеснинг бирламчи буғини фермер (деҳқон) хўжаликлари ҳисобланади, чунки улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради.

Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунида шундай дейилади: «Фермер хўжалиги ўзига ўзоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир»¹

Ўзбекистон Республикасининг ана шу қонунида фермер хўжаликларини ташкил этиш тартиблари кўрсатилган, унга кўра, фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилмаётган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга

¹ Фермер хўжалиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 30 апрел 1998 йил.

ихтисослашган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади.

Дехқон хўжалиги аҳолини озиқ-овқат билан саноатни хомашё билан таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Айрим чет мамлакатларда қишлоқ хўжалигидан олинадиган ялпи маҳсулотнинг ярмидан ортиқроғини деҳқон хўжаликлари етказадилар. Ўзбекистонда ҳам деҳқон хўжаликларининг ўрни ҳам жуда катта, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб беради. Шу туфайли деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларни тўлақонли ишлаши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди.

Фермер (деҳқон) хўжаликларининг самарадорлиги ва афзалликлари қўйидагилар билан белгиланади:

1. Меҳнат ва мулк бевосита бирлашади, ёлланма меҳнат қўшимча аҳамиятга эга;

6. Бу хўжалиklar мутлақо мустақил иш олиб борадилар;

3. Ишбилармонлик, меҳнатсеварлик биргаликда амал қилади;

4. Ўз хўжалигини ўта қадрлайди.

Шу туфайли ҳам фермер (деҳқон) хўжаликларини вужудга келтириш бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жуда муҳимдир.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Аграр муносабатларнинг мазмуни, иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини ва хусусиятларини кўрсатиб беринг?

2. «Ер рентаси»нинг турларини айтинг.

3. Ижара муносабатларининг моҳиятини изоҳлаб беринг?

4. «Агробизнес»нинг иқтисодий моҳиятини айтинг?

5. Агросаноат интеграциясини тушунтириб беринг?

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши _____
3

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва услуби. _____
4-18

Эҳтиёжлар ва ишлаб чиқариш жараёни. _____
19-29

Мулкчилик муносабатлари. _____
30-36

Товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг
шаклланиши ва амал қилишининг асоси. _____
37-48

Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари.

Бозор ва унинг тузилиши.

49-58

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг

Ўзбекистондаги хусусиятлари.

59-68

Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати.

69-77

Рақобат ва нархнинг ташкил топиши.

78-90

Тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик капитали

ва унинг айланиши.

91-102

Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси.

103-110

Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари.

111-117

Аграр муносабатлар ва агробизнес.

118-126

Мундарижа

127.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Т.Х. ҲАЙИТОВ
Ш.Б. ВАҲОБОВА

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ
(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)
II-ҚИСМ

САМАРҚАНД – 2002

Такризчилар: Агроиқтисодиёт кафедраси доценти Муртазаев
О.

Самарқанд кооператив институти, иқтисодиёт
назарияси кафедраси профессори Рашидов Ў.Р.,
доценти Орипов Ж.О.

С Ў З Б О Ш И.

Ҳозирги даврда кўпгина фанлар қатори «Иқтисодиёт назарияси»ни ўқитишда ҳам баъзи бир қийинчиликларга дуч келинмоқда. Жумладан, бу фанни ўқитишда ўзбек тилида дарсликлар ва қўлланмаларни етиш-маслиги, дарс берувчилар, талабаларнинг дарсларга тайёргарлик кўриш мустақил билим олиш учун кенг имкониятлар бермайди. Шуларни ҳисобга олиб, муаллифлар томонидан ушбу маъруза матни тайёрланди.

Маърузалар матни Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур асосида тайёрланди. Мазкур маърузалар матнини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан ва бошқа нашр этилган манбалардан олинган материалларни ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан тўлдирилган ҳолда ёзилди.

Ҳар бир мавзунини ёритишда режадаги саволлар, асосий таянч тушунчалар, тегишли адабиётлар ажратиб изоҳ беришга ҳаракат қилинди.

Тайёрланган маърузалар матни камчиликлардан ҳоли эмас, аммо иқтисодиёт назариясини ўрганувчиларга, айниқса

талабаларга ёрдам берса биз ўз мақсадимизга эришган ҳисоблаймиз.

Муаллифлар.

13-мавзу: МИЛЛИЙ ИҚТИСОД ВА УНИНГ
МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. ЯЛПИ МИЛЛИЙ
МАҲСУЛОТ ВА
УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ

Р е ж а:

- 1.Миллий иқтсодиёт тушунчаси ва унинг шакллари.**
- 2.Макроиқтисодиёт ва унинг асосий кўрсаткичлари.**
- 3.Миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари.**

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. - «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т. Ўзбекистон-1996.

2. Каримов И.А.- «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т. Ўзбекистон-1996.

3. Каримов И.А. - «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаш-тириш йўлида». Т. Ўзбекистон-1996.

4. Каримов И.А.- «Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т. Ўзбекистон-2000.

19.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

1. Макроиқтисод - моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон ҳўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

2. Миллий ҳисоблар тизими - ЯММ(ИММ) ва миллий даромадни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, ҳамда улардан фойдаланишни характерлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар тизими.

3. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) - миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги суммаси.

4. Ички миллий маҳсулот – (ИММ) йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳоларидаги қиймати.

5. Соф миллий маҳсулот - (СММ) амортизация ажратмалари сумасига камайтирилган ЯММ (ИММ) сифатидан чиқиб, таркибан миллий даромад ва эгри солиқлардан иборат бўлади.

6. Миллий даромад – янгидан вужудга келтирилган қиймат бўлиб СММ дан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.

7. Номинал ЯММ - жорий баҳоларда ҳисобланган ЯММ.

8. Реал ЯММ – баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, доимий баҳоларда ҳисобланган ЯММ.

9. Пировард маҳсулот - ишлаб чиқариш жараёни якунланган шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

Маълумки, ўтмишда Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ совет Иттифоқ иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, мустақил миллий иқтисодиёт деб бўлмас эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта яккахокимлиги, хом-ашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал хом-ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Мамлакатимиз президенти И.А.Каримов қисқа айтганларидек, «Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – Марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган» мамлакат эди.

1991 йил сентябрдан буён ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудида барча табиий, минерал хом-ашё бойликларидан мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлган.

Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, енгил ва ғалла мустақиллигига эришганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари миллий мустақил иқтисодиёт сари. Қўйилган дастлабки қадамлардир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган, янги мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шаклланиб бормоқда.

Миллий иқтисодиёт, барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макроиқтисодётни, функционал иқтисодиётни кўплаб инфратузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Макроиқтисодиёт - бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларни бир бутун қилиб олинган миллий ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.

Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимооти таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимооти ривожининг натижаси ҳисобланади.

Макроиқтисод ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади. Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанати ривожланиш талаб қилинади. Миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш кўрсаткич ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали макро ва микроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. Кўпгина микрокўрсаткичлар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётнинг ривожланиш омиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, биринчидан, бизга маълум вақт оралиғида ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритиши ва бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради.

Иккинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, ЯММни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш,

тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кургазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Ниҳоят мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши (тенглиги кузатилганда) мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради.

Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини характерловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар – ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ички миллий маҳсулот (ИММ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, инфляция ва бошқалар ҳисобланади.

Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА УНИНГ ҲАРАКАТ ШАКЛЛАРИ.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – миллий хўжаликларда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушиши мумкин бўлган тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор баҳосидаги қийматидан иборат бўлади.

Демак, ЯММ иқтисодиётда йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард маҳсулот (хизматлар)нинг бозор баҳоларидаги суммаси. Бизга маълумки, жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барчаси сотилмаслиги мумкин, уларнинг бир қисми захираларни тўлдиради. Яъни, ЯММ ҳажмини ҳисоблаб топишда захираларнинг ҳар қандай ўсиши ҳисобга олиниши зарур, чунки ЯММ ёрдамида жорий йилдаги барча маҳсулотлар (сотилган ва сотилмаган) ҳисобга олинади.

Миллий маҳсулотнинг ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун, мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олиниши зарур. ЯММ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун халқ хўжалигининг барча тармоқларида яратилган кўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

Қўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом-ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Бошқача айтганда қўшилган қиймат – бу корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бозор паркидан (амортизация ажратилмаларидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташланган миқдорига тенг.

ЯММ ёрдамида миллий иқтисодиётда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини ҳисоблашга ҳаракат қилинади.

ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги суммаси бўлганлиги учун, товарнинг ўзи, унинг нафлиги кўпаймаган ҳолда баҳолар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиш мумкин.

Баҳо ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ҳар хил элементларининг ягона умумий асосга келтиришнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи, сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. Жорий бозор баҳоларида ҳисобланган миллий маҳсулот номинал миллий маҳсулот, ўзгармас баҳоларда ҳисобланган миллий маҳсулот эса реал миллий маҳсулот деб юритилади. Ҳар йилларда ишлаб чиқарилган ЯММ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг пасайиши) ўрни тўтганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх даражаси индекс шаклда ифодаланади. Нарх индекси жорий йилдаги маълум гуруҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари суммасининг худди шундай товарлар ва хизматларнинг миқдорининг базис давридаги нархлар суммасига таққослаш орқали ҳисобланади. Таққослашнинг базис даври «базис йили» дейилади. Уни қўйидагича ифодалаш мумкин.

$$\text{Нарх индекси} = \frac{\text{жорий йилдаги истеъм. товар нархи}}{\text{базис йилдаги истеъм. товарлар нархи}} \times 100$$

Амалиётда ҳар қандай товар ва хизматлар тўплами ёки истеъмол саватидаги нарх индекси ҳисобланади. Ғарб мамлактлари ва хусусан АҚШ да бу индекслар ичида энг кенг қўлланиладиган истеъмолчилик товарлари сифатидан нархлар индекси (ИБМ) ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган, истеъмолчилик товар ва хизматларининг зот турларини ўз ичига олувчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯММ нарх индексидан фойдаланилади. ЯММ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, ўз ичига нафақат истеъмолчилик товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинadиган товарлар ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯММ нарх индекси, номинал ЯММ ни реал ЯММ га айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради.

Номинал ЯММ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган баҳоларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

Маълум йил учун ЯММ нарх индекси қандай қилиб ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатувчи оддий шартли мисол келтирамиз. Фараз қиламиз, 1998 йил республикаимиз халқ хўжалигида 1358 млрд. сўмлик ЯММ ишлаб чиқарилади. 1997 йил ЯММ қиймати 976 млрд. сўмни ташкил қилади.

1998 йилга ЯММ нархи индексини аниқлаш учун, 1998 йилдаги маҳсулотлар нархлари суммасини худди шу ҳажмдаги ва турдаги товарларнинг 1997 йил нархлари суммасига бўлиб, 100 га купайтириш зарур.

Агар биз ЯММ нарх индексини қатор йиллар учун ҳисобласак, олинган индекслар бизга уларни солиштириб таҳлил қилиш имконини беради.

Жорий йилдаги номинал ЯММ ни реал ЯММ га айлантиришнинг анча оддий ва тўғридан-тўғри усули номинал ЯММ ни нарх индексини бўлишидир,

Яъни: $\text{реал ЯММ} = \text{Номинал ЯММ} / I$

Иқтисодиётда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўрсаткичи ЯММ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар

мавжуд бўладики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини характерлаб беради.

Миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини таққослаш учун ички миллий маҳсулот (ИММ) кўрсаткичидан фойдаланилади. (ИИМ маълум вақт давомида) бир йилда мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларининг бозор баҳоларидаги қийматидир. У барча ишлаб чиқарувчилар қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатига чиқади.

ЯММ дан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик амортизация суммаси айириб ташланса соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади. Шундай қилиб, СММ амортизация ажратмаси суммасининг камайтирилган ЯММ дир.

СММ суммасига давлат томонидан ўрнатилган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар корхона томонидан ўрнатиладиган баҳога қўшишга ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги, истеъмолчи зиммасига тушади ва унинг ҳисобига ўзларининг даромадларининг бир қисмини йўқотади. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳисоб тизимида СММ дан эгри солиқлар чиқариб ташланса миллий даромад (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

$$\text{СММ} - \text{эгри солиқлар} = \text{МД}$$

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган МД фарқланади. Ишлаб чиқарилган миллий даромад – бу ялпи яратилган товар ва хизматлар қийматининг бутун ҳажми. Фойдаланилган МД - бу ишлаб чиқаришган МД дан йўқотишлар (табiiй сифатлар, саклашдаги йўқотишлар ва ташки савдо чиқариб ташланган микдорга тенг).

Бизнинг амалиётда миллий даромад истеъмол ва жамғариш фондига ажратилади.

Истеъмол фонди –бу миллий даромаднинг жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини (таълим, мудоафа ва ҳоказоларни) қондиришини таъминлашга кетадиган қисми. Жамғариш фонди – бу миллий даромаднинг ишлаб чиқаришни таъминлайдиган қисми.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Макроиқтисодиёт кўрсаткичлари нималар?
2. Миллий иқтисодиётда асосий амал қиладиган макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини санаб беринг?
3. ЯММ дан СММ нинг фарқи нимада?
4. Пировард маҳсулот деб нимага айтилади?

14-мавзу: ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР.

Р е ж а

1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

2. Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги.
3. Инвестициялар ва унинг даражасини белгиловчи омиллар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. – Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. Ўзбекистон – 2000.
2. Каримов И.А. – Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т. Ўзбекистон – 1999.
3. Каримов И.А. – Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2 феврал 2000 йил.
20. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
21. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
22. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Истеъмол – жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижаларидан ва ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи)дан фойдаланиш жараёнини билдиради.

Шахсий истеъмол – истеъмолчилик характеридаги неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилинишини билдиради.

Унумли истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланишни англатади.

Истеъмолчилик сарфлари – аҳоли даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисм.

Жамгарма – аҳоли, корхона (фирма) ва давлат форий даромадларининг келажақдаги эҳтиёжларини қондириш ва фойзли даромад олиш мақсадида тўпланиб борилиши.

Истеъмолга ўртача мойиллик – шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.

Жамгармага ўртача мойиллик – шахсий даромаднинг жамгармага кетадиган улуши.

Истеъмолга қўшилган мойиллик – шахсий даромад ўсган қисмининг истеъмол қилинадиган қисми ёки улуши.

Жамғармага қўшилган мойиллик – шахсий даромад ўсган қисмининг жамғармага кетадиган ҳиссаси.

Иқтисодий жамғариш – миллий даромаднинг бир қисмидан асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни кўпайтириш учун фойдаланиш.

Жамғариш нормаси – жамғариш фондининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

Капитал қўйилмалар - асосий капитални кенгайтириш ва уни такрор ишлаб чиқаришга қилинадиган сарфлар.

Инвестициялар – ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги қуйилмалар.

Инвестицион фаолият – инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича қилинадиган амалий ҳаракатлар.

Инвестр – инвестицияларни амалга оширувчи шахс.

Инвестициялар самарадорлиги – миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

ИСТЕЪМОЛ ВА ЖАМҒАРМАНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ.

Миллий иқтисодиётда янгидан вужудга келтирилган қиймат, яъни миллий даромад истеъмол ва иқтисодий жамғариш мақсадларида ишлатилади. Истеъмол кенг маънода жамият иқтисодий эҳтиёжларини қондириш жараёнида ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни, уни истеъмол қилиб тугатишни билдиради. Бунда унумли ва шахсий истеъмол фарқланади.

Унумли истеъмол бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва инсон ишчи кучининг истеъмол қилинишини, яъни улардан фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда истеъмол буюмларидан бевосита фойдаланилади, яъни улар тўлиқ истеъмол қилинади.

Истеъмол жараёнида турли хил моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланилади. Истеъмол қилинадиган неъмат турига боғлиқ равишда моддий неъматларни ва хизматларни истеъмол қилиш ажратилади.

Индивидуал ёки жамоа бўлиб истеъмол қилиш фарқланади. Алоҳида оила ёки жамият аъзоларининг ихтиёрида бўлган моддий неъматларни истеъмол қилиш индивидуал истеъмолга киради. Жамият аъзоларининг гуруҳлари моддий неъмат ва хизматлардан фойдаланиши жамоа бўлиб истеъмол қилишга киради.

Истеъмол фонди маблағларидан бутун иқтисодиёт доирасида банд бўлган ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини, шу жумладан бошқариш ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилади. У бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар бошқаришдаги моддий сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол фондининг шахсий даромад шаклида ходимлар кўлига келиб тушадиган қисми истеъмолчилик сарфлари мақсадида ишлатилади.

Истеъмолчилик сарфлари – бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлари учун ишлатиладиган қисми.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадларида тўпланиб борилиши.

Унинг ҳажми уй хўжаликлари даромадидан истеъмолчилик сарфларини айириб ташлаш йўли билан аниқланади.

Даромад фондида истеъмолчилик сарфлари улуши қанчалик юқори бўлса, жамғарма ҳажми шунчалик кам бўлади. Жамғарманинг ўсиши эса иқтисодий маънода маблағларнинг истеъмол буюмлари харид қилишдан инвестицион товарларга йўналтирилишини билдиради.

Шу сабали даромадда истеъмолчилик сарфлари ва жамғарма нисбатининг ўзгариши бир қатор, баъзан қарама-қарши оқибатларга олиб келиши мумкин.

Биринчидан, даромадларнинг қандайдир қисмини жамғармага қўйиш оқибатида у товарларда бўлган талабда ўз аксини топмайди. Маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажмини ишлаб чиқаришдан олинган даромад тўлиқ сарфлангандагина жами талабни таъминлаш учун етарли бўлади. Демак жамғарма даромадлар-харажатлар оқимида номутаносиблик бўлишига олиб келади.

Жамғарма даромадлардан маблағларни олиб қўйишни билдириб истеъмолчилик сарфлар барча ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш учун етарли бўлмай қолишини билдиради. Агар аҳоли ўз даромадининг қандайдир қисмини жамғарса, ўзининг хусусий талабини вужудга келтирмайди. Бунинг натижаси сотилмай қолган товарларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишсизлик ва даромадларнинг пасайиши бўлиши мумкин.

Бошқа томондан жамғарма талабнинг етишмаслигига олиб келмаслиги ҳам мумкин, чунки жамғарилган маблағлар тадбиркорлар томонидан инвестицион мақсадларда ишлатилади. Бу истеъмолчилик сарфларининг ҳар қандай етишмаслигини қоплайди ва жамғарма келтириб чиқарадиган истеъмолдаги ҳар қандай етишмасликни тўлдиради. Учинчидан, корхоналар ҳам ўзининг барча маҳсулотларини истеъмолчиларга сотишни кузда тутмайди, балки унинг бир қисмидан ишлаб чиқариш воситалари шаклида фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, агар тадбиркорлар аҳолининг жамғармаларига тенг миқдордаги маблағларни инвестицияларга қўйишни кузда тутса, ишлаб чиқариш даражаси доимий бўлиб қолади.

Истеъмол ва жамғарма даражасини аниқлаб берувчи асосий омил миллий даромад ҳисобланади. Лекин миллий даромад таркибида тўғри солиқлар ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли солиқлар тўлангандан кейин аҳоли қўлида қоладиган даромад истеъмолчилик сарфлари ва шахсий жамғарма йиғиндисига тенг бўлади. Истеъмол ва шахсий жамғарманинг даражаси бевосита солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромад билан аниқланади. Демак бу даромад истеъмолнинг ҳам, жамғарманинг ҳам умумий

омили ҳисобланади. Чунки жамғарма даромаднинг истеъмол қилинмайдиган қисми ҳисобланса, солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий жамғармани аниқлаб берадиган асосий омил бўлиб чиқади. Ҳар йилги ҳақиқий истеъмол миқдори ва солиқлар тўлангандан кейинги даромад ўртасилаги фарқ шу йилдаги жамғарма миқдорини аниқлайди.

ЖАМҒАРИШНИНГ МОҲИЯТИ, ОМИЛЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ.

Жамғариш иқтисодиётдаги ялпи сарфларнинг таркибий омилларидан бири ҳисобланиб, инвестицион характердаги товарларга талаб даражасини белгилаб беради. Инвестициялар жамғаришнинг амалда намоён бўлиш шакли бўлганлиги сабабли дастлаб таҳлилни жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлигини назарий жиҳатдан асослаш билан бошлаймиз.

Жамғариш деб, миллий даромаднинг бир қисми асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишига айтилади.

Амалда жамғариш капитал маблағлар ёки инвестицион сармоялар шаклида юзага чиқиб, у янги асосий капитални ҳосил қилиш, ишлаб турганларини кенгайтириш, реконструкциялаш ва янгилашга қилинадиган харажатларни ифодалайди. «Жамғариш» ва «капитал маблағ» ёки «инвестицион сарфлар» тушунчалари бир хил мазмунга эга эмас. Бир томондан, капитал маблағ ёки инвестицияларнинг чегаралари жамғариш фондига қараганда кенгрок, чунки реновацияга (яъни эскирган объектларни батамом алмаштиришга) сарфланадиган амортизация фондининг бир қисми ҳам уларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Иккинчи томондан, «жамғариш» тушунчаси инвестицион сарфлар доирасидан чиқиб кетади, чунки у фақат асосий капиталнинг эмас, балки айланма капиталнинг, шунингдек эҳтиёт захираларининг кенгайишини ҳам англатади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш бир-биридан фарқланади. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми, ишлаб чиқариш

соҳасидаги жамғариш фондини ҳосил қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилидир.

Ижтимоий маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, укув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади. Ноишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Жамғариш фонди, унинг ҳажми ва таркиби такрор ишлаб чиқариш суръатларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омиллардир. Жамғариш нормаси бевосита жамғариш фондининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$ЖН = (ЖФ / МД) \times 100$$

Бунда, ЖН-жамғариш нормаси, ЖФ-жамғариш фонди, МД-миллий даромад.

Жамғариш нормасининг ҳам ўз чегараси бўлиб, уни ошириш иқтисодий жиҳатдан самарсиз бўлиб чиқиши ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, унинг ҳаддан ташқари ортиши натижасида инвестицион сарфлар самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин, чунки маблағлар ҳажми билан қурилиш ташкилотларининг қувватлари, материаллар ва ускуналар етказиб бериш имкониятлари, инфратузилманинг ривожланиши ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Маблағларнинг сочилиб кетиши, объектларни барпо этиш муддатларининг чўзилиб кетиш хавфи ошади, оқибатда улар қимматлашади, барпо этиш жараёнидаёқ маънавий жиҳатдан эскиради, тугалланмаган қурилишлар кўпаяди. Оқибатда, иқтисодий ўсиш пасайиб кетиш тамойилиги эга бўлади.

Шундай қилиб, жамғариш фонди иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига фақат ўзининг миқдори билангина ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб қолмайди. Фан-техника революцияси шароитида улардан фойдаланиш самарадорлиги биринчи ўринга чиқади.

Жамғариш флнди миллий даромаднинг бир қисмини ташкил этади ва шу сабабли миллий даромад ҳажми кўпайишини белгилайдиган омиллар, жамғариш миқдорини ҳам белгилаб

беради. Бу омиллардан асосийси қўлланиладиган ресурслар массаси ва уларнинг унумдорлигидир. Жамғариш миқдори ишлаб чиқариш жараёнида хом-ашё, материаллар, энергияни тежаб-тергаб сарфлашга ҳам боғлиқ. Маҳсулот бирлигига уларни сарфлашни камайтириш моддий воситаларнинг ўша миқдорида маҳсулотларни камроқ ҳажмда ишлаб чиқаришга имкон беради.

Жамғаришнинг миқдори миллий даромаддаги жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбати ҳам боғлиқ бўлади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УНИНГ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР.

Инвестициялар сарфларининг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади; миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектлари қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушириш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Инвестицияларни руёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейилади.

Инвестиция фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к);
- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);
- бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш.

1998 йил Ўзбекистонда инвестицион қўйилмаларнинг 49,2 %ни корхоналарнинг ўз молиявий маблағлари ҳисобига, 24,2 %ни бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган.

Республикада инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тузилиши (% ҳисобида).

Тузилиши	1991	1992	1993	1994	1995	1998
Жами капитал қўйилмалари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан бюджет маблағлари	44,5	26,6	32,1	25,3	22,9	24,2
Ўз маблағлари	38,7	52,9	46,2	47,1	47,0	49,2
Банк кредитлари	...	0,3	8,3	11,1	9,6	6,2
Чет эл инвестрлари ва кредитлари						
Маблағлари	...	...	0,1	6,6	14,0	20,3
Аҳоли маблағлари	16,8	20,2	13,2	9,9	6,5	...

Инвестицияларнинг манбаларидан бири аҳоли кредит қатламлари (ишчилар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқалар) жамғармаси ҳисобланади. Муаммо шундан иборатки, жамғарма хужалик юритувчи бир гуруҳ томонидан амалга оширилади, инвестициялар эса шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектларининг бутунлай бошқа гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўз-ўзидан аниқки инвестициялар манбаи бўлиб иқтисодиётда фаолият қилувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар фойдаси ҳам ҳисобланади. Бу ерда «жамғарувчи» ва «инвестор» бир-бирига тўғри келади.

Ўзбекистонда капитал қўйилмаларда нодавлат секторини улуши 1991 йилдаги 24 %дан, 1998 йил 40,6 %га етган.

Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил аниқлайди:

Тадбиркорлар инвестицияларга сарфлардан олиш кўзда тутилган, кутилатган соф фойда нормаси ва фоиз ставкаси.

Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи мотиви фойда ҳисобланади. Тадбиркорлар

ишлаб чиқариш воситаларини қачонки улар фойда келтирадиган бўлса, сотиб олади.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил фоизнинг реал ставкачи ҳисобланади. Фоиз ставкаси – бу реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган банд қилинган пул капиталига корхона тўлаши зарур бўлган пул миқдори ҳисобланади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси (10 %) фоиз ставкаси (7 %) дан ортиқ бўлса инвестицияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча, фоиз ставкаси (12 %) кутилаётган соф фойда нормаси (10 %) кўп ортиқ бўлса, инвестициялаш самарасиз ҳисобланади.

Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа қўйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

1. Машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.
2. Тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори.
3. Технологик ўзгаришлар.

15-мавзу: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИКНИНГ КЎПАЙИШИ, МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА РИВОЖИНИНГ НАТИЖАСИДИР.

Р е ж а

1. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт. Иқтисодий ўсиш мезонлари.
2. Иқтисодий ўсиш турлари ва омиллари.
3. Миллий бойлик ва иқтисодий потенциал.

А Д А Б И Ё Т Л А Р.

1. Каримов И.А. – Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. «Халқ сўзи» 2000 йил 15 феврал.

23. Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.

24. Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006. – 352 с.

25. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.

Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Иқтисодий ривожланиш – кўп ўлчамли жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ва маънавий тараққиётида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ўсиш ЯММ (СММ, МД) миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатини яхшиланишида ифодаланади.

Иқтисодий ўсиш мезони – иқтисодий ўсишни нисбатан тўлиқ даражада баҳолаш имконини берадиган кўрсаткични характерлайди.

Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари – иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.

Экстенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.

Интенсив иқтисодий ўсиш – ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд даражасида, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.

Устивор экстенсив иқтисодий ўсиш – иқтисодий ўсишда экстенсив омилларнинг устивор ўрнига эга эканлигини билдиради.

Устивор интенсив иқтисодий ўсиш – иқтисодий интенсив омилларнинг юқори ўринга эгалигини билдиради.

Иқтисодий ўсиш омиллари – иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, тақлиф ва тақсимлаш омилларини билдиради.

Миллий бойлик – инсоният жамияти тараққиёти яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.

Модий – буюмланган бойлик – миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишига эга бўлган қисми.

Табиий бойлик – миллий бойликнинг табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.

Маънавий бойлик – ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МЕЗОНЛАРИ.

Ушбу маъруза иқтисодий ҳаётда алоҳида ўрин эгаллайди, чунки кишиларнинг ҳаёт кечириши, фаровон турмуши, техника тараққиёти, мамлакат иқтисодий даражаси ва мавқеъи энг аввало иқтисодий ўсишга боғлиқ. Шу асосда кўпгина ривожланган мамлакатлар ўз халқларига фаравонликни таъминлаганлар.

Жамият аъзоларининг хилма-хил ва юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг бирдан-бир воситаси иқтисодий ўсишдир. Агар иқтисодий ўсиш бўлмаса ҳеч қандай жамият ривожлана олмайди, эски иқтисодий тизим ўрнига янгиси келмайди, хуллас иқтисодий прогресс юз бермайди.

Иқтисодий ўсиш деганда кишиларнинг талаб-эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий маҳсулот ва хизматларни, яъни барча ноз-неъматларни ишлаб чиқаришнинг кўпайиб бориши тушунилади. У нафақат истеъмол, балки ресурсларни ҳам кўпроқ ишлаб чиқаришни англатади, чунки ишлаб чиқариш кишиларнинг нафақат жорий эҳтиёжларини, балки келгусидаги эҳтиёжларини ҳам қондиришларини англатади.

Ишлаб чиқариш фаолияти жамият ҳаётининг бирламчи асоси бўлганидан, иқтисодий ўсиш ижтимоий тараққиёт учун моддий замин яратиб беради. Жамиятдаги чуқур сифатли ўзгаришлар иқтисодий ўсиш суратларига қараб юз беради. Қадимги дунё ўрта асрларда суст консерватив ижтимоий тизимларнинг сақланганлиги, иқтисодий ўсишнинг секин борганлиги билан фарқланади. У мустамлакачилик тузимига ҳам хосдир, ҳозирги ривожланиш эса, барқарор ижтимоий ўсиш натижасидир.

Иқтисодий ўсиш жамиятдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ортиб бориш билан ўлчанади. Уни реал миллий маҳсулот ёки реал миллий даромаднинг кўпайиши ифода этади. У таққосий нархларда ҳисоблаб берилади. Чунки нархлар ўсишини ҳисобга олиш зарур, бўлмаса ойлик реал маълумотни олиб бўлмайди.

Иқтисодий ўсиш моддий тангликдан мўл-кўлликка, бинобарин паст турмуш даражасидан юқори турмуш даражасига, озчилик гуруҳ фаравонлигидан умумий фаровонликка ўтишнинг шарти ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш жамиятнинг бойиб бориш шартидир, у қанча жадал борса, ишлаб чиқариш жамиятнинг иқтисодий

куввати ортади, келажакк учун ишончли замин ҳозирланади. Юксалиб бораётган эҳтиёжларни қондириш имкони бўлади, чеклаб қўядиган тўсиқларни бартараф этиш имкониятлари кенгайди. Чунки, унда кўпроқ ишлаб чиқариш имкони кўпроқ (яъни технология, усул ва ҳоказо натижасида).

Иқтисодий ўсишнинг кўлами ва суръатлари ўзаро тескари равишда ўзгаради, яъни ўсиш кўлами миқдори ошган сари ўсиш суръатлари юксалишга моил бўлади. Масалан, АҚШда 1950-75 йиллари маҳсулот 2,41 марта; 1976-88 йиллари маҳсулот 1,48 марта кўпайган, иккинчиси паст, аммо иқтисодий ўсиш кўлами ғоят катталашган. Маҳсулот 1950 йилда 1, ўсиш 12 миллиард бўлса, 1988 йилда 40 миллиард бўлган.

Иқтисодиёт кўлами ортиши билан иқтисодий ўсишни таъминлаш қийинлашади. Аммо ўсиш секин борган шароитда ҳам аввалгидан кўпроқ маҳсулот яратилгандан талаб-эҳтиёж тўлароқ қондирилади.

Иқтисодий ўсишнинг нафақат миқдорий, балки сифат меъёри ҳам мавжуд. Сифати яхшилана борса у эҳтиёжларини тўла қондириб боради.

Иқтисодий ўсиш турли йўллар билан боради ва турлича натижа беради, чунки уни юзага келтирувчи такрор ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳар хил.

Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг икки усули мавжуд: экстенсив ва интенсив усуллари. Экстенсив такрор ишлаб чиқариш юз берганда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши олдингига нисбатан кўпроқ иш кучи, ишлаб чиқариш воситаси ва табиий бойликлар талаб қилади, бинобарин, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига монанд равишда ресурслар сарфи ҳам ортиб боради. Иқтисодий ўсиш меҳнат ва моддий ресурсларни кўпроқ қўллаш натижасида юз беради. Экстенсив иқтисодий ўсишнинг мавжудлиги қолоқ иқтисодиётнинг асосий белгисидир. Моддий базаси заиф, қўл меҳнати ва эски технологияга асосланган ишлаб чиқариш шароитида экстенсив ўсиш устивор бўлади. Ишлаб чиқариш кўлами, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг, ресурсларни тежамли ишлатиш ҳисобидан олиб бориши, улар сифатини яхшиланиши интенсив иқтисодий ўсиш деб аталади. Экстенсив усул серресурс бўлса, яъни ишлаб чиқариш ҳажмига қараб ресурс сарфини кўпайтиришни талаб

қилса, интенсив усул кам ресурс ҳисобланади, яъни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига нисбатан ресурслар сарфи қисқаришини билдиради.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТУРЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллари иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб боради, улар таклиф омиллари деб аталади. Бу омиллар қўйидагилар:

1. Табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
2. Меҳнат ресурслари миқдори ва сифати;
3. Асосий капитал (асосий фонлар)нинг ҳажми;
4. Технология ва фан-техника тараққиёти.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган «... таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормокда»¹.

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари таъсир қилади. Ишлаб чиқариш потенциалидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг мутлоқ миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи таклиф ва тақсимлаш омиллари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Масалан, ресурслар миқдорининг ўсиши ва сифатининг яхшиланиши, технологияни такомиллаштириш иқтисодий ўсиш учун имконият яратади. Тўлиқ бандлик ва ресурсларни самарали тақсимлаш бундай ўсишни руёбга чиқаради.

¹ Каримов И.А. - Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоқатларни чуқурлаштириш – энг муқим вазифамиз. «Халқ сўзи» 2000 йил 15 феврал.

Иқтисодий ўсишда ресурсларни тақсимлаш омиллари ҳам ўз ўрнига эга бўлсада, бу муаммони таҳлил қилишда асосий эътибор тақлиф омилларига қаратилиши зарур.

Миллий бойлик – бу айрим шахс, миллат, элат бойлиги бўлмай, муайян жамиятнинг бойлигидир. У барча жамият аъзоларига тегишлидир ва улар учун хизмат қилиши зарур ҳисобланади. У барчамизнинг бахту-саодатимиз, фаровон ҳаёт кечиришимиз учун зарурдир.

Миллий бойлик – бу асрлар оша авлодлар меҳнати билан яратилган ва жамиятда жамғарилиб келинган моддий ва маданий-маънавий неъматлар, авлоддан-авлодга ўтган табиат инъомлари, тўпланган билимлар, малака ва маҳоратлар мажмуидир. Унга барча жамият аъзоларининг меҳнати синган бўлади ва барчамиз учун хизмат қилади. Миллий бойлик қўйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- меҳнат натижасида яратилади ва кўпайиб боради (шунинг таъкидлаш жоизки, жамиятда осойишталик, тарқарорлик, офатларсиз, оқилона иш юритиш ва бошқалар мавжуд бўлса);
- жамғариб борилади ;
- такроран ҳосил бўлиши (яратилади, ишлатилади ва қайтадан яратилади;
- муайян молу-мулк сифатида кишилар тасарруфида (ихтиёрида) бўлади;
- жамиятнинг миллий мулки ҳисобланади (жамият аъзоси, гуруҳ, уюшмалар, давлат).

Миллий бойлик таркиби жиҳатдан икки турли бўлади:

1. Меҳнат маҳсули бўлган бойлик.
2. Табиат инъоми бўлган бойлик.

Демак, меҳнат ва табиатнинг биргаликдаги иштирокисиз бойлик яратилмайди. Бойлик таркибидаги бинолар, иншоотлар, машиналар, металл, уруғликлар меҳнат яратган бойликдир. Ер, сув, ер ости ва устидаги бойликлар эса табиат бойликларидир, яъни табиат инъомидир. Уларнинг инсон манфаати учун ишлатилиши меҳнатсиз бўлмайди, бирдан тўғридан-тўғри истеъмолга тушмайди. Табиий бойликлар икки хил бўлади: тикланадиган ва тикланмайдиган бойликлар. Нефт, газ, кўмир тикланмайдиган бойлик бўлса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатдаги сувлар такроран ҳосил бўлади, тикланади. Шунинг

учун жамият ўз табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш лозим. Табиатдаги ресурслар жамиятнинг бойлигидир. Улар меҳнат воситасида ишлатилгач, реал бойликка айланади.

Потенциал бойлик реал бойликка айланиши учун биринчидан, унга талаб пайдо бўлиши кекрак, иккинчидан, бунинг учун зарур технология бўлиши шарт. Табиий бойликлар ичида ер миллий бойликнинг энг муҳимидир, чунки у барча бойликларнинг онаси ҳисобланади, отаси эса меҳнатдир.

Миллий бойлик ўзининг таркиби жиҳатидан моддий ва номоддий бойликдан иборатдир. Моддий бойликка жамланган асбоб-ускуна, бинолар, иншоотлар, машина механизмлар, ёқилғи, истеъмол буюмлари ва бошқалар киради. Улар чет мамлакатларда асосий ва айланма капитал деб, ҳамдўстлик мамлакатларида эса асосий ва айланма фондлар деб юритилади.

Миллий бойликнинг шундай тури мавжудки, улар инсон қобилиятини мужассамлаштиради ва шахсдан ажралмаган бўлади. Улар интеллектуал бойлик деб аталиб унга кишилар иш тажрибаси ва маҳорати киради.

Интеллектуал бойлик ақл-идрок, фаросат, билим ва ижодий қобилиятдан ташкил топади. Бойликка анъана шаклига кирган, ишлаб чиқаришга таалуқли тарихий тажриба, у авлоддан авлодга ўтади, масалан, меҳнатсеварлик ва ҳоказо. Бошқа хусусиятдан қатъий назар авлоддан-авлодга ўтувчи ва бир авлод ҳаёти даврида тугалланадиган бойлик. Иқтисодиёт тўхтаб қолмаганидек миллий бойлик ҳам доимо ҳаракатда бўлади, яъни бойлик яратилади, ишлатилади ва яна қайтадан тўлдириб борилади. Миллий бойликнинг ўсиши жамғарилиш қонуни асосида юз беради, яъни жамиятда яратилган ялпи маҳсулотнинг таркибий қисми бўлган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми жамғарилиб борилади.

Миллий бойлик ишлаб чиқариш ресурсларидан иборат экан, у жамиятнинг иқтисодий куч-қувватини кўрсатади ва иқтисодий потенциални ташкил этади. Миллий бойлик бу ҳозирги авлод ва ўтган аجدодларимиз меҳнати билан яратилган, жамият ихтиёрида бўлган моддий неъматлар ватабиий ресурсларнинг жамғарилган мажмуидир. У мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш давомида жамғарилган барча истеъмол қийматларининг пулда

ифодаланишидир. Миллий бойлик халқ моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий асоси ва натижасидир. Ижтимоий тузум хусусиятига кўра миллий бойлик бутун жамият мулки ёки унинг айрим синфлари, гуруҳлари ва айрим шахслар мулки бўлиши мумкин.

Миллий бойлик халққа, унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари сифатида доимо ҳаракатда ва фойдаланишда бўлиши мумкин. Республикамиз миллий бойлигини кишиларга хизмат қилиши йилига қазиб олинаётган газ,нефт, олтин, етиштирилаётган пахта, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари, электроэнергия, курилаётган уй-жой, йўллар, иншоотлар сифатида намоён бўлмоқда ва халққа хизмат қилмоқда. Миллий бойлигимизнинг тахминан учдан икки қисмини асосий ишлаб чиқариш фондлари ташкил қилади. Аҳоли қулида бўлган уй-рўзғор буюмлари эса жамият миллий бойлигининг бешдан бир қисмини ташкил этади, бу бошқа ривожланган мамлакатларга нисбатан паст албатта, чунки бизда яқин кунларгача ижтимоий, давлат ва кооператив-колхоз мулки ҳукмрон бўлиб, шахсий-хусусий мулкка эътибор берилмас ва мулкдорлар синфи йўқ эди. Энди бозор иқтисодиёти шароитида мулкдорлар пайдо бўлмоқда, улар қулида бўлган миллий бойлик кўпайиб бормоқда ва таркибан ўзгармоқда. Республикамизда миллий бойлик ҳажмининг кўпайишининг муҳим шартларидан бири чекланган табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ўринбосар маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш, келгуси авлодларни уйлаган ҳолда иш юритишни тақозо этади, яъни ҳеч қачон шу бугунги кунни ўйлаб, ресурслардан ваҳшийларча фойдаланиб, келгуси авлод тақдирини ўйламасдан иш тутиш иқтисодиётга, миллий бойликка катта путур етказди. Фан, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш учун малакали ишчи ва ходимларни тайёрлаш, билим ва ишлаб чиқариш тажрибасини тўплаш ҳам миллий бойликнинг бир томонидир, чунки маънавий бойлик миллий бойликнинг ўта муҳим, ўлчовсиз қисмидир. Миллий бойликнинг қайси шакли устида гап кетмасин уни кўпайитиришнинг йўли битта унумли, самарали меҳнатдир.

Миллий бойликнинг ҳосил бўлиши ва ортиб бориши ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, яъни иқтисодий ўсиш натижасидир. Яратилган моддий ва маънавий неъматларнинг бир қисми истеъмол этилиб йўқ бўлиб кетса, бошқа қисми жамғарилиб миллий бойликка айланади, ўзининг моддий шаклини сақлайди ёки номоддий шаклга кўчади. Иқтисодиёт тўхтаб қолмаганидек, моддий бойлик ҳам ҳаракатда бўлади. Бу унинг обороти, яъни айланиб туришида ифоланади. Бойлик яратилади, ишлатилади ва янада қайтадан тўлдириб борилади. Бойликнинг истеъмол қилинишига нисбатан кўпайиши тезроқ боради, шу сабабдан у камаймасдан ушиб туради. Миллий бойликнинг усиши жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонун ҳам умумиқтисодий қонунлар туркумига киради. Бу қонунга биноан иқтисодиётнинг ўсиши юз берганда яратилган ялпи маҳсулотнинг таркиби бўлиши кўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади. Бойликнинг айланма ҳаракати, унинг иккиёқлама хусусиятидан келиб чиқади. Биринчидан, бойлик ишчи ҳизматчиларнинг натижаси бўлса, иккинчидан, унинг шарт-шароитидир. Яратилган маҳсулот тақсимлаш орқали бойликка айланади, аммо бунинг шarti ишлаб чиқаришнинг истеъмолдан ортиқча бўлишидир. Бойликнинг ҳаракати унинг сарфланиши, тикланиши ва ўсишидан иборатдир.

Тикланиш ва ўсиш моддий бойликка хос моддий бойлик унсурларининг хизмат қилиш муддати ҳар хил. Машина 10 йил, темир йўл 100 йил хизмат қилиш мумкин, уларнинг тикланиш вақти ҳам ҳар хил. Қолоқ иқтисодиёт шароитида бойликнинг ҳаракати ишлатилиши ва урнини тўлдириш билан чекланиб, ўсиши узоқ вақтни талаб қилади, чунки ишлаб чиқариш истеъмолдан камдан-кам ортиб қолади. Ривожланиш иқтисодиётда истеъмолдан ортиб қолиб бойликка айлана боради. Миллий бойликнинг айланма ҳаракати ялпи миллий ҳаракатнинг давомидир. Лекин фарқи ҳам бор. Масалан яратилган маҳсулот, у яратилган йилда тугайди, бойлик ҳаракати эса бир неча йил давом этади. Миллий бойликни кўпайтириш имкони ишлаб чиқариш структурасига ҳам боғлиқ. Аҳолининг бой бўлиши жамиятнинг бой бўлишидир. Бойлик эҳтиёжни қондириш учун яратилади ва шу йўлда сарфланади, унинг тикланиши ўзи эҳтиёж келиб чиқади. Миллий бойлик икки йўсинда сарфланади, бири

ишлаб чиқариш ресурслари сифатида; иккинчиси истеъмол воситаси сифатида. Иқтисодиёт тез ўсиб жамият аъзолари фаровонлиги ошган сари миллий бойлик таркибида истеъмол буюмлари ҳиссаси ортади, натижада аҳоли мол-мулки бўлган бойлик тез ўсади. Бу ҳам миллий бойликнинг тобора умуминсоний манфаат йўлида ишлатилишидан дарак беради.

Миллий бойлик ишлаб чиқариш ресурсларидан иборат экан, у жамиятнинг иқтисодий куч-қувватини кўрсатади ва иқтисодий патенциални ташкил этади. Жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилияти иқтисодий патенциал деб аталади, у ишлаб чиқариш ресурслари миқдори ва сифати билан белгиланиб, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдори билан ифода этилади. Унинг муҳим кўрсаткичи ялпи миллий маҳсулотдир. Миллий маҳсулот эса миллий бойликнинг ҳажми ва структураси ундан самарали фойдаланишга боғлиқдир. Патенциали юқори бўлиб, ишлаб чиқариши паст бўлиши ҳам мумкин ва ёки аксинча. Иқтисодий патенциал эришилган ва бўлғуси патенциалларга бўлинади. Эришилган патенциал – амалда ишлатилган патенциал бўлиб у ишлаб чиқариш даражасини билдиради. Бўлғуси патенциал – мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ва тўла тўқис ишлатилиши мумкин бўлган патенциал.

Умуман, иқтисодий патенциал жамият аъзоларининг жорий ва бўлғуси эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Агар кишилар эҳтиёжи тўлароқ қондирилса, бу жамият иқтисодий патенциали самарали ва унумли ишлатилаётганлигидан дарак беради. Иқтисодий патенциалнинг тўрт хил кўриниши мавжжуддир: меҳнат патенциали, табиий патенциал, илм-маърифат патенциали ва техника-технология патенциали. Ана шу тўртала патенциалдан самарали фойдаланиш, тежамли ишлатиш жамият тараққиётида асосий рол ўйнайди. Буни мукаммал амал қилишининг асосий воситаси ҳозирги шароитда эркин бозор механизмидир.

17-мавзу: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛИГИ ВА
МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК.

Р е ж а.

1. Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш зиддиятлари ва уларни бартараф қилиш усуллари.
2. Иқтисодий циклнинг фазалари. Иқтисодий инқирозларнинг моддий асоси.
3. Таркибий инқирозлар ва иқтисодиётдаги таркибий силжишлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А.- Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлашти-риш йўлида. Т. Ўзбекистон-1995.
 - 26.Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.
 - 27.Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.
 - 28.Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
 - 29.Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
 - 30.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.
- Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Иқтисодий мувозанатлик – иқтисодий жараёнларда унинг икки томонининг бир-бирига тенглигидир.

Иқтисодий мутаносибликлар – иқтисодиёт турли томонлари ва соҳалари, иқтисодий фаолият натижалари ўзаро миқдоран ва таркибан мос келиши.

Иқтисодий инқироз – ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишидир.

Иқтисодий цикл – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.

Турғунлик (депрессия) – ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини билдиради.

Жонланиш – иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини характерловчи фазаси.

Юксалиш – иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даромаддан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини характерловчи фазаси.

Аграр инқирозлар – қишлоқ хўжалигида рўй берадиган инқироз бўлиб, циклик характерга эга бўлмайди, саноат циклига қараганда анча узоқ давр давом этади.

ИЖТИМОИЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ.

Ишлаб чиқаришнинг ҳаракати бир текис ва узлуксиз эмас. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонуннинг ўзгартириб бўлмас таъсири остида ишлаб чиқариш ҳаракатида ўзилиш пайдо бўлади, бу ўзилиш иқтисодда номутаносибликларни, айниқса, кескин ва вайрон этувчи шаклда давом этиб туради. Ана шу ҳолатга иқтисодий инқироз дейилади.

Иқтисодий инқирозларни келтириб чиқарадиган бир қатор сабаблар мавжуд, жумладан табиий омиллар, яъни ишлаб чиқариш учун, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун табиий омиллар катта ўрин тутди. Об-ҳаво шароитларининг қулай келиши ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратади, кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Афсуски вақти-вақти билан бўлиб турадиган ноқулай табиий шароитлар, айниқса об-ҳавонинг ишлаб чиқариш учун ноқулай келишлиги, сув танқислиги, турли хил офатлар (кучли шамол, сув тошқинлари, ҳавонинг ҳаддан ташқари иссиқ ёки совуқ келишлиги) ишлаб чиқариш жараёнига кескин таъсир кўрсатади, маҳсулот ишлаб чиқаришни камайиб кетишига олиб келади. Иқтисодий инқирозларнинг бу сабаблари, айниқса илгариги пайтларда, фан-техника тараққиётининг секин ривожланиш даврларида кучли таъсир кўрсатган, ҳозир ҳам бу омил билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Иқтисодий инқирозларга, инсонларнинг табиатга нотўғри муносабатда бўлишлари ҳам кучли таъсир кўрсатади, айниқса маҳсулотни кўпайтириш мақсадида курук ерларни ўзлаштирилиши, табиатдаги номутаносибликларни келтириб чиқаради, сув захираларини кескин камайиши, ҳайвонот дунёсига уларни камайиб кетишига олиб келади, маҳсулотни кўп олиш мақсадида ерларга кўплаб захарли химикатларнинг ишлатилиши ерларни ишдан чиқишига, ерни касалланишига, шурланишига сабаб бўлади.

Буларни ҳаммасини собиқ СССР даврида олиб борилган сиёсатда яққол кўриш мумкин, айниқса Ўзбекистонда пахта етиштиришни кучайтириш мақсадида Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларида ўзлаштирилиши туфайли чўлларга сув чиқарилди, кўплаб захарли химикатлар ишлатилди, натижада ерлар касалланди, ҳайвонот дунёсига катта зарар етказилди, носоғлом экологик ҳолат вужудга келди, орол муаммоси пайдо бўлди. Эндиликда бу муаммоларни ҳал қилиш инсонлардан катта куч-ғайрат, маблағ талаб қилади. Албатта бундан ўғитларни ишлатмаслик, зараркунандаларга қарши курашмаслик керак деган хулоса келиб чиқмайди. Бунинг ривожланган мамлакатлардаги илғор технологияларни қўллаш, атроф-муҳитни тозалигини сақлайдиган усуллардан фойдаланиш табиатга кўр-кўрона, саводсизларча муомала қилинмаслиги зарур. Табиат қонунларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни юргизиш ижобий натижалар бериши муқаррар. Собиқ СССР давридаги нотўғри сиёсат туфайли ишлаб чиқаришга катта зарар етказилди. Бунинг оқибатларини тугатиш ҳозирги даврнинг муҳим вазифасидир.

Иқтисодий инқирозларнинг муҳим сабабларидан бири турли хилдаги революциялар ва урушлардир. Жумладан 1917 йилдаги октябр тўнтарилиши СССРда ишлаб чиқариш кучларини ривожланишига, ишлаб чиқаришни ривожланишига кучли салбий таъсир кўрсатади. Чунки, нотўғри мавкурага асосланган бу ўзгариш жамият тараққиётига эмас балки уни ривожланишига тўсиқ бўлди, бунинг асосий сабаби хусусий мулкчиликнинг тугатилиши, ижтимоий мулкчиликка асосланган тузумнинг ўрнатилишидир. Мулкни ёппасига умумлаштирилиши, давлат мулкчилигининг яқка ҳукмронлиги ишлаб чиқариш кучларини

тезлик билан ривожлантириш имконини бермади, аксинча унинг ривожланишига тўсиқ ҳам бўлди. Бу ҳақда мулкый муносабатлар мавзусида атрофлича гапирилган эди. Демак, давлат мулкчилигига асосланган ўта марказлаштирилган бошқариш системаси, унга асосланган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам охир оқибатда совет иқтисодини инқирозга олиб келди. Буни мустақил давлатлар иқтисодидаги қийинчиликларда яққол кўриш мумкин. Буни оқибатларини тугатиш мақсадида бозор иқтисодиёти йўли танлаб олинди, унинг устунликларидан фойдаланиб, инқирозлардан чиқиш йўли танланди.

Кўпгина мамлакатларда иқтисодий инқирозларнинг асосий сабаби, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида юзага келадиган номутаносибликдир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш шароитида бу зиддиятлар вақти-вақти билан такрорланиб туради. Аҳолининг оладиган даромадлари билан ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасида номувофиқлик вужудга келади. Аҳоли даромадлари камайган шароитда, уларнинг тўловга қодир имкониятлари пасайса, кўплаб ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ўз вақтида сотилмаслиги ишлаб чиқаришни такрор ишлаб чиқаришга, тезлик билан ривожланиш имконини бермайди. Натижада ишлаб чиқаришнинг қисқариши, товарларни ўз вақтида сотилмаслиги ривожланиш (ўсиш) суръатларини пасайишига, баъзан олдинги йилларга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиб кетишига олиб келади.

Собиқ СССРни ўрнида ташкил топган мустақил давлатларда юз берган иқтисодий инқирозларнинг асл сабабини ҳам шулардан қидириш лозим. Мустақил давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ўзилиб қолишлиги, корхоналарни бир маромда ишлашига катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган кўпгина корхоналарнинг хом ашё ва бошқа асбоб ускуналарнинг етишмаслиги туфайли, уларни келтиришнинг ҳаддан ташқари қиммат бўлишлиги, етарли маблағларнинг бўлмаслиги (сотиб олишга қурби етишмаслиги) туфайли кўплаб корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатишга ёки камайитишга мажбур бўлдилар. Буларнинг натижасида маҳсулотлар миқдорининг кескин камайишига, қимматлашиб кетишига олиб келди. Корхоналарнинг ёпилиши, иш жошларини қисқаришига, одамларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлди.

Ишсизликни кўпайиши ҳам аҳоли даромадларини пасайишига олиб келди. Натижада, ишлаб чиқаришни қисқариши, истеъмол имкониятларини пасайиб кетиши иқтисодий инқирозларга сабаб бўлди.

Баъзи-бир давлатларда, жумладан Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда ишлаб чиқариш икки мартагача қисқариб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга ҳам катта таъсир кўрсатди, ишлаб чиқариш қисқарди, кишилар турмуш даражаси пасайди, кўплаб ишсизларни вужудга келишига сабабчи бўлди. Ўзбекистонда олиб борилган доно сиёсатгина, кўрилган чора-тадбирларгина, ишлаб чиқаришни кескин камайиб кетишига йўл қўймайди, аҳолининг турмуш даражаси ҳам кескин пасайишига йўл қўйилмади. Баъзи бир маълумотларда шуни кўрсатадимики Ўзбекистонда ишлаб чиқариш 1994 йилда 1990 йилга нисбатан 83 % ни ташкил этди.

Иқтисодий инқирозлардан чиқиш, иқтисодиётда барқарорликни таъминлаш муҳимдир. Чунки иқтисодий инқирозлар иқтисодий ўсишни таъминламайди, халқнинг турмуш даражасига катта таъсир кўрсатади, аҳоли даромадлари пасайиб кетади. Ишсизлик ошади, иқтисодни бир меъёردа ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий инқирозлардан чиқиш учун давлат томонидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилади. Иқтисодий инқирозлардан чиқишнинг моддий асоси, йўли ишлаб чиқаришни жонлантириш, унинг биртекис ривожланишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга кўплаб капитал маблағларни ташлаш йўли билан амалга оширилади. Касал организмни тузатиш учун муолажа (укол қилиш) қилиш бўлса, касал иқтисодиётнинг уқоли капитал маблағ ташлашдир. Ишлаб чиқаришга кўплаб капитал маблағларни ташлаш, янги корхоналар қуруш, ишлаб турган корхоналарни қайта реконструкция қилиш, яъни ишлатилаётган асбоб-ускуналарни янгилаш, илғор фан ютуқларини, технологияни жорий қилишдир. Ишлаб чиқаришга янгиликларни киритилиши маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиради, маҳсулотларни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш, бозорда рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Бунда авваламбор асосий капитални янгилаш муҳимдир.


Албатта иқтисодий қийинчиликлар даврида даромадларни асосий қисми истеъмолга ишлатилади, жамғариш имкониятлари кам бўлади. Ана шундай шароитда ички имкониятлар билан бирга иқтисодиётга чет эл капиталини кириб келишига кенг имкониятлар яратиш муҳимдир. Чет эл капитални ёрдамида корхоналар қуриш, у мамлакатлардаги фан-техника ютуқлари, илғор технологияни мамлакатга кириб келишига имкон туғилади. Ўзбекистон ҳам иқтисодиётдаги қийинчиликларни бартараф этиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида чет капиталини республикага келтириш сиёсатига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида республикага ҳар йили ўрта ҳисобда бир миллиард АҚШ долларига тенг капитал кириб келди. 1999 йилда 1 млрд.324 млн. доллар капитал кириб келди.

ИҚТИСОДИЙ ЦИКЛНИНГ ФАЗАЛАРИ. ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ МОДДИЙ АСОСИ.

Иқтисодий цикл ҳозирги назарияларга кўра тўрт фазадан иборат:

1. Ўсиш чўққиси;
2. Пасайиши;
3. Турғунлик (депрессия)
4. Жонланиш.

Шу фазалар кетма-кет ўрин алмашиб туриши натижасида тўлқинсимон ҳаракат юз беради. Тўлқиннинг келиб қайтиши, кўтарилиши, тушиши каби ҳаракат иқтисодиётда юз беради, лекин бу иқтисоднинг илгарилаб боришига хос. Тўлқинсимон ҳаракатни АҚШ иқтисодчилари қўйидагича тасвир этишади.



Расмдан кўринадики, юқорилашиб борадиган тўғри чизик иқтисодий ўсишни билдиради. Аммо шу ўсиш жараёнида иқтисодиётнинг кўтарилиб пасайиб яна кўтарилиб-пасайиб туришидан иборат ҳаракат юз беради бу ҳаракат маълум даврда такрорланади.

Расмда тўлқинсимон ҳаракатни уч бор такрорланганлигини кўрамиз, чунки иқтисодиёт уч марта ўз чўққисига чиққан.

Иқтисодиётнинг бир фаза ҳаракати ўз хусусиятига эга. Ўсиш чўққисидан иборат фаза ишлаб чиқаришнинг юксалишидан далолат беради. Бу фазада иқтисодий фаоллик кучаяди, бунини Ғарбда «бум» деб аташади. Ишлаб чиқариш суратлари ошади, тўла иш билан банд бўлиш пайдо бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишсизлайди, маҳсулот кўп яратилсада сотилиб кетади аммо инвестиция фаолияти бўлмайди. Шундан сўнг ишлаб чиқариш пасая боради ва қуйи нуқтага тушади, ишсизлик орта боради, ишлаб чиқариш қувватлари бўшаб қолади, товарлар

ҳам туриб қолиб бозор касодлашади. Мана шундай тушқинликни иқтисодий кризис ҳам деб аташади. Шундан сўнг депрессия (турғунлик) фазаси келади. Бу фазада иқтисодиёт на пасаймай на ўсмай бир ҳолатда қалқиб туради.

Ишсизлик ҳам бир меёردа туради, нархлар ўзгармайди аммо инвестицион фаоллик бошланади. Инвестиция кўпайиб ишлаб чиқариш янгиланади, инвестиция касал иқтисодиётни даволаш учун берилган инъекция (укол) муолажа вазифасини ўтайди. Ишлаб чиқариш техникаси янгиланади, янги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бошланади. Бунинг натижасида иқтисодиётда жонланиш бошланади, у секин аста юқорига кўтарила бошлайди, талаб ўсади, нарх ошади, иш билан банд бўлиш ортади, ишлаб чиқариш қувватлари табора тўла ишлай бошлайди, натижада ишлаб чиқаришни яна чўққига чиқиб олади. Шундай ҳаракат қайта-қайта юз беради ва ходисалар занжири бу циклли ривожланишини билдиради. Иқтисодий ўсишнинг циклли ривожланиши орқали бориш унинг муаммолари мавжудлигидан далолат беради. Иқтисодий ўсиш муаммоларини ҳал этиш ижтимоий тараққиётга йўл очади.

ТАРКИБИЙ ИНҚИРОЗЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ СИЛЖИШЛАР.

Иқтисодиётда юз берадиган циклли инқирозлардан ташқари структура (таркибий) инқирозлари ҳам хос бўлиб, бу инқирозларни ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши ўртасидаги чуқур номуносибликлар келтириб чиқаради. Структура (таркибий) инқирозлар одатда узоққа чўзилар, ҳамда битта такрор ишлаб чиқариш доирасига сиғмайди.

Ишлаб чиқаришнинг тузилиши инқироzi шундай тармоқларни ларзага келтирдиким, бу тармоқлар маҳсулотига бўлган талаб, бутун иқтисодга нисбатан сустроқ ўсаётган, баъзан эса мутлақо қисқариб бораётган тармоқлардир. Мазкур инқирозлар асосий капиталнинг нисбатан ортиқча жамғарилишини ва шу боисдан унинг қадрсизланишини намоён этиб, бир томондан муайян турмоқдан капиталнинг оқиб чиқиб кетишига сабаб бўлади, бошқа томондан ишлаб чиқарувчиларни

ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш йўллари излашга, техника янгиликларини жорий этишга ва бу билан янги техник асосда капитални янгилашга мажбур этади. Бу хилдаги инқирозлар ҳозирги вақтда, масалан қора ва рангли металлургия тармоқларида юз бермоқда. Натижада бу тармоқлар янги конструкцион материалларнинг рақобатига ҳамда ресурс тежовчи, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияларга ўтилиши натижасида ўз маҳсулотларига бўлган талабни қисқаришига сабаб бўлдилар.

70 йилларда бутун дунёни қамраб олган энергетика ва хом ашё инқирозлари нисбий кам ишлаб чиқаришнинг структура инқирозига мисолдир. Уларнинг юзага келиши, бир томондан 50-60 йилларда жаҳон тараққиётининг чуқур номутаносиблиги билан боғлиқдир. Бу даврда йирик монополиялар кам тараққий этган мамлакатларни нефт ва хом-ашёсини паст нархлар билан сотишга мажбур қилдилар, бу эса мазкур товарларнинг нисбатан етишмаслигига олиб келди. Монополияларнинг танҳо ҳукмронлигини чеклаш учун ўз табиий ресурсларини устидан суверенитетни ўрнатиш учун кураш ёш давлатларга хом ашёни кўпроқ одил бўлган нархларга, ҳамда экспортдан олинадиган даромадларни кўпайтиришга эришиш имконини берди. Аммо бу имкониятлар тўла-тўқис амалга оширилмади. Монополиялар 80 йилларда асосий товарларни, хом-ашёларни ўрнини босувчи арзон материалларни қўлланиш ва ресурслардан фойдаланишнинг тежамли технологияларга ўтиш натижасида нефт нархларини ва бутун хом ашё товарлари нархларини пасайтиришга эришадилар. Нархларни пасайиши тенденцияси ҳозирча сақланиб қолган.

Структура инқирозлари ўзича олганда циклли хусусиятга эга эмас. Бироқ улар циклли инқирозлар билан (1974-1975 йилларда, 1980-1982 йилларда) қўшилиб кетиб, иқтисоднинг инқирозли ларзага келтириш кўламини ва чўзилиш муддатларини кескин равишда ошириб юборади. Шу туфайли давлатлар инқироз ҳолатларига лоқайд муносабатда бўлмайдилар, салбий тенденцияларни бартараф этиш учун, давлат томонидан иқтисодни тартибга солишнинг янги йўллари ва усулларини излашни давом эттирадилар ва самарали усулларида фойдаланадилар. Булар кескин структура муаммоларини ҳал

этишнинг йирик миллий дастурларини ишлаб чиқиш, давлатлараро иқтисодий интеграция жараёнларини уйғунлаштириш каби тадбирларни ўз ичига олади. Кўпроқ фан-техника тараққиётидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ.

Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш-барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шарти.

Иқтисодий ислохатларнинг иккинчи босқичида — иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларга асос солишдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу республика учун стратегик аҳамиятга эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истикболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишнинг ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Бизга издан чиққан, хом ашё етиштиришга қаратилган, чуқур ҳудудий номутоносибликларга ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлаштирилган иқтисодиёт нақадар оғир аҳволда мерос қолганлигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли илгариги чалкашликлардан узил-кесил халос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни қайта қуришимиз шарт.

Хом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъиян бартараф этиш, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш «умумиттифоқ миқёсида ихтисослаштириш» шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қуйилган номутоносибликни тугатиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш вазифаси қўйилаётир.

Бу мақсадга эришмоқ учун иқтисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибини

экспорт ва импорт таркибини қайта талаб қилинади. Шунингдек, биринчи навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини жиддий тарзда тартибга солиш зарур бўлади. Натижада биз ишлаб чиқариш манфаатларига ҳам, аҳоли манфаатларига ҳам мос келадиган иқтисодиётни қайта тиклаш структурасида энг мақбул мутаносибликка эришмоғимиз зарур.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар қўйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир: биринчидан, мамлакатлардан хом ашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

Иккинчидан, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига халқ хўжалигининг талабларини қондириш;

Учинчидан, иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Тўртинчидан, иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, ғоят бой маъданий хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом анёсини чуқурроқ мукамалроқ ташкил этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бутлик даражасини ва рақобатбардошлигини ошириш;

Бешинчидан, республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларда тўлов бланкасининг ижобий бўлишига эришиш, олтин, валюта захирасини мустаҳкамлаш;

Олтинчидан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг технологияларга, халқнинг тарихий анъана ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

Еттинчидан, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида структуравий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши – қишлоқ хўжалигида ва умуман агросаноат комплексида чуқур прогрессив силжишларга эришишдир. Бу силжишлар озиқ-оақат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Қайта ишловчи тармоқларни техника билан тубдан қайта қуроолантириш, уларни замонавий техника технология билан тубдан қайта қуроолантириш, уларни замонавий техника технология билан таъминлаш сифатли ва рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг тўла-тўқис, тугал технология занжирларини барпо этиш ғоят муҳим стратегик вазифадир.

Инфраструктура комплекси – иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдеворидир.

Республика бутун халқ хўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир.

Республика истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш – таркибий ўзгаришларнинг устивор вазифасидир.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларда турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, уларни газлаштириш ва сув таъминотини, айниқса, қишлоқ жойларда яхшилаш вазифасини ҳал этишга буйсундирилиши лозим. Иқтисодиёт таркибини қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш – ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қуришнинг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига

бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин.

Мақсадга эришишнинг истиқболли йўлларида бири – чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишдир.

Биз ўз мамлакатимизда ва ўзимиз учун зарур жамғармаларни тўплаб олганимиздан кейин ва жамғармалар етакчи, аввало, узоқ тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлайди.

Ижтимоий ислохотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири – ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг бақувват механизминини вужудга келтиришдан иборатдир.

Бу яқин вақтлар ичидаёқ қишлоқ хўжалик ва маъданий хом ашё ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланишда туб ўрилишларга эришиш учун шароит яратади. Саноатни ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлари, коммуникациялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг умуман ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш билан қўшилиб иқтисодиётнинг мутаносиб ишлаши аҳолининг иш билан бемалол таъминланишига эришиш халқ фаровонлигини ошириш учун зарур шароитлар яратади. Шу сабабли энг асосий вазифа – ўтиш даври давомида бутун халқ хўжалиги структурасининг чуқур қайта қуришдан иборатдир. Шундай бир структурани вужудга келтириш зарарки, бу структура барча ресурсларимизни ҳисобга олиб Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконининг берсин.

18-мавзу: МОЛИЯ ТИЗИМИ ВА МОЛИЯВИЙ СИЁСАТ.

Р е ж а.

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари.
2. Давлат бюджети, унинг миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги роли.
3. Молиявий инқироз ва унинг сабаблари.
4. Солиқлар, уларнинг вазифалари ва турлари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон-1995.

31. Баженова В.С., Иохин В.Я. Экономическая теория. Микроэкономика – 1, 2. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 934 с.
32. Кудина М.В. Основы экономики. – М.: ФОРУМ: ИНФА-М, 2006. – 352 с.
33. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
34. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
35. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Молия – пул фондларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалардир.

Давлат бюджети – давлат харажатлари ва уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режа си.

Бюджет тақчиллиги – бюджет харажатларининг даромадлари қисмидан ортиқча бўлиши натижасида вужудга келган фарқ.

Давлат қарзлари – бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида давлат томонидан жалб қилинган молиявий ресурслар.

Солиқлар – жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.

Солиқ ставкаси – солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг боғлиқлигининг тасвирланиши.

Лоффер эгри чизиғи – давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.

МОЛИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Молия муносабатлари товар-пул муносабатлари билан бевосита боғлиқдир. Демак, ижтимоий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган ва давлат томонидан ўз вазифаларини амалга ошириш фойдаланиладиган пул маблағларининг мажмуидир. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти асосини товар-пул муносабатлари

ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш қаерда ва қайси турда бўлишидан қатъий назар молия системасини юзага келтириб чиқаради. Чунки ҳар қандай турдаги ишлаб чиқарилган моддий ноз-неъмат тури ва ҳар хил хизматлар ёрдамида келтириб у тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мумкин. Чунки бу тақсимланиш натижасида турли мақсадларга мўлжалланган пул ресурслари ҳосил қилади. У ресурслар ёрдамида алмашув сотилади ва истеъмол жараёнига ўтилади. Талаб ва истеъмол хилма-хил бўлганлиги учун ишлаб чиқарувчилар томонидан пул маблағи зарур товарларни, ресурсларни қайта ишлаб чиқариш учун сарфланади ва тақсимланади.

Давлат молия тизими яратувчигина эмас, балки унинг актив иштирокчиси, ташкилотчиси ва назоратчисидир. Бу маҳсулот қийматининг тақсимланишидир. Моддий бойлик ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган пул молиявий фойдаларга бўлиниб ва улар шу талабни амалга ошириш учун сарфланади.

Бу жараёнда молиявий ресурсларни ишлатувчи бўлиб ундан фойдаланувчи субъект ҳисобланади. Бу субъект молия ресурслари сарфланиши йўллари иш сифати. Уларни нормативлари асосида амалга оширилиши устидан давлат олдида жавоб берадилар.

Молия ресурсларидан фойдаланиш молия ресурсларини, функцияларини ҳам аниқлайди. Бунга қўйидаги функциялар киради:

1. Тақсимланиш функцияси. Молия воситасига жамиятда яратилган, яъни миллий даромад субъектлар ўртасида тақсимланиб, пул фондларига айлантирилади. Бу фондлар тақсимланиш харажатига қараб бирламчи, иккиламчи, учламчи ва бошқа турдаги қайтадан тақсимланиш ва бир объектдан иккинчи объектга ўтиши мумкин. Объектда ҳужжатлар ҳамда фойданинг қайта тақсимланиши соҳасидаги ишларга ўзгаришлар киритилади.

2. Рағбатлантириш функцияси. Бу функцияни асосий вазифаси субъектлар томонидан объектлар иш фаолиятини кўтаришга интилишни ташкил этади. Рағбатлантиришда, молиядан пул оғратишларини, бепул ўқитиш, даволаш, ногиронларга ва кўп болали оилаларга нафақа бериш ва бошқа

турдаги тадбирларни ишлаб чиқаришни бирданига ривожланишига ижобий таъсир этмайди. Аммо рағбатлантиришнинг қўйидаги турлари, солиқ тизимларини тартибга солиш молия тизимида ишлатиладиган солиқлар, тўловлар, субсидиялар ва субвинцияларни таъсири катта. Солиқлар корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кетадиган инвестицияни кўпайтиради, ишловчиларга кўпроқ мукофотлар беради ва уларни яхши ишлашга ундайди. Бош пулини камайтириш орқали экспорт рағбатлантирилади, импорт қисқартирилади. Керак бўлганда зарарини қоплаш учун субсидия бериш корхонани молиявий соғломлаштириш воситаси бўлади.

3. Социал ҳимоя қилиш функцияси. Жамият аъзолари ўзларининг меҳнат қобилиятлари, меҳнатига оладиган иш ҳақи миқдори, реал даромад маҳсулотлари ва бошқа омиллар таъсири остида ҳар хил қатламини ташкил этади. Булар ичида ногирон қатламларни давлат маблағи ҳисобига ҳимоя қилиш зарурлиги мавжуддир. Бу тУҒрисида охирги тўрт йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жуда кўп қарор ва қонунлар қабул қилди.

4. Иқтисодий ахборот бериш функцияси. Ҳар бир корхона ўз фаолияти асосида объектга ойлик, квартал, ярим йиллик ҳисоботини бериши мумкин. Бундан ташқари шу жараёндаги ютуқлар камчиликлар баён қилиниб турилади. Маҳаллий, марказий матбуот ва радиотелевиденияларга бу ютуқ ва камчиликларни ўз вақтида алмаштириш ёки тарқатиш имкониятини беради.

5. Аудиторлик хизмати. Корхоналар вақти-вақти билан тегишли органларга ўз иқтисодий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборот бериш ташкил этишдир. Бу ахборотлар ёрдамида хўжаликни бир меъёрга ҳаракат этишни таъминлайди.

Молия ўз функцияларини аниқ молиявий воситалар орқали бажаради. Харажатлар, тўловлар, бож ҳаққи, суғурта ҳаққи, субсидия доғация ва компенсация каби бир қатор иқтисодий категориялар амал қилади. Булар пул ресурслари қандай сарфланаётганлигида катализаторлик ёки ревизорлик ролини ўйнайди.

Молия ресурслари макроресурсларга ва микроресурсларга бўлинади. Микроресурслар марказлашмаган ресурсларни ташкил этиб, улар асосан корхоналар, туманлар, компаниялар, концернлар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш шакллари орасида ҳаракат этаётган маблағлардан иборат.

Микроресурслар – бу умумдават миқёсида, лекин давлат бюджетининг ҳисобидан ташқарида ҳаракат этилаётган маблағлардан ташкил топган.

Ресурслар ҳар хил бўлиши сабабли иқтисодий фаолиятни молиялаштириш уч усул билан амалга ошади.

а) Иқтисодий субъектлар ўзларини ўзлари молия билан таъминлайдилар;

б) Агарда маблағ етмаса, давлат банкидан қарз олиш ҳисобига иш юритилади;

с) Давлат бюджети ҳисобидан корхонага пул маблағи ажратиб бериш ва уларни қайтариб олмаслик йўли билан корхонанинг фаолиятини тиклайди.

Барқарор иқтисодий тараққиёт учун моддий маблағларнинг эркин ҳаракат қилишни таъминлаш лозим. Бунинг учун пул эмиссияси қилинади. Бу пулни эгаси давлатдир.

Қоғоз пул давлат пулининг вакили сифатида ҳаракат этиб, унинг жаҳон бозоридаги қиймати, мамлакатдаги роли, пул айланиш тезлиги, пулларни сақланиш усуллари (банкда ёки қўлда) бир қатор қонуниятлар асосида амалга ошади. Пул қонуниятларининг асоси қиймат қонунидир.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичида пул айланишини тартибга солиш энг асосий вазифалардан биридир.

Молия тизими ва унинг ресурслари. Молия тизими таркибида юқорида қайд қилингандек, жуда кўп молия бўғини ва унсурлари билан ҳаракат этиб, улар доимо бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳолда, ягона бир тизим сифатида, бозор иқтисодиётининг таркибий қисмини ташкил этади. Жамиятдаги молия муносабатларнинг мажмуаси молия тизими деб юргизилади.

Бу молия тизими ўз ҳаракатида иккига, микромолия ва макромолия шаклида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётида микромолия бирламчи ролни ўйнайди. У икки йўналишда ҳаракат этади:

1. Ички молиявий алоқалар ва бунинг натижасида ҳосил бўлган пул ресурслари жамоа доирасида тақсимланади ва фойдаланилади.

2. Макромолия эса ташқи молиявий алоқаларни ташкил этади. Бунда пул маблағи хусусиятидаги муносабатлар маҳаллий ҳокимият, марказий давлат ҳокимияти, аниқроғи уларнинг молиявий идоралари билан юз беради.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ, УНИНГ МИЛЛИЙ ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШДАГИ РОЛИ.

Умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади. Давлат бюджети, бу умумжамиyat миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурсларни англатади. У даромад ва харажат қиймларидан иборат бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъий назар, ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этадилар, уларнинг иштироки солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Бюджетнинг харажатлари усусдавлат молия фондини ташкил этган тушумларнинг тақсимланиб, маълум мақсад йўлида ишлатилишидир.

Бюджет харажатлари ишлатилишига қараб, тўрт хил бўлади:

а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кетадиган сарфлар, хусусан, инвестиция сарфлари;

б) социал-маданий сарфлар, яъни давлатга қарашли социал-маданий хизмат соҳаларини, чунончи соғлиқни сақлаш, социал таъминлаш, маориф ва маданиятни пул маблағлари билан таъминлаб туриш сарфлари;

в) давлат бошқариш харажатлари ёки ҳар хил тоифадаги давлат идоралари харажатлари;

г) мамлакатни мудофаа қилиш йки ҳарбий харажатлар. Бюджет даромадлари унинг харажатларини қоплаши шарт.

Агар бюджет даромадлари харажатларни қоплай олмай, камомад ҳосил бўлса, бюджет тақчиллиги юзага келади. Аммо ҳар қандай тақчилликни хатарли деб бўлмайди. Агар тақчиллик ҳажми яратилган миллий маҳсулот қийматининг 2-5 %га тенг

бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади. Даромад ва харажатни мувофиқлаштириш орқали тақчиллик бартараф этилади, даромад кўпайтирилади ёки харажат камайтирилади. Аммо асосий йўл – бу иқтисодиётни ўстириш орқали бюджет даромадларини оширган ҳолда камомадни нормал ҳолга келтиришдан иборат.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ, УНИНГ САБАБЛАРИ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида умумиқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, шу жумладан давлат бюджети барқарорлигини мумкин бўлган даражада ушлаб туриш вазифасини ҳам ўз ичига олади.

Шунга мувофиқ молия сиёсати Республика давлат бюджетидаги тақчилликни йўл қўйилган энг кам даража доирасида ушлаб туришга қаратилади. Ҳозирги даврда ҳам молия сиёсатининг асосий вазифаси бюджет тақчиллигини чеклаш ҳисобига иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Бунга эришиш учун Республика иқтисодиётида зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериши ва иқтисодий ўсишга эришиши энг асосий мақсад деб қараб келинди. Шу сабабли кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тамойиллари ижобий характер касб этиб бутунлай барҳам топди. Республикада ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг олдинги йилларига нисбатан пасайиши 1992 йил 11,1 %, 1993 йил 2,4 %, 1994 йил 3,5 %, 1995 йилда 4%ни ташкил қилди ва 1996 йил 1,6%, 1998 йили 4,9% ўсишга эришилди.

Молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунда солиқ тизими ўзига хос вазифаларни – хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси, давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат, халқ хужалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММ бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу орқали

иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишдан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир.

Бу вазифаларни реал бажариши учун амалдаги солиқ тизимини анчагина ислоҳ қилиш талаб қилинади.

Солиқ тизимни ислоҳ қилишга асос қилиб олинган асосий тамойил – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришдир. Бу уларнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш техника билан қайта қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдиришга сарфлаш имкониятини беради. Бу эса оқибат натижасида ишлаб чиқаришнинг юксалишига олиб келади.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда даромад солиғидан, фойдадан ундирилган солиққа ўтиш кўзда тутиладики, бу ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини беради. Фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган умумий миқдори кўпайиши билан бирга, айтилиши вақтда меҳнаткашлар иш ҳақини кўпайтириш имкониятини ҳам яратади. Натижада фаол меҳнатни рағбатлантирувчи иқтисодий муҳит яратилади. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга эришишда қўшилган қийматдан олиннадиган солиқ ставкасини камайтиришга ҳам ўтибор қаратилади.

Республикада солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг родини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун ер, ер ости бойликлари, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқ ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Бунда давлат

бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилади.

Давлат бюджети мутаносиблигини кучайтириш мақсадида, солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда корхоналарни молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меъёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

СОЛИҚЛАР, УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Давлат молияси. Давлат бир қатор социал иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажариши учун унинг ихтиёрида пул маблағлари бўлиши шарт ва унга давлат молияси орқали эришилади. Давлат молияси орқали миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир қисмини давлат унга қарашли корхона ташкилотларнинг пул фондига айлантириб уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш мамлакатни идора этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлардир.

Давлат молияси таркибан давлат бюджети, бюджетдан ташқари уюштирилган пул фондлари, давлат кредити ва давлат корхоналари молиясидан иборат. Бу ерда макро ва микро молия муносабатлари чатишиб кетади. Агар давлатга тегишли корхона молияси амалда микро молия бўлса, айтилган бошқа унсурлар макро молияни ташкил этади.

Давлат молияси даромадлар ва харажатларнинг яхшилигидан иборат. Давлат даромадлари бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта таимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир. У бевосита давлат ихтиёридаги ва давлат корхоналари кулидаги даромаддан иборат бўлади.

Давлат даромадлари ички ва ташқи манбалардан тушади, аммо асосийси ички манбадир. Ички манбанинг уч шакли мавжуд: солиқлар, заёмлар ва эмитация.

Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир. Солиқ бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситасини бажаради.

Солиқлар учхил функцияни бажаради: фескал, яъни давлат бюджетига муҳим равишда пул тушиб туриши; хўжалик фаолиятини рағбатлантириш; аҳоли тоифаларини социал ҳимоя қилиш.

Солиқлар молия таркибида кичик бир чизикни ташкил этади. Солиқ бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги, аниқроғи солиқ ундирувчи ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатдир. Амалда бу субъектлар солиқ инспекцияси, корхона, фирма, компания, ташкилот, айрим фуқаролардан иборат. Уларнинг алоқаси даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш хусусида юз беради. Солиқ субъекти солиқ солинадиган даромад мол-мулки ёки иқтисодий фаолият бўлади. Унга фойда, эксперт суммаси, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ер, иморат, транспорт воситалари кабилар киради. Ундирилган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми солиқ нормаси деб юритилади. Солиқ нормаси даромад суммаси, мол-мулк қиймати ёки унинг моддий миқдорига қараб белгиланади. Масалан, даромад солиғи унинг маълум улушига тенг бўлади (5%,10%,15%) ва ҳоказо. Солиқ номаси олдиндан қатъий, яъни ўзгармас миқдорда ёки прогрессив яъни солиқ объекти миқдорига қараб ортиб бориш шаклларида белгиланади.

Молия солиқ имтиёзини ҳам ўз ичига олади унга солиқдан озод этиш, солиқ миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш кабилар киради.

Солиқ имтиёзлари унинг тағбатлантириш функциясини кучайтиришга қаратилади. Солиқ тўлаш хўжалик субъекти билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқанинг асосий шакли, даромаднинг хўжалик субъекти билан давлат ўртасида тақсимлаш воситаси ҳисобланади. Солиқлар молия ресурслари миқдорига таъсир этади. Агар давлатнинг молия ресурсларини оширишга зарурат бўлса, солиқлар кўпайтирилади ва аксинча корхона ташкилотларнинг фаоллигини ошириш керак бўлса, солиқ имтиёзлари берилади. Шу сабабдан солиқларнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ўзгариб туради. Солиқлар хилма-хил бўлади. Масалан, Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш шароитига қўйидаги асосий солиқлар киритилганб қўйилган қийматдан олинадиган солиқ, акция солиғи, экспорт ва импорт солиғи, Республика ҳудудидан олиб чиқиладиган хом ашё

ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ, жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақидан олинадиган солиқ, корхонанинг мол-мулкига солинадиган солиқ, аҳолидан олинадиган даромад солиғи, ер солиғи ва ҳоказо.

Давлат заёмлари давлатнинг аҳоли корхона ва фирма корхоналардан қарз олиш ҳисобига ўз молия ресурсларини ҳосил этиш воситасидир. Давлат харажати даромаддан ошиб кетган шароитда камомат заём билан тўлдирилади. Давлат марказий ва маҳаллий заёмлар чиқариб, уларни сотади ва заём ҳисобидан процент, яъни қарз ҳақи тўлашни зиммасига олади. Заёмлар муддати келгач, давлат уни қайта сотиб олади ёки янги заёмларга алмаштиришда эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредит уюштиришдир. Шу сабабли пул ва кредит эмиссияси мавжуд бўлади.

Давлат солиқлари ва заёмлар ҳисобидан ўз харажатларини қоплай оладиган шароитда эмиссияга қул уради. Заёмларни сотиб туриш қулай усул, аммо заёмлар ўтмай қолиб молиявий аҳвол тенглашиши мумкин, шунда эмиссия нажот йўли деб қаралади, аммо у инфляцияни чуқурлаштирувчи омил ҳисобланади.

Юқорида айтилган уч турдаги тушимлардан ташқари давлат сотиб олган акциядан келган дивиденд давлат пулини банкка қўйишдан тушган фоиз, давлат мол-мулкини сотишдан келган пул кабилари ҳам молия ресурсларига киради.

Даромадлар давлат харажатларини қоплаш манбаи ҳисобланади. Давлатнинг харажатларини давлат ихтиёридаги молия ресурсларининг давлат фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш учун сарфланишини билдиради.

Давлат ўз вазифларини бажариш учун харажатлар қилиши зарур. Булар таркибида давлатнинг инвестиция учун ажратган, социал вазифаларини бажаришга қаратилган, давлатни бошқариб туриш, мудофаа учун кетадиган харажатлар асосий ўринда туради. Умумдавлат харажатлари аниқ мақсадларга қаратилган ва режалаштирилади, сўнгра улар сарфланиб кетади.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқлар тўғрисида”ги қонуни 1997 йил 14 июнда қабул қилинди.

Унда солиқ тизими ҳар қандай давлатга бюджетнинг кириш қисмини тўлдирувчи бош манбаи бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари солиқ маблағларининг бир ерга тўплаш жараёнида иқтисодий қизиқтириш ҳимоя қилиш вазифаларини ҳам бажарилиши таъкидланади.

19-мавзу: ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ. БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ.

Р е ж а

1. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қинуниятлари.
2. Инфляция, унинг сабаблари ва турлари, ундан чиқиш йўллари.
3. Кредитнинг моҳияти ва турлари.
4. Банклар ва Ўзбекистонда банк тизими. Бозор иқтисодиётида банкларни роли.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон-1995.

36.Иохин В.Я. Экономическая теория. – М.: Экономистъ, 2005. – 356 с.

37.Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005. – 421 с.

38.Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.

39.Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

40.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с. **АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.**

Пул муомаласи – товарлар айланишига ҳамда нотовар характеридаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракати.

Пул тизими – тарихдан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташкил қилиш шакли.

Инфляция – қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.

Кредит – бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўпланган ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.

Фоиз нормаси (ставкаси) – фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.

Банклар – кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус муассасалар.

Банк операциялари – маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.

Банк фойдаси (маржа) – олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарқ.

Банк фойда нормаси – банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.

ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ.

Пул муомаласи – бу товарлар айланишига ҳамда нотовар характердаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар, унга тенглаштирилган активларнинг ҳаракатидир. Нақд

пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси уларни қўшиш йўли билан амалга оширилади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қўйидагиларга боғлиқ:

1. Муайян даврда, айтилик бир йил давомида сотилиши лозим бўлган товарлар суммасига. Товарлар кўп бўлса ва нархи баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул бирлиги талаб қилинади.

2. Пул бирлигининг айланиш тезлиги. Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланиш қилади. Бу кўп омилларга, жумладан улар хизмат қилаётган товарлар турига боғлиқ.

3. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пулдан тўлов воситаси вазифасидан фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, зарур пул миқдори шунга мувофиқ миқдорда камаяди. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пулга эҳтиёжни кўпайтиради.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда, муомала учун зарур бўлган пул миқдори қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Пм = \frac{Тб - Хк - Хт}{Ат}$$

Бунда: Пм – муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул бирлиги миқдори;

Тб – сотилиши лозим бўлган товарлар нархи суммаси;

Хк – ҳақи сотиш давридан бошқа вақтда тўланадиган товарлар нархи суммаси;

Хт – ҳақини тўлаш муддати келган товарлар нархини суммаси;

Ат – пулни айланиш тезлиги.

Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар нархи суммасидан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши, пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

ИНФЛЯЦИЯ, УНИНГ САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА УНДАН ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ.

Соғлом бозор иқтисодиёти пулга талаб ва пулга таклиф мувозанатда бўлишини билдиради. Аммо мувозанат бузилиб ҳам туради, бу пул миқдори таъсир этувчи омилларнинг издан чиқиш натижасидир. Биз юқорида кўрганимиздек, ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пулнинг айланиш тезлиги ва ниҳоят, нарх ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ишлаб чиқариш ўсмаган ҳолда пул миқдори ўсса, бунга жавобан нарх ошади. Агар ишлаб чиқариш ўсиб, пул кўпаймаса, нарх пасаяди. Ишлаб чиқариш кўпайиб нарх ошган ҳолда пул тез айланса, пул миқдори қисқаради. Қеракли пул миқдори фақат нархга қараб эмас, балки иқтисодиёт аҳволига ва пул тезлигига қараб белгиланади. Иқтисодий юксалиш юз берганда пул куп бўлса, унинг товар билан таъминланиши ортади, пул қадри тушмайди. Аммо, кўп тез айланиб борса, унинг бир қисми ортиқча бўлиб қолади. Ғарб иқтисодчиларининг ҳисобига кўра 1854-1982 йилларда дунёда 30 та иқтисодий цикл табраниш бўлиб, унинг доирасида 18 марта ишлаб чиқаришнинг қисқариши, 33 марта юксалиши юз берди. Шу даврларда ишлаб чиқариш кенгайиб, қисқариб турди ва шунга қараб пул миқдори ўзгарди.

Нархнинг пул миқдори таъсири қисқа даврда сезилмайди, узок даврда намоён бўлади. Агар пул миқдори иқтисодий ўсишга монанд равишда кўпайса, у қадрсизланмайди.

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул обороти ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради. Инфляция – муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пул қадр қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланишидир.

Инфляция нарх-наво индексининг ортишида, аниқроғи қимматчиликда, ифода этилади. Инфляция унинг ҳар ойлик ёки ҳар йиллик суръатлари билан ўлчанади. Бунинг учун нарх-наво индекси белгиланади, яъни маълум йилдаги нархлар 100 деб қабул қилинади ва кейинги йилдаги нархларнинг ўзгариши шунга нисбатан ўлчанади. Масалан, 1990 йилги нархларни 100 деб олсак, 1991 йили у 134 га, 1992 йил 167 га, 1993 йил 198 га тенг бўлади. Шунга қараб инфляция даражаси (ИД) ёки суръати аниқланади:

$$\text{ИД} = \frac{198-134 \times 100}{198} = 32,2 \%$$

Инфляциянинг сабаби нима? Сабаби иқтисодиётда, аниқроғи ишлаб чиқаришнинг ўзида. Шунинг учун инфляцияни иқтисодий танглик билан бир вақтда юз бериши бежиз эмас. Ишлаб чиқариш сустлашиб бозор талабидан орқада қолади, ишлаб чиқариш ҳамма ресурслардан фойдалансада товар таклифларини пулни туйдира олмайди.

Товарлар ва хизматларнинг жами талабдан орқада қолиши нархни ошириб пул бирлиги қадрини тушуради. Бу одатда ортиқча талаб чакирган инфляция деб юритилади.

Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқ экан уни сунъий равишда кўпайтириш, яъни экспанцио пул сиёсатини юргизиш пул қадри тушиб кетишига асосий сабаб бўлади. Бу ишга давлат катта ҳисса қўшади. Давлат ўз харажатларини даромадлари билан қоплай олмайдиган шароитда бюджетда тақчиллик (дефицит) ҳосил бўлади. Буни давлат ортиқча эмиссия, яъни пул чиқариш ҳисобидан қоплайди. Пул кўпайиб, талаб ошади, натижасида инфляция келиб чиқади. МДХ мамлакатларидаги инфляцияга давлатнинг ортиқча пул эмиссияси катта ҳисса қўшди. Масалан, пул эмиссияси Россияда 1993 йил ой сайин кўйидагича ўсди (фоиз-ҳисобида): феврал – 156,4; март – 75,2 ; апрел – 262,5 ; июн – 160,1.

Товарларга талаб ортиқча бўлмасада, умумий нарх даражаси ўсиб, инфляция юз бера олади. Бунда таклиф инфляцияси пайдо бўлади. Унинг сабаби ўртача ишлаб чиқариш харажатларининг

яъни маҳсулот бирлигига кетган харажатларнинг ортишидир. Харажатлар ошганда муайян нархда товар сотиш фойдани қискартиради, чунки улар тескари пропорционал ўзгаради.

Инфляция асосан уч хил бўлади:

1. Ўрмаловчи, эвида бўладиган инфляция. Бунда нарх-наво секин, ўрмалаган ҳолда орта бошлайди, иқтисодий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик катта бўлмайди, инфляция суръатлари 2-3 % атрофида бўлади.

2. Сузиб юрувчи инфляция. Бунда нарх-наво тезроқ ўса бошлайди, иқтисодий ўсиш суръатлари сусаяди, ишсизлик кўпая боради. Инфляция йилига 8-12 % атрофида бўлади.

3. Югурувчи инфляция ёки гиперинфляция. Бу ҳаддан ташқари инфляция, нарх навоининг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

Гиперинфляциянинг яна бир белгиси корхоналар ҳам қадрли пул валюта йиға бошлайди. Қадрсизланган пулни валюта муомаладан сиқиб чиқара бошлайди. Гиперинфляция даврида нарх навоини мутлақо тартибга солиб бўлмайди. Нархлар ойига 40-50 % атрофида ўсади. Беқарорлик туфайли пул, ишлаб чиқаришга қўйилмасдан қимматбаҳо буюмга айирбошланади, пулга ишонч йўқлигидан молия-кредит издан чиқади. Хуллас гиперинфляция иқтисодий ҳалокатдир.

Инфляциянинг енгил турлари иқтисодий ўсиш шароитида юз берса, оғир турлари иқтисодий турғунлик ёки танглик шароитида содир бўлади. Инфляциянинг иқтисодий танглик билан биргаликда юз бериши стагфляция деб аталади. Шиддатли инфляция чоғида қуадрсизланган жамғармани оз бўлсада қоплаш учун у индексацияланади, яъни унинг суммаси оширилади. 1991 йилда Ўзбекистон банкидаги аҳоли жамғармалари 40 % миқдорда оширилди.

Инфляция аҳолининг турли қатламларига таъсир этади. Қатъий белгиланган даромад олувчилар нафақа, пенсия, стипендия, ижара ҳақи, хайрия пули эгаларининг, шунингдек, давлат бюджети молиялаштирувчи ташкилотларда маош олувчиларга тегадиган пулга нисбатан нарх-наво тез ўсади. Агар уларнинг даромади нарх ўсишига қараб тўла индексациялаштирилмаса, уларнинг турмуш даражаси пасайиб

кетади. Аини пайтда ишлаб пул топувчилар турмуши пасаймасдан, ҳатто ўсиши мумкин. Айниқса бу бизнесменларга хос. Янги талабгир товарлар чиқарувчи корхоналар ҳам ютқазмайди. Инфляция шароитида пул жамғармалари қадрсизланади, пулга тенглаштирилган қоғозлар суғурта полислари, акциялар, облигациялар, чеклар, сертификатлар реал қиймати ҳам пасаяди. Банкга жойлаштирилган пул ва қимматли қоғозлар фойда келтириши мумкин, лекин буни инфляция ютиб юборади. Пул қадрсизланганда давлат қарзи ҳам қадрсизланади.

Инфляция оқибатларини альтернатив тарзда «ютиш ёки ютқазиниш» деб бўлмайди. Кишиларнинг моддий аҳволи икки ёқлама. Шу боисдан инфляция оқибати жиддий, ундан аини бир вақтда ҳам ютқазиниш, ҳам ютиш мумкин. Инфляциядан фарқлироқ дефляция нарх-наво пасайишини, пул қадрини ортишини билдиради. Шу сабабли инфляциядан ютқазганлар дефляциядан ютиб чиқади.

Инфляция иқтисодга путур етказгандан уни тугатиш ёки юмшатиш учун антиинфляция сиёсати олиб боради. Бу сиёсат икки йўналишдан боради:

1. Ишлаб чиқаришни жонлантириши. Товарлаш ва хизматлар кўп яратилса, ортиқча пулларни ташналиги қондирилиб нарх-наво, бинобарин, пул қадри барқарорлашади. Шу сабабдан ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чоралари кўрилади. Ишлаб чиқаришга солинган фойда солиқдан озод қилинади, ишлаб чиқаришга арзон кредит берилади, янги ишга кўл ўрган корхоналарга давлат бюджетидан субсидия ажратилади. Фирмалардан олинадиган даромад солиқлари камайтирилади, экспорт ва импорт бўйича имтиёзлар берилади.

2. Пул массасини ортишини чеклаш ёки тўхтатиб қолиш, пулга талабни қисқартириш. Шу мақсадда пул даромадлари (иш хақи, нафақа, пенсия, ҳайрия тўловлари) назорат қилиниб, уларнинг ўсиши чекланади ёки тўхтатилади. Ортиқча пулни товар бозоридан чиқариб, қайтариб қўйиш учун депозитлар (қўйилган пуллар) учун банк тўлайдиган процент оширилади. Пул банкда жамланиб, товарларга талабни қисқартириб туради, уни ишлаб чиқаришга юбориш имкони пайдо бўлади. Масалан, АҚШда 80 йиллар бошида банклар йилига депозитлар учун 15-18 % тўлайдиган бўлдилар. Бу бозордаги пулларнинг кўп қисмини

депозитга айлантди. Муҳими дунёдаги пуллар АҚШ банкларига оқиб келди, улар ишлаб чиқаришга киритилиб иқтисодий жонланиш юз берди. Пул оқимини қисқартириш учун бюджет тақчиллиги ва унга пул эмиссияси жиддий чекланади ёки тўхтатилади. Буни тақчилликсиз молиялаштириш дейилади. Жиддинфляция тадбирлари пулни даволаш йўли соғлом пул – соғлом иқтисодиёт демакдир. Пул кадр-қийматининг барқарорлашуви уни топишга интилишни кучайтиради, бу эса иқтисодий ўсишни юзага келтиради.

КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ.

Кредит бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маълум муддатга ҳақ тўлаш ва қайтариб бериш шарти билан қарзга бериш жараёнини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил қилади. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, пул эгаси, яъни қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида юзага келади.

Турли хил корхоналар (фирма)лар, ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади. Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг мавжуд бўлишини тақазо қилади.

Шу билан бирга доиравий айланиш жараёнида муқаррар суръатда вақтинча бўш турадиган пул маблағлари ва бошқа пул ресурслари кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қўйидагилардан иборат:

- корхоналарнинг банкдаги ҳисобларидаги амортизация ажратмалари;
- маҳсулот сотишдан тушган пул маблағлари;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари;
- корхоналар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобларида сақланади;
- банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари;
- аҳолининг бўш пул маблағлари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча бўш пул ресурслари ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида қўшимча пул маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Аввало кредит қайта тақсимлаш вазивасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари, ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва хоказо) юзага чиқариб, уларни хўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пуллар (банкнот ва ҳисоб тўловларини) ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала харажатини тежаш вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, кредитнинг муҳим вазифаси капитал тўпланиши ва марказлашиши жадаллаштириш ҳисобланади. Кредит алоҳида корхоналарнинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши, янги фирмаларнинг вужудга келиши ва трансмиллий компаниялар (ТМК) ташкил топишнинг муҳим омилларидан бири сифатида чиқади.

Бешинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Олтинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Нихоят, кредитнинг ўзига хос вазифаси иқтисодиётнинг тартибга солиш ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади. Кредит бир қанча турларда амалга оширилади.

Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки шакли пул ва натура шаклидан фойдаланиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички обороти пул кредитидан кўпроқ фойдаланилиб келинган, у банк, тижорат, давлат, истеъмолчилик ва хўжаликлараро ва халқаро кредит шакллари олади.

Банк кредити – кредитнинг асосий ва етакчи шакли сифатида чиқади у пул эгалари – банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги) пул ссудалари шаклида берилади. Банк кредити йўналиши, муддати ва кредит битимлари суммаси бўйича чекланмайди. Унинг фойдаланиш соҳаси ҳам жуда кенг, товар муомаласидан тортиб капитал жамғаришгача хизмат қилади.

Хўжаликлараро кредит бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилади ва уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилади.

Тижорат кредити – бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити, аввало, тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

Истеъмолчилик кредити – хусусий шахсларга, ҳаммадан аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмолчилик товарлари (мебель, автомобиль, телевизор ва бошқалар) сотиб олиш учун маълум муддатга берилади. У чакана савдо магазинлари орқали товарларни ҳақини кечиктириб тўлаш билан сотиш шаклида ёки истеъмолчилик мақсадларида банк ссудалари бериш шаклида амалга оширилади. Истеъмолчилик кредитидан фойдаланганлик учун анча юқори фоиз ундирилади.

Ипотека кредити – кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. Бундай ссудалар бериш воситаси банклар ва корхоналар томонидан чиқариладиган ипотека облигациялари ҳисобланади.

Давлат кредити – кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади. Давлат кредити маблағлари манбаи бўлиб, давлат қарз облигациялари хизмат қилади. Давлат кредитининг бундай шаклида, аввало давлат бюджети камомадини қоплаш учун фойдаланилади.

Халқаро кредит – ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намойиш қилади. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

Кредит бериш бир қатор принципларга асосланади. Булар қўйидагилар: ссуда беришнинг мақсадли характери, кредитнинг расмийлаштирилган муддатда қайтаришлиги, ссуданинг моддий таъминланганлиги ва тўловлиги.

Қарзга берилган ссуданинг албатта қайтариб берилиши, ундан фойдаланилганлиги учун олинган фойдадан ссуда фоизини тўлаш зарурати корхоналарни хўжалик юритишнинг энг самарали усуллари излаб топишга ундайди.

Қарзга берилган пул ҳисобига олинадиган даромад фоиз ёки фоизли даромад дейилади. Шу даромад (фоиз)нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши фоиз ставкаси ёки фоиз нормасини ташкил қилади.

$$r = \frac{r}{\text{кссуда}} \times 100.$$

бу ерда, r - фоиз нормаси,

r – фоиз суммаси,

кссуда – қарзга берилган пул (капитал суммаси).

Агар 100 минг сўм йилига 20 минг ссуда фоизи тўлаш шарти билан қарзга берилган бўлса, ссуда фоизи нормаси 20 % ни ташкил қилади.

БАНКЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ТИЗИМИ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ.

Банклар кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредитнинг ҳар хил шакллари ўз ичига олиб, кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади.

Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб, ўз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларнинг тармоқ отган шаҳобчаларини олади. «Марказий банк бошчилигида ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш устувор йўналишлардан ҳисобланади».¹

Давлат банки мамлакат пул-кредит тизимининг марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади.

Давлат банки (1), марказий банк (2), банкирлар банки (3) ва ижтимоий банк ҳисобланади. Бунинг мазмуни шундан иборатки, биринчидан, кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб, у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади.

Иккинчидан, марказий банк банклар ва жамғарма муассасаларидан қўйидагиларни қабул қиилб, уларга кредит беради. Хусусан шу сабабга кўра марказий банк «банклар банки» дейилади.

Учинчидан, марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди, давлатнинг бутун иқтисодиёт ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади.

Марказий банк кўплаб хилма-хил вазифаларни бажаради:

¹ Каримов И..А. – Ўзбекистон – буюк келажак сари. Т. 1999. 120-бет.

Биринчидан, бошқа банк муассасаларининг мажбурий эҳтиёжларини сақлайди. Бу эҳтиёжлар пул таклифини бошқариш учун хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин – валюта эҳтиёжларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

Иккинчидан, чекларни қайд (инкасация) қилиш механизминини таъминлайди ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга оширади, уларга кредитлар беради.

Учинчидан, давлатнинг монетор сиёсатини амалга оширади.

Тўртинчидан, барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назорат қилади.

Бешинчидан, халқаро валюта бозорларида миллий валюталарни айирбошлайди.

Олтинчидан, пул таклифи устидан назорат қилиш маъсулиятини олади, муомалага миллий валютани чиқаради.

Иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муомаласини тартибга солади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банклар ва корхоналар тенг ҳуқуқли шериклар сифатида чиқади. Кредит беришда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни ривожлан-тиришнинг янги сифат даражасига эришишни таъминлайдиган тадбирларга устунлик берилади.

Банклар ўз тасарруфидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги учун моддий жиҳатдан маъсул ҳисобланади ва шу сабабали кредит-пул операциялари кўпроқ уларнинг иқтисодий фойдалилигига ва самарадорлигига қараб белгиланади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеига кўра акционерлик типигаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқеига кўра, фаолиятнинг бирор-бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Тижорат банклар саноат-савдо ва бошқа хил корхоналарнинг омонат тарзида жалб этилган пул маблағлари ҳисобидан кредитлайди, корхоналар ўртасида ҳисоб-китобни амалга оширади, шунингдек воситачилик ва валюта операциялари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни»да айтилишича, тижорат банклари ва акцияли пай асосида ташкил топган хусусий банклар бўладилар,

улар «Кредит ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар». Тижорат банклар фаолиятининг асосий мақсади фойда чиқариб олишни кўзда тутди. Тижорат банклари даромадининг манбаи мижозларнинг банк хизмати учун тўлови ва активлардан – заём, кредит, қимматли қоғозлардан олинadиган фоиз ҳисобланади.

Ихтисослашган тижорат банклар – иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади. Жумладан, бизнинг республикада саноат қурилиш банки, саноат, транспорт, алоқа ва моддий техника таъминоти соҳаларида, замин, ғалла, пахта банклар – агросаноат комплекси тармоқлари ва соҳаларида.

Тадбиркор банки майда ва ўрта бизнес, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида кредит-пул операцияларини амалга оширади.

Халқ банки мамлакатда омонат ишларини ташкил этишни, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ва аҳоли учун касса вазифасини амалга оширишни, аҳолига шахсий эҳтиёжларга кредит беришни ва шу каби операцияларни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки экспорт, импорт операцияларини бевосита амалга оширувчи корхона ва муассасаларга кредит беради, қўшма корхоналарга кредит беришда қатнашади, йиғма валюта режасининг ижросини, валюта ресурсларидан тежаб фойдаланишини назорат қилади, шунингдек ташқи иқтисодий операцияларга оид ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва амалга оширади.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашиши бўйича инвестицион ва ипотека банкларининг ажратиб кўрсатиш лозим.

Инвестицион банклар – махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятлари турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капитални жалб қилади ва уларни мижозларга тақдим қилади.

Инвестицион компаниялар, ўзларининг қимматли қоғозларини чиқариш йўли билан ҳуқуқий инвесторлар пул ресурсларини тўплайди ва уларни корхоналар акция ва облигацияларига жойлаштиради. Бундай компаниялар тўлиқ

инвесторлар манфаатларини ифодалайди ва уларнинг асосий мақсади қўйилган капитал ҳисобига фойда олиш ҳисобланади.

Ипотека банклар – бу кўчмас мулк (ер ва иншоот) ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалар. Ипотека банкининг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

Барча тижорат банклари эҳтиёт (резерв) ларининг ҳажми ва таркиби бўйича марказий банк томонидан ўрнатиладиган маълум талабларга жавоб бериши зарур.

Бугунги кунда республика ҳудудида мулкчиликнинг турли шаклидаги 30 дан ортиқ тижорат ихтисослашган банклар ва уларнинг 3,7 мингдан кўпроқ филиаллари фаолият қилиб турибди. Шулардан учтаси (ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, халқ банки ва «АСАКА» банк) давлат тасарруфидаги банк ҳисобланади. Улардан 22 та банк (73 %) акционерлик жамияти, 8 таси (27 %) масъулияти чекланган жамият шаклидадир. Шундан иккитаси қўшма банк («Ўт – банк» ва «Хусусийлаштириш банк») мавқеига эга.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг ривожланиши дастлаб иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларига хизмат қиладиган ихтисослашган банклар ташкил этилишида бошланган бўлса, кейинчалик (1995 йилда) ихтисослашган кредит-молия муассасаларини ташкил этишга киришди. Шу асосда «Бизнес фонд», «Мадад» суғурта ва инвестиция компаниялари каби ихтисослашган молия-кредит муассасалари ташкил этилди.

20-мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РОЛИ.

Режа.

1. Бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг моҳияти ва зарурлиги.
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади.
3. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий усуллари.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаш-тириш йўлида. Т. 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т. 2000.
41. Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 432 с.
42. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Фан ва технология». 2005. – 186 б. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. – Т.: «Молия». 2002. – 174 б.
43. Борисов Е.Ф. Экономическая теория: 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 230 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

1. Давлат томонидан бозорнинг бошқарилиши – ишлаб чиқариш ривожига таъсир кўрсатиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий, молиявий илмий-техникавий ва бошқа воситалар ёрдамида бозорни қарор топтиришда давлатнинг аралашувидир.
2. Давлат қарзи – давлатнинг аҳолидан, банк, корхона, ташкилот ва чет мамлакатлардан олган қарзи.

3. Давлат сектори – Миллий иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб давлат (хукумат) томонидан тўлиқ назорат қилиниши.
4. Давлат буюртмаси – давлат томонидан корхона ва хўжаликлар муайян маҳсулот турини тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш, илмий тадқот ишларини бажариш бўйича бериладиган топшириқ.
5. Ижтимоий ҳимоялаш – аҳолининг кам даромадли, ногирон ва қариялар ёки ишсиз қолган қисмини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш туриш.
6. Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимоотидаги тенгсизликни иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ.

Мустақилликка эришиб, бозор иқтисодиёти асосида ривожланиш мамлакат иқтисодиётини иқтисодий ҳаётдаги мавжуд бўлган ҳамма муаммоларни тўғрилигича ечиб ҳал қилади деб ўйлаш нотўғридир.

Бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос муаммо ва камчиликлари мавжуд. Шунинг учун давлат бозор иқтисодиёти ҳал қила олмайдиган, унга даҳли бўлмаган, аммо мамлакатда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишда асосий рол ўйнаши керак. Давлатнинг бутун қонунчилиги, унинг иқтисодий ва социал сиёсати, қуввати, имконияти бозор механизмлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, мавжуд муаммоларни ечиш, бозорни тартибга солиш, уни оқилона бошқариш. Шу асосида халқ турмуш даражасини кўтариш кўп жиҳатдан давлатга боғлиқдир.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви ва уни тартибга солишдаги роли асосан қуйидагилардан келиб чиқади ва зарурият ҳисобланади:

1. Жамиятнинг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа, экология, иқтисодий, гинетик кабилар давлат томонидан маблағ билан таъминланади, давлат бошқаради.

2. Моддий бойликлар ва даромадларнинг қайта тақсимланиш йўли билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.
3. Давлат сектори орқали иқтисодиётга таъсир этиш.
4. Вақти-вақти билан иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатишга қаратилган ислохатлар ўтказиш.
5. Иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва тартибга солиш.

Айтганимиздек, бозор иқтисоди тизимида ишлашни истаганларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг тўла таъминланишини кутиб бўлмайди. Давлатнинг бу муаммони ҳал қилишга аралашиши, ишсизликни пасайтириш чораларини кўриши талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти механизм, инфляция, умумий иқтисодий фаолият пасайиши кабиларга курашиш қобилиятига эга эмас. Бозор ўз ички резервлари билан буларни олдини ололмайди. Бундай шароитда ҳам давлат ташаббуси ва аралашуви зарур ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганлардан шу нарса келиб чиқадики жамиятдаги мувозанатни таъминлаш учун бозор иқтисодиёти тартибга солишга муҳтож ва давлат ўз фаолияти билан бозор фаолиятини тўлдириб боради. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибалари яққол мисол бўла олади. Соф бозор иқтисоди деярли йўқ, у аллақачон аралаш иқтисодиётга айланган.

Бозор иқтисодиётида бозорнинг эркин ҳаракати билан давлатнинг иқтисодий фаолият ўртасидаги мувозанат боғланиши қонуний ҳисобланади вабу ижоий натижаларга олиб келиши тажрибада синалган. Бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш давридан давлатнинг иқтисодий фаолияти ва тартибга солиш вазифасининг бажарилиши бир-биридан фарқ қилади. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлат фаолиятианча мураккаблашади, бунга турли мулкчилик формаларини яратиш, давлат мулкчини хусусийлаштириш, рақобатли муҳитни яратиш, кучли инфляциянинг олдини олиш, тадбиркорликни жонлантириш, халқ ҳўжалиги тузилишини (структурасини) бозорга мослаб ўзгартириш, ижтимоий муаммолар ечимини топиш кабилар мисол бўла олади. Давлат шунинг учун давлатки, у доимо мамлакат иқтисодий-ижтимоий фаолиятидан бохабар бўлиб, ҳамма соҳалардан хабардор бўлиб туриши лозим.

ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МАҚСАДИ.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибланиши ва бошқарилишнинг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш ва шу асосда тушкунлик ва тангликни олдини олиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш, шунингдек аҳолининг турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмини самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимини сақлашни ўз зиммасига олади. Бунда давлат қўйидаги механизмлардан фойдаланади:

- иқтисодий субъектларнинг фаолият қоидаларини белгилашдан;
- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилишдан;
- иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳс зиддиятларни ҳал қилишда кумаклашиш чора тадбирларини кўради.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш механизмида жамиятда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу мақсадда давлат даромадларини қайта тақсимлашни амалга оширади. Ундан ташқари жамиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам иқтисодни тартиблашнинг муҳим механизми ҳисобланади. Бу механизм ёрдамида иқтисодиётда руй берадиган циклик ўсиш салбий оқибатларини енгиб ўтишга кўмаклашади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда қўйидагилар муҳим аҳамият касб этади.

Давлат ўз мулкига таянган ҳолда бошқа мулк субъектлари сингари тадбиркорлик билан шуғулланиш, ҳеч қачон монопольликка эга бўлмаслиги лозим.

Демак, давлат мамлакат ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмига эга сифатида бевосита ишлабчиқариш жараёнини ташкил қилади, режалаштиради ва уни назорат қилади. Ушбу фаолият орқали бошқа секторларнинг ривожланишига кўмаклашади, чунки у янги техника – технолгия, фан-техника инқилобини амалга ошириш имкониятига эга, шу орқали мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланиши учун имконият яратишга хизмат қилади. Бунга имкон берадиган асосий тармоқлар, яъни ер ости бойликлари. Ресурслари – олтин, нефть, газ, кўмир, рангли металлар, стратегия хом ашёлари, энергетика, темир йўл, автомобил йўллари унинг қўлида, улар умумий мақсад йўлида ишга солиниши лозим. Ушбу давлат корхоналари ва улар тармоқларидаги ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни паст даражадаги ёки ишлаб чиқариш харажатларига яқин бўлган (таннархга) баҳоларда сотиш лозим, бу билан аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари давлат хусусий, жамоа, ширкат, фермер ва бошқа тоифадаги корхоналардан товарлар сотиб олиши (бундай ҳолат хусусан айрим товарлар маҳсулотларга талаб паст бўлиб, нархлар пасайган пайтларда катта аҳамият касб этади), нархлар стабиллашиб, ушбу товарларга талаб ўсиб бориши жараёнида, бозорларда нарх бирдан ошиб кетмаслиги учун ушбу сотиб олинган товарларни ва маҳсулотларни сотишга чиқаради, бу эса нархларнинг ҳаддан ошиб кетишига имкон бермайди, аҳолини зарар кўриши олдини олишга имкон яратади.

Давлатнинг бундай тадбири иқтисодиётни тетиклантиради деб таъкидлаган эди инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс.

ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ.

Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солишни ва бошқарилиши зарурлиги хусусида юқорида қисман тўхталиб ўтдик. Бу борада давлат турли усуллар ва механизмлардан оқилона фойдаланади, ундан кўзланган асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб ўз фуқаролари турмуш даражасини ошириш, социал ҳимоялаш ва пировард натижада халқ фаровнлигини оширишдан иборатдир.

Юқорида баён этилганлар асосида бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартиблашда икки усул қўлланилиши юзага чиқади:

1. Маъмурий усул.
2. Иқтисодий усул.

Иккала усул ҳам бир-бирини тўлдириши ва ягона механизм каби ҳаракат қилиши лозим, акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Бозорни тартибга солишда қўл келадиган бир қанча маъмурий усуллар мавжуддир. Улардан биринчиси бозорларда монополияга қарши қўлланиладиган усуллардир, бунда монополияларнинг иқтисодиётга келтирадиган зарарларини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган чоралар киради. Чунки, монопол мавқеликни олди олинмаса бозор хўжалигининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун тўғридан тўғри тартибга солиш маъмурий чоралар кўрилади. Баҳоларга аралашуш улар фаолиятини чеклаш рақобатли муҳит яратиш ва ҳоказо.

Иккинчиси – айрим фаолият, қарашлар ва бошқаларни умуман чеклаб қўйиш, кескин тартибга солиш чегаралаш қабилар. Табиат инъомларидан фойдаланиш экологик муҳит ва бошқалар.

Учинчиси – иқтисодиёт ваатроф муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида турли миллий стандартлар ишлаб чиқиш ва улар ижросини қаттиқ назорат қилиш.

Тўртинчиси – бевосита инсон ҳаёти билан боғланиб унинг минимал ҳаётий параметрларини таъминлаш, яъни уларни камбағаллик ва қашшоқлик даражасига тушмаслик чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бешинчиси – жаҳон хўжаликларида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, яъни экспорт лицензияси, давлат томонидан капитал экспорти ва импортини назорат қилиш (инвестиция сиёсати).

Олтинчиси – давлат сектори корхоналарига нисбатан маъмурий элементларни эътиборга олувчи мақсадли дастурларни амалга ошириш ва бошқалардан иборатдир. Айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, маъмурий усуллар қўлланиладиган иқтисодий муҳит жуда кенг, шунини таъкидлаш лозимки

иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги маъмурий усуллар, асосан қонунчилик асосида юзага чиқади, аммо яхши қонунлар қабул қилинсада улар амалга ошмаса, таъсир кучи суст бўлса, бозор иштирокчилари уни менсимаса, ижроси назорат қилинмаса, ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, қоғозда қолиб кетади. Қонун ўз ижроси билан қонундир. Масалан, бозоримиз тақчил бўлганлиги учун, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» борасидаги қонун яхши ишламаяпти, айрим ҳолларда уни бозор иштирокчилари унутиб қўймоқдалар. Бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг иккинчи усули иқтисодий усул деб ўтдик, бунда давлат иқтисодий механизмлардан фойдаланади, уларни ишга солади, иқтисодий механизмлар иқтисодиёт ҳаракатига ички куч сифатида таъсир этади, унинг таркибий қисмига айланиб кетади. Бу механизмларнинг энг муҳимлари солиқлар тизими, субсидия, бож ҳаққи, лицензия, иқтисодий имтиёзлар, давлат харажатлари ва бошқалардир. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда планлилик ҳам катта аҳамиятга эгадир. Умуман давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви, унинг тартибга солиш жараёни катта эҳтиёткорлик талаб қилиб, маъмурий ва иқтисодий усулларни қўллашда улар чегарасини билишлик катта аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлатнинг роли каттадир. Давлат иқтисодиётга фаол аралашиб бозор механизмнинг амал қилишига кўмаклашади, рақобатчилик муҳитини яратиб, аҳолини бозорнинг салбий оқибатларидан ҳимоялаш чора тадбирларини кўради. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқариб, тартибга солишдан асосий мақсад – бозор муносабатларини муайян маълум йўналишлар асосида ривожлантириб, иқтисодий танглик ва қийинчиликларнинг олдини олиш, ҳамда аҳоли турмуш даражасини пасайишига йўл қўймасликдан иборатдир. Бунга бозор муносабатлари асосида ривожланган илғор мамлакатлар эришган ютуқлар мисол бўла олади. Бозор иқтисодиёти эндигина ривожланаётган Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бошқариладиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохатлар муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Ушбу ўзгаришларда давлат муҳим

вазифаларни бажариб иқтисодиётни тартиблаш ва бошқариш томонларини таркиб топтирмакда. Шундан келиб чикиб И.А.Каримов «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохатчи бўлиши зарур». Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, ижтимоий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаш иқтисодиётда, ижтимоий соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил руёбга чиқариши керак деб таъдиклади. Бунда, илғор мамлакатлар эришган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, уларни республикамизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳаётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш, ғоялари мураккаб ва кенг қирралидир. Биз қўйида улардан энг асосийлари устида тўхтаймиз.

Ҳар қандай жамият «нима ишлаб чиқаради?, қандай ишлаб чиқарилади?, ким фойдаланади?, кимларга мўлжалланган?»- деган савол қўйиш ва унга жавоб топиш лозим бўлади. Ушбу саволларга жавоб беришга қараб иқтисодиёт тизимлари бири-биридан фарқ қилади. Шу саволларга қай тариқа жавоб топишга қараб уларни тартиблаш ва бошқариш механизмлари ҳам турлича бўлади.

Тоталитар, якка ҳокимликка асосланган иқтисодиёт асосан давлат маъмурий буйруқбозлик орқали бир марказдан туриб режали тартибга солинади ва бошқарилади. Аммо бундай бошқариш, тартибга солиш иқтисодий субъектлар эркинликларини, активлик ва ташаббускорликларни буғиб қўяди, чунки улар эркин фаолият кўрсата олмайдилар, янгиликка интилиш, изланиш каби ғояларни буғиб қўяди. Иқтисодиёт маълум тор доирада, ўз қобиғи остида ривожланади. Натижада, иқтисодиётда кутилган натижага эриша олмайди. Халққа тўқинлик фаровон турмуш таъминлай олмай таназзулга учрайди.

Эндиги вазифа бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан эсон-омон чиқиб олишдан иборатдир. Бунда иқтисодни тартиблаш катта аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо, нархлар иқтисодиётни тартиблашнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Баҳо бозор пасангиси бўлиб хизмат қилади. Чунки баҳонинг чекловчи

самараси мавжуддир, яъни бозор иқтисодиётида товарлар ва хизматлар нархларга биноан истеъмол қилинади ва қайта тақсимланади. Нархларнинг ўзгариб туриши ишлаб чиқарувчиларнинг ҳатти ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бунда товар ва хизматлар шакллари кўтарилади ёки пасаяди. Умуман ушбу фаолият билан шуғулланмай қўядилар, ҳам фойда берадиган тармоқлардан юқори фойда берадиган соҳага ўтиб туради. Бунга талаб ва таклиф қонуни ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай тебраниб туриш иқтисодиётга зиён етказади. Бунда давлат иқтисодиётининг тартибга солиш ва уни бошқаришга аралашиб туриши зарур ҳисобланади. Яъни давлат бозор иқтисодиёти механизми тула бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибланиши ва бошқарилишининг асосий мақсади иқтисодий мувозанатга эришиш ва шу асосда тушқунлик ва тангликни олдини олиш, миллий иқтисодиёт равнақи учун имкониятлар яратиш, шунингдек аҳолининг турли табақалари ўртасида ижтимоий мувозанатга эришишдан иборатдир.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бозор механизмини самарали ишлаши учун шарт шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда давлат рақобатни рағбатлантириш орқали бозор тизимини сақлашини ўз зиммасига олади. Бунда давлат қўйидаги механизмлардан фойдаланади.

- иқтисодий субъектларнинг фаолият қоидаларини белгилашдан;
- аҳолини бозор шароитлари, иқтисодиётнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлардан хабардор қилишдан;
- иқтисодиёт субъектлари ўртасидаги мунозара, баҳо, заруриятларни ҳал қилишда кўмаклашиш чора тадбирларини куради.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш механизмида жамиятда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш мақсадида аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ночор яшаётган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу мақсадда давлат даромадларини қайта тақсимлашни амалга оширади. Ундан ташқари жамиятда макро иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳам иқтисодни тартиблашнинг муҳим

механизми ҳисобланади. Бу механизм ёрдамида иқтисодиётда руй берадиган циклик ўсиш салбий оқибатларини енгиб ўтишга кўмаклашади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда қўйидагилар муҳим аҳамият касб этади. Давлат ўз мулкига таянган ҳолда бошқа мулк субъектлари сингари тадбиркорлик билан шуғулланиш, ҳеч қачон монопол мавқеига эга бўлмаслиги лозим.

Демак, давлат мамлакат ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмига эга сифатида бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилади, режалаштиради ва уни назорат қилади. Ушбу фаолият орқали бошқа секторларнинг ривожланишига кўмаклашади, чунки у янги техника-технология, фан-техника инқилобини амалга ошириш имкониятига эга, шу орқали мамлакат иқтисодиётини самарали ривожланиши учун имконият яратишга хизмат қилади.

Иқтисодни давлат томонидан тартиблаш ва бошқаришнинг энг муҳим шаклларида бири дастурлаш ва режалаштиришдир. Иқтисодиётни ривожланишини режалаштириш (истикболни аниқлаш) прогнозлаштириш қисқа муддатларга (1-2 йил), ўрта (5 йил) ва узоқ муддатга (20 йил)га мўлжалланиши мумкин. Бу режаларда иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати, бозор структурасининг ўзгариб бориши тенденциялари келгусида иқтисодий аҳвол қандай бўлиши, қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги башорат қилинади.

Ушбу прогнозлар бўйича дастурлар ишлаб чиқилади. Бу дастурларда иқтисодиёт ривожланишининг моддий ва социал мақсадлари кўрсатилади. Ушбу мақсадларни амалга ошириш бўйича капитал маблағлар ҳажми билан талаб ўртасидаги нисбатлар ўрганилади, импорт ва экспорт ҳисобга олинади, тармоқлараро баланслар тузилади, ҳар томонлама муҳокама этилиб тегишли хулосалар қилингандан кейин шу асосда иқтисодиёт ривожланишининг умумдавлат дастури асосида режалар қабул қилинади.

Бозор иқтисодиёти ва мулкчилик шакллари хилма-хиллиги шаротида дастур ва режалар давлат корхоналари учун директив (кўрсатма), хусусий сектор учун эса таклиф характерга эга бўлади.

Ушбу режаларни амалга оширишда ишбилармон соҳибкорларга уларни рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзлар, яъни солиқ тўлашда, кредит, субсидия (ёрдам, нархлар ўртасидаги фарқ)лар, хом-ашё, ёқилғи, асбоб-ускуналар олишда, товарларни экспорт қилишда имтиёзлар берилиши кузда тутилади.

Ўмуман иқтисодиётни давлат томонидан дастурлаш ва режалаштиришдан мақсад, бозор иқтисодиётида юз бериши мумкин бўлган турли номутаносибликлар ва ортиқча ишлаб чиқариш, инқирозларнинг олдини олишдан иборатдир.

Айтилганлардан ташқари давлат бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосларидан бири бўлган рақобат механизмининг тўлиқ ишлаши учун иқтисодий монополизмга қарши чора-тадбирларни амалга оширади. Бунда жаҳон амалиётида қабул қилинган қонунчиликда қуйидаги уч йўналишга асосий эътибор берилган:

1. Ҳар қандай йирик фирма, корпорация, корхона маълум маҳсулот турининг 40-50 фоизидан ортиғини ўз қулида тўпламаслиги зарурдир.
2. Улар қулидаги (жисмоний ва юридик шахслар) акцияларнинг тўпланишини чеклаб қўйилади.
3. Бозор баҳоларини талиб ва таклиф нисбатлари инобатга олмай, ўзаро келишиб белгилаш ва ушлаб туришга қаратилган келишувлар, бозорларни ўзаро тақсимлаб олишлар ман қилинади.

Бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун ва республикамызда айрим корхоналар монопол мавқеига эга бўлмаслиги учун 1992 йил «Монопол фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилинди, норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва унга биноан қўйидаги йўналишларда иш олиб борилмоқда:

- рақобатни ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шакллантиришга кумаклашиш.
- бозорда рақобат муҳитини яратишга ягона методик ёндашувни мувофиқлаштириб бориш.
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополистик фаолиятнинг товар ва молия бозорида устунлик мавқеини суистемол қилишнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик,

нопок рақобатга ва истеъмолчиларга манфаатни камситишга барҳам бериш чора тадбирларини кўриш.

- ишда ошкораликни таъминлаш, аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали улар фаолиятидан хабардор қилиб туриш.
- монополияга қарши курашиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишда чет эл тажрибаларини кенг таҳлил қилиш ва фойдаланиш.

Айтилганлардан ташқари давлат молия ва кредит муносабатларининг тартибга солиш орқали ҳам иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқаришни ҳам амалга оширади. Чунки давлат бюджети орқали миллий даромаднинг 50 % ортиғи қайта тақсимланади ва у халқ хўжалигининг етакчи соҳаларини, айниқса, миллий мустақилликни таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга, ижтимоий соҳаларни молиялашга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, миллий мудофаага ва бошқаришни молиялашга сарфланади. Давлат ўзининг бюджет сиёсати, молия сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солишни амалга оширади.

Даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва рақобатни кучайтиришда давлатнинг иқтисодий қуроли бўлиб хизмат қилади. Бунда жаҳон солиқ тизими андозасидан ҳам оқилона фойдаланиш кузда тутилади.

Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш борасидаги фаолиятининг ажралмас қисми баҳоларни тартибга солиш борасидаги сиёсатдир. Ушбу сиёсат орқали давлат баҳоларининг шаклланишини тартибга солади.

21-мавзу: АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТИ.

Р е ж а.

1. Аҳоли даромадларининг шаклланиши ва унинг таркиби.
2. Аҳоли турмуши даражаси ва унинг кўрсаткичлари.
3. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг сабаблари.
4. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар шароитида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. – Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон 1995 й.
2. Каримов И.А. – Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз; Вазирлар маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, ҳамда 2007

йилда иқтисодиётни эркин-лаштириш ва ислохатларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузаси. Газеталар 17.02.2007 йил.

44.Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.

45.Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.

46.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Аҳоли даромадлари – аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.

Номинал даромад – аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлар суммаси.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳолининг ҳаёт кечириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши ҳамда улар эҳтиёжларининг бу неъматлар билан қондирилиш даражасидир.

Лоренц эгри чизиги – даромадлар тенгсизлиги даражаси миқдорий аниқлашни характерлайди.

Ижтимоий тўловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирлар тизими.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимоотида тенгсизликни иқтисодиёт катнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИНГ ТАРКИБИ.

Аҳоли даромадлари дейилганда уларнинг маълум вақт оралиғида, одатда бир йилда олаган пул маблағлари ва моддий неъматлари (уй хўжалигида ишлаб чиқарилгани билан бирга) суммаси тушунилади.

Аҳоли истеъмол даражани тўғридан-тўғри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ бўладики, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад, нафақа, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз дивиденд, рента шаклида олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан олинadиган пул тушумларини ҳар хил хизматлар кўрсатишидан тушадиган даромадлар шу кабиларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади.

Даромадларнинг бозорли тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг барча омиллари эгалари даромадлари талаб ва таклифлар қонуни, ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг кейинги унумдорлиги асосида шаклланишини билдиради, шу нуқтаи назардан талаб унчалик катта бўлмаган малакасиз ишчи кучи эгаларининг кам ва аксинча талаб юқори бўлган малакали (профессинал) касб эгаларининг юқори даромад олиши тўғри бўлади. Демак, бозор механизми фаровонлик даражасига ҳеч қандай кафолат бермайди.

Шундай экан бозор иқтисодиётига йўл тутган мамлакатларда давлат томонидан амалга ошириладиган, кенг ижтимоий тадбирларни билдирувчи «ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги» ғояси алоҳида оммавийлик касб этади. Бунинг маъноси, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар реал ҳаётида даромадларнинг тақсимланиши нафақат бозор кучларининг эркин ҳаракати натижасида, балки даромадларнинг турли оқимларини уларни қайта тақсимлаш йўли билан давлатнинг тартибга солиши асосида амалга оширилади. Бошқача айтганда, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари тартибга солинади, яъни жамият қатламлари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ва улар ичидаги муносабатлар ушлаб турилади, жамият аъзоларининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш учун шароит таъминланади, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиши учун иқтисодий рағбатларни

шакллантиришда ижтимоий кафолатлар яратилади. Қисқаси, давлат аҳоли даромадларини шакллантириш сиёсати билан шуғулланади ва шу орқали маълум даражада ижтимоий адолат таъминланади.

Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, алоҳида шахслар ва маънавий имкониятларини: дам олиш, билим олиш, соғлиғини сақлаш, энг зарур эҳтиёжларини қондиришини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш ҳақи ҳажмидан ташқари чакана нарх динамикаси, истеъмолчилар бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутди.

Аҳоли даромадалари динамикаси ва даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – алоҳида шахслар томонидан маълум вақт оралиғида олинган пул миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва шахсий жамғармага фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, маълум вақт оралиғида, ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдorigа тенг.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) ишлаб чиқариш омилларига олинадиган даромад;
- б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;
- в) молия тизими орқали тушумлар; (банклар, омонат кассалар, суғурта муассасалари орқали ва ҳоказо).

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисмидан олинадиган даромадларнинг асосий қисмини иш ҳақи ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам, пул даромадлари умумий ҳажмини шаклланишида ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

Аҳоли пул даромадларининг шаклланишига, давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу

манбалар ҳисобига пенсия таъминоти вақтинча меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ушлаб туриш амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади.

Аҳолининг молия кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матбуот жамияти аъзоларига банк ссудалари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинадиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лоторея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш маблағлар; Хар хил турдаги компенсация тўловлар ва ҳ.к.

Юқорида таъкидланганидек, номинал даромад аҳоли ихтиёрида бўлган даромад ва мажбурий тўловлардан иборат бўлади. Аҳолининг мажбурий тўловлари молия тизими орқали, ҳар хил турдаги солиқ ва йиғмалар шаклида амалга оширилади. Давлат солиқ тўловлари ва йиғмаларини тўплаш орқали ўзини ижтимоий сиёсатини амалга оширади; кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатади.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ.

Аҳоли турмуш даражаси тушунчасини уларнинг ҳаёт учун зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши, ҳамда кишилар эҳтиёжининг бу неъматлар билан қондирилиши даражаси сифатида аниқлаш мумкин.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма хил эҳтиёжларини ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини илмий даражада (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микро даражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи

ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш, истеъмолчилик бюджет асосида амалга оширилади. Қатор истеъмолчилик бюджетлари мавжуд бўлади: ўртача оила учун, юқори даражада мўл-кўл бюджет, минимал моддий таъминланганликлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлар бюджети шулар жумласидандир. Реал бюджетлар, одатда рационал ҳисобланган бюджетлардан фарқ қилади. Масалан, собиқ СССРда 80 йилларнинг ўрталарида ўртача истеъмолчилик бюджети рационал бюджетнинг 50 фоизидан кўпроғини ташкил қилган, яъни рационал бюджетга эришиш учун оила аъзоларига тўғри келадиган ўртача даромадни икки баробар зарур бўлган.

Фаровонликнинг энг қуйи чегараси оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, ундан кейин аҳолини такрор ишлаб чиқариш таъминланмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимум ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади. Кун кечириш минимуми биологик минимумдан фарқ қилиб кўпроқ ўзгарувчан ва жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожига билан ўзгариб боради. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики қашшоқлик чегараси нарх ўсиши ҳисобига сезиларли даражада ортади ва истеъмолнинг кўпайганлигини акс эттирмайди. Масалан, оиланинг «қашшоқлик чегараси» 60-йил бошларида 3 минг доллар (йиллик даромад), 1987 йил 11611 долларни ташкил қилган. Аммо «истеъмолчилик ҳалтаси» тўплами 1965 йилдан бошлаб ўзгармаган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад ўртача синф деб аталадиган даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмолчилик ҳалтаси тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли (дача), замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларни ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнатлар киради. АҚШда ўртача Америкалик оиланинг шахсий даромади 80-йилнинг ўрталарида 32,7 минг доллар атрофида янгиланган. Маданий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, ўртача синф, тизими сиёсий барқарорлигини ҳамда ўсиб боровчи талаб воситасида иқтисодий ҳаракатнинг илгарилаб боришини таъминлаб иқтисодий ва сиёсий ҳаётда муҳим рол ўйнайди. Ғарб

давлатларида ўртача синф даромадлари нафақат меҳнати натижаси бўйича тақдирлашга, балки мулкка эгалик қилиш (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар ва бошқа) далили билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатлами мавжуд бўлишини тақазо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар (ва хизмат)лар, эришишга лаёқатли жуда оз қатлами киради. АҚШда аҳоли бу қисмнинг шахсий имконияти 8-10 млн. доллар баҳоланади. 80-йилларнинг ўрталарида улар АҚШ бутун аҳолисининг 0,25 фоизини ташкил қилган.

ДАРОМАДЛАР ТЕНГСИЗЛИГИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ.

Дунёдаги барча мамлакатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадлар даражаси билан бир-бири билан кескин фарқланади. Бу турли мамлакатлар аҳолисининг даромадлари даражаси ўртасида тенгсизлик мавжудлигини билдиради. Шу билан бирга алоҳида олинган мамлакатлар аҳолисининг турли қатлам ва гуруҳлари ўртача даромадларида ҳам фарқ мавжуд. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши даражаси (юқори ёки паст бўлиши) даромадлардаги фарқларни бартараф қилмайди. Ҳар қандай юқори ривожланган мамлакатларда ҳам даромадлар тенгсизлиги сақланиб қолади. Масалан, Америка қушма штатлари дунёда аҳолисининг ўртача даромади энг юқори бўлган мамлактлардан бири бўлсада (1986 йил оилаларнинг ўртача йиллик даромади 34924 долларни ташкил қилган), лекин шахсий даромаднинг оилалар ўртасида тақсимланишида фарқлар сақланиб қолган. Жумладан 1986 йил АҚШ даги барча оилаларнинг 12 фоизи, ялпи шахсий даромаднинг 2 фоизи яқиндан олган. Ялпи шахсий даромаднинг фақат 6 фоизи йилига 15 минг доллардан кам даромад олувчи 22 фоиз оилаларни ҳиссасига тўғри келган. Йилига 75 минг доллар ва ундан кўп даромад олувчи 7 фоиз оилалар ҳиссаси ялпи шахсий даромадларнинг 21 фоизини ташкил қилган. Бу маълумотлар АҚШдек иқтисодий ривожланган мамлакатда сезиларли даражада эканлигини кўрсатади.

Даромадлар тенгсизлигининг катта фарқлари мавжудлигининг асосий сабаби бозор тизимида асосланган иқтисодиётининг ўз хусусиятларидан келиб чиқади, бизнинг

республикада ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даромадлар тенгсизлиги муаммосини кескинлаштиради. Бу ерда асосий ролни мулкка (уй-жой, ускуна, акция ва бошқалар) эгаллик омили ўйнай бошлайди. Даромадларнинг табақаланиш жараёни етарли даражада тез боради, минимал даражадан бин неча ун баравар юқори даромадга эга бўлган ижтимоий қатлам шаклланади. Даромадларнинг табақаланиши мулккий табақаланишни келтириб чиқаради. Вақт ўтиши билан оилаларнинг тўплаган мол-мулки мерос қолдириши сабабли даромадлар табақаланишининг кучайиши рўй беради, ҳар хил оилалар учун турлича истеъмол муҳит яратилади. ижтимоий тенглик ва даромадлар тақсимоотида адолатликнинг муҳим муаммолари келиб чиқади. Юқоридагилардан ташқари даромадлар тенгсизлигини тақозо қилувчи ўзига хос умумий омиллар ҳам мавжуд. Уларнинг асосийлари қўйидагилар:

1. Кишиларнинг умумий лаёқатидаги фарқлар. Кишилардаги интеллектуал, жисмоний ва эстетик лаёқатлар турлича; айримлар нисбатан юқори ҳақ тўланадиган ишни бажариш учун зарур бўлган ғавқулдда интеллектуал лаёқатни иерос қилиб олган, бошқаларнинг ақлий лаёқати паст ҳақ тўланадиган фаолият тури билан банд бўлишини тақозо қилади ёки улар умуман ишлаб тополмайди. Учинчи гуруҳ кишилар жуда зўр жисмоний лаёқати туфайли юқори ҳақ тўланадиган етук профессионал спортчи бўлиши мумкин, камроқ гуруҳ кишилар ўзларининг эстетик қобилияти туфайли буюк рассом ёки муסיқашунос бўлиши мумкин. Қисқача айтганда, туғма талантлар айрим шахсларга ялпи маҳсулотга ўзларининг ҳиссасини қўшиб шунинг ҳисобига юқори даромад олиш имкониятини беради.

2. Кишилар бир-биридан олган таълим ва малакали тайёргарлиги, демак ўзларининг ишлаб ҳақ топиш имконияти бўйича сезиларли фарқ қилади. Бу фарқ қисман эркин касб танлаш натижаси ҳисобланади. Ўрта мактабни тугатгандан кейин Али ишчи касбини эгаллашга қарор қилади, Вали эса олий ўқув юртига киради. Бошқа томондан бундай танлов ихтиёрий эмас, чунки Алининг оиласи олий ўқув юртида ўқиш учун тўлаш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин.

3. «Малакали диддаги» фарқлар туфайли даромадлар бир хил эмас. Оғир ва зерикарли ишлар, масалан кўмир қазиб олиш

билан шуғулланган кишилар кўплаб соат давомида жуда интенсив ишлайди ва кўп иш ҳақи олади. Айримлар эса ўз даромадларини икки жойда ишлаш ҳисобига кўпайтиради. Одамлар бир-биридан ўзларининг таҳликага тайёрлиги билан ҳам фарқ қилади. Кўплаб тадбиркорлар муваффақиятсизликка дучор бўлсада, унгача кўп бўлмаганлари янги товар ва хизматларни жорий орқали муваффақиятларга эришиб, жуда юқори даромад олиш мумкин.

4. Мулкка эга бўлган ва ундан даромад олувчи кишилар ўртасида бир мунча сезиларли тенгсизликлар мавжуд бўлади. Жуда кўп оилалар ночор аҳволда бўлиб, озроқ ёки умуман мулкка эга бўлмайди, озроқ оилалар кўплаб микдордаги ускуналар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва шу қабиларга эга бўлади. Хусусан мулкдан олинадиган даромад оилаларнинг аҳволини белгилаб беради. Мерос қолдириш ҳуқуқи ва «бойлик бойликни туғдириш» далили мулкка эгалик қилишдаги тенгсизликнинг даромадлар тенгсизлигини оширишдаги ролини кучайтиради.

5. Ишлаб чиқарувчининг ўз мантфаати йўлида бозорда нархларни сунъий урнатиш лаёқати сузсиз даромадлар тенгсизлигини аниқловчи асосий омил ҳисобланади. Айрим касбдаги ходимлар (сартарошларга, космитологларга, такси ҳайдови ва шу қабилар)га малака лицензияларини беришни кўзда тутувчи қонунчилик ҳам лицензия олган кишиларнинг бозорда ҳукмронликни эгаллаш учун асос бўлиши мумкин.

6. Айрим ҳолларда муваффақият ва тасодифий ходисалар ҳам даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқаради. Масалан, юқори даромадлар унумсиз ердан нефть конининг очилиши билан ва шахсий алоқа ёки сиёсий таъсир натижаси бўлиши мумкин. Бошқа томондан сурункали касаллик, бахтсиз ходиса боқувчисини йўқотиш ва ишсизлик каби кўплаб омадсизликлар оиланинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиб нисбатан қашшоқликка олиб келиши мумкин.

Давлатнинг миллий даромадни қайта тақсимлаш вазифасидан асосий мақсад даромадлар тенгсизлигидан фарқларни камайитириш ва жамият барча аъзолари учун анча қулай моддий ҳаёт шароитини таъминлашдан иборат. Бундай мақсадни рўёбга чиқариш шакли бўлиб, маҳсулот (ва хизмат) ларни тақсимлаш,

трансферт туловлар ҳамда даромадларни барқарорлаштириш бўйича давлат дастурлари маблағларининг бир қисми давлат бюджети орқали шаклланади ва марказланган ҳолда фойдаланилади. Маблағларнинг бошқа қисми корхонанинг ўзларининг фойдалари ва фондлари ҳисобига ташкил топади.

Давлатнинг даромад сиёсати тегишли даромадларни табақалашган солиқ солиш йўли билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимлашдан иборат. Бунга миллий даромаднинг маълум қисми юқори даромад олувчи аҳоли қатламидан паст даромад олувчилар кўлига ўтади. Давлат даромадларни қайта тақсимлашда ижтимоий туловлар билан бирга бозор йўли билан ўрнатиладиган нархларни ўзлаштириш (масалан, фермерларга нархларни кафолатлаш) ва иш ҳақининг энг кам даражасини белгилаш усулларида фойдаланади.

Ижтимоий туловлар – кам таъминланганларга пул ёки натурал ёрдам тадбирлари тизими бўлиб, бу уларнинг ҳўжалик ҳаётида қатнашиши билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий тўловларнинг мақсади жамиятдаги муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ички талабни ушлаб туриш ҳисобланади.

Аҳоли реал даромадлари даражасига инфляция сезиларли таъсир кўрсатади. У сабабли даромадларни давлат томонидан самарали тартибга солишнинг муҳим шарт-шароитлари истеъмолчилик товарларига нархнинг ўсишини ҳисобга олиш ва даромадларни индексациялаш, яъни номинал даромадларни нархлар ўсишига боғлиқликда ошириш ҳисобланади.

Шахсий даромадни ҳимоя қилишда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишга аҳоли камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Аҳолининг маълум қисмини ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлганлар таркибига киритиш учун камбағал (қашшоқ)лик даражасини аниқловчи кўрсаткичдан фойдаланилади.

Ижтимоий амалиётда қашшоқликнинг ўзи ҳаёт кечириш минимуми ёрдамида аниқланади. Бу ижтимоий ва физиологик (жисмоний) минимумда ифодаланади. Ижтимоий минимум жисмоний эҳтиёжларни қондиришнинг минимал нормаси (меъёри) билан бирга ижтимоий талабларнинг минимал

ҳаражатларини ҳам ўз ичига олади. Физиологик минимум эса фақат асосий жисмоний эҳтиёжларни қондиришни кўзда тутлади.

Жумладан, Россияда қўлланиладиган физиологик минимумга асос қилиб энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг 19 тури олинади ва у меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркеклар учун зарур истеъмолнинг йиллик нормасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Энг кам истеъмолчилик бюджети эса инсоннинг маъёридаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур ижтимоий минимум воситаларини ўз ичига олади.

Россияда у 200 дан ортиқ товар ва хизматлар, шу жумладан 80 номдаги озиқ-овқат маҳсулотлари асосида тузилган бўлиб, ўз ичига кийим-бош, пойафзал, дори-дармон, уй-рўзғор ва маданий маиший хизматларга, транспортга тўловларни ҳаттоки солиқ тўловлари ва ҳар-хил йиғимларни ҳам ўз ичига олади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳолининг ижтимоий ёрдамига муҳтож қисмини аниқлашда турли хил мезонлар асос қилиб олинади. Улар жумласига даромад даражаси, шахсий мол-мулки миқдори, оилавий аҳволи ва шу қабилар киритилади. Агар оиланинг бу асосий эҳтиёжлари жуда кўплаб бошқа омиллар, яъни оила аъзоларининг сони, таркиби, соғлиғининг ҳолати ва шу қабилар билан ҳам аниқланади. Оиланинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маблағлари жорий даромадлар, транспорт тўловлари, олдин қилинган жамғармалар, мулкдан олинadиган даромад ва шу қабилардан иборат бўлади. Кўпчилик мамлакатларда қашшоқликни аниқлашга оиланинг ҳажми асос қилиб олинади.

Қашшоқликнинг таркиби бир хил эмас, уларни бир мамлакатнинг барча регионларида, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ёшлар ва қариялар ўртасида учратиш мумкинки – бу давлат сиёсатининг мақсадини аниқлашни бир мунча мураккаблаштиради. Қашшоқлик даражаси ёки қашшоқликда яшовчилар сони айрим даврларда пасайса, айрим даврларда ортади. Иқтисодий ривожланишнинг секинлашуви, ишсизликнинг тез ўсиши ва транспорт тўловлари реал даражасининг пасайиши қашшоқлик даражасининг ошишига олиб келади. Иқтисодиётнинг тўлиқ бандлилик томони ҳаракат қилиб бориши билан қашшоқлик даражаси аста-секин тушиб боради. Қашшоқлик даражасини аниқлаш учун

фойдаланиладиган маълумотлар нақд пул билан олинадиган транспорт тўловларини ўз ичига олса ҳам, лекин қашшоқларга кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш хизмати, уй-жой таъминоти, ҳамда озиқ-овқат талонлари каби пулсиз кўрсатиладиган транспорт тўловлари қийматини ўз ичига олмайди. Ҳақиқатда, бу пулсиз кўрсатиладиган транспорт тўловлари ҳам оила учун даромад ҳисобланади, чунки камбағал оилалар эҳтиёжларининг бир қисми улар ҳисобига қондирилади. Пулсиз амалга ошириладиган транспорт тўловларини ҳам ҳисобга олиб, қашшоқлик даражасини аниқласа, бу кўрсаткич анча пасаяди. (шу муқобил ҳисоб бўйича АҚШда қашшоқлик даражаси 1987 йил 8,5 %ни ташкил қилган).

Шу билан бирга жамиятдаги қашшоқликнинг характери ва даражаси ҳақида гувоҳлик берувчи юқоридаги далил ва рақамлар реал ҳолатни тўлиқ характерлаб бераолмайди. Бунинг сабаби шундан иборатки, қашшоқликнинг кўпчилик қисми яширинган, яъни кўзга яққол кўринмайди. Бу учта сабаб қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, қашшоқ категориясини ташкил қилувчи кишиларнинг кўпчилик қисми йилдан-йилга ўзгариб туради. Тадқиқотлар кўрсатишича, қашшоқликда яшовчиларнинг ярми бу категорияга ҳаммаси бўлиб бир-икки йил давомида дучор бўлиб, кейин бу ҳолатдан мувоффақияти чиқиб кетади. Иккинчидан, доимий қашшоқлар катта шаҳарларда анча яширинган ҳолда яшайди. Учинчидан, қашшоқлар сиёсий муносабатларда кўринмайди. Уларнинг асосий массаси касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва жамоат ташкилотларига бирлайшмайди.

Даромадларни ушлаб туришнинг кенг доирадаги давлат дастурлари айрим камчиликлардан холи бўлмаса, улар ўз ичига анча катта ҳажмдаги пул сарфларини ва нафақа олувчиларнинг асосий қисмини қамраб олади. Давлатнинг даромадлар даражасини ушлаб туриш тизими асосан дастурларнинг икки турини ўз ичига олади. Бир томондан, ижтимоий страхование дастурлари, пенсияга чиқиш ва вақтинчалик ишсизлик билан боғлиқ бўлган даромадларнинг йўқотилишини қисман қоплайди. «Ижтимоий таъминот» (қарилик, меҳнат қобилиятини ва боқувчисини йўқотганлик бўйича страхование) ва ишсизлик бўйича нафақалар иш ҳақидан олинадиган солиқлар ҳисобига молиялаштирилади. Бошқа томондан давлатнинг ёрдам

дастурлари ёки хайр-эҳсон дастурларидан, ишлаб ўзи даромад топа олмайдиган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ёки қарамоғида болалари бўлган кишиларга нафақа берилади.

Бу дастурлар умумий солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштирилади ва давлатнинг хайр-эҳсон дастурлари ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан бериладиган ёрдам, уй-жойга бериладиган субсидиялар, минимал иш ҳақи ҳақидаги қонунчилик, фермерларга субсидиялар, фахрийларга нафақалар, хайр-эҳсон жамиятларига хусусий ажратмалар, ишсизлик бўйича қўшимча нафақалар, пенсиялар, пенсиялар ва шу қабилар ҳақида гапирмаганда ҳам даромадлар даражасини ушлаб туриш тизими қашшоқлик даражасини камайтиришга сезиларли ёрдам кўрсатади. Бошқа томондан бу тизим кейинги йилларда кўплаб турли хил танқидий мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

1. Хайр-эҳсон дастурлари сонини мажбурий кўпайтириш жуда катта бошқарув аппаратига боғлиқ бўлган самарасиз маъмурий тизимни вужудга келтиради. Бошқарув сарфлари ва кўплаб дастурлар бутун бюджетнинг анча катта ҳиссасини ташкил қилади.

2. Хайр-эҳсон дастурлари айрим адолатсизликларни келтириб чиқаради, чунки бир хил даражада эҳтиёжи бор кишилар ҳар хил нафақалар олади. Нафақалар ҳажми бир-биридан сезиларли фарқланади. Улар оиланинг қайси вилоят ёки шаҳарда яшашига ва у қайси демографик ва оила категориясига киришга боғлиқ географик фарқ шу сабабли вужудга келадики, айрим дастурлар бўйича нафақалар вилоят ва ҳудудлар бўйича назорат қилинади. Бундан ташқари айрим паст даромад олувчи оилалар эътибордан четда қолиши ёки бунга ҳуқуқи бўлмаган бошқа оилалар эса ундан баҳраманд бўлиши мумкин.

3. Кўплаб даромад даражасини ушлаб туриш дастурлари меҳнатга бўлган қизиқишни сусайтиради. Барча хайр-эҳсон дастурларида иш ҳақи кўпайиб борса, нафақа қисқаради. Бир нечта хайр-эҳсон дастурлари бўйича ёрдамидан фойдаланувчи алоҳида шахс ёки оила, нафақалар ҳажми ва солиқлар тўланадиган кейинги иш ҳақини таққослаб сезиш мумкинки, агар улар ишласа ўзларининг аҳволи мутлоқ ифодада ёмонлашиши мумкин. Бундан ташқари айрим хайр-эҳсон дастурлари

ташаббускорликни суссайтириб ва боқимондаликни рағбатлантирса, айримлари ишловчи ва нафақа олувчилар ўртасидаги ижтимоий адолатсизликни кучайтиради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Ижтимоий сиёсат – бу давлатнинг даромадлар тақсимоотидаги тенгсизликни юмшатишга ва бозор иқтисодиёти қатнашчилари ўратсидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.

Республика бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий сиёсат аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва химоя қилишга қаратилади ҳамда алоҳида йирик йўналишларда амалга оширилади. Бу йўналишлар И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида тўлиқ баён қилиб берилган.

Аҳолини ижтимоий химоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг асосий йўналиш – бу нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш ҳисобланади. Бунда республиканинг ўзига хос ёндашуви ишлаб чиқилиб, даромадлар нисбатини ўзгартириш, иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банклардаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорини бир вақтнинг ўзида қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади. Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йил жорий этилган янги ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий химоялашнинг иккинчи йўналиши – ички истеъмол бозорини химоя қилиш, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўлди. Бунга эришишда муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали назорат қилиш ва юқори бож тўловлари жорий этиш, истеъмол

молларини сотиб олиши учун ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларни меъёрланган тарзда сотишни ташкил қилиш каби тадбирлар катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта жорий этилиши билан озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан вос кечиш ва эркин нархларга ўтиш имконияти яратилади.

Иқтисодий ислохатларнинг илк босқичида ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг учинчи йўналиши – аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказилганлиги бўлди. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари – пенсиялар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар ҳамда қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишилар турли хил йўللар билан ҳимоя қилиб борилди.

Ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш – ижтимоий сиёсатни амалга оширишга, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришга сифат жиҳатдан янги босқич бошланишини билдиради.

Янгиланган ижтимоий сиёсат адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилишга асосланиб, ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усулларини ва пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни тақозо қилади. Бу сиёсат ижтимоий ҳимоя аниқ мақсади ва аҳолининг аниқ табақаларини камраб олишни кўзда тутди. Ёрдам тизими фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан ҳам фойдаланилади.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимида болалар ва кам даромадли оилалар ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар ҳисобланиб, улар учун ҳамма нафақа ва моддий ёрдамлар фақат оила орқали етказиб берилади. Бу тизимда кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам аҳолиси йиғинда тайинланиб ва маҳлла орқали етказилади. Шу мақсадда маҳаллаларда бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлар ҳисобидан махсус жамғармалар ҳосил

қилинади. Фақат 1994 йилнинг IV-чорагида шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 360 млн.сум ажратилди.

Ижтимоий кўмаклашишнинг янги тизимини меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситалар янги тузилмаси пайдо бўлишини ҳам тақозо қилади.

Шундай қилиб, ислохотлар даврида давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш билан бирга, ўз меҳнат фаолияти орқали оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилувчи кишилар учун кенг шароит ва қулай имконият яратишга ҳаракат қилади.

22-мавзу: ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ.

Р е ж а:

1. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши босқичлари ва асосий белгилари.
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти ва турлари.
3. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфраструктураси ривожланиши.
4. Ўзбекистонда очиқ иқтисодиётнинг яратилиши. Республика чет эл капиталининг жалб қилиниши.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. – Мақсадимиз тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик. Т. Ўзбекистон-1995.

2. Каримов И.А. – Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни суқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон-1995.

47. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. – Иқтисодиёт назарияси. Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.

Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

АСОСИЙ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) – алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларининг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуви.

Халқаро иқтисодий интеграция – мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларининг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида уларнинг хўжалик сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёни.

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ БОСҚИЧЛАРИ ВА АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ.

Бозор иқтисодиёти табиатан байналминал ва шу сабабли ҳам миллий доирадан ташқари чиқиб халқаро миқёсда тарқалади. Аммо, бу жараён узок давом этиб, тобора янги ва янги мамлакатларни, фаолият турларини, фирма ва компанияларни ўз дамига тартади, ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларни юзага келтиради. Бозор иқтисодиётининг кўа асрлик тараққиёти натижасида XIX ва XX асрлар бўсағасида капиталистик хўжалик кўринишида бўлган жаҳон хўжалиги вужудга келди. Бир аср давомида у ривожланиб боради.

Жаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва уларнинг амалга ошиб бориш воситаларининг бир бутун яхлитлигидан иборат. Халқаро меҳнат тақсимоти бу хўжаликнинг моддий асосини ташкил этади. Жаҳон хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларининг асрлар давомидаги ривожланиши, миллий, регионал ва умумжаҳон миқёсида меҳнат тақсимотининг узлуксиз чуқурлашиб бориши, турли мамлакатлар миллий ишлаб чиқаришининг яккаланган ҳолатдан чиқиши ва уларнинг аста-

секин давлатлараро хўжалик тизимига кириб боришининг натижасидир.

Меҳнат тақсимоти товар ишлаб чиқаришнинг умумий асоси сифатида бозор муносабатларига олиб келади, уларнинг ривожига эса миллий доирадаги хўжаликларни ва алоҳидалашган ишлаб чиқарувчиларни дастлаб ягона ички бозорга, кейинчалик эса умумжаҳон бозори доирасига тортади. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши мамлакатлар ўртасидаги фан-техника, ишлаб чиқариш, савдо, иқтисодий алоқаларнинг объектив асоси ҳисобланади ва шу туфайли ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви умумжаҳон жараёнига айланади. Хуллас, халқаро меҳнат тақсимоти – бутунжаҳон хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омилидир. Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши, турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида мунтазам алоқаларнинг ўрнатилиши тарихан иқтисодиётнинг миллий алоҳидалашувини жиддий чеклайди. Бутун ер куррасида машиналашган ишлаб чиқариш, энг аввал йирик саноат, алоҳида мамлакатлар хўжалигини бир-бирига боғлаб қўяди.

Хўжалик фаолиятининг байналминаллашуви жаҳоншумул иқтисодий муносабатларни бутун башарият цивилизациясининг яхлит таянчига айлантиради. Жаҳон хўжалиги ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларини англатади, бу алоқалар халқаро миқёсидаги аралаш иқтисодиётига хос алоқалар бўлиб, мазмунан бир тоифадаги муносабатлар эмас, у икки гуруҳ муносабатларининг синтезидан иборат.

Биринчиси – соф бозор муносабатлари. Бу бозорда ташкил топган нарх-наво асосида эквивалент айирбошлаш, ўзаро рақобат, пул билан муомала қилиш, фойда топишга интилиш ва бошқалар. Шундай муносабатлар давлатлараро алоқаларга, фирмаларнинг халқаро фаолиятига ҳам хос. Бу муносабатлар иқтисодий алоқалар тизимида етакчилик қилади, аммо улар танҳо эмас.

Иккинчиси – мунтазам ҳамкорлик ва узаро ёрдам бериш муносабатлари бўлиб, улар эквивалентлик ёки фойда топиш тамойилига асосланмайди. Бу ерда рақобат ўрнига ҳамкорлик, доимий шериклик алоқалари ҳукумронлик қилади ва табиатан ижтимоий, яъни нобозор алоқалари ҳисобланади. Халқаро

муносабатларда улар иккиламчи, ҳали етакчи мавқеига эга бўлмайди.

Халқаро муносабатларнинг табиатини унда иштирок этувчи мамлакатлар миллий доирасидаги муносабатлар белгилайди. Шу боисдан ҳозирги бозор иқтисодиёти аралаш иқтисодиёт бўлар экан, унга хос бўлган икки ёқлама муносабат халқаро доирага ҳам тарқалади.

Жаҳон хўжалиги муносабат тарзида ўз объекти ва субъектига эга. Халқаро миқёсда ресурсларнинг тақсимланишига самарали ишлатилиши, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, унинг кооперацияси, иқтисодий интеграция, савдо-сотик, илмий-техникавий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликка чек қўйиш, экологияга путур етказмайдиган иқтисодий фаолият юритиш кабилар умумжаҳон муносабатларининг объекти бўлса, турли давлатлар халқаро ва миллий фирмалар, байналминал ташкилотлар уларнинг субъекти ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги тараққиётининг ўзига хос бир қатор белгилари уларда маълум қонуниятлар борлигидан дарак беради. Жаҳон хўжалигининг ўзи меҳнат тақсимои маҳсули, лекин бу хўжалик уни тобора чуқурлаштириб ишлаб чиқаришдаги байналминалликни кучайтиради. Бу эса ихтисослашуви асосида харажатларни пасайтириш ва маҳсулотлар, хизматлар сифатини ошириш имконини яратади.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқалар шакллари ўзгариб, унинг кўринишлари кўпайиб боради, иштирокчилар доираси янги мамлакатлар ҳисобидан кенгаяди. Кейинги йилларда бу доирага Марказий Осиёнинг ёш давлатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам кириб келди.

Алоқаларнинг чуқурлашуви халқаро иқтисодий интеграцияни юзага чиқаради ва интеграция уларнинг энг олий шаклига айланади. Мамлакатлараро, минтақалараро интеграцион алоқалар пировард натижада умумжаҳон интеграцияси билан яқунланади.

Жаҳон хўжалиги тараққиётида иқтисодий ва но иқтисодий зуровонлик, тенгсизлик ва эксплуатацияга асосланган адолатсиз алоқаларни цивилизациялашган, яъни тенгликка, барчанинг манфаатини ҳисобга олувчи адолатли алоқаларга айланиши юз беради, агар ёввойи бозор иқтисодиёти биринчи гуруҳ халқаро

алоқалар ҳукмронлик қилган бўлса, цивилизациялашган бозор иқтисодиёти босқичида иккинчи гуруҳ алоқалари етакчи мавқеяда туради.

Жаҳон хўжалиги капиталистик шаклда ривожланган кезларда унга мустамлакачилик муносабатлари хос бўлган. Бундаги иқтисодий алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан бири мустамлакаларнинг капиталистик мамлакатлар (метрополиялар) томонидан эксплуатация қилиниши ҳисобланган. Мустамлакачилик тугатилиши билан жаҳон хўжалигида тенглик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланган алоқалар пайдо бўлади. Жаҳон хўжалигининг субъекти бўлган турли мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан бир-бирига яқинлашуви хўжаликга хос муҳим қонуният ҳисобланади. Аммо бу аҳон миқёсидаги давлатлараро рақобат доирасида боради, кам ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти юксак тараққий этган мамлакатларга айланиши юз беради. XIX аср охирида Англия саноати энг ривожланган мамлакат бўлса, XX асрнинг 70-йилларига келиб АҚШ, Япония, Франция, Германия, Канада ва Италия ҳам ривожланган мамлакатларни ташкил этади, 80-йилларнинг ўрталарига келиб уларнинг сафига Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар деб аталмиш Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Малайзия ва Таиланд келиб қўшилди. Илгари деярли ҳаммаси мустамлака бўлган бу мамлакатлар иқтисодиёти структурасида яқиндагина ривожланаётган мамлакатлар учун хос бўлган қишлоқ хўжалиги ва ундирма саноат устунлик қиларди, жон бошига тўғри келадиган даромадлар жуда паст, ички бозор ривожланмаган эди.

80-йилларнинг охирига келиб вазият кескин ўзгарди, Осиё мамлакатлари жаҳондаги тараққий этган мамлакатларни ривожланиш суръати жиҳатдан қувиб ўта бошлади, 1990 йили ЯММнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Жанубий Кореяда 12,2 %ни, Сингапур ва Таиландда 11 %ни, Малайзияда 8,1%ни ташкил этди. Жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражаси бўйича Сингапур, Гонконг, Тайвань жаҳондаги бой давлатлар қаторига қўшилди.

Бу мамлакатларнинг ташқи савдоси ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда. 1990 йили уларнинг жами экспорти фақат АҚШ, Германия ва Япония экспорти суммасидан кам бўлган.

Турли мамлакатлар иқтисодий даражасининг яқинлашуви ва тенглашуви цивилизациялашган муносабатлар меваси ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига боғлаб қуяди. Шундай вазиятда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ривожланган мамлакатларнинг кам ривожланган мамлакатларга таъсирини кучайтириб, уларнинг ривожига кўмаклашади. Аммо, цивилизациялашган муносабатлар мамлакатлар ўртасидаги тафовутни бирдан бартараф эта олмайди, чунки ўтмишдаги нотекс тараққиёт натижасида бу тафовутларнинг илдизи чуқур бўлади. Шу сабабли цивилизациялашган муносабатларга ўтиш юз берсада, халқаро иқтисодиёт тизимида катта фарқ бўлади.

Жаҳон хўжалигининг яна бир белгиси унинг миллий иқтисодиётга таъсирининг шиддатли бўлиши ва кучайиб боришидир. Миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг таркибий қисмига айланади. Чуқурлашган меҳнат тақсимооти ишлаб чиқаришнинг халқаро миқёсда ихтисослаштиради, натижада ҳатто улкан ва иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бошқалар билан алоқа қилмай туриб, ўз эҳтиёжини қондира олмай қолади, ёки бу иш сер харажат бўлиб боради. Ташқи иқтисодий алоқалар миллий иқтисодиёт раўнақининг шартига айланади. Иқтисодиётнинг байналминаллашуви муқаррар ҳодиса бўлиб, жаҳон хўжалигида хилма-хил алоқаларни юзага келтиради.

Халқаро муносабатларда тенглик ва адолат қоидаларига асосланган ҳамда барча мамлакатларнинг манфаатларини назарда тутувчи алоқалар янги иқтисодий тартибнинг мазмунини ташкил этади.

Янги тартиб таянувчи уч қоида:

1. Жаҳон хўжалигидаги алоқалар тартибланиб туриши зарур ва бу ишни турли давлатлар биргаликда сиёсий йўл билан бажарадилар.
2. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг барча бўғинлари демократияланиши керак. Ҳар бир давлат ўз тизимидан қатъий назар шу муносабатларда иштирок этишга ҳақли.
3. Жаҳон хўжалигида яратилган маҳсулотлар давлатлараро тақсимланганда ривожланаётган ёш мамлакатлар

манфаати ҳам ҳисобга олиниши шарт ва шунинг таъминлайдиган воситалар яратилиши керак.

3. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу мамлакатларнинг чуқур, барқарор ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ва миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик-сиёсий алоқаларининг бирлашиш жараёнлари.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар:

- эркин савдо зоналари. Бу иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб, унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги савдо чеклашлари бекор қилинади. Бунга Европа эркин савдо уюшмаси ва МДХ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро битим мисол бўла олади;

- бож иттифоқи. Иқтисодий интеграциянинг бу шакли эркин савдо зоналарининг фаолият қилиши билан бирга ягона ташқи савдо таърифлари ўрнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсати юритишни тақозо қилади. Европа Иттифоқи (ЕИ) бож иттифоқиға ёрқин мисолдир;

- тўлов иттифоқи. Бу миллий валюталарнинг ўзаро эркин алмашувини ва ҳисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилишини таъминлайди. Европа ҳамжамияти, жанубий-Шарқий Осиё ва МДХ мамлакатлари учун тўлов иттифоқи пировард мақсаддир;

- умумий бозор. Бу иқтисодий интеграциянинг анча мураккаб шакли бўлиб, унинг қатнашчиларига эркин ўзаро савдо ва ягона ташқи савдо таърифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати, ҳамда ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. Бунга яна Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини мисол қилиб келтириш мумкин. Унинг доирасида барча бож тўловлари ва импорт меъёр (квота)лари бекор қилинади, бошқа мамлакатлардан Европа бозорига товарлар киришига бир хил тартиб солинади, пул маблағлари ва

ишчи кучининг чегарадан эркин ўтиши таъминланади ҳамда умумий муаммоларни ҳал этишда ягнона сиёсат ўтказилади;

- иқтисодий валюта иттифоқи давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга уйғунлашади.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёни объектив характердаги бир қатор омиллар тақозо қиладики, уларнинг ичидан қўйидагилар асосий ўринни эгаллайди:

- хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумий жаҳон фан-техника революцияси;
- миллий иқтисодиёт очиқлигининг кучайиши.

Иқтисодий интеграция қатнашувчи мамлакатлар учун бир қатор қулай шарт-шароитлар таъминлайди.

Биринчидан, интеграцион ҳамкорлик хўжалик юритувчи субъектларга бутун регион миқёсида иқтисодий ресурсларнинг барча турлари ва энг янги технологияга эга бўлиши учун кенг йўл очади.

Иккинчидан, мамлакатларнинг минтақавий доирада ўзаро иқтисодий яқинлашуви учун қулай шарт-шароит яратилади, уларни учинчи мамлакат томонидан бўладиган рақобатдан маълум даражада ҳимоя қилади.

Учинчидан, интеграцион ўзаро таъсир унинг қатнашчиларига энг кескин ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш имконини беради.

Минтақавий интеграцион иттифоқларнинг шаклланиши шартномали ҳуқуқий асосга эга. Кўп сонли бундай интеграцион гуруҳлар ичидан Ғарбий Европада 15 давлатни ўз ичига олган Европа иттифоқини, Шимолий Америкада эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка келишувини (АҚШ, Канада ва Мексика), Осиё-Тинч океани минтақасида Тинч океани ҳамжамиятини, Евро-Осиёда МДХни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қиёсий устунлик назарияси. Иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига ўтиш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиши миллий

иқтисодий манфаттларга қандай даражада жавоб беради деган саволни қўяди. Бу саволга жавоб топишга иқтисод фани илгаридан қизиқиб келган. Жумладан, А.Смит халқаро тақсимоти масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсиларини импорт қилиш қулайлиги тўғрисида ўз қарашларини баён қилиш асосида «мутлоқ устунлик» назариясини илгари сурган. Д.Рикардо ўзаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувнинг анча умумий принципларини шакллантириб, «қиёсий устунлик» назариясини ишлаб чиққан. У нафақат миллий хўжаликлар ўртасидаги, балки миллий хўжалик ичидаги минтақалар, корхоналар ўртасидаги ҳар қандай меҳнат тақсимотининг устунликларини асослаб беради. Рикардо «қиёсий устунлик» назариясида бир мамлакат бошқа мамлакатга қараганда барча товарларни анча паст харажатлар билан ишлаб чиқарса ва ҳатто, агар бир мамлакатда қиёсий харажатлар ўртасидаги фарқ бошқа мамлакатга қараганда катта бўлса ҳам айирбошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланишини кўрсатди. Рикардо оддийгина қилиб икки мамлакат (Англия, Португалия) ва икки товар (вино, мовут)ни мисол қилиб олади. У ишлаб чиқариш харажатларини шартли равишда иш вақти билан ҳисоблайди. Рикардонинг мисолида Португалияда ишлаб чиқариш Англияга қараганда анча самарали.

1-жадвал.

Қиёсий ишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулот	Ишлаб чиқариш харажатлари, (иш кун)	
	Португалия	Англия
Вино	8	12
Мовут	9	10

Биз Рикардонинг ишусулидан фойдаланиб мутлоқ эмас, балки нисбий самарани таққослашимиз зарур. Португалияда мовут ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар, вино ишлаб чиқаришга қилинган сарфларнинг 9-8 қисмини ташкил қилади. Англияда эса 10-12, яъни нисбатан кам. Вино билан вазият қарама-қарши. Португалияда вино ишлаб чиқаришга қилинган сарфлар, мовут ишлаб чиқариш учун қилинган сарфлар билан

таққосланганда, Англияга қараганда кам /8/9<12/10/. Демак, Португалия меҳнат сарфларини тежаш нуқтаи назаридан меҳнат ва капитални виночиликда тўплаши ва мовут ишлаб чиқариш уни Англиядан импорт қилиш билан алмаштириши фойдали. Англия учун мовут ишлаб чиқаришга ихтисослашув фойдали, чунки у қиёсий устунликка эга.

Агар мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ бошланса, бунда Англия ишлаб чиқарилган нисбатан арзон мовут, аввало унинг Португалиядаги ишлаб чиқарувчиларини жаҳон бозоридан сиқиб чиқаради. Португалиянинг вино ишлаб чиқаришга, Англиянинг эса мовут ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ҳар икки мамлакатга фойда келтиради. Бундай ихтисослашувдан аҳоли ҳам ютади. Бир хил пул даромади португалияликларга кўпроқ арзон импорт мовут ва англияликларга кўпроқ арзон португалия виносини сотиб олиш имконини беради. Бошқача айтганда, реал иш ҳақи кўпаяди.

Рикардонинг мисолида инфляция ва ишсизлик, меҳнат унумдорлигидаги ўзгаришлар ва экспортли тармоқларга давлат томонидан киритиладиган чеклашлар ҳисобга олинмайди.

Халқаро айирбошлашда давлат томонидан чеклашлар ҳисобга олинадиган самарани яхши тушуниш учун, давлат протекционистик тадбирлар қўллайди деб фараз қиламиз. Айтайлик, португалияликлар маҳаллий тўқимачилик саноати учун божхона ҳимоясини талаб қилади. Бундай ҳимоя тақиқловчи характерга эга бўлмаслиги мумкин, чунки божхона тўловлари, солиқлар ва бошқа тадбирлар ёрдамида англия мовутининг нархи сунъий равишда оширилади. Худди шундай маҳаллий товарлар нархи ҳам кўтарилади. Ҳар иккала мамлакат миллий тармоқлари рентабеллигининг баробарлашуви рўй беради. Уеумдор виночилик тармоғига капитал ва ишчи кучининг тармоқлараро оқиб ўтишига рағбат бўлмайди. Чунки моҳият билан фақат анча қолоқ тармоқни сунъий ушлаб туриш ҳолати рўй беради.

Савдо эркинлигини тўлиқ чекловчи, тақиқловчи тарифлар янада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар давлат ҳимоясида нархларни шундай ошириши мумкинки, натижада тўқимачилик ишлаб чиқариши виночиликка қараганда фойдали бўлиб қолади.

Божхона тарифлари ва квоталарини киритиш аҳолининг реал иш ҳақининг пасайишига олиб келиши ҳам мумкин. Чунки анча юқори нархларга тўқнаш келган истеъмолчилар ўзларининг истеъмолини қисқартиришга мажбур қилади.

Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо муносабатлари ўрнатилганда айирбошлаш қандай нисбатлар асосида рўй беради деган савол туғилади. Рикардонинг халқаро ихтисослашув устунликлари ҳақидаги хулосалари, бу муаммони чуқурроқ тадқиқ қилиш учун бошлангич нуқта бўлади. Жумладан, Дж.Милль ишлаб чиқариш харажатларининг турли нисбатлари ўртасида ўрнатиладиган алмашув мутаносиблиги товарлар бу турларидан ҳар бирига жаҳон таклифи ва талаби ҳажмига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Иқтисодий назарияда халқаро ихтисослашувнинг устунликларини асослаш Рикардонинг классик схема билан чекланмаган. XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини кўплаб иқтисодчилар: жумладан, С.Хекшер, Б.Олин, Дж.Кейсен, В.Леонтев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинди. Халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини янада чуқурроқ тушуниш қиёсий харажатлар таҳлили асосида кўп омилли андоза тузишга олиб келдики, унда товарлар ҳаракати билан бирга ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати имкониятлари ҳисобга олинди. Ўтказилган тадқиқотлар нафақат тармоқлараро, балки тармоқлар ичида ва минтақа ўртасидаги ихтисослашувнинг қонуниятлари, мамлакатнинг метариал капитал, меҳнат ва фан сиғимига товарларга ихтисослашув сабаблари очиқ берилди. Ихтисослашувга фан ва техника тараққиёти ҳамда технологик ўзгаришлар суръати ва характери таъсирининг хусусиятлари аниқланади.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАРИ. ЖАҲОН ИНФРАСТРУКТУРАСИ РИВОЖЛАНИШИ.

Халқаро меҳнат тақсимооти халқаро иқтисодий муносабатлар, яъни турли мамлакатлар иқтисодий гумашталари ўртасидаги хўжалик алоқалари негизида ётади. Халқаро иқтисодий муносабатлар қўйидаги шаклларда намоён бўлади:

- товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
- капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
- ишчи кучининг миграцияси;
- ишлаб чиқаришнинг давлатлараро кооперацияси;
- фан-техника соҳасидаги айирбошлаш;
- валюта-кредит муносабатлари.

Халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши натижасида жаҳон бозори таркиб топади. Жаҳон бозорида товаро ва хизматларнинг халқаро ҳаракати сифатида қараш мумкин. Жаҳон бозори ўзининг ривожланишида бир қатор босқичлардан ўтадики, улардан ҳар бири миллий хўжаликнинг халқаро иқтисодий муносабатларга эга жалб қилинишининг маълум даражаси билан характерланади.

Жаҳон бозори XVI асрда, буюк географик кашфиётлар даврида туғилди. XVI-XVIII асрлардаги жаҳон бозори учун бозор иқтисодиёти таркиб топиши рўй берган Ғарбий Европа мамлакатлари билан ананавий тизим ҳукмрон бўлган бошқа мамлакатлар ўртасидаги ноэквивалент савдо характерли. XVIII аср охирида ва XIX асрда Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги етакчи мамлакатлар йирик саноат ишлаб чиқаришга ўтиши жаҳон бозори ривожини анча юқори босқичга олиб келди.

XIX-XX асрларда жаҳон бозори учун капитал экспорт қилиш ва миллий хўжаликлар ишлаб чиқариш алоқаларининг кучайиши хос бўлди.

Капиталнинг халқаро ҳаракати – бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва фаолият қилиши. У чет элга қўйидаги шаклларда чиқарилади:

-хусусий ёки давлат капитали шаклида; Капиталнинг халқаро ташкилотлар йўли билан ҳаракати кўпинча мустақил шакл сифатида ажратилади;

-пул ва товар шаклида; Жумладан, капитал чиқариш машина ва ускуналар, патентлар, нау-хау ҳамда товар кредитлари шаклида бўлиши мумкин.

-қисқа ва узоқ муддатли кредитлар шаклида;

-ссуда ва тадбиркорлик шаклида. Ссуда шаклидаги капитал қўйилмалар бўйича фоиз, тадбиркорлик шаклидаги капитал эса фойда келтиради. Тадбиркорлик капитали тўғридан-тўғри ва протфелли инвестициялардан иборат бўлади. Тўғридан-тўғри

инвестициялар шу капитал ҳисобига қурилган объект (корхона)лар устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради, протфелли инвестициялар эса бундай ҳуқуқни бермайди. У одатда акция пакетлари, ҳамда облигация ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида берилади.

Ҳозирги даврда капитал чиқаришнинг турли туман шаклларида тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар, халқаро молиявий муассасалар кредитлари, давлат қарзлари алоҳида ўрин тутиб, ривожланиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон жўжалик алоқаларининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолди. Агар XX асрнинг биринчи ярми учун капитал оқимининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланса, охириги ўн йилликлар капиталнинг ривожланган мамлакатлари ўртасида ўзаро оқимининг кучайиши билан характерланади.

Кейинги йилларда капиталнинг халқаро ҳаракати соҳасидаги янги тамойилларга инвестициялар оқимининг ривожланган мамлакатларда ўсиши ва ривожланаётган мамлакатларда нисбатан қисқариши билан бирга, қатор ривожланган мамлакатлар йирик капитал экспортерларидан унинг импортёрларга айланиши, бир қатор ривожланаётган мамлакатлар эса капитал инвесторларига айланиши, чет эл компанияларининг Европа ҳамжамияти мамлакатларидаги фаоллигининг ўсиши, чет эл инвестициялари ҳажмининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларидага ўсиши кабиларни таъкидлаш мумкин. Шу билан бирга капитал экспортни халқаро иқтисодий алоқаларда ускуналарни узоқ муддатли ижарага бериш (лизинг), муҳандислик қурилиш хизмати, технологик, молиявий ва бошқа хизматлар кўрсатиш каби янги шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирги даврда чет элда фаолият қилувчи капитал миқдори жуда катта. 1996 йилда бутун дунёда жамғарилган фақат тўғридан-тўғри инвестициялар 3 трлн. Доллар атрофидаги суммани ташкил қилган. БМТ маълумотлари бўйича чет эл капиталига асосланган корхоналарда 1993 йил 6 трлн. долларлик товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Дунёда 40 минг трансмиллий компаниялар (ТМК) нинг 270 мингдан кўпроқ чет эл филиаллари ҳисобга олинган.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анча мураккаб жиҳатларидан бири ишчи кучининг халқаро миграцияси ҳисобланиб у ўз ифодасини меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишда топади.

Халқаро миграция жараёнини иқтисодий омиллар билан бирга сиёсий, этник, маданий, оилавий ва бошқа характердаги омиллар ҳам тақозо қилади.

Халқаро миграция иккита асосий таркибий қисмни ўз ичига олади: эмиграция ва иммиграция. Эмиграция – мамлакатлардан доимий яшаш жойига чиқиб кетишни, иммиграция – мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишни билдиради.

Халқаро мигрантлар бешта асосий туркумга бўлинади:

- иммигрантлар ва ноиммигрантлар, яъни мамлакатга яширинча қўйилганлар;

- шартнома бўйича ишловчи мигрантлар. Кўпчилик мамлакатлар иқтисодиёти чет эл ишчи кучига боғлиқ бўлади. Шу сабабли бу мамлакатлар ишчи кучи нисбати ортиқ бўлган мамлакатлар билан уларни ёллаш бўйича шартнома тузилади;

- нолегал иммигрантлар. Деярли барча индустриал ривожланган мамлакатлар ўзидан нолегал иммигрантлар эга бўлади;

- бошпана сўровчи шахслар. 80-йиллардан кейин мигрантларнинг бу туркуми мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши ҳамда оғир иқтисодий аҳвол туфайли кескин кўпайди.

- қочоқлар БМТ маълумотлари бўйича 90 йиллар бошларида дунёда 17 млн.дан кўпроқ қочоқлар ҳисобга олинган ҳозирги кундаги қочоқларнинг асосий кўпчилиги уруш қурбонлари ҳисобланади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси бозор иқтисодиётига хос бўлган объектив жараён. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви ўсиши билан халқаро миграциянинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Халқаро миграциянинг асосий оқими кейинги ўн йилликларда АҚШга тўғри келади. 80 йилларда АҚШ аҳолиси ўсишнинг 39 % иммигрантлар ҳиссасига тўғри келган.

Мигрантлар жалб қилинадиган бошқа йирик марказ Ғарбий Европа ҳисобланади. Бу мамлакатларда чет эл ишчи кучининг ўртача йиллик ўсиши 600 минг кишини ташкил қилади. (Оила

аъзолари билан бирга 1,3 млн. кишига яқин). Европада иммиграция миқёси бўйича Германия, Франция ва Англия етакчи ўринда туради.

Фан-техника ютуқлари билан халқаро айирбошлаш ҳар-бир шаклларда амалга оширилади. У илмий-техникавий ахборотлар, мутахассислар, фан соҳаси ходимлари билан айирбошлашни, тадқиқот ва янгиликларни лицензия асосида беришни, илмий тадқиқот ишлари ўтказишни, умумий фан-техника ва технологияни ишлаб чиқариш бўйича қўшма тадбиркорликни ўз ичига олади.

Илмий техникавий ҳамкорликнинг муҳим шаклларида бири инжиринг ҳисобланади. Халқаро инжиринг бир давлат томонидан бошқасига саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш жараёнига керакли ҳисоб китоб лойиҳаларини бериш ҳамда инженерлик қурилиш хизмати курсатишдан иборат бўлади.

Фан-техника соҳасидаги айирбошлашда технологик ҳамкорлик алоҳида ўрин эгаллаб, у энергиянинг анъанавий манбаларига боғлиқликнинг камайишига олиб келди. Бу халқаро товар айланишида аграр хом-ашё товарлари ҳиссасини камайтирди ва ўз навбатида хом-ашё чиқаришга ихтисослашган мамлакатлар иқтисодий аҳволини ёмонлаштирди ва уларнинг валюта даромадларини қисқартирди. Шу билан бирга жаҳон бозорининг угариб боровчи эҳтиёжларига мослашиш зарурлиги, ФТРси ютуқларини жорий қилиш, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига жалб қилиниш технологик ҳамкорликни иқтисодий ривожланишнинг муқобилсиз турига айлантиради.

Жаҳон инфраструктураси. Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати бутун жаҳон инфраструктурасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгшиз, дарё, ҳаво, темир-йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммуникациялар тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфраструктураси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналминаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфраструктуранинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган.

Денгиз кемачилиги қадим замонлардан бери қитъаларни бир-бирига боғлаб келган бўлса, замонавий инфраструктура жаҳон хўжалиги таркиб топган шароитдагина мустақил аҳамиятга эга бўлади. У сўнгги ўн йилликларда, дунё мамлаатларини боғловчи барча бўғинларнинг мустаҳкамланиши асосида яна кўпроқ ўсди.

Ҳозирги жаҳон юк ташиш тизими денгиз, дарё, ҳаво, темир-йўл ва автомобил транспортини ўз ичига олади. Ҳар-бир юк ташиш тури транспорт воситалари учун уларнинг ишлаш шароити – йўллар, портлар, омбор хўжалиги, ҳаракат қоидалари, юк ҳамда пассажирлар ташиш ва шу қабилар учун умумжаҳон ўлчовларига эга бўлади. Мазкур масалаларни келишиб ҳал этишни барча мамлакатларни ўзаро боғловчи жаҳон транспорт йўлларининг ривожланган тизими зарур қилиб қўяди. Жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш учун юк ташишнинг аҳамияти бениҳоят катта. Кейинги йилларда халқаро қувурлар ўтказиш кенг ёйилди: улардан газ, нефть, нефть маҳсулотларини оқизиш учун кенг фойдаланилмоқда. Қувур транспорти Европа, Осиё мамлакатларини, Америка қитъасидаги давлатларни бир-бирига боғламоқда. Фан-техника революцияси тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Техника тараққиёти даражага етдики, радио ва телесигналлар учун, сунъий йўлдошлар ва космик алоқадан кенг фойдаланиш учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Тегишли ахборотни тезда ва ўз вақтида олиш кўп хўжалик тармоқлари учун ниҳоятда муҳим бўлган метериологик вазиятни доимо назорат этиб ва прогноз қилиб туришга имкон беради, иқтисодий тараққиёт билан бевосита боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ҳал қилишни (товар ва валюта бозорларининг аҳволини, йўлда кетаётган юкларнинг қаерга етганлигини ва ҳоказоларни билиб туришни) тезлаштиради.

Ҳозирги даврда биржалар, молия марказлари, йирик саноат ва савдо бирлашмалари мисли кўрилмаган тезлик билан оператив маълумотлар олишга ва уларни ишлаб чиқишга имкон берувчи энг янги техник воситалар билан жиҳозланган. Ривожланган мамлакатларда кенг тармоқли ахборот мажмуаси ташкил топмоқда, унинг таъсири амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига ёйилмоқда. Ахборот алоқа воситаларини бутун жаҳон хўжалигида аҳамияти бекиёсдир.

Ҳозирги шароитда илмий ва тижорат ахбороти айниқса қимматлидир. Шу сабабли турли халқаро даражаларда махсус «маълумотлар банклари» ташкил топмоқда, булар илмий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун зарур ахборотни қидириб топишни анча қисқартиради. Жаҳон инфраструктураси турли зиддиятларни бартараф қилиш орқали ривожланади. Булардан бири – инфраструктуранинг турли элементлари (транспорт, алоқа, ахборот ва ҳоказолар) ичидаги рақобатлашувчи бўғинларнинг зиддиятларидир. Бошқалари – ижтимоий тизимлар ўртасидаги умумий ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар акс эттиради. Бироқ жаҳондаги тамойил шундаки, иқтисодий тараққиётнинг табиий, тарихий жараёни ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада байналминаллашувига тобора кўпроқ кўмаклашади. Бу кучлар ўз навбатида, инфраструктуранинг бутун дунё миқёсида кенгайиши ва мустаҳкамланиши учун моддий негиз бўлади.

Халқаро айирбошлаш товарларда материаллашган шакллардан номатериал алоқаларга тобора кўпроқ ўрин бўшатади, яъни фан-техника ютуқлари, ишлаб чиқариш ва бошқа тажрибаси, хизматнинг бошқа турлари билан айирбошлаш ўсиб боради. Ҳисоб-китобларга кўра ҳозирги кунда хизматлар жаҳон ялпи миллий маҳсулоти (ЯММ)нинг 46 фоизини ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯРАТИЛИШИ. РЕСПУБЛИКАГА ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИНИНГ ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир неча Ун йиллар давомида бўлгани каби ташқи дунёдан ажралиб қолиши ҳолларига барҳам берилганлиги мустақил ташқи иқтисодий йўл шакллантирилиб, амалга оширилганлиги иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг энг муҳим натижаси бўлди

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа

мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида курашга интилаётганлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда.

БМТ нинг иқтисодий муассасалари, жаҳон банки, халқаро Валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади. Кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарни очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

1994 йилнинг июн ойида Ўзбекистон тарифлар ва савдо Бош Битимида кузатувчи мақомини олди.

Битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш III та мамлакат билан савдо-сотиқ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21та мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993-1994 йилларнинг ўзида салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шунини айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа – Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-

шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита қўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташқи иқтисодий лоқа вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил этилди. Хорижий ҳамкорлар иштирокида республикада халқаро савдо-сотиқ маркази тузилмоқда. Биз дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очдик. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида баҳамжиҳатлик асосида савдо-соноат палаталари барпо этилди.

Ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида руйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вакиллик ҳисобини очган.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари бекор қилинди. Ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, қўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса божхона тўловлари олинмайдиган бўлди. Валюта тушумидан солиқ олиш ўрнига унинг 30 фоиздан иборат қисмини Республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди. Корхоналарнинг экспортдан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкониятини

кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотилишдан озод этили.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзида 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналиш бўйлаб: МДХ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валюта ҳисоб-китоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий кооперация алоқалари ўрнатилиши рағбатлантирилди. Жами ташқи савдо обороти 1993 йилги даражага нисбатан 1994 йилда бирмунча ошиб, 5053,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан МДХ мамлакатлари билан савдо 2919,7 миллион доллар ва хорижий мамлакатлар билан савдо 2133,6 миллион долларни ташкил қилди. Жами савдо оборотида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотикнинг улуши анчагина кўпайди. Агар 1992 йилда хорижий мамлакатларга 870 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич 920 миллион АҚШ доллари, 1994 йилда эса 1 млрд.дан зиёд АҚШ доллари миқдorigа етди.

Ҳозир анъанавий шериклар – МДХ мамлакатларидан ташқари экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади.

Биз Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқаларива яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали ҳамият бераяпмиз. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги қардош халқлар муштарак тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш уклади, руҳиёти ва бошқа кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшашлиги билан тўғишганларидек бўлиб кетганлар. Марказий Осиё

давлатларидаги ҳозирги кунги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолар ҳам кўп жиҳатдан бир хилдир.

Мазкур Республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ваулар бир-бирига таъсир етказиб турибди.

Вужудга келган шароитга асосланиб, Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев билан 1994 йил 10 январ Тошкентда бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги ҳўкуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Юқорида қайд этилган шартнома Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучининг ҳаракатланишини, баҳамжиҳат кредит, ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатининг ўтказишни кузда тутди. Бишкекдаги учрашувда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро яқинлашув жараёнлари чуқурлашувида янада катта истиқболлар очди.

Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Алмати шаҳрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларида иборат давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкент минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси муҳтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, биргаликда сармоя сарфланадиган аниқ объектлар белгилаб олинмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан бевоусита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон ҳамдўстлик ғоясини қўллаб қувватлади, унинг муассасалари қаторига кирди, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларни жонбозлик амалга оширмоқда. МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мақеи тобора мустаҳкамланмоқда. МДҲ даги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий савдога эгадир.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДХдаги бошқа давлатлар, аввало Россия билан муносабатлари ўзаро манфаатли сиёсат юргизаётганлигини яққол намоёиш этмоқда, Республиканинг МДХ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, халқларимиз ўртасида вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, маданий, илмий ва инсоний алоқаларни янгича асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёргилигини тасдиқламоқда.

Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.

23-мавзу: ЖАҲОН БОЗОРИ. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ.

Режа.

1. Жаҳон бозори ва Халқаро савдо. Проитекционизм ва эркин савдо.
2. Халқаро валюта тизими.
3. Халқаро кредит. Халқаро молиявий ташкилотлар.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Т.Ўзбекистон. 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995.
- 48.Экономика.8-е изд., пререраб. и дополненное. - /Под ред. А.С. Булатова. –М.: Экономист, 2005. – 224 с.
- 49.Экономическая теория. – Изд. испр. и доп. /Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 322 с.
- 50.Экономическая теория. Под. ред. А.Г.Грязновой, Т.В.Чечеловой – М.: Экзамен, 2004. – 478 с.
- Экономическая теория. Под ред. В.Д.Камаева. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2004. – 265 с.

1. Жаҳон бозори халқаро савдо. Протекционизм ва эркин савдо.

Ҳозирги жаҳон ривожининг характерли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг аввало жаҳон савдосининг тез ўсиши ҳисобланади. Давлатлар аро муносабатлар соҳасида иқтисодий алоқалар турли-туман шакллариининг мустаҳкамланиши ва тез ўсишининг асосий сабаби хўжалик ҳаёти байналминаллашувининг чуқурлашуви ҳисобланади. Фан-техника революцияси, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланишини рағбатлантириб, байналминаллашув жараённинг янада чуқурлашувини тақозо қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган жаҳон савдоси аборооти, экспорт ва импорт каби кўрсаткичлар билан характерланади. Халқаро савдо тўғрисида тўлиқроқ тушунчага эга бўлиш учун, унинг асосий таркибий қисмларини қараб чиқиш лозим .

Экспорт-товарларни чет эллик мижозларга сотиш билан мазкур товар ишлаб чиқарувчи мамлакатдан ташқарига ресурс базасига ва тор ички бозорга эга бўлиб ўзларининг ички истеъмоли учун зарур бўлган барча товарларнинг етарли самарадорлиги билан ишлаб чиқариш ҳолатида бўлмайди. Бундай мамлакатлар учун экспорт керакли товарларни олишнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади. Жуда катта ресурслар базаси ва сиғимли ички бозорга эга бўлган мамлакатлар халқаро савдога кам боғлиқ бўлади.

Хизматлар экспорти, товарлар экспортдан фарқ қилади. Чет эллик истеъмолчиларга хизмат кўрсатиб, чет эл валюталарини олиш билан боғлиқ бўлиб, у миллий чегарада амалга оширилади. Масалан: чет эллик компания вакилларига почта, телеграф хизматларини кўп сотиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати кўрсатиш ва бошқалар. Капитал экспорт қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Капитал экспортни кредит бериш ёки чет эл корхоналари акцияларига мақсадли қўйилмалар каби шаклларда амалга оширилиб, капитал чиқарилган вақт экспорт қилувчи мамлакатда маблағлар оқимини тақозо қилади ва шу орқали унинг тасарруфида бўлган ресурслар ҳажмини қисқартиради. Бошқа томондан, капитал экспорти чет

давлатларнинг мазкур мамлакатдан қарзларини кўпайтиради. У жаҳон бозорига товарларнинг кейинги экспорти учун қулай шароит яратади. Чет эл валютасида фоиз ва дивидент шаклида барқарор даромад олиш омили ҳисобланади.

Импорт-экспортдан фарқ қилиб чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар сотиб олиб уларни мамлакатга келтиришни билдиради). Импорт товар олувчи мамлакат иқтисодиётига, экспортга тескари йўналишда таъсир кўрсатади. Товарларни экспорти ва импорти суммаси ташқи савдо обороти ёки товар оборотини беради. Қандайдир мамлакат ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни ўз истеъмоли учун эмас, балки учунчи мамлакатга қайта сотиш учун олган тақдирда экспорт рўй беради. Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Ҳаракатчанликдаги фарқлар. Таъкидлаш лозимки ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст. Масалан: ишчилар мамлакат ичида вилоятдан-вилоятга, ҳудуддан-ҳудудга эркин ўтиш мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги чегарани кесиб ўтиш бутунлай бошқача. Тил ва маданий тўсиқлар ҳақида гапирганда ҳам иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди. Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди.

2. Халқаро савдо ресурсларининг ҳаракатчанлигини алмаштирувчи сифатида чиқади. Агар инсон ва моддий мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракат қила олмаса, товар ва хизмат ҳаракати бу ўз ўзини самарали тўлдиришга лаёқатли.

3. Сиёсат. Халқаро савдо миллий аралашуви ва назоратга маҳкум бўлиб бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан характери ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади.

Халқаро савдо ёрдамида мамлакатлар ихтисослашувини ривожлантириш, ўзларининг ресурслари унумдорлигини ошириш ва шу орқали ишлаб чиқришнинг умумий ҳажмини кўпайтириш мумкин. Мустақил давлатлар энг юқори нисбий самарадорлиги

билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларга ихтисослашиши ва уларни ўзлари самарали ишлаб чиқарилиши ҳолатида бўлмаган товарларга айирбошлаш ҳисобига ютиш мумкин.

Мамлакатлар нима учун савдо сотиқ қилади? Деган саволни анча чуқур тадқиқ қилиш асосида икки ҳолат ётади. Биринчидан, иқтисодий ресурслар дунё мамлакатлари ўртасида жуда нотекис тақсимланган: мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ресурслари билан таъминланиши бўйича кескин фарқланади.

Иккинчидан ҳар хил товарларни самарали ишлаб чиқариш ҳар хил технология ёки ресурслар уйғунлашувини талаб қилади. Бу икки ҳолатни характерли ва ўзаро таъсирини осон тасвирлаш мумкин. Масалан: Япония кўп ва яхши тайёрланган ишчи кучига эга. Мамлакатда меҳнат ортиқча бўлганлиги сабабли арзон туради. Шу сабабли Япония кўп миқдорда малакали меҳнат талаб қилинадиган турли-туман товарларни самарали ишлаб чиқаришга лаёқатли. Фотокамералар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар ва телевизорлар шундай сиғимли товарларга мисол бўла олади.

Австралия эса аксинча жуда кенг ер майдонларига эга. Шу сабабли буғдой, жун, гўшт каби «ер сиғими» товарларни арзон ишлаб чиқариши мумкин. Саноат жихатидан ривожланган мамлакатлар эса автомобиллар, машина ва ускуналар каби турли-туман капитал сиғимли товарларни ишлаб чиқаришда яхши имкониятларга эга. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки мамлакатда ҳар хил товарларни ишлаб чиқишнинг иқтисодий самарадорлиги вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Ресурсларнинг тақсимланиши ва технологиясидаги силжишлар турли мамлакатларда товарлар ишлаб чиқаришнинг нисбий самарадорлигида силжишларга олиб келиши мумкин. Кисқача айтганда миллий иқтисодий эволюцияси билан иш кучининг миқдори ва сифати капитал ҳажми ва таркибий ўзгариш ва янги технология вужудга келиши мумкин. Ҳатто ер ва табиий ресурслар сифати ва миқёси ўзгаришга учраши мумкин.

Бу ўзгаришлар қандай рўй беришига қараб, мамлакат ишлаб чиқарадиган турли товарларнинг нисбий самарадорлиги ҳам ўзгаради.

Савдо тўсиқлари эркин савдо фойдасига ишончли далиллар бўлишига қарамасдан, амалда эркин савдо йўлида жуда кўп тўсиқлар туради.

Жумладан, пошлина импорт товарларга акциз солиқлар ҳисобланади. Импорт квоталари. Импорт квоталари ёрдамида қандайдир вақт оралиғида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларни максимал ҳажми ўрнатилади. Тарифсиз тўсиқлар. Тарифсиз тўсиқлар дейилганда лицензиялар тизими, оддий маъмурий тақиқлашлар тушунилади.

Протекционистик чеклашда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши қонуний равишда миллий иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланиши учун экспорт ва импортни авлат томонидан тартибга солишнинг тадбирлари ҳақидаги масалани қўйди. Қиёсий харажатлар назарияси нуқтаи назаридан, қандайдир протекционистик тўсиқлар билан чекланмаган эркин савдони амалга ошириш биринчи қарашда анча самарали кўринади.

Эркин савдо тарафдорлари одатда давлат томонидан тартибга солинмайдиган бозор халқаро меҳнат тақсимотини анча самарали вариантини танлаб олишни таъминлашга ва шу асосида қатнашувчи мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини оширишга лаёқатлигини кўрсатади.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ТИЗИМИ.

Халқаро валюта тизими мамлакатлараро барча ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жараёнида шаклланади. Валюта муносабатларни пайдо бўлиши ва ривожланишнинг объектив асосини халқаро меҳнат тақсимоти, товар ишлаб чиқариш, савдо, сармояларнинг халқаро кредит ва инвестициялар шаклида ҳаракатланишини ташкил қилади.

Жаҳон валюта тизими товарлар билан савдо-сотиқ қилиш, хизматлар кўрсатиш, сармояларнинг ҳаракати шаклидаги ташқи иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишга доир давлатлараро битимлар мажмуасидан иборат.

Халқаро товарлар савдо-сотиғига жалб қилинган, ташиш, суғурта ва ҳоказо билан боғлиқ, халқаро кредит берувчи ёки

олувчи хўжалик вакиллари мамлакат ичидаги хўжалик битишувлари учун хос бўлмаган муаммога дуч келади. Бу товарлар ҳамда хизматлар импорти ва экспорти битимлари бўйича халқаро ҳисоб-китоблар шартларини аниқлаш муаммосидир. Бизнинг мамлакатда Президентнинг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида 1994 йил 1 июлдан бошлаб муомалада юрадиган ягона тўлов воситаси сўм ҳисобланади.

Жаҳонда 100 дан ортиқ ҳар хил пул бирликлари мавжуд. Барча миллий пул бирликлари муайян давлатлар ичида товарлар ва хизматларнинг олди-сотдиси, кредит битишувлари бўйича хўжалик келишувларига хизмат кўрсатади. Бироқ, товарлар ва хизматлар сотиб олинадиган ёки пул ва сармоялар оқими давлат чегараларини кесиб ўтадиган халқаро иқтисодий алоқалар жараёнида миллий пул бирлигига тўлов ёки ўтказиш учун зарур валютани сотиб олиш эҳтиёжи туғилди. Шунда хўжалик вакиллари ўзлари учун зарур бўлган валютани тегишли курс бўйича керакли ҳажмда сотиб олишлари мумкин бўлган валюта бозорига мурожаат қилади.

Валютани сотиб олиш ёки сотиш зарар кўриш таваккали билан боғлиқ. Масалан, товарларни чет элга сотиш натижасида экспортчилар чет эл валютасида курадиган фойда халқаро валюта бозорларида ўша валютанинг қадрсизланиши натижасида камайиб кетиши мумкин.

Халқаро валюта тизими ўз тараққиётида бир неча тарихий босқичларни босиб ўтди. Халқаро валюта тизимининг энг биринчи шакли олтин андоза тизими бўлган. У 1870 йилдан 1914 йилгача давом этган. Унинг моҳияти нимадан иборат эди? Мамлакатлар ўртасида халқаро савдо-сотик қизғин ривожланган XVII-XVIII асрларда Ғарбий Европанинг кўпчилик давлатлари пул бирликларини олтинга эркин алмаштириш тажрибасини қўллади.

Ўша даврларда иқтисодиёт фанида меркантилистлар ғояси ҳукмронлик қиларди, бу ғояга кўра миллатнинг бойлиги экспортнинг импортдан устунлик қилиши натижасида мамлакатга олтин ва кумушнинг оқиб кириши

билан боғлиқ. Олтин андоза тизими металл муомаласи даври ёки монометализм даврига хос бўлган.

1867 йилдаги Париж шартномасига мувофиқ, олтин андозанинг асосий аломатлари қўйидагилар деб белгиланган:

- 1. Давлат пул бирлигининг муайян олтин миқдорига тенглигини белгилаб қўйиш ва пулларнинг ёзилган қиймати бўйича олтинга алмаштириш.**
- 2. Давлат томонидан алмаштириладиган қоғоз-кредит пуллари билан олтин захираси ўртасида қатъий паритет (тенглик)нинг қўллаб-қувватланиши.**
- 3. Олтин импорти ва экспортига тусиқларнинг йўқлиги.**

Биринчи аломатга мувофиқ, ҳар қайси валюта ўзининг олтин миқдорига ёки граммлардаги олтин массасига эга бўлган: бунда турли икки мамлакат валюталарининг валюта паритети тегишли валюталарнинг олтин массалари нисбати билан қатъий белгилаб қўйилган. Ташқи савдо алоқаларининг ташкилий ўзаги халқаро меҳнат тақсимооти (бунинг асосий тамойиллари Д.Рикардонинг нисбий устунликлари назариясида ривожлантирилган) бўлганлиги сабабли мамлакатлар орасидаги савдо алмашинуви объектив жараёнларининг таъсири валюта курсларининг бир-бирига нисбатан тебраниб (ўзгариб) туришига олиб келган, натижада валюта бозори иккига расмий ва бозор турларига бўлиниб кетган.

Бу ҳол қандай қилиб юз берди? Олтин нуқталари деб аталадиган тушунча мавжуд бўлган. Олтин нуқталари валюта курсларининг шундай қийматики, шу қийматга етганда савдо-сотиқни амалга ошираётган икки мамлакат ўртасида олтин юра бошлайди. Олтин нуқталарнинг экспорт ва импорт турлари фаркланган. Мамлакатнинг пассив савдо балансида пул бирлиги курси пасайиб, бозор курси билан расмий олтин курси ўртасида тафовутни келтириб чиқарган. Агар тафовут экспорт олтин нуқтасига етса, импортчи учун валюта билан эмас, балки олтин билан ҳисоб-китоб қилиш фойдали бўлган, бу эса олтиннинг мамлакатдан четга чиқиб кетишига (экспортга) олиб келган.

Тўлов балансининг актив ҳолатида ва курс ошганда тескари манзара юз берган, яъни мамлакатга олтин кириб

келган. Агар бозор валюта курси импорт олтин нуқтагача кўтарилса, экспортчилар ўз импортчиларидан етказиб берган товарлар учун ҳақни пул билан эмас, балки олтин билан олган, бу эса импортчиларга экспортчининг мамлакатадаги валютага нисбатан арзон тушган. Бу ҳолда мамлакатга олтин кириб келган (импорт).

Ҳар қайси ҳолатда у ёки бу мамлакатга олтиннинг кириб келиши валютага талаб ва таклифнинг ўзгаришлари келтириб чиқарган тебранишларни «сундирган». Олтин андозанинг иккинчи шарти жуда муҳим роль ўйнаган. Бу шартга кура, олтин андоза тизимининг иштирокчиси бўлган давлат ички муомаладаги пул массаси билан олтин захираси ўртасидаги қатъий нисбатни қўллаб-қувватланиши шарт ҳисобланган. Давлатлар ҳам олтин, қимматли қоғозлар билан таъминланган, ҳам улар билан таъминланмаган банкнот эмиссияси лимитларини белгилаган. Шундай қилиб, пул эмиссияси олтин захиралари билан чекланган. Масалан, Англиядан АҚШга олтиннинг оқиб ўтиши доллар курсининг инглиз фунти учун амалдаги курсининг нисбатан кўтарилиш томонга дастлабки оғиши (яъни, АҚШ долларининг алмашув курсини кўтарилганлиги) туфайли АҚШ олтин захирасини кўпайтирган. Бу ерда анчагина мураккаб сабаб-оқибат жараёни бошланган. АҚШ олтин захирасининг кўпайиши АҚШдан иккинчи шартга мувофиқ муомаладаги доллар банкнотлари тарзидаги пул массасини кўпайтиришни талаб қилган, айти вақтда Англияда олтиннинг камайиши ундан муомаладаги вунт стерлингларни шунга яраша қисқартиришни талаб қилган. Долларларнинг кўпайиши умумий эҳтиёж ва нархлар даражасининг ўсишига, америкаликларнинг иш билан бандлик даражасининг кўтарилишига, улар даромадларининг ошишига, пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига сабаб бўлади. Аксинча, Англиянинг пул муомаласида фунт стерлингларнинг пасайиши тескари жараёнларга – умумий эҳтиёжнинг қисқаришига, нархлар даражасининг пасайишига, ишсизликнинг кўпайишига, англияликлар даромадининг камайишига фоиз ставкасининг ошишига олиб келди. Америкаликлар даромадининг ортиши

Англиядан келтириладиган импорт товарларга талабларини ошириши, АҚШда фоиз ставкасининг пасайиши Англияга инвестицияларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлиши лозим. Бу ҳаммаси охир-оқибатда АҚШнинг валюта захираларини камайтиради ва долларнинг алмашув курсини пасайтирди ва аксинча, инглизлар даромадининг камайиши уларнинг Америка товарлари импортига талабини қисқартириши, Англия фоиз ставкасининг кўтарилиши Америка инвестицияларини жалб қилиши лозим эди. Буларнинг ҳаммасига тенг таъсирли самара, яъни АҚШ доллари ва фунт стерлингларнинг алмашув курси оғишининг янги бир олтин нуқтада муайян мувозанатга келиши бўлди.

Олтин андоза тизими ўз устунликларига эга бўлган. Бу кўйидагилардан иборат: Биринчидан, олтин андоза валюта курсларининг маълум даражада барқарорлигига ва уни олдиндан билиб туриш мумкинлигига кўмаклашди, бу эса халқаро савдо ривожига катта аҳамиятга эга. Иккинчидан, олтин андоза механизми фақат қисқа муддатга вужудга келиши мумкин бўлган тўлов баланси тақчилликлари ва активларини ўз-ўзидан тўғриланишига ёрдам берди. Бундай ўз-ўзидан (автоматик тарзда) тўғриланиш мамлакат ҳукумати томонидан дискрецион макроиқтисодий тадбирлар кўришни талаб қилмади.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, олтин андоза механизми бундай тарзда ишламаган, ҳукуматлар ва Марказий банклар тўлов баланси мувозанати ва валюта паритети (тенглиги) бузилганда тенгишли тадбирларни кўришган. Уларнинг таъкидлашича, олтин андоза устиворлигининг ҳақиқий сабаблари – жаҳон савдосининг сокин ва қулай конъюктураси (ҳолати)га олиб келди.

Бироқ ўзининг қатъий шартлари билан олтин андоза тизими жиддий нуқсонларга ҳам эга. Биринчидан, пул массаси ва олтин захираси орасидаги қатъий нисбат қоидаларига риоя қилиниши натижасида иқтисодий ривожланиш ва иш билан бандликка доир ички масалаларни ҳал этишда ички макроиқтисодий сиёсий воситаларидан фойдаланишини қийинлаштиради. Иккинчидан, олтин паритети ва алмашув курси барқарорлигини сақлаб туриш

учун давлат ихтиёрида олтин ва чет эл валютасидаги актив доимо мавжуд бўлиши лозим эди.

20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида капиталистик мамлакатларни ўз домига тортган буюк депрессия (тушкунлик) олтиндевиз андоза тизимига ўтилишига сабаб бўлди. Депрессия даврида кўпчилик мамлакатлар ўз ички муаммоларини ҳал қилишга интилиб, миллий валюталарини девальвация қилиш (курсини пасайтириш)га мажбур бўлишди.

1944 йилда Бреттон-Вуд конференциясида белгиланган валюта курсларининг анча либерал (эркин) тизими олтин-доллар андозаси тизими сифатида долларнинг халқаро резерв валюта сифатидаги олтинга алмаштирилувчанлигига асосланган эди. Бунда давлатларнинг ички пул тизимлари белгиланган валюта курслари ва валюталарнинг АҚШ доллариға нисбатан эркин айирбошланиш тамойилига мослаб қайта тузилди. Тизим ўз манбалари ва ўша Бреттон-Вуд конференциясида тузилган Халқаро валюта фонди (ХАФ)дан олинган қарз ҳисобидан қилинган валюта босқини (интервенциялари) ёрдамида валюта паритетларини ўзгартирмай сақлашга қаратилган. Бироқ, 1949 йилдаёқ, буюк саноат мамлакатларини АҚШ доллариға нисбатан оммавий девальвациялар оқими камраб олди, натижада бу тизим аста-секин емирилди. 1971-1973 йиллар мобайнида АҚШ жаҳон валюта инқироzi натижасида изчил равишда бир неча доллар девальвациясини ўтказишга мажбур бўлди – олтиннинг расмий нархи 8,6% ошди, долларнинг курси ўртача 10-12% пасайди, валюта курсларининг тебранишлари чегараси 2,25% гача кенгайди, олтиннинг нархи навбатдаги 11,1 %га ошганидан ва доллар девальвациясидан сунг 1973 йил 16 мартдаги Париж шартномаси амалда белгиланган курслар тизимида валюталар курсларининг бир-бириға нисбатан эркин «сўзиш»лариға ўтганлигини билдиради. Ҳозирги кунда фақат бир неча – АҚШ доллари, немис маркаси, фунт стерлинг, япон иенаси ва бошқа баъзи валюталаргина мустақил «сузувчи» валюталар ҳисобланади.

Бреттон-Вуд тизимининг барбод бўлишиға халқаро савдо ҳажми ва миллий иқтисодиётлар интеграциясининг борган

сари ўсиб бориши, Европа бозорларининг ривожланиши, нефть инқирозлари даврининг бошланиши бевосита сабаб бўлди. Олтиндан нарилашишнинг чуқурроқ сабаблари халқаро меҳнат тақсимоти ривожланиши билан алмаштириш суръатларининг жаҳон олтин захирасининг ўсиши суръатларига мос келмаслиги олтин захираларининг давлатлар ўртасида тенг тақсимланмагани, янги саноат мамлакатларининг жадал иқтисодий ривожланиши ҳисобланади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида бошқариладиган валюта курслари деб аташ мумкин бўлган ҳар хил валюта тизимлари мавжуд. Бир томондан тўлов балансининг мусбат ёки манфий сальдоси тарзидаги турғун номутаносиблиги вужудга келмаслиги учун валюта курслари сузиш имконига эга бўлиши лозим, деб ҳисобланади.

Иккинчи томондан – сармояларнинг чайқовчилик оқимлари келтириб чиқарадиган валюта курсининг қисқа муддатли тебранишлари тўлов балансларининг номутаносиблигини вужудга келтиради. Оқибатда мамлакатлар ўртасида шундай келишув пайдо бўлдики, валюта курсининг бундай конъюнктуравий тебранишларини текислаш мақсадида марказий банклар чет эл валютасини валюта бозорларида сотиб олади ва сотади.

Шундай қилиб, валюта тизимларининг ривожланиш тарихи валюталарнинг белгиланган алмашув курсларидан сузувчи алмашув курсларига аста-секин ўтилганлиги тамойилларини кўрсатади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: валюта курси тартибини танлашда, бир томондан тўлов балансининг тақчиллик эҳтимолини бартараф қилиш ва иқтисодиётни халқаро бозорга тез жалб қилиш ўртасидаги оптимал (энг маъқул) баланс, иккинчи томондан ички иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш ва молиявий инвестицияларни жалб қилиш, самарали бандликни сақлаб туриш ва инфляцияга қарши тадбирларни ўтказиш умумий мезон ҳисобланади.

Ташқи ва ички иқтисодий сиёсат мақсадлари ўртасидаги айнан ана шу зиддиятлар қатъий белгиланган валюта

курсларининг «сузувчи» нисбатан эркин тизимга алмашилиши тарихий тамойилини белгилаб келган ва ҳозир ҳам белгиланмоқда. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида белгиланган валюта курси тартиби турли операциялар бўйича унинг тез-тез қайта кўриб чиқилишини (девальвация ва ревальвация), чет эл валютасига ёки бирор-бир валюталар мажмуасига нисбатан тебранишларнинг кичик чегараларини аниқлашни билдиради.

Бундай тартибнинг барқарорлигини сақлаб туриш давлатдан ишлаб чиқариш тизимининг таркибий тузилиш ва циклли ўзгаришларига мослашувчанликни ҳамда валюта босқинини амалга ошириш учун етарли олтин-валюта захиралалари мавжуд бўлишини талаб қилади.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳаларидаги объектив тамойилларга кўра ва ташқи савдо оборотининг ривожланиши мунросаботи билан давлатлар номинал валюта курсининг «таранг боғланган белбоғи»ни борган сари бушата боришга мажбур бўлмоқда. Қисқа муддатли конъюктурада самарали бўлган қатъий белгиланган курс ўзоқ муддатли кўламда ички иқтисодий сиёсат мақсадларини тўлиқ амалга ошира олмайди. Нотекис иқтисодий ривожланиш натижасида савдо алмашувининг мувозанатсизлиги (дисбаланси) туфайли давлатнинг олтин ва чет эл валютаси захиралари аста-секин толиқмоқда. Бу ҳол эса бозор курсларининг расмий курслардан оғишига, маъмурий чоралар қўлланилишига олиб келади, натижада экспорт қисқаради, ички ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, бандлик озаяди, ички нархлар кўтарилиб кетади. Демак, валюта курси қанчалик қатъий бўлса, иқтисодиётнинг ички муаммоларини ҳал қилишга қаратилган макроиқтисодий сиёсатнинг имкониятлари шунчалик чекланиб қолади.

Жаҳон миқёсида ягона тўлов воситаси бўлмаса хўжалик алоқаларини юритиб бўлмайди. Бу вазифани жаҳон пули бажаради. Ҳозир шундай пул тарзида АҚШ доллари қабул қилинган. Миллий валюталар курси бир-бирига ыв АҚШ долларига қиёсланиб уларнинг қиймат нисбати аниқланганда валюта муносаботи пайдо бўлади. Давлатлараро ҳисоб-китоб ягона валютада юритилиши учун

аниқ белгиланган валюта курси талаб қилинади. Валюта курси оздир-кўпдир барқарор бўлиши зарур. Шу боисдан халқаро алоқаларда сузиб юрувчи (тебранувчи) валюта курси маъқул топилган.

Бу маълум чегара доирасидагина ўзгариб турадиган валюту курси бўлиб, уни меъёрий деб аташ мумкин. Мазкур курс унинг қўйи ва юқори чегараси доирасида ўзгариб туради. У кесикн ўзгармаганидан ҳисоб-китоб ишларини ўтказишга хизмат қилади. Барча валюталар курси АҚШ доллари орқали белгиланган. АҚШ доллари ягона тўлов воситаси бўлганидан ҳамма валюталарнинг курси долларда ифодаланади. Ўларнинг ўзаро курси ҳам доллар орқали аниқланади. Ғарбий Европа мамлакатларида умумий ҳисоб-китоб бирлиги сифатида евро пул бирлиги қабул қилинган. Евро доллардан фарқлироқ аниқ ҳамда муомалада юрадиган пул эмас, балки ўзаро ҳисоб-китоб учун қўлланадиган пул бирлигидир. Аммо у доллар каби Европа мамлакатлари учун умумий ҳисоб-китоб воситаси бўлганидан бу ердаги миллий валюталар курсини белгилашга хизмат қилади. Масалан, 1993 йил 26 ноябр куни Европа мамлакатлари ҳамжамияти расмий равишда 1 еврони қўйидаги миқдордаги валюталарга тенг деб эълон қилган эди: 40,73 Бельгия франкига, 1,92 немис маркасига, 0,75 фунт стерлингга, 2,15 гулденга, 7,61 Дания кронасига, 192,56 Италия лирасига, 1,12 АҚШ долларига, 122,09 Япония иенасига, 15320,90 Туркия лирасига.

ХАЛҚАРО КРЕДИТ. ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ
ТАШКИЛОТЛАР.

Халқаро кредит умумжаҳон иқтисодий муносабатларининг махсус шаклини ташкил этади. У дунё миқёсидаги қарз бериш ва уни олиш муносабати бўлиб, унда турли давлатлар, ТМКлар ва халқаро ташкилотлар қатнашади. Халқаро ссуда фонди вақтинча бўш пул маблағлари сифатида йирик банклар ва ТМКлар қўлида, молия компаниялари ихтиёрида тўпланади. Бу фонд харажатларни қоплаш ва капитал қўйиш учун кредит

сифатида ажратилади. Жаҳон бозорининг кенгайиб бориши, капитал экспорти ва импортининг кучайиши, давлатлараро ишлаб чиқариш, кооперация ва интеграцион алоқалар халқаро кредитга талабни оширади, унга умумжаҳон тус бахш этади. Умумжаҳон кредити икки йўналишда боради. Биринчиси, одатдаги кредит бўлиб, у халқаро пул бозоридаги талаб-таклиф таъсири остида бўлади ва бозорда ташкил топган процент асосида берилади. Бундай кредитни банклар, ТМКлар ва молия корпорациялари беради. Иккинчиси, имтиёзли ва текин кредит бўлиб унга мутлақо процент тўланмайди ёки ўта паст процент берилади. Бундай кредитни бой давлатлар, ўта йирик компаниялар ва халқаро ташкилотлар махсус халқаро дастурларни амалга ошириш учун беради. Бундай кредитлар жумласига собиқ социалистик мамлакатларни бозор иқтисодиётига ўтказиш учун халқаро банклар ва Европа банки берадиган кредитлар киради. Масалан, 1993 йили Европа реконструкция ва тараққиёт банки Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб туриш учун 60 млн. доллар кредит очди.имтиёзли кредитнинг икки томони бор. Биринчидан, у пул бозорининг маҳсули, бозор муносабатига алоқаси бор. Иккинчидан, бепул ёки имтиёзли бўлганидан унда нобозор муносабати ҳам мавжуд, уни беришдан мақсад пулдан пул чиқариб олиш эмас. У бозор механизми орқали юз берса-да, маълум даражада инсонийлик ва ёрдам муносабатини билдиради.

Халқаро кредит қарздор муаммосини келтириб чиқаради. Қарздорлик табиий ҳодиса, унинг иқтисодий оқибатини қарз микдорининг ўзи эмас, балки уни ўзиш имкони белгилайди. Ривожланган мамлакатлар ҳам қарздор бўлиб қолади, лекин уларнинг иқтисодиёти учун бу хатарли эмас. Уларнинг олган қарзидан қура берган қарзи кўп бўлади. Масалан, 1985 йили ривожланган мамлакатлар (АҚШ, пония, Буюк Британия, Франция, Италия ва Канада)нинг қарзи 2,2 триллион долларга тенг эди, лекин буни тўлаш имкони ҳам етарли бўлган. Агар Японияни олсак, унинг 1985 йили берган қарзи олган қарзидан 132 млрд.доллар, Буюк Британияники – 114 млрд.доллар, ГФРники 48 млрд.доллар зиёд бўлган. Қарзни тўлай

олмаслик иқтисодиёти заиф ривожланаётган давлатларга хос бўлади. Уларни қўллаш учун қарзнинг бир қисmini ёки бутун қарз суммаси кечиб юборилиши ҳам мумкин, бу ҳам nobозор муносабатга хос ҳодисадир.

Халқаро кредит миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалиги билан боғлаш ҳам ҳисобланади ва умумжаҳон миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг яхлитлигини таъминлайди.

Бутун жаҳон хўжалик ҳаётининг айналминаллашуви давлатлараро хўжалик алоқаларни тартибга солишнинг механизmini яратиш зарурлигига олиб келди. Ҳозирги даврда қандайдир тартибга солувчи тузилма амал қилмайдиган халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасини топиш қийин. Жумладан, молия, валюта ва кредит соҳаларида халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ), халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ-МБРР), жаҳон савдоси соҳасида-тарифлар ва савдо бўйича бож келишув (ТСБК-ГАТТ)ни кўрсатиш мумкин. Аммо, бутун жаҳон хўжалигида иқтисодий алоқаларнинг ривожланган шакли бўлиб, жаҳон бозори чиқади. Ҳозирги шароитда миллий ва жаҳон миқёсида бозор учун тартибсиз ва тартибга солувчи жараёнларнинг қўшилиб кетиши хос.

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш миллий ташкилий шакллардан бошланади. Хўжалик ҳаётининг байналминаллашув жараёни дастлаб миллий давлатлар фаолиятини халқаро уйғунлаштиришга, кейин эса давлатлар ва халқаро ташкилотлар тузилишига олиб келди.

Ҳуқуқий маънода тартибга солиш халқаро тартибларни ўрнатишга, яъни меъёрий нормалар ва қоидаларни аниқловчи келишувларни ишлаб чиқаришни ёки халқаро алоқаларнинг қандайдир соҳасини ҳал қилишда томонларга мажбуриятларга амал қилишни юклайди. Умумқабул килинган стандартлар ва қоидаларни ўз ичига олувчи халқаро тартиблар ўз навбатида миллий тартибга солишга таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчи халқаро ташкилотлар 20-йилларда тузилган бўлсада (Миллатлар лигаси – 1919 й, Халқаро ҳисоб-китоблар банки 1929 й). Ҳозирги даврда амал қилувчи, халқаро даражада жаҳон хўжалик алоқаларини кўп томонлама

тартибга солувчи тизимлар иккинчи жаҳон урушидан кейин шакллана бошлади.

1945 йил махсус халқаро уйғунлаштирувчи муассасалар – Халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ) ва Халқаро таъмирлаш ва ривожлантириш банки (ХТРБ-МБРР) тузилди. Ҳозирги даврда ҳам уларнинг иккаласи муҳим халқаро ташкилот ҳисобланади: жаҳон савдоси, халқаро кредит ва валюта муносабатлари, соҳаларини давлатлараро тартибга солишнинг тартиб-қоидаларини аниқлаб беради. Ўрушдан кейинги даврда тузилган тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ) Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ-ОЕЭС), НАТОнинг иқтисодий масалаларни уйғунлаштирувчи комитети (ИМУК-КОКОМ) халқаро иқтисодий муносабатларни либераллаштириш даврига тўғри келади.

Жаҳон савдосини либераллаштириш кўп томонлама шартнома асосида ҳаракат қилувчи, халқаро савдо тартиб қоидаларини қайд қилувчи халқаро ташкилот (ТСБК-ГАТТ) доирасидаги фаолият билан боғлиқ. Ҳозирги даврда ТСБК жаҳон савдо оборотининг 4/5 қисмидан кўпроғини тартибга солади. ТСБК миллий ва регионал даражада вақти-вақти билан кучайиб борувчи протекционизмга қарши туради, миллий манфаатларни эса келтиришга ёрдам беради. Унинг фаолияти савдо камситмаслик, савдода тарифли ва тарифсиз чеклашларни аниқлашда ўзаро ён бериш, тенг асосда маслаҳатлашиш каби принципларга асосланади. ТСБК фаолиятининг асосий шакли қатнашувчи томонларининг кўп томонлама савдо музокараалдарини ўтказиш ҳисобланади.

Аммо жаҳон савдоси рақобат кураши асосида боради, шу сабабли ўзаро мақбул қарорларни қидириб топишга ва савдони халқаро тартибга олишга кўплаб қийинчиликлар билан эришилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг яна бир аҳамиятга молик соҳаси – бу валюта-молия соҳасидир. Халқаро молиявий муносабатларни уйғунлаштириш ХВФ (МВФ), ХТРБ (МБРР), иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРО-ОЭСР), халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ва

шу кабилар доирасида амалга оширилди. Ғарбдаги етти етакчи мамлакатларнинг ҳар йиллик кенгаши бу соҳада муҳим роль ўйнайди.

Валюта молиявий соҳани халқаро уйғунлаштиришнинг кучайиши кўп жиҳатдан ХВФнинг фаолияти билан боғлиқ. У ўзининг низомига мувофиқ валюта курслари ва аъзо мамлакатлар тўлов балансларини тартибга солади, кўп томонлама тўлов тизимлари ва ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзларини назорат қилади, аъзо мамлакатлар уларнинг валюта молия муаммоларини ҳал қилиш учун кредит берилади.

Ривожланаётган мамлакатларда таркибий қайта қуришларни молиялаштириш билан ХТРБ фаол шуғулланади. ХТРБ ва у билан бирга жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро ривожланиш Уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) ҳар хил инвестицион объектларни ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланади, лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий асосларини тайёрлайди, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий қайта ўзгартиришга ёрдам беради.

Давлатлараро ташкилотлар ичида барча саноато жиҳатдан ривожланган мамлакатларни бирлаштирувчи ИХРТ муҳим роль ўйнайди. Унинг доирасида ички иқтисодий тадбирларнинг бошқа мамлакатлар миллий иқтисоди самарадорлигига таъсирини, уларнинг тўлов баланси ҳолатини ўрганиш амалга оширилади, миллий иқтисоднинг жаҳон ҳўжалиги тамойиллари тез мослашишини таъминлаш мақсадида макроиқтисодий тартибга солиш бўйича тавсияномалар берилади. ИХРТ жаҳон ҳўжалиги доирасида кўп омилли функционал алоқаларни ўрганишни амалга оширади, валюта ва бюджет сиёсати, нархлар, савдо ва бошқа соҳалар бўйича илмий асосланган иқтисодий прогнозлар тавсия этади.

Шарқий-Европа минтақасида таркибий қайта қуришга молиявий таъсир қурсатиш ва ёрдам ташкил қилиш мақсадида 1991 йил Европа тиклаш ва ривожланиш банки (ТРЕВБ-ЕВВРР) тузилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодий муносабатларини халқаро тартибга солиш тизимида доимий ўзгаришлар рўй бериб туради.

80 йилларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар тақозо қилган дунё сиёсий вазиятдаги ўзгаришлар, жаҳон хўжалик алоқалари тизимини кўп томонлама тартибга солиш шакллари эволюциясига олиб келди. Эволюцияни тезлаштирувчи шароитлар ичида собиқ социалистик мамлакатларда вазиятнинг ўзгариши, ташқи сиёсий фаолиятида мустақил субъектларни ташкил қилувчи давлатларсонининг кўпайиши ҳамда дунё мамлакатлари ичида рўй берадиган ўзгаришлар муҳим ўрин тутди.

80 йилларнинг ўрталарида АҚШнинг иқтисодий мавқеи камайди. Япония капитал экспорт қилишда, ГФР товарларнинг жаҳон экспортида биринчи ўринга чиқиб олди. Дунёда АҚШ, Ғарбий Европа ва Япониядан иборат анча қудратли рақобатлашув марказ вужудга келди ва улар ўртасидаги муносабатлар қаттиқ рақобат асосида амалга оширилади.

Жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солишга олиб келган ўзгаришларга халқаро ташкилотлар аъзолар таркибидаги ўзгаришларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин. ХВФ, ХТРБ, ТСБКга Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги озод бўлган мамлакатлар ва кейинги қатор собиқ социалистик мамлакатлар фаол кира бошладик, бу ҳам жаҳон хўжалиги алоқаларини тартибга солишда маълум ўзгаришларга олиб келади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ягона бозорни банёд этишга ҳаракат туфайли ягона умумевропа фуқаролиги, иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқ таъсис этилади. Бу Иттифоқнинг Шартномада белгиланган вазифаларини бажариш учун бир қатор Европа муассасалари тузилди.

Европа Иттифоқининг ижроия органи:

- Европа ҳамжамияти Комиссияси (ЕХК)дир. Унинг аъзолари миллий ҳукуматлар тайинлайди, лекин улар ўз фаолиятларида мутлақо мустақилдир.**

Иттифоқнинг қарорлар қабул қилиш органи:

- **Вазирлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибида ички ишлар, молия, таъмин, қишлоқ хўжалиги каби Вазирлар Кенгаши мажуд бўлади.**

Европа ҳамжамияти Комиссияси фаолиятини назорат қилиш, ҳамжамияти бюджети ва қонунларини маъқуллаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи Европарламент зиммасига юклатилади.

Европа Иттифоқи 1999 йилдан бошлаб ягона пул-кредит сиёсати ўтказила бошлайди. Шу муносабат билан ягона валюта евро жорий этилади ва янги муассаса – Европа Марказий банки тузилиб, у миллий банклар билан бирга Европа банклар тизимининг асосини ташкил қилади.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши _____ 3

Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари. Ялпи миллий маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари. _____ 4-9

Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар _____ 10-16

Иқтисодий ўсиш ва миллий бойликнинг кўпайиши миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожининг натижасидир. _____ 17-24

Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий барқарорлик. _____ 25-34

Молия тизими ва молиявий сиёсат. _____ 35-42

Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли. _____ 43-53

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш. Давлатнинг иқтисодий роли. _____ 54-62

Аҳоли даромадлари ва давлатнинг ижтимоий сиёсати. _____
63-73

Жаҳон хўжалиги ва унинг ривожланиш қонуниятлари. _____
74-89

Жаҳон бозори. Халқаро валюта ва кредит
муносабатлари. _____
90-102

Мундарижа _____
103